

# Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадний, ижтимоий-публицистик журнал



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
ҮЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 2/213

2015 йил, февраль

**Бош муҳаррир:**  
*Шухрат РИЗАЕВ*

**Жамоатчилик кенгаши:**

*Эркин ВОҲИДОВ*  
*Абдулла ОРИПОВ*  
*Омонулла ЮНУСОВ*  
*Муҳаммад АЛИ*  
*Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ*  
*Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ*  
*Иброҳим ҒАФУРОВ*  
*Низом КОМИЛОВ*  
*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ*  
*Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ*  
*Хурийд ДЎСТМУҲАММАД*

**Таҳрир ҳайъати:**

*Амир ФАЙЗУЛЛА*  
*Назира ЖЎРАЕВА*  
*Омонулла РИЗАЕВ*  
*Отабек САФАРОВ*  
*Дилдорхон АЛИЕВА*  
*Алимурод ТОЖИЕВ*  
*Фозил ЖАББОРОВ*  
*Алишер ОТАБОВЕВ*  
*Севара АЛИЖОНОВА*

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

**Алишер НАВОИЙ.** “Фарҳод ва Ширин” достонидан. .... 3

### НАСР

**ГУЛБАДАНБЕГИМ.** Хумоюннома. (*Форс тилидан А.Қуронбеков тарж.*) .....8

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

**Ч.ДИККЕНС.** Катта умидлар. *Романдан нарча. (Инглиз ва рус тилларидан Ш.Миноваров тарж.)*.....23

### ИЛК УЧРАШУВ

**К.ЧИННАППА БҲАРАТИ.** Павлайи. *Роман. (Тамил тилидан М.Муртазохўжаева тарж.)*. ....51

### ДРАМАТУРГИЯ

**А.БАРИККО.** 1900. *Монолог. (Рус тилидан Э.Вали тарж.)*. ....100

### ГЛОБУС ЭРОН

Қайта кўз очган булок. ....153  
Эрон шеърляти. ....166  
Эрон насри. ....178  
Унутилмас сиймолар. ....198

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

**Миркарим ОСИМ.** .....110

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

**Б.ҚОСИМОВ.** Ғазалнавислик сирлари. ....121  
**С.ОЛИМ.** Ийҳомангиз санъатлар. ....132  
**А.ҚУРБОНОВ.** Кўнгил кўзгуси. ....142

### ЭССЕ

**Ш.НАЗАРОВА.** Пастернак йўли.....151

### МАКТУБЛАР

**О.ОТАХОН.** Ёнаётган шамлар зиёси. ....94  
Муковамизда. ....203  
Таквим. ....204



## “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДАН

### III

*Муножот инсоннинг адам ниҳонхонасидин вужуд кошонасига келмак-да адами ихтиёридин нишона демак ва вужуд шохроҳидин адам хобгоҳига бормоқда вужуд изтироридин фасона айтмоқ ва гуноҳ қилурда беғуноҳлигин девонавор даъво қилмоқ ва девона занжиридин соғингондек бу девоналиг дафъин шаръ силсиласи била рафъи қўлли қилиб жунун узри учун аҳли ҳуш силсиласига тортилмоқ.*

*Илоҳий, андаким йўқ эрди будум,  
Адам уйқусида эрди вужудум.*

*Бу йўқларга йўқ эрди расму рое,  
Не имкон худким ўлгай муддаое.*

*Не руҳум гулшанидин дард пайдо,  
Не жисмим туфроғидин гард пайдо.*

*Борисин бир-бирига банд қилдинг,  
Ўқуш ҳикмат била пайванд қилдинг.*

*Вужудимда аносир банд топмай,  
Таним ичра сўнғак пайванд топмай.*

*Ўзунг сурдунг рақам топқоч бу нома,  
Шақий ёхуд саид эрконга хома.*

*Ўтумда йўқ тириклик меҳри тоби,  
Суюм йўқлук биёбони сароби.*

*Насиб эттинг ани қилгонда жонлиқ,  
Туман минг ажз бирла нотапонлиқ.*

*Бўлунмай туфроғим гарди фанодин,  
Насиме йўқ вужудумда ҳаводин.*

*Раҳм ичра гизо ҳам улки маълум,  
Ҳавоий дилқушо ҳам улки маълум.*

*Не тан, не танда бош, не бош аро кўз,  
Не юз, не юзда лаб, не лаб аро сўз.*

*Бу зиндондинки жисмин ранжа айлаб,  
Чиқординг юз туман шиканжа айлаб.*

*Не жону анда не юз дарди жонсўз,  
Не кўнгул, не анга минг неши дилдўз.*

*Қилиб ҳиссу қуводин они маъюс,  
Ҳам эттинг маҳд зиндонида маҳбус.*

*Нечукким йўқ кўнгул йўқ гамдин озод,  
Бўлуб йўқ жон доғи йўқ қайғудин шод.*

*Этиб беши-олти қатра сутга муҳтож,  
Ул ўлса тўқ, агар ул бўлмаса оч.*

*Вужуд ичра йўқ олойиш аларга,  
Адам кунжида осойиш аларга.*

*Оч ўлса йўқ тили истарга маъқул,  
Бўлуб ўз ҳолига йиғларга машғул.*

*Борин ул уйқудин уйғоттинг охир,  
Йиғибон бир-бирига қоттинг охир.*

*Тўқ ўлгач дафъига йўқ ақли ёри,  
Не ул қувватки бўлгай ихтиёри.*

Иши Мажнун киби банд ичра топок,  
Агар доя юмай жисмини – нопок.

Не манъи нола завгосига онинг,  
Не сатри аврат аъзосига онинг.

Неча йил ранжу меҳнат сондин ортуқ,  
Не дейким, ҳар не десам ондин ортуқ.

Бу санъатлар қилиб оламга соттинг  
Ким, они одами хайлига қоттинг.

Бу ерга тегруким бўлди шумори,  
Анга йўқ эрди ҳеч иш ихтиёри.

Бу ҳолат ичра тутмай они маъзур,  
Яна қилдинг неча амрингга маъмур.

Бу ишдур турфақим эгрию гар рост,  
Қўя олмас қадам бўлмай санга хост,

Ки гар эгрию гар рост килки тақдир,  
Азалда айламиш олига таҳрир.

Санга ул котиб илгида қаламдек,  
Қалам нўғи аро балким рақамдек.

Рақам чекмакка котиб йўнса хома,  
Ҷиул дамким қилур таҳрири нома.

Шуури борму илгида қаламнинг,  
Ва ё ул хома нўғида рақамнинг.

Гар ул таҳрир хатдур, гар нуқатдур,  
Билур котибки туздур ё ғалатдур.

Шуури йўқлуги басдур гувоҳи,  
Ки бу ишда қаламнинг йўқ гуноҳи.

Анга бас йўқ эди бу бенаволиг,  
Қаламдек сарнигунлуқ юз қаролиг,

Ки ҳар қилгонга хужжат ҳам тутарсен,  
Бу хужжат ичра диққат ҳам тутарсен.

Берурсен гоҳ анга дўзах била бим,  
Қилурсен гоҳ жисмин ўтқа таслим.

Бу сўзни тутмасанг, ё Раб, мусаллам,  
Яна бор турфароқ мундин сўзум ҳам.

Азал субҳида малҳузунгни келтур!  
Арога "Лавҳи маҳфуз"унгни келтур!

Не қилгон иш гар эрмас анда мактуб,  
Неким қилсанг эрур адлингга маҳсуб.

Ва гар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,  
Азал тақсимидин бўлди муқаррар.

Не дерсен бас бу жамъи бенавога!  
Гуноҳе қилмайин қолгон балога!

Навоий, хомадек тортиб узун тил,  
Не дерсен, охир ўз ҳаддингни билгил!

Даме йўқ ёва айтурдин қароринг,  
Жунун илгингдин олмиш ихтиёринг.

Жунун занжирига побаст сенму?  
Агар мажнун эмассен, маст сенму?

Неча девоналиг Фарҳод янглиг,  
Чекиб тил тешаи нўлод янглиг.

Қаро тилни демакдин бир замон чек,  
Десангким бормагай бошинг қаламтек.

Қалам сурма бу навъ афсоналарга,  
Агарчи йўқ қалам девоналарга.

Жунундин сўзга бир дам бўлмай огоҳ,  
Гар ортуқ сўз дедим: астағфируллоҳ.

Илоҳий, боқмагил мажнунлугумга,  
Карамдин чора қил маҳзунлугумга.

Юзум саргортибон номам қароси,  
Қарортиб номани хомам қароси.

Иноят айнидин хомам сари боқ,  
Қизил айла юзум, номамни ҳам оқ.

Юзум лутфунг суйидин тоза қилгил,  
Сўзум кўсин баланд овоза қилгил.

Майи нутқум тарабхез айла, ё Раб,  
Найи килким шакаррез айла, ё Раб.

Кетур илгимга доғи жоми тавфиқ,  
Етур кўнглумга доғи роҳи таҳқиқ.

Сўзум роҳин қилиб равиан сафодин,  
Шафоат жоми еткур Мустафодин.

## Достоннинг русча насрий таржимаси

### III

*Мунаджат (обращение к богу, мольба) Сказать несколько слов о том, что человек неволен в своем приходе из тайного дома небытия во дворец бытия и повествование о существовании безысходности в его ходе по широкой дороге бытия к опочивальне небытия. Утверждать, как безумец, мысль о его невиновности в своих грехах и наподобие того, что безумец тоскует по цепи, цепью религиозных предписаний обуздать это безумие и, извиняясь за свое безумство, присоединяться к цепи (к числу) разумных.*

*О боже! В то время, когда не было моего существа,  
Мое существо находилось во сне небытия.*

*Ни боль не исходила из цветника моей души,  
Ни пыль не поднялась из земли моего тела.*

*Когда еще не были связаны четыре элемента<sup>1</sup> в моём существе,  
Еще не соединились кости моего тела.*

*В моем огне не было тепла жизни,  
Моя вода была как мираж в пустыне небытия.*

*Моя глина еще не отделилась от пыли небытия,  
В моём существе не было ветерка желаний.*

*Ни тела, ни голова на теле, ни глаза на голове,  
Ни лицо, ни губы на нем, ни слова на губах.*

*Ни душа, ни сто смертельных болей в ней,  
Ни сердце, ни тысячи шипов вонзившихся в него.*

*Наподобие того, как несуществующее сердце  
свободно от несуществующей печали,  
Душа тоже рада от не существующего горя.*

*В мире бытия нет беспокойства им,  
В углу небытия спокойствие им.*

*Всех их ты разбудил от этого сна, наконец,  
Собрал и соединил друг с другом, наконец.*

*Для этих несуществующих не было правил,  
Не было возможности, чтобы они имели свою цель.*

*Всех их ты прикрепил друг другу,  
Соединил их с мудростью, достойной хвалы.*

*Когда это письмо было написано, то ты  
Своим карандашом определил, кто счастливый, кто несчастный,*

*Когда ты давал им душу, то наделил их,  
Десятками миллионов слабостей и бессилия.*

*Дал и пищу в утробе, что известно,  
И воздух благостный, что известно.*

*Из этой темницы, измучив его тело,  
Извел ты его миллионами пытками.*

<sup>1</sup> Огонь, вода, земля, воздух.

*Лишив его силы и чувств,  
Заклучил в темнице колыбели.*

*Сделал его нуждающимся – пять-шесть капель молока,  
Если оно есть – он сыт, если нет – то голодный.*

*Если голодный, то у него нет языка, чтобы попросить пищу,  
И он занимается тем, что плачет над своим положением.*

*Если он сыт, нет у него ума, чтобы отказаться от пищи,  
Он не имеет силы, чтобы иметь свою волю.*

*Его дело барахтаться, как Междунун, связанный,  
Если няня не умоет его тело, то оно грязно.*

*Нет запрещенья на его крики и плачи,  
Нет надобности скрывать членов его тела.*

*Сколько лет бесчисленных трудов и мучений,  
Как сказать это? Что ни скажи, они больше сказанного.*

*Так украсив его, ты продал миру,  
Присоединил его к роду человеческого.*

*Ни в чем он не был волен,  
Как это было сказано выше.*

*Не смотря на это, ты не считал его положение простительным,  
Возложил на него ещё несколько обязанностей.*

*Это удивительно, правильно или неправильно,  
Он не мог ступить ни шагу без твоей воли.*

*Ибо будь-то правильно или неправильно,  
Написано на лбу его пером предопределения.*

*Он для тебя как калам в руке писца,  
Или как начертание, сделанное острием пера.*

*Если писец хочет писать и открывает калам,  
И в тот миг, когда он пишет письмо,*

*Разве калам в его руке или то начертание,  
Что написано острием пера, имеют сознание?*

*Независимо от того, что это письмо или точки,  
Только писец знает, правильно ли оно или ошибочно.*

*То, что у него нет сознания и разума, свидетельствует о том,  
Что, у калама нет никакой вины в этом.*

*Разве ему (человеку) не достаточно этого несчастья,  
Голова его как у калама спущена, лицо чёрное.*

*Ты еще любому его поступку требуешь обоснования,  
И тщательно проверяешь его доводы.*

*Ты то пугаешь его адом,  
То его тело предаёшь огню.*

*Если ты, о боже! Не признаёшь правильность этих слов,  
То у меня есть слова еще чудесней.*

Принеси сюда свои доводы, высказанные  
 на рассвете предвечности,  
 Принеси и поставь Скрижаль, хранимый тобой<sup>1</sup>  
 Если не все, что делал человек, там не написано,  
 Что бы ты ни сделал – полагаюсь на твою справедливость.  
 Но если на Скрижали написано то,  
 Что предопределено судьбой и неизбежно,  
 Что ты хочешь от этих несчастных?  
 Не совершивших греха, без вины виноватых?  
 Навои, ты не делай свой язык как калам длинным,  
 Что ты говоришь? Знай ты границу, наконец.  
 Ни на миг не остановишь свой вздор,  
 Безумие лишило тебя воли.  
 Цепью безумства ли ты окован?  
 Если ты безумец, то ли пьян?  
 Сколько будешь безумствовать как Фархад,  
 Сделав язык свой киркой из стали.  
 Чёрный (злой) язык свой придержи на миг,  
 Если хочешь не лишиться головы как калам.  
 Не пиши каламом своим такие сказки,  
 Хотя безумцы не подлежат наказанию.  
 Из-за безумия я не знал, что говорил,  
 Если сказал что-то лишнее, прости.  
 О боже, не обращай внимание на мое безумие,  
 Великодушием своим исцели мою печаль.  
 Из-за черноты моего письма<sup>2</sup> лицо мое пожелтело,  
 Чернила сделали чёрным моё письмо.  
 Глазами милости взгляни на мое перо,  
 Лицо мое сделай красным, а письмо белым<sup>3</sup>.  
 Водой милости вымой мое лицо,  
 Сделай громким бой барабана моих слов.  
 Вина моей речи сделай дающим радость,  
 Тростник моего пера сделай рассыпающим сахар.  
 В мои руки дай чашу смирения,  
 Сердцу моему укажи путь знаний.  
 От чистоты сделай ярким путь моих слов,  
 Принеси чашу заступничества от Избранного<sup>4</sup>.

Қодиржон ЭРҒАШЕВ тайёрлади

<sup>1</sup> В оригинале «Лавх ул-махфуз».

<sup>2</sup> По верованию мусульман в Судный день каждому человеку вручается письмо. Грешники получают черное письмо, а те, кто не совершил грехов, – белое. «Из-за черноты моего письма» значит из-за грехов.

<sup>3</sup> То есть прости мои грехи.

<sup>4</sup> Избранный (Мустафа) – эпитет пророка Мухаммеда.



## ГУЛБАДАНБЕГИМ (1522–1603)

### ҲУМОЮННОМА

“Ҳумоюннома” Акбаршоҳ замонида Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Асар ўз моҳиятига кўра, тарихчилар ва темурийлар сулоласининг тақдири билан қизиқувчилар учун ўта муҳим ва қимматли манба бўлиб, Гулбаданбегимнинг айтишига кўра, бу китобни у ўзининг шахсий кузатувлари ва атрофидагиларнинг кўрган-билганлари асосида ёзиб қолдирган. “Ҳумоюннома” 1998 йили тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси С.Азимжонова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Қўлингиздаги янги таржимада аввалги нашрдан фарқли кўпгина нуқсонлар тузатилиб, ноаниқ жойлари аниқланиб, тўлдирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

#### Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм

Ул фирдавсмакон ва жаннатозиён [Бобур] воқеаларидан нимани билсангиз ёзингиз, деган буйруқ бўлганди. Ҳазрати фирдавсмакон фоний дунёдан боқий дунёга йўл олганларида, бу ҳақир [Гулбаданбегим] саккиз ёшда эди, шу сабабли бўлиб ўтган воқеаларнинг камроқ қисми хотирамда қолган эди. Подшоҳнинг амрига биноан, нимаики эшитган ва хотирамда қолган бўлса, қоғозга туширдим.

Бу китобчанинг бошида ҳазрати подшоҳ отамнинг бошдан кечирганлари ёзилади. Гарчи бу сўзлар ҳазрати подшоҳ отамнинг “Воқеий қисса”<sup>1</sup>сида битилган бўлса ҳам уларнинг табарруқ, саодатли ёдларига ҳурмат-иззат нозасидан [унинг бошдан кечирганлари] ёзилади.

Ҳазрати Соҳибқирон [Амир Темур] замонидан ҳазрати фирдавсмакон [Бобур] замонигача ўтмиш подшоҳлардан ҳеч ким уларга тенг келадиган юриш қилмаган. [Бобур] ўн икки ёшлигида подшоҳ бўлдилар. 909 х. (1494 йил 22 февраль) санаси рамазон ул-муборак ойининг бешинчисида Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон ўлкасида хутба ўқилди. Мукамал ўн беш йил муддатда Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатойлар, темурийлар ва ўзбекилар<sup>2</sup> султонлари билан жанг ва юришлар қилдилар. Уларнинг саногини шарҳлашга қаламнинг тили ожиз ва нотавондир. Жаҳонгирлик бобида бизнинг ҳазратимиз [Бобур] дуч келган қийинчилик ва машаққатларга кам киши дуч келган. Жанглар ва хавф-хатарлар пайтида ул ҳазрат кўрсатган довбюраклик ва мардлик ва сабр-тоқат камдан-кам подшоҳда учрайди.

<sup>1</sup> “Воқеий қисса” деб, аслида “Бобурнома” назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекилар – Шайбоний султонлар маъносида.



[Бобур] икки марта қилич зарби билан Самарқандни фатҳ қилдилар. Биринчи мартаба ҳазрати подшоҳ отам ўн икки ёшда эдилар ва иккинчи мартасида ўн тўққиз ёшда эдилар ва учинчи мартасида йигирма икки ёшда эдилар – олти ой қамалга тушдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародай амакилари Хуросонда бўла туриб, уларга ёрдам юбормадилар. Кошғардаги Султон Маҳмудхон уларнинг тоғалари эди – улар ҳам ёрдам юбормадилар. Ҳеч қаердан мадад ва кўмак етмагач, умидсизликка тушдилар.

Шундай бир пайтда Шоҳибекхон [Шайбонийхон] агар опангиз Хонзодабегимни бизга узатсангиз, биз ва сизнинг орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади, деб айтиб юбордилар.

Охири зарурат юзасидан Хонзодабегимни мазкур хонга узатиб, ўзлари ташлаб чиқдилар.

Икки юз киши пиёда [аскар] билан, елкаларида чопон, оёқларида чорук, кўлларида таёқ – шу алфозда яроқсиз, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳуға таваккал қилиб, Бадахшонот ва Кобулга юзландилар.

Қундуз ва Бадахшонотда Хўшрувшоҳ [Хусравшоҳ]нинг лашкари ва одамлари бор эди. Ҳазрати подшоҳ отамизнинг ҳузурларига келиб мулозамат кўрсатдилар. Гарчи ёмонлик қилиб Бойсунғур мирзони шаҳид этиб, Султон Масъуд мирзонинг кўзларига мил торттирган эдилар. Бу иккала подшоҳ отамизнинг амакиваччалари эдилар.

Бурунроқ ул ҳазрат [Бобур]нинг қозоқлик [қочиб юрган] пайтларида зарурат юзасидан йўллари унинг вилоятига тушганида, ул ҳазрат [Бобур] ни беандишаллик ва дағаллик билан вилоятдан чиқариб юборган эди. Мардлик ва инсонийлик ва мурувват намунаси бўлган ҳазрати подшоҳ [Бобур] умуман ундан қасос олиш пайдан бўлмадилар ва жавоҳир ҳамда тилла буюмлардан қанча кўнгли тиласа олсин, деб буюрдилар. [Хусрав] беш-олти туя ва беш-олти ҳачир юки билан ижозат олиб, сиҳат-саломат Хуросонга жўнаб кетди ва ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобулга йўл олдилар.

Ўша даврда Кобул ҳокимлиги Зуннун Арғуннинг ўғли Муҳаммад Муқимга тегишли эди. [Зуннун Арғун] Ноҳидбегимнинг бобоси эди.

Кобулни Улуғбек Мирзонинг вафотидан кейин Абдураззоқ мирзодан олганди. Мазкур Абдураззоқ мирзо подшоҳ [Бобур]нинг амакиваччаси эди.

Подшоҳ [Бобур] ғалаба билан Кобулга келди. Икки-уч кун қалъани қамал қилгач, бир неча кун ўтказиб [Муҳаммад Муқим] аҳду паймон билан Кобулни ҳазрати подшоҳ [Бобур] кишиларига топшириб, мол-дунёсини олиб Қандаҳорга, отасининг олдига кетди.

Сана тўққиз юз ўнинчи ҳижрий рабиъ ус-соний (1504 йил сентябрь) Кобул фатҳ бўлди. Кобул амири бўлгандан кейин Бангашга юриш қилдилар ва бир йўла ўлжа олиб Кобулга қайтдилар.

Ва ҳазрати хоним – ҳазрати подшоҳнинг оналари олти кун ичида исит-малаб, фоний оламдан дор ул-бақога равона бўлдилар. Ва ҳазрати хонимни “Наврўзий” боғига қўйдилар. Боғнинг эгалари бўлган Васил атка [ака]нинг кишиларига бир минг мисқолий танга (4,68 гр) бериб қўйдилар.

Шу аснода Султон Ҳусайн мирзодан “биз ўзбек [Шайбонийхон қўшини] билан жанг қилиш ниятимиз бор, агар Сиз ҳам келсангиз, ўта яхши бўлади”, дея таъкидланган хат келди. Ҳазратнинг Худодан тилаги ҳам шу эди. Оқибатда улар томонга йўлга отландилар.

Йўл асносида “Султон Ҳусайн мирзо учибди” деган хабар келади. “Ҳазрати подшоҳ [Бобур]нинг амирлари ҳазрати Султон Ҳусайн мирзо ўтган бўлса, йўлдан қайтиб Кобулга кетиш айна муддао бўлур эди”, деб арз этдилар. Ҳазрат: “Шунча йўл босиб ўтдик, энди Мирзо [Султон Ҳусайн]нинг азоси-

ни йўқлаб қайтамыз”, деб буюрдилар. Оқибатда Хуросонга йўл олдилар.

Подшоҳ [Бобур] ташриф буюрганларини эшитиб ҳамма мирзолар, Бадиъ уз-замон мирзодан ташқари, кутиб олишга чиқдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг амирларидан Бурунтуқбек ва Зуннунбек айтибдиларки, подшоҳ [Бобур] Бадиъ уз-замон мирзодан ўн беш ёшлик кичик бўлганлари учун подшоҳ [Бобур] хузурларида тиз чўкиб таъзим бажо келтирсалар муносиб бўлур эди. Шу аснода Қосимбек айтадиларки, ёшда кичик, лекин тўраликда улуғ, чунки бир неча бор қилич зўри билан Самарқандни фатҳ қилганлар. Шунинг учун подшоҳ [Бобур] тиз чўкиб хузур топса [муносибми?].

Бадиъ уз-замон мирзо подшоҳ [Бобур]нинг таъзимига пешвоз чиқиб, хузурига қабул қилсинлар. Шу пайтда подшоҳ [Бобур] эшикдан кириб келадилар.

Мирзо ғафлатда қолдилар, Қосимбек ҳазрати подшоҳнинг фўта [белбоғ]сини ечиб, Бурунтуқбек ва Зуннунбекка қарата: “Мирзо пешвоз чиқиб кутиб олишига келишмаганмидик”, деди. Шу орада бутунлай саросимага тушган мирзо олдинга чиқиб ҳазрати подшоҳни кутиб олдилар.

Хуросонда ўтказган бир неча кун мобайнида мирзолар ҳар қайсиси мезбонлик мулозаматини бажо келтирдилар, базм туздилар. Барча боғлар ва жойларни айланиб сайр қилдилар.

Мирзолар кишни шу ерда ўтказишни таклиф қилдилар. “Қишдан чиққач ўзбек билан жанг қиламиз”, – дедилар. Аммо ҳеч узил-кесил қарорга келолмадилар.

Султон Ҳусайн Мирзо саксон йил давомида Хуросонни обод ва маъмур қилгандилар, аммо мирзолар отасининг жойини олти ой сақлаб туришга ярамадилар.

Подшоҳ [Бобур] уларнинг бепарволигини кўриб, ўзларининг сарф-харажатлари учун ажратилган жойларни кўриш баҳонасида Кобул томонга йўл олдилар.

Ўша йили қор қалин ёққанди. Йўлдан адашадилар. Ҳазрат [Бобур] ва Қосимбек йўлнинг яқинлигини назарга олиб, ана шу йўлни ихтиёр қилгандилар. Йўқса амирлар кенгашда бошқа йўлни маслаҳат бергандилар. Амирларнинг айтганларини қилмаганлари учун улар ўзларини кўриб-кўрмасликка олиб борардилар.

Ҳазрат [Бобур] ва Қосимбек ўғиллари билан уч-тўрт кунлаб йўлни қордан тозалашарди. Қўшин кишилари орқадан келишарди.

Шу алфозда Ғурбандгача келишди. У ерда ёғий ҳазоралар ҳазратга дуч келиб, жанг қилишди. Ҳазоралар аҳолисидан кўплаб қўй-чорва моллари ва сон-саноксиз ашёлар подшоҳ одамлари қўлига тушди. Улар ҳисобсиз ўлжа билан Кобулга юзландилар.

Пойи Минорга етишганда, Мирзохон ва Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон бош кўтариб, Кобулни қамалга олишипти, деб эшитишади.

Ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобул халқига “Бизлар етиб келдик, мардоналикни бой берманглар, – деб фармон ёзиб, уларга тасалли бериб кўнглини кўтарадилар. – Биби Моҳруй тоғининг тепасида гулхан ёқамиз, сизлар ҳам хазинахона тепасида гулхан ёқинглар, токи бизнинг келганимиздан хабардор бўлганинглари билайлик. Тонг пайтида сиз у томондан, биз бу томондан ғанимга рўпара бўламиз”. Аммо қалъа одамлари етиб келгунча, ҳазрат жанг қилиб, фатҳ қилганди.

Мирзохон подшоҳнинг холаси бўлган онасиникида яширинади. Хоним охири ўғлини олиб келиб, гуноҳидан ўтишини сўрайди.

Мирзо Муҳаммад Ҳусайн жон талвасасида [подшоҳнинг] кичик холаси

бўлган ўз аёлининг уйида ўринқопнинг ичига кириб, хизматкорига “устимдан боғлаб қўй” деб буюради.

Охири подшоҳнинг одамлари хабар топиб, Мирзо Муҳаммад Хусайнни ўринқопдан чиқарадилар ва подшоҳнинг олдига олиб келадилар. Ва ниҳоят ҳазрат [Бобур] холаларининг юз хотирини қилиб, Мирзо Муҳаммад Хусайннинг гуноҳидан ўтдилар. Холаларининг хотирига кулфат ғубори кўнмасин деб, ҳар кун қадимгидай холаларининг уйларига борди-келди қилар ва илгаридан ҳам кўпроқ кўнглини олардилар. Уларга атрофда ер-сув ва мулк тайин қилдилар.

Оллоҳ таолонинг инояти билан Кобулни Мирзохон қамалидан халос қиладилар. Ўша пайтда йигирма уч ёшда эдилар ва бирон фарзандлари йўқ эди. Фарзанд кўришни ўта орзу қилардилар.

Ўн етти ёшларида Султон Аҳмад мирзонинг қизи Ойша Султонбегимдан бир қиз туғилган эди. Бир ойга тўлмасданок вафот қилди. Ва Худойи таоло Кобулнинг олинишини муборак қилиб, ўн саккиз фарзанд дунёга келди.

Аввал онам Моҳимбегимдур – ҳазрати Ҳумоюн подшоҳ, Борбўл мирзо, Меҳржонбегим, Эшон Давлат бегим ва Форук мирзо;

Яна Султон Аҳмад мирзонинг қизи Маъсума Султонбегимдан – у туғаётган пайтида вафот қилди – қизига унинг номини қўйишди;

Ва Дилдор бегимдан – Гулрангбегим, Гулчехрабегим, Ҳиндол мирзо, Гулбаданбегим ва Олур мирзо.

Хулоса шуки, Кобулнинг олинишини яхши фолга йўйишгани: ҳамма фарзандлар Кобулда туғилдилар. Меҳржонбегим Моҳимбегимдан ва Гулранг бегим Дилдорбегимдан Хўстда туғилган иккитасидан бошқаси [Кобулда туғилган эди].

### Ҳазрати фирдавсмакон [Бобур]нинг катта ўғли ҳазрати Ҳумоюн подшоҳнинг туғилиши

Уларнинг муборак таваллуди сешанба кечаси зулкаъда ойининг тўртинчи куни сана тўққиз юз ўн учда (1508 йил 7 март) Кобул аркида, куёш ҳут буржига баробар келганида юз берди.

Худди ўша йили ҳазрати фирдавсмакон амирларига ва бошқа кишиларга “мени Бобур подшоҳ” деб аташлар, деб буюрди. Йўқса ундан илгари, ҳазрати Ҳумоюн подшоҳ туғилмасдан бурун уни Бобур мирзо деб аташ одат бўлган эди. Ҳам подшоҳзодаларни “мирзо” дейишарди. Улар [Ҳумоюн] туғилган йили ўзларига Бобур подшоҳ, деб ном бердилар. Ҳазрати жаннатотиён [Ҳумоюн]нинг туғилиш тарихини *ناخ نوىامه ناطلس* (Султон Ҳумоюнхон) ва яна *ردق زورى فاش* (Шоҳи Фирузқадр) сўзларидан топганлар<sup>1</sup>.

Фарзандлар туғилгандан сўнг хабар келдики, Шоҳ Исмоил Шоҳибекхонни ўлдирипти.

Ҳазрати подшоҳ [Бобур] Кобулни Носир мирзога топшириб, ўзлари аҳли аёл ва фарзандлари – Ҳумоюн подшоҳ, Меҳржонбегим, Борбўл мирзо, Маъсума Султонбегим ва Мирзо Комрондур – бирга олиб Самарқандга йўл олдилар. Бомдод пайтида Шоҳ Исмоил Самарқандни фатҳ қилдилар. Ва Мовароуннаҳр саккиз ой тўлиқ унинг [Бобур] қўли остида бўлди. Ака-укалар ўртасидаги мурасасизлик ва мўғул аҳлининг муҳолифлиги натижасида Кўли Маликда Убайдуллахондан мағлуб бўлдилар ва у вилоятда бошқа қололмадилар. Шундан сўнг Бадахшонга, кейин Кобулга жўнадилар. Ундан сўнг хаёлидан Мовароуннаҳр орзусини чиқардилар.

<sup>1</sup> Араб алифбосидаги абжод ҳисоби назарда тутилган.

Сана тўққиз юз ўнда (1505 йил) Кобул ҳокимлиги уларнинг қўлига ўтганди.

Доим Ҳиндистонга кирсам, деб ҳавас қилардилар, лекин амирларининг раъйи сустиги ва ака-укаларининг рози бўлмаганлиги сабабли бу ишга эришолмасди ва [Ҳинд]ни қўлга кирита олмагандилар.

Ва ниҳоят ака-укалар кетгач ва амирлардан уларнинг мақсадига қарши гапира оладиган бир кимса қолмагач, сана тўққиз юз йигирма беш (1519 йил) икки-уч ҳамладан кейин жанг билан Бажаурни олдилар. Ва Бажаур аҳолисини қатли ом қилдилар.

Худди шу куни Малик Мансур Юсуфзай – Афғоний Оғочанинг отасидир – ҳазратнинг мулозаматига келди. Ҳазрати подшоҳ [Бобур] унинг кизи Афғоний Оғочани ўз никоҳларига олдилар ва Малик Мансурга рухсат бердилар. Уларга от ва подшоҳона сарпо иноят қилдилар. Бориб одамлар ва дехқонларни ҳамда бошқа кишиларини олиб келиб, ўз ватанларини обод қилишларини буюрдилар.

Кобулда қолган Қосимбек арзга етқуриб хат юборибдиларки, “яна бир шаҳзода туғилди”. Ҳинднинг фатҳ этилишини яхши фолга йўйиб ва яхши истаклар таъсирида беадаблик қилиб ёздим, энди нимани лозим топсалар ихтиёр подшоҳнинг ўзида. Подшоҳ ўша заҳоти Мирзо Ҳиндол, деб ном қўйдилар.

Бажаур фатҳидан кейин, Бҳира томонга йўл олдилар ва Бҳирага етиб келдилар. [Бҳирани] талон-торож қилмадилар, унга омон бердилар. Тўрт юз лак<sup>1</sup> шохрухий товон олиб, навкарлар сонига қараб уларга тарқатдилар ва Кобулга йўл олдилар.

Шу аснода Бадахшон аҳолисидан арзнома келдики, Мирзохон вафот қилди, Мирзо Сулаймон ҳали ёш ва ўзбек эса яқин, бу вилоятнинг чорасини кўргайсиз, токи Бадахшон қўлдан кетмасин.

Бадахшоннинг чорасини кўргунча бўлмай, Мирзо Сулаймоннинг онаси номи ёд этилган мирзони олиб ўзлари келдилар. Ҳазрати подшоҳ [Бобур] муддаога кўра ва уларнинг юз-хотири учун уй-жой ва отасининг ер-мулкини унга бердилар ва Бадахшонни Ҳумоюн подшоҳга бердилар. Ҳумоюн подшоҳ ўша музофотга жўнаб кетди.

Унинг кетидан подшоҳ ҳазратлари ва (Моҳимбегим) ҳам Бадахшонга жўнадилар, токи бир неча кун бирга ўтказиш учун. Ҳазрат Ҳумоюн подшоҳ ўша ерда қолдилар. Подшоҳ отам ва онам сўнг Кобулга қайтдилар.

Бир муддат ўтгач Қаллот ва Қандаҳор томонга йўл олдилар. Қаллотга етиш ҳамано уни фатҳ қилиб, Қандаҳорга жўнадилар. Қандаҳор аҳолиси бир ярим йилгача қалъа ичида қамалда бўлдилар. Бир ярим йилдан сўнг оғир жангу жадаллардан кейин Худонинг инояти билан фатҳ қилдилар. Катта микдорда зару зевар қўлга кирди. Сипоҳийлар ва лашкар аҳлига жуда кўп тилла ва туялар тарқатдилар. Қандаҳорни Мирзо Комронга бердилар ва ўзлари Кобулга қайтдилар.

Гурра-т-ул сафар оyi сана тўққиз юз ўттиз икки (1525 йил 17 ноябрь)да подшоҳлик чодир ва уй жиҳозларини ортиб, Якланга (ҳозирги номи Яковланг) тепаликларидан ошиб, Деҳи Яъқуб воҳасида манзил қурдилар. Кечани ўша ерда ўтказиб, эртаси куни кўча-кўча Ҳиндистон томонга йўл олдилар.

Сана 925 ҳ. (1518 йил; матнда 935 йил дейилган)дан кейинги етти-саккиз йил орасида бир қанча марта Ҳиндистон томонга лашкар тортдилар ва хар мартасида бир вилоят ёки паргана (хирож олинадиган ер)ни, жумладан,

<sup>1</sup> 1 лак – юз минг.

Бҳира, Бажаур, Сиёлкўт, Диболпур, Лоҳур ва бошқаларни олдилар. Токи бешинчи мартасида ғурра-т-ул сафар оий сана 932 х. (1525 йил) жума куни Деҳи Яъқубда манзил тутиб, ундан кўча-кўча Ҳиндистонга йўл олдилар ва Лоҳур, Сирҳинд ва йўл устидаги ҳар вилоятни олдилар. Ражаб оийнинг саккизи сана 932 х. (1526 йил 20 апрель) жума куни Панипатда Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Баҳлул Лудийга қарши жангга саф тортдилар ва Оллоҳнинг инояти билан ғолиб келдилар. Бу жангда Султон Иброҳим ўлдирилди ва бу фатҳ фақат Оллоҳнинг марҳамати билан қўлга киритилди. Негаки Султон Иброҳимнинг 180 минг отлиқ аскар ва бир ярим минггача маст филлари бор эди. Ва подшоҳ ҳазратларининг лашкари савдогарлар ва яхши-ёмон билан бирга ўн икки минг киши эди. Ва ишга яроқли аскар бор-йўғи 6-7 минг киши эди.

Бешта подшоҳнинг хазинаси уларнинг [Бобур] қўлига тушди, ҳаммасини бўлиб бердилар. Ўшанда Ҳиндистонда ўтмиш подшоҳларнинг хазинасини сарфлаш айб иш ҳисобланади, балки унинг ёнига қўшиб қўпайтиришади, ҳазратлари уни аксини қилиб, борлиқ хазинани тарқатиб бердилар, дейишади.

Ва Хожа Калонбек “Ҳиндистон ҳавоси мизожимга тўғри келмаяпти”, деб бир қанча марта Кобулга рухсат тиладилар. “Агар рухсат бўлса бир оз муддат Кобулда бўлсам”, – дедилар. Ҳазратлари хожадан жудоликка ҳечам рози эмас эдилар. Ахири хожа ҳаддан ортиқ зорланиб қўймаганини кўргач, рухсат бердилар.

“Ҳамоноки кетадиган бўлсангиз Султон Иброҳимнинг фатҳидан қўлга тушган ҳинд совғалари ва тухфаларидан валинеъматларга, опа-сингилларга ва ҳарам аҳлига бериб юбормоқчимиз, ўзингиз билан бирга олиб кетасиз ва муфассал рўйхатини берамиз, ўшанга қараб тарқатасиз. Айтнинг, ҳар бир бегим боғда ва девонхонада алоҳида подшоҳий чодирлар тутсинлар ва яхшилаб маърака ўтказиб, тўла-тўқис ғалаба қозонганлиги шукронасига Ҳақ субҳонаҳу ҳақларига дуо қилсинлар”, деб буюрдилар. Ва рўйхатга биноан ҳар бегимга Султон Иброҳимнинг хос ўйинчиларидан бир ўйинчи қиз ва бир жавохир, лаъл, марварид, ёқут, олмос, зумрад, феруза, забарҷад ва шунга ўхшаш нарсалар тўла тилла лаган, садаф, товоқча тўла ашрафий (Шоҳ Ашрафга мансуб тилла танга) ва яна икки товоқда шоҳрухий (Шоҳрух мирзога мансуб тилла танга) ва тўққиз-тўққиз ҳар хил матолар; [валинеъматларга] тўрт товоқ ва бир ўйинчи, бир лаган жавохир ва ҳар бир товоқ ҳар хил ашрафий ва шоҳрухий [тангалар] ҳукм қилгандилар. Ва валинеъматларга совға қилган ўша лагандаги жавохир ва ўша ўйинчиларни элтиб берсинлар, бошқа совғаларни ундан кейин қўйсинлар. Ва опа-сингиллар, фарзандлар ва ҳарам аҳли, қариндошлар, бегимлар, оғалар ва энагалар ва кўкалар, оғачалар ва барча дуоғўйларга алоҳида-алоҳида жавохир, ашрафий, шоҳрухий ва матолардан ажратиб берсинлар. Рўйхатга кўра шу тартибда бердилар. Ўша зикр қилинган девонхона ва боғда уч кунгача маърака ва хурсандчилик давом этди. Бундан уларнинг бошлари осмонга етиб, ҳазратнинг ҳаққига ва давлатига дуойи фотиҳа қилдилар.

Хожа Калонбекнинг қўлига Миршаб (Муҳаммад) амакиларига атаб уч подшоҳий сир<sup>1</sup> катга ашрафий бердилар. “Агар миршаб подшоҳ ҳазратлари менга нима бериб юбордилар, деб сўраса, бир ашрафий [танга] деб жавоб берасиз”, – дея Хожа [Калонбек]га тайинлаган эдилар. Аслида чиндан ҳам бир ашрафий эканлигидан таажжубланиб, уч кунгача койиндилар.

“Ашрафийни тешиб, кўзини боғлаб, бўйнига осиб ҳарам ичкарасига

<sup>1</sup> 1 сир – 441 г.

киритинглар”, – деган ҳукм бўлган эди. Ашрафийни тешиб бўйнига осилган ҳамоно, унинг оғирлигидан бетоқат бўлиб, изтиробга тушиб, хурсандчилик билдирдилар ва ашрафийни икки қўллаб тутиб турфа ҳолатга тушардики, мабодо биров менинг ашрафийимни тортиб олмасин, деб. Ҳар қайси бегимлар ҳам ўн-ўн икки ашрафийдан тортиқ қилдилар, ҳаммаси бўлиб етмиш-саксон ашрафий бўлди.

Хожа Калонбек Кобулга келганидан кейин, Аграда Ҳумоюн подшоҳ ва ҳамма мирзолар, султонлар ва амирлар хазинадан тортиқ қилдилар. Ён-атроф ва вилоятларга фармонлар юбориб таъкид қилдиларки, ҳар киши бизнинг мулозимлигимизга келса, айниқса отамиз ва боболаримизга хизмат қилган кимсаларга ҳар томонлама риоятини қилгумиздир, агар келсалар инъомларимизга мушарраф бўлғайлар.

Кимки Соҳибқирон ёки Чингизхоний наслидан бўлса, бизнинг даргоҳимизга келсинлар. Ҳақ субҳонаҳу Ҳиндистон мамлакатларини бизга ато қилди, келиб давлатни биз билан баҳам кўргайлар.

Султон Абу Саид мирзонинг қизларидан етти бегим: Гавҳаршодбегим, Фаҳри Жаҳонбегим, Хадича Султонбегим, Бадиъ ул-Жамолбегим, Оқбегим, Султон Бахт, подшоҳнинг тоғаси Султон Маҳмудхоннинг қизи Зайнаб Султонхоним, подшоҳ ҳазратларининг кичик тоғаси Олачахоннинг қизи Муҳиб Султонхоним келдилар. Гапнинг қисқаси шуки, ҳамма бегимлар ва хонимлар 91 киши эди. Уларнинг барчасига ўзи истаганча ер-мулк ва инъомлар тайин қилдилар.

Аграда ўтказган тўрт йил давомида, ҳар жума куни [Бобур] аммаларини йўқлаб борарди. Бир куни ҳаво ниҳоятда иссиқ эди ва ҳазрати онам айтдилар: “Ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар бир жума бормай кўя қолсангиз не бўлғай? Бегимлар бу гапдан ранжимасалар керак!” Подшоҳ [Бобур] онамга дедилар: “Мохим, бу сўзларни гапиришинг ажабланарли. Отасидан ва акаларидан айрилган ҳазрати Абу Саид мирзонинг қизларидан мен агар кўнгили сўрамасам қандай бўларкин?”

Хожа Қосим меъморга ҳукм қилдилар: “Мен сенга бир яхши вазифа топшираман, у ҳам бўлса, аммаларимнинг саройда қандай муҳим ишлари ва хизматлари, валинеъматларнинг саройдаги хизматларини бажонидил [бизга] тақдим этгайсан”.

Аграда сувнинг у томонида иморатлар [барпо қилишни] буюрдилар. Ҳарам ва боғнинг ўртасидаги тошдан қурилган уй-хилватхонани ва девонхонада ҳам тошдан иморат кўтарган эдилар. Ва уйнинг ўртасида бир ҳовуз ва уйнинг тўрт минорасида тўрт хужра ва дарёнинг қирғоғида чўвганди [шийпон] барпо қилгандилар. Ва Дҳолпурда бир яхлит тошдан ўнга ўн [газ] қилиб ҳовуз яшани буюргандилар ва айтардиларки, қачон бу ҳовуз битса, унга тўлдириб шароб қуяман, дердилар. Рано Санго жангидан илгари шаробдан тавба қилганлари учун лимон шарбати билан тўлдирдилар.

Султон Иброҳимнинг фатҳидан кейин бир йил ўтгач, Рано сон-саноксиз лашкар билан Манду тарафдан пайдо бўлди.

Ҳар қайсиси келиб, подшоҳ ҳазратларининг хизматларини бўйнига олган амирлар, рожалар ва ройлар – ҳаммаси ёғий бўлиб Ранога бориб кўшилдилар. Кўли Жалолдан тортиб, Самбал ва Ропригача барча парганалар, рой ва рожалар, афғонлар ёғий бўлиб, икки юз мингга яқин отлик аскарлар тўпланди.

Шу пайтда мунажжим Муҳаммад Шариф: “Подшоҳ ҳазратлари [Бобур] хозир жанг қилмаса, давлатга муносиб иш қилган бўлур, чунки саккиз юлдуз қаршида турипти”, – деб лашкар кишиларига айтади.

Подшоҳ лашкарлари ажаб бир хайронликда қолиб, чуқур ўйу ғамга толдилар ва саросимага тушиб қолдилар. Лашкар аҳлининг бу ҳолатини кўриб ҳар томонлама ўйлаб кўрдилар.

Ғаним яқинлашиб келгач, муборак хотирларига келган тадбир шу бўлдики, қочиб кетган ва ёғий бўлганлардан қолган барча амирлар, хонлар ва султонлар – катта-ю кичик, асилу фақирга тўпланишга буюрдилар. Уларнинг барчаси йиғилишиб келишдилар. Уларга қараб дедиларки: “Бизнинг турган жойимиз билан ватан ва ўрганган шаҳарларимиз орасидаги йўл неча ойлик эканини биласизларми ўзи? Кишиларимиз мағлуб бўладиган ўша кундан Худонинг ўзи сақласин! Навзанбиллаҳ! Биз қаерда-ю ватанимиз, шаҳримиз қаерда, ишимиз ажнабийлар ва бегоналар қўлига тушади. Бас, бу икки йўлдан бирини танлашимиз керак: агар ғанимни ўлдирсак, ғозий бўламиз, агар ўлсак, шаҳид кетамиз. Ҳар икки тақдирда бизнинг фойдамиз – буюклар даражаси ва буюклар мартабасидир”.

Ҳамма яқдиллик билан розилик билдирди. Хотинталоқ бўлайлик, деб Куръон олиб қасам ичдилар ва дуойи фотиҳа қилдилар ва: “Подшоҳо, иншоолло, токи жонимизда ва танзимизда бир катра қон қолгунича жонимизни фидо қилишга тайёрмиз”.

Рано Санго жангидан икки кун олдин подшоҳ ҳазратлари [Бобур] шаробдан тавба қилгандилар, [нафақат бу] балки барча ман қилинган ишлардан тавба қилгандилар.

Мардоналик, яқдиллик ва бирдамликка даъво қилувчи тўрт юз таникли йигитлар улар билан ҳамжиҳатлик ва тобелик аломати сифатида подшоҳ ҳазратлари туфайли улар ҳам [шаробдан] тавба қилдилар. Ва барча ман қилинган асбоб-анжом, тилла ва кумуш буюмлар: пиёла, кўза ва бошқа нарсаларни синдириб, бева-бечора, мискинларга тортиқ қилдилар.

Ва ён-атрофга қатъий таъкид қилиб фармонлар жўнатдиларки, бож ва тамғо солиғидан, ғалла закотидан ва номашруъ мажбуриятлардан озод қилингани ҳамда ҳеч бир кимса савдогарларнинг борди-келдисига халал етказмасин ва маъмурчилик, хотиржамликда келди-кетди қилишларига йўл берсин, деб буюрдилар.

Рано Санго билан жанг бўладиган кунга ўтар кечаси Қосим Хусайн мирзо, Султон Хусайн мирзонинг қизидан туғилган невараси, Ойша Султонбегимнинг ўғли Хуросондан келибди, деган хабар келди. Қосим Хусайн мирзо 10 курух<sup>1</sup> жойга етиб келди, дейишди. Бу хабарни эшитиб ҳазратнинг [Бобур] кўнгиллари тоғдай кўтарилди. “Уларнинг ёнларида неча киши бор экан?” – деб сўрадилар. Суриштирилса, ўттиз-қирқ чамаси отлиқ аскар экан. Шу заҳоти ярим кечада мукамал қуролланган минг отлиқни юбордилар. Ўша кечанинг ўзида бирга қайтишди. [Бу] ғаним кишилари ва бегоналар билиб кўйсин, кўмак етиб келди, вақтида келди, деб қилинди. Ким бу режа ва тадбирни эшитган бўлса, олқишлайди.

Ўша куннинг эртасига сана 933 йили жумод ул-аввал ойида (1527 йил февраль) Сикри тоғ этакларида (ҳозир бу тоғ тепасида Фатҳпур барпо бўлган) Рано Санго билан жангга саф тортилди ва Оллоҳнинг инояти билан ғалаба қозондилар ва ғозий бўлдилар.

Рано Санго устидан ғалаба қозонганларидан бир йил ўтгач, онамки Моҳимбегимдурлар Кобулдан Ҳиндистонга келдилар. Бу ҳақир [Гулбадан] ҳам улар билан бирга опа-сингиллардан олдин келиб, подшоҳ отамларнинг хизматларига ҳозир бўлдим. Онам Кўл [Жалол]га етганларида подшоҳ ҳазратлари [Бобур] иккита тахтиравон билан учта отлиқ юбордилар. Кўлдан

<sup>1</sup> Курух – 2 мил.

Агра томонга илғор қилиб жўнадилар. Подшоҳ ҳазратлари Кўли Жалолийга бориб кутиб оламан, деган ниятлари бор эди. Намози шом пайти бир киши келиб: “Ҳазратларини [Моҳим] икки курух жойда қолдириб келдим”, – деди.

Отам ҳазратлари от келтиргунларича ҳам сабри чидамай, пиёда йўлга тушдилар ва Моҳим ойимларнинг юклари олдида учрашдилар. Онам пастга тушмоқчи бўлдилар, подшоҳ отам қўймадилар ва онамнинг жиловларида уйғача пиёда келдилар.

Онам подшоҳ отамнинг олдиларига келаётганларида менга: “Кундуз куни келиб ҳазратлари [Бобур]нинг хизматларини бажо келтир”, – деб буюрдилар.

...Тўққизта отлиқ ва икки тўққиз от, иккита подшоҳ отам юборган қўшимча тахтиравон, битта Кобулдан олиб келинган тахтиравон, онамнинг юзга яқин зеб-зийнатга безанган, тўбичоқ отларга минган мўғул хизматкорлари...

Отамнинг халифаси ўзининг аёли Султоним билан бирга Науғромда бизга пешвоз чикдилар. Мен тахтиравонда эдим. Менинг момоларим [энага] мени кичик боғчада пастга туширдилар ва ерга шолча солиб, мени шолчага ўтказдилар. Менга, отамнинг халифаси келганда ўрнингиздан туриб кутиб олинг, деб ўргатдилар. Отамнинг халифаси келгач, мен ўрнимдан туриб кутиб олдим. Шу орада уларнинг аёли Султоним ҳам келдилар. Мен билмасдан ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, отамнинг халифаси, бу кампир бор-йўғи сизнинг канизингиз. Унга туришнинг ҳожати йўқ. Отангиз бундай вазифа юклаб бу қари қулларининг бошини осмонга етказдилар. Ҳукм бўлгач, бандаларининг уни бажармасликка не мажоли бор деб муболаға қилдилар.

Отамнинг халифасидан беш минг шоҳрухий (танга) ва беш от тортиқ олдим. Унинг аёли Султоним уч минг шоҳрухий ва уч от совға қилди. Моҳазари [таом] тайёр, агар тановул ихтиёр қилсалар, бандаларининг кўкси осмондай кўтарилгай [дедилар]. Мен рози бўлдим.

Бир яхши жойда катта супа яшашган эди. [Унда] қизил мовутдан чодир куриб, унинг ичи Гужарот зарбафтдан эди. Ва [яна] олтита бошқа рангда шомиёна [тепаси текис чодир] тикилганди. Ва тўртта мовутдан саропарда [подшоҳлар чодир] ва унинг ёғочлари турли рангда тикилганди. Мен отамнинг халифаси манзилида ўтирдим. Таомни келтиришди: элликка яқин қовурилган қўй гўшти, нон, шарбат ва жуда кўп мевалар [эди]. Ва ниҳоят таомни еб, тахтиравонга ўтириб, отам подшоҳ ҳазратлари [Бобур]нинг ҳузурига келиб таъзим бажо келтирдим ва тиз чўқдим. Ҳазрат [Бобур] узок саволга тутдилар. Бир муддат ёнларига ўтказдилар. Шу мазгилда бу ҳақир [Гулбаданбегим] шунчалар шодмон бўлдиларки, ундан ортиғи тасаввурга сиғмайди.

Аграга келганимиздан уч ой ўтганда, подшоҳ ҳазратлари Дхўлпурга йўл олдилар. Моҳимбегим ҳазратлари ва бу ҳақир Дхўлпур сайрига бордик. Дхўлпурда бир яхлит тошдан ўнга-ўн [газ] ҳовуз ясалган эди. У ердан Сикрига кетдилар. Кўлнинг ўртасида бир катта супа яшашни буюрдилар. У ясалгач, кемага ўтириб у ерга борардилар ва сайр қилардилар ва у ерда ўтирардилар. Ўша супа ҳозир ҳам бор. Сикридаги боғда бир шийпон ҳам курдиргандилар. Отам подшоҳ ҳазратлари ўша шийпонда тўрхона [пашшахона] ясатиб, унинг ичида ўтириб “Мусҳаф” [Қуръон] ёзардилар<sup>1</sup>.

Мен билан афғоний оғоча [Биби Муборак] пастда ўтирардик, онам намозга кетдилар. Мен афғоний оғочага “Кўлимдан тортинг”, дедим. Афғоний оғоча кўлимдан тортдилар. Кўлим чиқиб кетди. Мен бетоқат бўлиб, йиғлай бошладим. Охири синиқчини олиб келиб кўлимни бойлашди ва Аграга жўнаб кетдик.

<sup>1</sup> Қуръони каримни кўчириш назарда тутилмоқда.



Аграга етиб келганларида “Бегимлар Кобулдан келяпти”, деган хабар келди. Отам подшоҳ ҳазратлари Навгромгача бориб, менинг катта аммам, отам подшоҳ ҳазратларининг опаси бўлган онажоним [Хонзода]га пешвоз чиқдилар. Бегимларнинг ҳаммалари онажонимнинг манзилларида [унга] таъзим бажо келтирдилар. Ҳамма хурсандчилик изҳор қилишди, шукроналик саждасини бажо келтириб, Аграга йўл олдилар. Ҳамма бегимларга ховлилар иноят қилдилар. Бир неча кундан кейин Зарафшон боғига сайрга чиқдилар.

Мазкур боғда таҳоратхона бор эди. Уни кўриб [Бобур] дедилар: “Салтанат ва подшоҳликдан кўнглим олинди. Шу Зарафшон боғида хилватга чекинсам. Хизматкорликка битта Тохир офтобачининг ўзи менга етиб ортади. Подшоҳликни Хумоюнга топширсам”.

Шунда онам ҳазратлари ва ҳамма фарзандлар фиғон чекиб йиғладилар ва “Худойи таоло Сизни кўп йиллар ва саноксиз асрлар ўз паноҳида асрасин ва барча фарзандлар Сизнинг соянгизда ўсиб-улғайсинлар”, – дедилар.

Бир неча кундан сўнг Олур мирзо касалга чалиндилар, уларнинг касали ич оғриққа уланди. Ҳақимлар ва табиблар қанча даволамасин, уларнинг касали зўрайса-зўрайдики, камаймади. Охири ўша касал билан фоний оламдан боқий оламга равона бўлдилар. Подшоҳ ҳазратлари каттиқ афсусланиб, ғам чекдилар.

Мирзо Олурнинг оналари бўлган Дилдорбегим нодири жаҳон, аср ягонаси бўлган фарзандларидан айрилгач, савдойи бўлиб қолдилар. Дилсиёҳлик ҳаддидан ошиб кетгач, подшоҳ ҳазратлари [Бобур] онам ва бошқа бегимларга қараб: “Келинлар, Дхўлпур сайрига борайлик”, – дедилар. Ва ўзлари кемага ўтириб соғ-саломат сувдан ўтдилар ва ўша Дхўлпурга етиб бордилар. Бегимлар ҳам кемага ўтириб сувдан ўтмоқчи бўлдилар. Шу мазгилда Дехлидан мавлоно Муҳаммад Фақр Алининг арзномалари етиб келди. Улар ёзгандиларки, Хумоюн мирзо беморлар ва ажаб бир ҳолатдалар. Бу хабарни олгач, бегим ҳазратлари [Моҳим] тезлик билан Дехлига отлансинлар, чунки мирзо [Хумоюн] ўта сабрсизлик билан кутмоқдалар. Онам ҳазратлари бу хабарни эшитишлари биланок сабр-тоқатини йўқотдилар, худди ташналикдан азоб чеккан кишидай Дехлига жўнаб кетдилар.

Матҳурага етиб келганларида, ўзларининг жаҳонни кўргувчи кўзлари билан эшитганларидан ўн чандон заифроқ ва нотавонроқ кўрдилар. У ердан она ва бола иккаласи худди Марям ва Исодек Аграга йўл олдилар.

Аграга етиб келганларидан кейин, бу ҳақир опа-сингиллари билан ул фаришта табиатли ҳазратлари [Хумоюн]га таъзим бажо келтиришга бордик. Уларнинг ҳоллари борган сари оғирлашиб бораётгани туфайли, ҳар гал хушларига келганида дур сочувчи тиллари билан ҳол-аҳвол сўрардилар ва “Сингилларим, хуш келибсизлар, келинлар, сизлар билан дийдор кўришайлик, ҳалигача кўришмадик”, – дедилар. Уч қайта гавҳар сочувчи тиллари билан шу сўзларни айтиб, бизни мамнун қилдилар.

Ва ҳазратлари [Бобур] келиб дийдор кўришгач, нурафшон чехраларида ғам-кулфат асари кўринди. Уларни кўришлари ҳамоно [Хумоюн] бадтар дардини изҳор қилардилар.

Шу пайт онам ҳазратлари айтдилар: “Сиз менинг фарзандимдан ғофилсиз. Сиз подшоҳсиз, не ғамингиз бор? Бошқа фарзандларингиз бор. Ғамнинг ҳаммаси менда, чунки ягона фарзандим бор!”. Ҳазратлари [Бобур] жавоб бердилар: “Моҳим, гарчи бошқа фарзандларим бўлса ҳам, аммо ҳеч бир фарзандимни сенинг Хумоюнингчалик яхши кўрмайман, чунки салтанату подшоҳлик ва ёруғ дунёни фақат жаҳонда ягона, нодираи даврон,

толеи кулган, фарзанди дилбанд Хумоюн учун истайман, бошқаларга эмас”.

Улар [Хумоюн] бетоблик пайтида ҳазратлари [Бобур] ҳазрати Муртазо Али (карамуллоҳи важхуху) зиёратига боргувчини кутардилар. Ва ўша борувчини чоршанба куни кутишарди. Улар [подшоҳ] изтироб ва безовталиқдан сешанба кунидан кута бошладилар. Кун ниҳоятда иссиқ эди. Уларнинг дилу жигари ўртанди. Ва ўша борувчидан шундай дуо қилишни сўрадилар: “Эй Худо, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менким Бобурдурман, ўз умрим ва жонимни Хумоюнга бағишладим”.

Ўша куннинг ўзидаёқ ҳазрати фирдавсмаконнинг товлари қочиб қолди. Ва Хумоюн подшоҳ бошидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва қабул маросими ўтказдилар. Ва отам подшоҳ ҳазратларининг бетоблиги туфайли ичкарига олиб кирдилар. [Бобур] қарийб икки-уч ой ётувлик бўлиб қолдилар. Ва Мирзо Хумоюн Колинжар томонга кетгандилар. Подшоҳ ҳазратларининг бетоблиги зўрайганлиги туфайли, Хумоюн подшоҳ ҳазратларини тилатиб бир кишини юбордилар. Улар тезлик билан етиб келдилар. Ул ҳазратларига таъзим бажо келтиргач, уларни ўта ҳолдан тойган ҳолатда кўрдилар. Хумоюн подшоҳ ҳазратлари қаттиқ изтиробга тушиб, ҳаддан ташқари безовталандилар. Хизматкорларга қараб: “Нега бирданига бунчалик озиб-тўзиб кетдилар?” – дедилар ва табибу ҳақимларни чақиртирдилар ва улардан: “Мен уларни соғ-саломат қолдириб кетгандим, бирданига нима бўлиб қолди?” деб сўрадилар. Ҳақимлар ва табиблар бир нарсалар дейишди.

Отам подшоҳ ҳазратлари тинмай ҳар лаҳза “Хумоюн қаерда?”, “Нима қилипти?” деб сўрадилар.

Шу аснода бир киши келиб: “Мир Хўрдабекнинг ўғли Мир Бердибек ҳузурларига келибдилар”, – деб хабар берди. Отам подшоҳ ҳазратлари шу ондаёқ уларни ҳузурларига тилатиб, бутунлай безовта бўлиб сўрадилар: “Ҳиндол қаерда? Қачон келади? Нима бало бўлди, нега бунча куттиради?” Мир Бердибек жавобан: “Бахтли шахзода Дехлига етиб келдилар. Бугун-эрта хизматларига етиб келса керак”, – деди. Шунда отам подшоҳ ҳазратлари Мир Бердибекка қараб: “Эй бадбахт кимса, эшитишимча, синглингни Кобулда узатишибдилар, сени Лоҳурда уйлантиришибди. Мана шу тўйлар туфайли бўлса керак, менинг ўғлимни эртароқ олиб келмадинг, интизорлик ҳаддан ошиб кетди-ку!” – дедилар. Ва “Ҳиндол мирзо қанча ўсган, кимга ўхшайди?” деб сўрадилар.

Мир Бердибек мирзонинг [Ҳиндол] кийимини кийиб олганлиги учун уни кўрсатиб: “Бу шахзоданинг либоси эди, бу бандаларига иноят қилдилар”, – деди. Ҳазратлари [Бобур] яқинроқ келишни сўраб: “Қани кўрай Ҳиндолнинг қадди-қомати қанча бўлганйкин”, – дедилар. Ва ҳар лаҳза, ҳар сония: “Минг дариғ, Ҳиндолни кўрмадим”, – дердилар. Ким келса ундан: “Ҳиндол қачон келади?” – деб сўрадилар.

Ва касал бўлиб ётган пайтларида онамга “Гулрангбегим ва Гулчехрабегимни узатиш керак, – деб ҳукм қилдилар. – Қачонки Жев<sup>1</sup>нинг амма ҳазратлари ташриф буюрсалар, уларга маълум қилинглари, подшоҳ айтдилар, менинг хаёлимдан кечдики, Гулрангни Эсан Темур Султонга, Гулчехрани Тўхта Буға Султонга унаштирсак бўларди, денглар”. Онажоним табассум ила келдилар. Уларга: “Подшоҳ ҳазратлари, менинг хаёлимдан шундай қилсак деган фикр ўтди, қолганини улар нимага розилик берсалар, шундай қилинглар, деб буюрдилар”, – дейишди. Онажоним ҳазратлари [Хонзода] ҳам: “Худо муборак қилсин ва ўзи ёрлақасин. Хотирларига жуда яхши фикр келибди”, – дедилар. Чечам [онам]нинг ўзлари, Бадиъ ул-Жамолбегим ва Окбегим ҳар

<sup>1</sup> Жев – Гулбаданбегимнинг эркалатиб айтиладиган номи.

иккала аммани даҳлизга олиб кетдилар. [У ерни] тозалатиб, гиламлар тўшаб, Моҳим ойим ҳар иккала султонни тиз чўктириб, уларни бахтиёр этадиган соатнинг маслаҳатини қилдилар.

Шу орада уларнинг [Бобур] қорин оғриқлари кучайди. Хумоюн подшоҳ ҳазратлари отасининг аҳволи оғирлашганини кўриб, безовталиги янада ошди. Табиблар ва ҳакимларни чақиртириб, яхшилаб қаранглар, ҳазратлари [Бобур]нинг дардини даволанглар, деди.

Ҳакимлар ва табиблар тўпланишиб бизнинг толеимиз пастлиги шундаки, бирон-бир дори қор қилмаёттипти. Фақат Ҳақ субҳонаҳу ҳазратларидан умидвормизки, ўз ғайб хазиналаридан шифойи ожил ато қилсин.

Шундан сўнг ул ҳазратларининг томирларини ушлаб кўриб, табиблар: “Ўша Султон Иброҳимнинг оналари берган заҳарнинг асаридир”, – дейишди. Ва бу шундай рўй берганди. Бахти қаро Байда канизи орқали бир чимдим заҳар бериб, буни Аҳмад Чошнагир<sup>1</sup>нинг қўлига топшир ва айт, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам подшоҳнинг хос ошига ташласин, деб буюрганди ва унга катта ваъдалар қилганди.

Подшоҳ ҳазратлари [Бобур] ўша бахти қаро Байдани она дейишига ва унга ер-мулк тайин қилиб, ҳар томонлама ҳурматини жойига қўйишига ва мени Султон Иброҳим ўрнида кўр, деганига қарамай, шу ишни қилди. Аммо бу халқда жаҳолат устун турганлиги учун кўрсатилган иззат-икромни назарга олмади. Қазисан, қаргасан, асли наслингга тортасан, деган гап бор. Қиссадан ҳисса шуки, ўша заҳарни ўша ошпазга олиб келиб берган эди. Оллоҳ таоло ўша ошпазни кўр ва қар қилиб қўйганди. У заҳарни овқатни устига сепган эди. Улар ўша овқатдан озгина тановул қилгандилар. Аммо касалнинг асл сабаби ўша заҳар бўлиб, кундан-кун озиб-тўзиб, кун сайин бетоблиги кучайиб борар ва ранги ўзгариб борарди.

Шу куннинг эртасига барча амирларни чорлаб буюрдилар: “Неча йиллардан бери подшоҳлигимни Хумоюнга бериб, ўзим Зарафшон боғининг бир чеккасида узлатга чекинсам, деб кўнглимнинг бир чеккасига туғиб юрардим. Оллоҳнинг қарами билан ҳаммаси муяссар бўлди, лекин шу ишни таним соғлигида қилмоқчи эдим, бўлмади. Эндиликда бу касаллик мени енгди. Ҳаммангизлар Хумоюнни менинг ўрнимда кўринглар ва унинг давлатини қўллаб-қувватлашда ҳимматингларни кам қилманглар ва у билан ҳамжиҳат, ҳамнафас бўлинглар. Ҳақ субҳонаҳу таолодан умид қиламанки, Хумоюн ҳам одамларга яхши муносабатда бўлади. Энди, Хумоюн, укаларингни, барча қариндош-уруғ ва халқни сенга, сени Худога топширдим”. Бу сўзлардан ҳозир бўлганлар зор чекиб йиғладилар ва уларнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди.

Бу воқеани ҳарам аҳли, ичкари кишилари эшитдилар. Турфа ҳолат безовталик, дод-фарёд кўтарилди. Уч кундан кейин фоний дунёдан абадий оламга равона бўлдилар.

Сана 937 ҳ. (1530 йил 26 декабрь) жумод ул-аввал ойининг бешинчиси душанба куни бу дунёдан ўтдилар.

“Табиб ва ҳакимлар кўргани келар экан” баҳонаси билан аммамиз ва оналаримизни олиб чиқиб кетишди. Ҳамма ўрnidан турди, ҳамма бегимлар ва оналаримни катта хонага киритишди. Фарзандлар, яқинлар ва бошқа кишиларнинг бошига қора кунлар тушди, ҳаммалари зор-зор йиғлар, дод-фарёд солар, тоқатсизланарди. Ҳар бири бир бурчакда қора кунларни яширин бошдан кечирарди.

Уларнинг бошига тушган воқеани яширин тутишарди.

<sup>1</sup> Чошнагир – овқатнинг мазасини тотиб кўргувчи, подшоҳнинг ишончли ошпази.

Охири Оройишхон номли хинд амирларидан бири арз қилдики: “Бу ишни яшириш яхши эмас, негаки Ҳиндистонда расм бўлган, агар подшоҳлар шундай воқеага дуч келишса, одамлар бозорларни талон қилишади. Ма-бодо, мўғуллар билмасдан хонадонлар ва ҳовлиларга кириб талон-торож қилишмасин. Бирон кишига қизил либос кийдириб, филга ўтқазиб “Бобур подшоҳ ҳазратлари дарвишлик ихтиёр этиптилар, подшоҳликни Хумоюн подшоҳга топширипти”, деб жар чақиртирилса маъқул бўларди”, – дедилар.

Хумоюн подшоҳ ҳазратлари “шундай қилинглари”, деб ҳукм қилдилар. Шундай жар чақирилиши билан одамлар анча тасалли топишди. Ҳамма кишилар уларнинг давлатлари [бардавом] бўлсин, деб дуо қилишарди.

Шу ойнинг тўққизида, жума куни Хумоюн подшоҳ ҳазратлари тахтга ўтирдилар. Уларнинг подшоҳлигини барча олам муборакбод қилдилар.

Шундан сўнг ўзининг оналари, сингиллари, ўз кишиларини йўқлаб, ҳол-аҳвол сўрадилар ва уларга меҳрибонлик ва ғамхўрликлар кўрсатдилар.

“Ҳар ким қандай мансаб, хизматда бўлса, қандай ер-мулкка эга бўлса, ўз ҳолича қолади ва аввалги тартибда ўз хизматларини адо этаверсинлар!” – деб ҳукм қилди.

Худди шу куни Мирзо Ҳиндол Кобулдан келиб подшоҳ [Хумоюн] ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар. Уни [кўриб] ўта хурсанд бўлдилар, меҳрибонликлар кўрсатдилар. Отадан қолган хазинадан анча нарсаларни Мирзо Ҳиндолга иноят қилдилар.

Отам подшоҳ ҳазратлари вафотидан кейин биринчи улуғ айём кунларининг маъракалари мазор бошида ўтқазиларди. Муҳаммад Али миршабни ҳазратлари [Бобур]нинг мазорига мутавалли қилиб тайинлашди. Ва олтмиш хушовоз ҳофиз ва қироати олий қориларни тайинладилар, токи жамоат билан беш вақт намоз ўқисинлар ва хатми Қуръон қилсинлар ва жаннатмакон ҳазратларининг арвоҳларига дуои фотиҳа қилсинлар. Ва Сикри [ҳозирда Фатхпур номи билан машҳур]ни унга боғлаб қўйишди ва ундан тушадиган беш лакдан ортиқ даромадни ҳазратларининг мазорига вақф қилдилар, токи мазорга тегишли бўлган уламо, ҳофизлар ва бошқаларга сарфласинлар.

Онам икки маҳал ош беришни тайинладилар. Эрталаб бир буқа, икки қўй, беш эчки ва намозигарда беш эчки[дан овқат қилишарди]. Онам ҳаётлик пайтида икки йилгача икки маҳал бу таом онамнинг мол-дунёсидан мазор бошига эҳсон қилинарди.

Онам ҳаётлик пайтларида подшоҳ ҳазратлари [Хумоюн]ни онамнинг давлатхона [уй]ларида кўрардим. Онам мазалари қочганда менга айтдиларки, менинг вафотимдан кейин подшоҳнинг қизлари акалари [Хумоюн]ни Гулбаргбибининг уйларида кўришлари мушқул кўринади.

Гўёки онам ҳазратларининг сўзларини подшоҳ ҳазратлари юрак-юрагига жо қилган экан, токи Ҳиндистонда экан доимо бизнинг уйга келиб, бизларни йўқлаб турардилар ва беҳад меҳрибонлик, иноят ва шафқат қилардилар. Маъсума Султонбегим, Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим ва бошқа бегимлар ҳаммалари оилалик бўлган эдилар. Подшоҳ ҳазратлари бу ҳақирнинг уйига келарди ва барча бегимлар бу ҳақирнинг уйига келиб подшоҳ ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар. Мақсад шуки, подшоҳ отам ва онам вафотларидан кейин подшоҳ ҳазратлари [Хумоюн] бу кўнгли синикдан кўнгил сўраб турар ва бу бечорага нисбатан шунчалар иноят ва беҳад шафқат қилардиларки, ўзимнинг етимлигим ва бошимда соябонларим йўқлигини сезмасдим.

Жаннатошиён ҳазратлари [Хумоюн] фирдавсмакон ҳазратлари вафотидан кейин Ҳиндистонда бўлган ўн йил давомида барча кишилар маъмур ва хавф-хатарсиз, тоат-итоатда ҳаёт кечирдилар.

Фирдавсмакон хазратлари воқеаларидан кейин Биббан ва Боязид Гур томондан келдилар. Бу хабарни эшитишлари биланоқ подшоҳ хазратлари Аградан улар томонга йўл олдилар. Биббан билан Боязидни мағлуб қилиб, Чанодага келдилар. Чанодани ҳам қўлга киритиб Аграга келдилар.

Онам – Моҳимбегимдурлар, ягона орзу-тилаги Хумоюннинг фарзандларини кўрсам, дердилар. Қаерда соҳиби хусну жамол қиз кўрса, подшоҳ хазратларининг хизматларига келтирардилар. Меважонким, Хаданг ясовулнинг қизидир – менинг хизматимда эди. Иттифоқо, фирдавсмакон хазратлари [она] ҳали ҳаётликларида бир куни: “Хумоюн, Меважон ёмон эмас, нега ўз хизматингга олмайсан?” – дедилар. Охири улар [она] нинг сўзлари билан Хумоюн подшоҳ ўша кеча никоҳ қилиб, Меважонни олдилар.

Уч кундан кейин Бекабегим Кобулдан келдилар ва ҳомиладор бўлдилар. Бир йилдан кейин қиз туғилди. Унинг номини Ақиқабегим қўйишди.

Меважон ҳам онам Моҳимбегимга: “Мен ҳам ҳомиладорман”, – дейди. Охири онам икки хил яроқ [сарпо] тайёр қилдилар. “Икковингдан қайси биринг ўғил туғсанг яхши яроқни ўшанга бераман”, – дедилар. Бир даста яроқ, тилла ва кумушдан бодом, ёнғоқлар ясаттириб қўйган ва ёлғон яроқ ҳам ясаттириб қўйган эдилар. Ва буларнинг икковидан бири ўғил туғса керак, деб димоғлари чоғ эди. Интизорлик билан кутганларида Бекабегим Ақиқабегимни туғдилар. Энди кўзлари тўрт бўлиб Меважонни кутардилар. Ўн ой тўлиб, ўн биринчи ой ҳам ўтди. Меважон эса: “Менинг холам Мирзо Улуғбекнинг оиласи эдилар, ўн икки ойда ўғил туққанлар. Эҳтимол, мен ҳам унга ўхшагандурман”, – дердилар. У чодирлар тикиб, кўрпа-тўшаклар қавитганди. Охирида маълум бўлдики, елбўғоз эканлар.

Чанода тарафга кетган подшоҳ ғалаба ва саодат билан қайтдилар.

Онамким, Моҳимбегимдурлар, катта тўй бердилар ва бозорларни безатдилар. Илгарилари бозор аҳлининг ўзигина бозорларга зеб берардилар. Охири улар [Моҳим] одми кишилар ва аскарларга ҳам ҳукм қилдилар, токи яхши жойлар ва сўлим маконлар кўтарсинлар. Шундан сўнг кўча безаш Ҳиндда расм бўлди.

Тўрт зиналик тахтнинг устига зардўзи адраски, зардўзи тўшак ва болиш ташланганди. Чодирларнинг усти ва қабулхона ичкараси фарангий зарбафт ва ташқариси Португал сақарлоти [мовут] билан ёпилганди. Чодирнинг ва қабулхонанинг ёғочларига тилла ҳал берилганди. Уларга ниҳоятда зеб берилганди. Ва харгоҳ [чодир]нинг турлуғ [иплари] Гужарат зарипакларидан, каннат ва сарканнат (жомашов), офтоба, чиловчин, шамдонлар, идиш-оёқлар, гулобпош (гулоб сепадиган)ларнинг ҳаммаси тилладан ясалиб, қимматбаҳо тошлар қадалганди. Ҳамма анжомларини тайёрлаб бинойидай тўй беришди. Ўн икки қатор туя ва ўн икки қатор хачир, етмишта тўбучок от, юзта юк ташувчи от тортиқ қилишди ва етти минг кишига махсус сарпо беришди ва бир неча кунгача шодиёна давом этди.

Шу аснода, Муҳаммад Замон мирзо Ҳожи Муҳаммад Кўкайнинг отасини ўлдирибди ва исён кўтариш пайида, деб эшитдилар. Подшоҳ хазратлари уларни келтириш учун бир кишини юбордилар. Уларни тутишиб, Баёнада қамаб Ёдгор тоғайга топширдилар. Ёдгор тоғайнинг одамлари биргаллашиб, Муҳаммад Замон мирзони қочирдилар. Шу мазгилда Султон Муҳаммад мирзо, Найхуб Султон Мирзонинг ҳар иккаласининг кўзига мил тортилсин деган ҳукм бўлди. Найхуб мирзонинг кўзларига мил тортиб кўр қилишди. Муҳаммад Султон мирзонинг кўзига мил тортган киши унинг кўзига зарар етказмади. Бир неча кундан кейин Муҳаммад Замон мирзо ва Муҳаммад

Султон мирзо ва ўғиллари Улуғ мирзо ва Шох мирзо қочишди. Ва Ҳиндда бўлган бир неча йил давомида ҳамиша уларнинг ғавғоси эди.

Подшоҳ ҳазратлари Биббан ва Боязид лашкарларидан қайтгач, онам бир йилга яқин Аграда бўлдилар. Онам ҳазратларига арз қилдиларки, шу кунларда юрагим сиқилипти, агар ҳукм қилсалар, сизнинг хизматингизда Гувалёр сайрига борсак. Онам ҳазратлари, очам ва сингилларни Маъсума Султонбегим (мен Моҳчеча дердим) ва Гулрангбегим (мен Гулчеча дердим) валинеъматларнинг хизматларида Гувалёрда бўлдик.

Гулчеҳрабегим Удада эканларида, уларнинг эрлари Тўхта Буға Султон Ҳақ раҳматига етишдилар. Бегимнинг хизматида бўлган кишилар: “Тўхта Буға Султон вафот қилди, бегимни нима қилай?”, – деб Удадан ҳазратларининг арзига еткурдилар. Подшоҳ ҳазратлари мирзочага: “Бориб бегимни Аграда келтиринг, биз ҳам Аграда борамиз”, – деб ҳукм қилдилар.

Шу орада онам ҳазратлари: “Агар ижозатлари бўлса, Бекабегим ва Ақиқани чақирсам, улар ҳам Гувалёрни кўришса”, – дедилар.

Навкарлар ва Хожа Кабирни жўнатишди, Бекабегим ва Ақиқа Султонбегимни Аградан олиб келишди. Ва Гувалёрда икки ой бирга ўтказишди. Шундан сўнг Аграда жўнашди. Шаъбон ойида Аграда эдилар.

Шаввол ойида онамнинг қоринларида оғриқ пайдо бўлди. Шу ойнанинг ўн учинчи куни сана 940 ҳ.да (1534 йил 27 апрель) фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилдилар.

Подшоҳ отам ҳазратлари фарзандларининг етимлик доғи янгиланди. Айниқса меникиким, ўзлари парвариш қилгандилар. Менинг бошимга бир турфа ҳолат, бегоқатлик ва оғир мусибат тушган эди. Кеча-ю кундуз зор-зор йиғлаб, дод-фарёд солардим. Подшоҳ ҳазратлари бир неча бор келиб, тасалли бердилар, меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилдилар. Онам ҳазратлари икки ёшлигимда мени ўз уйларига олиб кетиб тарбияладилар ва ўн яшарлигимдан бу дунёни тарк этдилар. Яна бир йилгача онамнинг уйида бўлдим.

[Ҳумоюн] Ҳазратлари Дхўлпур сайрига кетган вақтларида ўн бир ёшга қадам қўйгандим, ачам [Дилдор]га ҳамроҳ бўлдим. Гувалёрга жўнашдан аввал иморат бино қилишга тушдилар.

Онам [Моҳим]нинг қирқи ошини ўтказиб, подшоҳ Дехлига ташриф буюрдилар ва у ерда динпаноҳ қалъа тамал тошини қўйдилар, сўнг Аграда келдилар.

Онажоним [Хонзода] подшоҳ ҳазратларига: “Мирзо Ҳиндолнинг тўйини қачон қиласиз?” – дедилар.

Ҳазрат: “Бисмиллоҳ!” – дедилар. Мирзо Ҳиндолни никоҳ қилган пайтларда онам [Моҳим] ҳали тирик эдилар. Тўйни ўтказамиз, деб, тўй асбоб-анжомларини тайёрлашга машғул бўлаётганларида [подшоҳ] “Тилсим” [тўйхона]нинг тўй анжомлари ҳам тайёр, аввал “Тилсим” зиёфатини берай, сўнг Ҳиндолни тўйини қилай, деб буюрдилар.

Подшоҳ ҳазратлари онажонимга [Хонзода]: “Амма ҳазратлари нимани буюрадилар?” – дедилар. Улар: “Худо муборак қилсин, хайрли бўлсин”, – дедилар.

*Форс тилидан  
Аҳмад ҚУРОНБЕКОВ  
таржимаси*

*(Давоми келгуси сонда)*



## Чарльз ДИККЕНС

(1812–1870)

### КАТТА УМИДЛАР

Роман<sup>1</sup>

X боб

Эртаси ё индинги кун сахарда, агар ғайриоддий кўринишни хоҳласам, дастлаб Бидди билганларни ўзлаштириб турсам яхши бўларди, деган хайрли ният билан уйғондим. Ушбу ажойиб режани амалга ошириш учун ўша кунни окшомдаёқ мистер Уопслнинг бувиси очган мактабга бориб, Биддига, маълум ва муҳим сабабга кўра одамлар қаторига киришга аҳд қилганимни ва агар у ўз билимларини баҳам кўрса, жуда миннатдор бўлишимни айтдим. Барчага ёрдам беришга ҳозир у нозир Бидди қизалоқ ўша заҳотиёқ рози бўлибгина қолмай, зудлик билан ишга ҳам киришди. Мистер Уопслнинг бувиси томонидан яратилган таълим тизими ёки таълим усулини қискагина қилиб қуйидагича тасвирлаш мумкин эди: ўқувчилар олма ғажиш ва бир-бирларининг ёқаларига сомон тикиш билан овора бўлишар, мистер Уопслнинг бувиси эса, қайин хипчинини кўтариб, майда қадамлар билан ёнларига етиб келарди. Ўқувчилар улушларини олиб бўлиб ҳам тинчимасдилар, улар қатор туриб титилиб кетган китобчани қўлма-қўл қила бошлар, унда алифбо, бир неча саҳифа шакллар, жадваллар ва ўқиш учун бир нечта машқлар, тўғрироғи, бир вақтлар шундай бўлганининг аломатлари мавжуд эди. Асар ўқувчилар орасида бориб келавергач, мистер Уопслнинг бувиси қарилик ва бод таъсирида ярим уйку, ярим беҳуш ҳолатга тушарди. Шунда ўқувчилар бошмоқлар мусобақасига киришишарди: ўйиндан мақсад ким кимнинг оёғини оғритиброк босишини аниқлашдан иборат эди. Ушбу “донолар машқи”га шиддат билан бостириб кирган Бидди чек кўярди. У титилиб кетган, мен учратган барча китоблардан хийла хирароқ, саҳифалари орасида турли хашаротларнинг парчаланган қолдиқлари сақланиб қолган учта Инжилни тарқатиб чиқарди. Бидди ва кулоқсиз ўқувчилар орасида тез-тез олишувлар бўлиб турганидан, ўқув жараёнининг бу қисми анча жонли ўтарди. “Ҳарбий ҳаракатлар” ниҳоясига етгач, Бидди саҳифа рақамини айтар ва бизлар, тушунсак-тушунмасак, юракни эзиб юборадиган оҳангда, баробарига овоз чиқариб ўқишга тушардик. Айтиш керакки, Биддининг овози ҳаммамизникидан баланд ва бир маромда жарангларди, бизлардан бирортамыз ҳам ўқиётган нарсамизнинг мазмунига тушунмасдик ва ундан таъсирланмасдик. Ушбу бетартиб шовқин-сурон маълум вақт давом этгач, мистер Уопслнинг бувиси уйғониб кетар ва бирор-бир боланинг қулоғини бураб кўйиш учун йўрғалаб қоларди. Бу ўша кунги дарсларнинг тамом бўлганини англатарди ва бизлар атрофни илм-фан шаънига ўқилган

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

хамду санога тўлдириб, кўчага отилардик. Айтиш керакки, ўқувчиларга қора кукун суртилган тахтачалар ва сиёҳдан (агар ўзлари билан олиб келишса) фойдаланиш тақиқланмасди, лекин қиш фаслида ушбу машғулотларни ўтказишнинг иложи бўлмай қоларди, негаки дарслар ўтказиладиган дўконча мистер Уопслнинг бувисига ҳам меҳмонхона, ҳам ётоқ вазифасини ўтар ва бир донагина хира ёнадиган мум шам билан ёритиларди, ҳатто куйган пиликни кесадиغان қисқич ҳам йўқ эди.

Бундай шароитда ғайриоддий бўлиш учун анчагина вақт кетади, деб хавотирлансам ҳам, уриниб кўринишга қарор қилдим, ўша оқшомдаёқ Бидди билан тузган махсус келишувга кўра, унинг нархлар дафтаридаги шакарга тегишли айрим маълумотларга ва уйда кўчириб ёзиш учун эски инглиз ёзувидаги D га эга бўлдим. Бидди уни аллақайси бир рўзноманинг номидан кўчириб олган, унинг тушунтиришларидан кейингина мен бу ҳарфни калава ип суратидан фарқлай бошладим.

Албатта, қишлоғимизда қовоқхона бўларди ва, турган гапки, Жо у ерда баъзан ўтиришни, трубка чекишни ёқтирарди. Ўша оқшом опамдан мактабдан қайтишда “Уч кувноқ денгизчи”га кириб, Жони тирик ё ўлик ҳолатда уйга олиб келиш тўғрисида жиддий топшириқ олгандим. Шу сабабли “Уч кувноқ денгизчи” томон йўл олдим.

Қовоқхонада ичимликлар пештахтаси бўлиб, деворга бўр билан қарздорларнинг узундан-узук рўйхати ёзиб қўйилганди, билишимча, ҳеч ким қарзини тўламасди. Эсимни танибманки, рўйхатнинг жойи ўзгармас ва мендан тезроқ ўсарди. Айтмоқчи, бизнинг ерларда бўр тўлиб ётар, ким билсин, эҳтимол одамлар ундан қарз ҳисобларини ўзгартириш учун фойдалангандирлар.

Мен эслаётган оқшом шанба кунига тўғри келганидан қовоқхона хўжайини қовоғини солиб, рўйхатга тикилиб ўтирарди, лекин менга у эмас, Жо керак бўлганидан, унга хайрли кеч тилаб, ичкаридаги хонага кирдим. Ўша ердаги ошхона ўчоғида олов гуриллаб ёнар, Жо мистер Уопсл ва нотаниш бир одам ҳамроҳлигида трубка чекмоқдайди. Жо мени одатдагидек “Салом, Пип, қалайсан, ошна?” деб қарши олди. У ушбу сўзларни айтиб улгурмасидан, нотаниш одам менга ўгирилиб қаради.

Мен илк дафъа кўриб турган ушбу сирли шахснинг боши бир томонга қийшайган, бир кўзи эса, кўринмас нишонни мўлжалга олаётгандек, қисик эди. У мени кўриб, чекаётган трубкасини оғзидан олди ва юзимдан кўз узмаган ҳолда, аста тутун чиқариб, бош ирғади. Мен ҳам бошимни қимирлатдим, у яна бир марта бош ирғаб сурилди-да, мени ёнига ўтиришга таклиф қилди. Аммо ушбу ҳордиқ чиқариш муассасасида ҳар доим Жо билан ўтиришга одатланганимдан, раҳмат айтиб, унинг қаршисидаги, Жо мен учун бўшатган жойга ўтирдим. Шунда нотаниш одам шеригимга назар ташлаб, бизга қарамаётганига ишонч ҳосил қилди-да, менга яна бош ирғади ва тиззасидан пастроқ жойни, назаримда, ғалати ҳаракат билан силади.

– Темирчиман, деяётгандингиз шекилли? – деди нотаниш одам Жога.

– Шундай, – жавоб қилди Жо.

– Нима ичамиз, мистер... айтмоқчи, ўзингизни таништирмадингиз ҳам.

Жо бу хатосини тўғрилади ва нотаниш кимса унга энди исми-шарифини айтиб мурожаат қилди.

– Нима ичамиз, мистер Гержери? Биринчисини мен тўлай қоламан.

– Биласизми, – жавоб берди Жо, – тўғриси айтсам, агар ўзим тўламасам, бировнинг ҳисобига ичиш одатим йўқ.

– Одатим йўқ? Шундай бўла қолсин, – деди нотаниш киши, – лекин бир



мартаси гуноҳ эмасдир, айниқса, шанба оқшомида. Бўлақолинг, мистер Гержери, нима ичасиз?

– Майли, ўтиришни бузмай, – деди Жо. – Ром.

– Ром? – такрор сўради нотаниш одам. – Учинчи жентльмен нима дейдилар?

– Ром, – деди мистер Уопсл ҳам.

– Уч кишилик ром, – буюрди нотаниш одам хўжайинни чақириб. – Уч стакан.

– Бу жентльмен, – изох берди Жо Уопслни таништириш фурсати етди деб хисоблаб, – бизнинг руҳоний. Черковда уни бир эшитсангиз эди.

– Э, ҳа, – илиб кетди нотаниш одам ва менга кўз қисди, – қишлоқнинг четида, ботқоқликнинг ёнгинасида жойлашган, атрофида қабрлар бор-а?

– Ҳа, ҳа, – деди Жо.

Нотаниш киши мамнун бўлиб, трубкасини оғзидан олмай томоқ қирди ва ўриндикда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигидан, унга иккала оёғини қўйиб олди. У бошига кенг, четлари пастга қийшайган сафар шляпасини кийган, тагидан тортиб рўмол ўраб олганидан, сочлари сира кўринмасди. У оловга тикилиб турар, менга юзи айёронга тус олгандек кўринмоқдайди. Кейин нотаниш киши жилмайди ва юзи аввалги ҳолига қайтди.

– Мен бу ерларда бўлмаганман, жентльменлар, лекин, назаримда, дарёга яқин жойлар кимсасиз кўринади.

– Ботқоқликка яқинлашганингиз сари кимсасиз бўлиб бораверади, – деди Жо.

– Ҳа, турган гап, албатта. Ўша ерларда лўлилар, бегона дайдилар ёки гадоёларни кўриб қолган вақтларингиз ҳам бўлиб турадимиз?

– Йўқ, – деди Жо. – Қочқин маҳбусларни истисно қилсак. Улар камдан-кам учрайди. Тўғри айтяпманми, мистер Уопсл?

Кўрган-кечирган қийинчиликларини ёдига олган мистер Уопсл ясама илтифот билан, совуққина қилиб тасдиқлади.

– Уларни таъқиб қилган ҳам кўринасиз? – сўради нотаниш кимса.

– Бир марта шундай бўлувди, – деди Жо. – Биз-ку, тўғриси айтганда, уларни тутмоқчи ҳам эмасдик, томоша қилгимиз келувди, кейин бордик: мистер Уопсл, мен ва Пип. Тўғрими, Пип?

– Ҳа, Жо.

Нотаниш одам, яна кўринмас милтиқдан мўлжалга олаётгандек, бир кўзини қисиб, менга қаради:

– Болангиз пишиққина кўринади. Исминини нима дедингиз?

– Пип, – деди Жо.

– Исми шунақами?

– Йўқ, исм эмас.

– Фамилияси Пипми?

– Йўқ, – деди Жо. – Оилавий лақабга ўхшаган нарса, кичкиналигида ўзига шундай исм қўйиб олган, ҳамма уни шундай чақиради.

– Ўғлингизми?

– Нима десам экан... – гарчи бунинг унчалик ўйлайдиган жойи бўлмаса ҳам Жо сермаъно чайналди; “Уч қувноқ денгизчи” да гап нима мавзуда бўлмасин, трубкадан тутун бурқситиб, ўзига ақлли тус бериш одат эди. – Йўқ, унчалик эмас. Йўқ, ўғлим эмас.

– Жиянми?

– Нима десам экан, – чўзди яна Жо ўзини чуқур фикрлаётгандек кўрсатиб, – йўқ, сизни алдамайман, йўқ, жиян эмас.

– Жин урсин, у сизга ким бўлади ўзи? – сўради нотаниш одам наза-  
римда ортикча қизикқонлик билан.

Шунда суҳбатга қариндошлик масалаларидан яхши хабардор бўлган мистер Уопсл аралашди. Хизмати сабаб, никоҳ муносабатига кира ол-  
майдиган барча қариндошларни у хотирасида сақлашга мажбур эди. Мистер Уопсл мен ва Жони боғлаб турган муносабатлар хусусида ба-  
тафсил маълумот берди. Нутқининг якунида у қизишиб кетиб Ричард Учинчининг аллақайси монологини баланд овозда ўқиди ва “Шоир айтмоқчи”, дея қўшиб қўйиб, назарида ўзини кўрсата олди. Чамамда, мен ҳақимда гапирар экан, мистер Уопсл сочларимни тўзғитиб, кўзимга тушириб туришни ўзига бурч, деб билди шекилли. Бизникида меҳмон бўлганларнинг ҳаммаси ҳам нима сабабдан кўзларимга шу усулда азоб бериб келганликларини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Аммо, наза-  
римда, болалигимда доим мени эсга олишлари билан йўғон қўлли бирор кимса ана шундай кўз азоби воситасида менга ҳомий эканини билдирмас-  
дан қолмаган. Бу вақт ичида нотаниш киши мендан кўз узмади, нигоҳи шу қадар ўткир эдики, пировардида отиб ташлаб, мени шу ернинг ўзида тинчителишга қарор қилгандек эди. Лекин ром ва сув қўйилган стакан-  
ларни келтирмагунларича лом-мим, деб оғиз очмади, кейин ичкиликдан отиши ҳам ўзига хос бўлди. У гапириб ҳам ўтирмай фақат менга аталган томоша кўрсатди. Стакандаги ромни сув билан аралаштириб, таъмини кўрди, лекин аралаштиришни ҳам, там кўришни ҳам ўзига келтирилган қошиқча билан эмас, эгов воситасида амалга оширди.

У бу ишни шундай бажардики, мендан бошқа ҳеч ким эговни пайқамади, кейин уни артиб чўнтагига солиб қўйди. Аммо мен эгов Жониники эканини ва бу сирли кимса таниш маҳбусимни билишини ўша заҳотиёқ тушуниб етдим. Сеҳрлангандек қотиб, ундан кўз узмасдим, лекин бор-йўқлигим билан энди унинг иши бўлмай қолди, ўриндиқда ястаниб, асосан, жайдари лавлаги ҳақида суҳбатлашарди.

Шанба оқшомларида қишлоғимизни аллақандай сокин муҳит чулғаб оларди: ҳамма ишлар бажарилган, яшашда давом этишдан аввал нафас-  
ни ростлаб олса ҳам бўлади. Ушбу муҳит таъсирига берилган Жо шанба кунни бошқа кунларга қараганда ярим соат кўпроқ қовоқхонада ўтиришга журъат этарди. Ана шу ярим соат ва сув аралашган ром баробарига тугаши билан у жойидан кўзғалиб, қўлимдан ушлаб олди.

– Ярим сонияга, жаноб Гержери, – деди нотаниш одам, – чўнтагимнинг каеридадир янги, ялтираган шиллингим бордек эди, агар уни топсам, болакайники бўлади.

У чўнтагидан бир ҳовуч танга чиқарди, орасидан шиллингни топиб, уни аллақандай ғижим қоғозга ўради-ю кафтимга қўйди.

– Бу сенга, – деди нотаниш кимса. – Ёдингда бўлсин, фақат сенга.

Жонинг қўлини қўйиб юбормаган ҳолда, одоб доирасига кирмаса ҳам, унга тик бокиб, миннатдорчилик билдирдим. Нотаниш одам Жо ва бизга ҳамроҳ бўлиб кетаётган мистер Уопслга хайрли тун тилади, менга эса, нишонга олувчи назар билан қараб қўйди холос. Қаради, дейиш ҳам нотўғри, негаки кўзи қисик эди, аммо қисилган кўз нималарни англамайди дейсиз! Агар гаплашишга иштиёқим бўлганида, уйимизнинг олди-гача фақат мен тўхтамай бидирлаган бўлардим, негаки мистер Уопсл қовоқхона эшигидаёқ бизлар билан хайрлашганди. Жо эса ром ҳидини иложи борича хавога чиқариб юбориш учун йўл бўйи оғзини катта очиб келди.

Мен эски кирдикорим ва эски танишимнинг ўтмишдан кутилмаганда

пайдо бўлиб қолганлигидан ажабланардим, бошқа ҳеч нарсани ўйлашга мажолим йўқ эди.

Ошхонага киргач, опамнинг кайфияти у қадар бузук эмаслигига амин бўлдик, бу ҳолат эса, Жони янгигина шиллинг тўғрисида сўзлаб беришга ундади.

– Гаров ўйнайман, у сохта, – деди опам. – Бўлмаса нега нотаниш одам уни болакайга ҳеч қандай сабабсиз бериши керак? Қани, кўрсат-чи!

Қоғозни очдим, шиллинг сохта эмасди.

– Бу-чи, бу нима? – деди мисс Жо шиллингни столга ташлаб, ўралган қоғозни қўлига оларкан. – Иккита бир фунт стерлинглик қоғоз пул?

Дарҳақиқат, гап худуддаги барча мол бозорларни кезиб чиққан, ёғ босган иккита бир фунтлик қоғоз пул тўғрисида кетаётганди. Жо шляпасини қўлига олиб, пулларни эгасига қайтариш учун “Уч кувноқ денгизчи”га югурди. У келгунича мен курсимда паришон ҳолатда опамга қараб ўтирдим, нотаниш одам кетиб қолганига ишончим комил эди.

Тез орада Жо: “Ўша кимса кетиб қолибди, лекин мен қовокхонадагиларга у пулини қаердан олиши мумкинлигини тайинладим”, деган хабар билан қайтиб келди. Кейин опам пулларни қоғозга маҳкам ўраб, меҳмонхонадаги жавоннинг устида турган чойнакка, қуриган гул япроқлари тагига солиб қўйди. Пуллар ўша жойда қолиб, узок куну тунлар давомида, оғир босинқирашдек менга азоб берди.

Ухлагани кириб кетдим, аммо нотаниш одамнинг менга кўринмас милтиқ ўқталгани, маҳбуслар билан яширин алоқам борлиги, жирканч ва тўпорилигимни ўйлаб туни билан мижжа қоқмадим, ҳолбуки ўша машъум воқеани унутаёзгандим. Эгов ҳам менга тинчлик бермаётганди. У одам сира қутилмаган лаҳзада яна пайдо бўлиб қолади, деган хавотир тарк этмасди. Ниҳоят, қандай қилиб чоршанба кун мисс Хевишемникига боришимни ўйлаб, ухлашга ўзимни мажбур этдим; лекин тушимда хонамга эгов кириб қолганини кўриб, уни ким ушлаб турганини билолмай, кичкириб уйғондим.

## XI боб

Белгиланган вақтда мисс Хевишемнинг уйи олдида ҳозир бўлдим, ботинмайгина чалган қўнғироғимга Эстелла ташқарига чиқди. Аввалги сафаргидек у мени ичкарига киритиб, эшикни кулфлади, кейин шам турган қоронғи йўлакка бошлаб борди. Дастлаб у ўзини мени кўрмаётгандек тутган бўлса, шамни қўлига олгач, менга бош ўгирди ва кибр билан: “Бугун мана бу ёққа борасан”, деди-да, уйнинг бутунлай бошқа томонига бошлаб кетди.

Йўлак узун бўлиб, кўринишидан у уйнинг бутун биринчи қавати бўйлаб чўзилганди. Аммо биз унинг бир қисминигина босиб ўтдик, кейин Эстелла тўхтаб, шамни ерга қўйди ва аллақандай эшикни очди. Қундузги ёруғлик кўзларимни қамаштириб, тош ётқизилган чоғроқ ховлига чиқиб қолдим. Қарама-қарши томонда мўъжаз уйча бўлиб, афтидан унда бир вақтлар иш бошқарувчи яшаганди. Уйчанинг деворига соат ўрнатилган, мисс Хевишемнинг хонасидаги катта соат ва унинг тилла қўл соати каби бу ҳам йигирмата кам тўққизни кўрсатиб турарди.

Очиқ турган эшикдан биз биринчи қаватдаги пастак, нимқоронғи хонага кирдик. У ерда бир неча ташриф буюрувчилар бор эди, Эстелла уларнинг ёнидан жой оларкан: “Чақиришмагунча хув анави ерда тур”,

деди. “Хув анави ер” деразанинг ёнини англатганидан, ўша ердан жой олдим ва ўзимни ўта нокулай сезганим ҳолда, ташқарини кузата бошладим.

Дераза ер сатҳи даражасида бўлиб, қаровсиз боғнинг энг кўримсиз бурчагига қараган, полизда чириган карам қолдиқлари ва биттагина шамшод бутаси бор эди. Қачонлардир у айлана шаклида кесилган бўлиб, энди юқори қисмидан бошқа рангдаги шохлар ўсиб чиққан, яна қаеридир тандирда куйиб, шаклини йўқотган кулчани эслатарди. Бир кун аввал енгилгина қор ёққан, назаримда, у деярли ҳамма ерда эриб улгурганди; фақат ана шу қуёш нури тушмайдиган бурчакда қор эримай қолган, шамол уни ховучлаб олиб, бу ерга келишга журъат этганим учун жазоламоқчи бўлаётгандек, мен томон улоқтирарди.

Келишим билан хонада ўтирган одамлар суҳбатини тўхтатиб, менга тикила бошлаганларини пайқадим. Хонанинг ичи менга кўринмас, ўчоқдаги оловгина ойнада акс этар, аммо мени диққат билан кузатаётганларини ҳис этиб, ғужанак бўлиб олгандим.

У ерда уч аёл ва бир эркак бор эди. Деразанинг олдида беш дақиқа турмасимданоқ менда бу одамларнинг бари лаганбардор ва муттаҳам, деган фикр уйғонди, бироқ уларнинг ҳар бири ўзини бошқаларнинг тилёғламачи ва фирибгарлигини билмайдигандек тутар, акс ҳолда ўзининг ўшалардан бири эканини тан олишга мажбур бўлиб қоларди.

Улар шу ерда эканликларини кимдир лутфан пайқаб қолишини кутишдан чарчаб, зерика бошлагандилар, уч аёлдан энг сергапи эса, эсноқни хайдаш учун сўзларни чўзиб айтмоқдайди. Камилла, деб чакиришаётган ушбу хонимни опамга жуда ўхшатдим, фақат унинг ёши каттароқ ва юз тузилиши юмалоқроқ эди (буларни уни кўргандан кейин пайқадим). Уни яқинроқ билганимдан сўнг эса, яхши ҳамки қандайдир юз бичими бор, акс ҳолда башараси бўм-бўш, баланд ва ўлик деворга ўхшаб қоларкан, деб ўйлагандим ҳам.

– Бечора, – бу хоним ҳам опамга ўхшаб чертиб гапирди. – Ўзидан бошқа душмани йўқ унинг!

– У бошқа бировга душманлик қилганида тўғрироқ бўларди, – деди эркак киши. – Ва табиийроқ туюларди.

– Раймонд оға, – деди эътироз оҳангида бошқа бир хоним, – биз, ахир, яқинларимизни севишимиз керак.

– Сара Покет, – деди Раймонд оға, – инсонга унинг ўзидан яқинроқ ким бор?

Мисс Покет қулиб юборди, мисс Камилла ҳам кулди ва эсноғини яшира туриб, деди: “Ўйлаб топган гапини қаранг!”. Назаримда айтилган фикр ҳаммаларига ёқиб тушганди. Ҳали оғзини очмаган учинчи хоним жиддий оҳангда ва ишонч билан: “Тўппа-тўғри”, деди.

– Бечора, – давом этди Камилла бир оз жимликдан сўнг. (Сукут давомида ҳаммалари менга тикилиб туришганини ҳис этаётгандим). – У бирам ғалатики! Айтсам ишонмайсиз, Томнинг хотини оламдан ўтганида кизларга қора бандли кўйлак зарурлигини унга уқтириб бўлмади.

– Эй, Худоийм, Камилла, – деди у, – барибир эмасми, бечора етимчалар қора кийсалар бўлди-да! Ҳа, ана шунақа у, Мэтью. Гапини қаранг!

– Унинг яхши томонлари ҳам бор, ишонаверинг, – деди Раймонд оға.

– Мен йўқ демаяпман, Худо асрасин, лекин унда одоб қоидалари тўғрисида зиғирча ҳам тасаввур йўқ, бўлмайди ҳам. Ишонасизми, йўқми, – гапида давом этди Камилла, – мен айтганимни қилдиришга мажбур бўлдим, ҳа, мажбур бўлдим. Йўқ, дедим мен, менга оиланинг

обрўси муҳимрок, бунга йўл қўя олмайман. Агар қора бандли кўйлақлар кийилмаса, бутун оиланинг обрўсига путур етади, деб унинг юзига айтдим. Бу тўғрида такрор ва такрор, нонуштадан тушликкача гапиравериб, ошқозонимни касал қилдим. У асабийлашиб, қизишиб кетди ва: “Билганингни қил”, деб юборди. Ҳатто жуда хунук бир сўз ҳам қўшиб қўйди. Айтишим керакки, ўша заҳоти уйдан чиқиб, шаррос қуяётган ёмғир остида ҳамма зарур нарсаларни харид қилиб келганимдан умримнинг охиригача мамнун бўлиб юраман.

– Пулини у тўлагандир, шундайми ахир? – сўради Эстелла.

– Гап ким пул тўлагани устида кетмаяпти, қизалоғим, – жавоб берди Камилла. – Ҳаммасини ўзим сотиб олдим. Ҳали тунлари уйғониб кетган пайтларимда буни мамнуният билан такрор-такрор эслаб юраман.

Узоқдан келган қўнғирок товуши ва биз юриб ўтган йўлакда акс садо берган кимнингдир хитобини эшитиб, ҳамма жимиб қолди.

– Юр, болакай, – деди менга Эстелла. Ўғирилганимда, уларнинг менга нафрат билан қараб турганларини пайқадим. Чиқиб кетаётиб, кимнингдир “Бу энди ҳаммасидан ошиб тушди!” деганини, Камилланинг ижирғаниб: “Ўйлаб топган нарсасини қаранг!” деб уни маъқуллаганини эшитдим.

Шамни кўтариб қоронғи йўлакдан бораётганимизда Эстелла кутилмаганда тўхтади ва юзи юзимга тегиб кетадиган даражада ўғирилиб, истехзо билан сўради:

– Хўш, нима?

– Ҳеч нима, мисс, – жавоб бердим унга урилиб кетай деб.

– Шундай қилиб, мен чиройлиманми?

– Ҳа, менимча, жуда чиройлисиз.

– Сержаҳлманми?

– Йўқ, ўтган сафардагичалик эмас.

– Ўтган сафардагичалик эмас?

– Йўқ.

Охирги саволни бераётиб у ғазабланиб кетди, жавобимни эшитиб эса, бор кучи билан тарсаки туширди.

– Хўш? – деди Эстелла. – Энди мен тўғримда қандай фикрдасан, шўрпешона мишиқи?

– Айтмайман.

– Юқорига чиқиб арз қилмоқчидирсан-да, шундайми?

– Йўқ, ундай эмас.

– Нега бугун йиғламаяпсан, илонвачча?

– Чунки энди ҳеч қачон сизни деб йиғламайман, – дедим мен. Турган гапки, алдаётгандим, сўнгги кунларда уни деб қанча азоб чекмадим, буниси фақат ўзимга аён.

Биз йўлимизда давом этдик ва зинадан кўтарилаётиб, ҳаммаёқни пайпаслаб, пастга тушаётган бир жаноб билан тўқнаш келдик. У тўхтади ва менга қараб:

– Бу яна ким бўлди? – деб сўради.

– Бир бола, – деди Эстелла.

Қаршимда турган одам тўладан келган, фавкулудда қорача, боши ва қўллари ғайриоддий катта эди. У ўзининг бесўнақай қўли билан даҳанимдан ушлаб, юзимни шамдан тушаётган ёруғга қаратди. Бошининг олд томони ёшига номутаносиб тарзда тақир, куюқ қора қошлари тикка ва дағал эди. Ич-ичига ботган кўзлар одамнинг ичини кўраётгандек, шубҳа ва синчковлик билан қарамокдайдилар. Чўнтагидан соатнинг йўғон зан-

жири чикиб турар, юзининг соқол ва мўйлов ўсадиган жойлари қора доғлар билан қопланганди. Бу одамни мен танимасдим, унинг келажакда ўзим учун қандай аҳамият касб этиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаётгандим, аммо тасодиф уни яхшилаб кўриб олишга имкон яратди.

– Қўшни қишлоқдан келган бола сенсан, шунақами? – сўради у.

– Ҳа, сэр, – дедим мен.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг?

– Мисс Хевишем мени олиб келишларини буюрди, сэр, – тушунтирдим мен.

– Ўзингни яхши тутгин. Ўғил болаларни озми-кўпми биламан ва айтишим мумкинки, яхши одам эмассизлар. Эсингдан чиқмасин! – тирноғини ғажишдан тўхтамай ўқрайиб такрорлади у. – Ўзингни яхши тут!

Шу сўзларни айтиб, у мени қўйиб юборди (бундан мен хурсанд бўлдим, негаки қўлидан ёқимсиз совун хиди анқиётганди) ва зинадан пастга тушишда давом этди. Аввалига мен уни шифокор бўлса керак, деб ўйладим, кейин фикримдан қайтдим – шифокорлар мулойимроқ ва босиқроқ бўлади. Қолаверса, бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтиришга фурсат ҳам йўқ эди, негаки биз мисс Хевишемнинг хонасига кириб келгандик. У ерда унинг ўзи ҳам, атрофидаги нарсалар ҳам, бир неча кун муқаддам чикиб кетаётганимда қандай бўлса, шундай турганди. Эстелла мени эшикнинг олдида тарк этди. Мисс Хевишем пардоз столи ёнидаги ўриндигидан мени кўриб қолгунига қадар тик туравердим.

– Хўш, – деди у на чўчиганини ва на ҳайратланганини билдирмасдан. – Демак, кунлар тез ўтибди-да?

– Ҳа, мэм. Бугун...

– Тўхта, ҳожати йўқ. – Бармоқлар ғайриихтиёрий ҳаракат қила бошлади.

– Билишни истамайман. Бугун ўйнай оласанми?

Ўзимни йўқотиб қўйгандим ва:

– Ўйнай олмасам керак, – деб тан олишга мажбур бўлдим.

– Қарга-чи, ўтган сафардагидек? – деди хоним синчков назар ташлаб.

– Қарга ўйнай оламан, агар буюрсангиз.

– Модомики, сен бу уйда ўзингни боладек ҳис қила олмаётган экансан, – мисс Хевишемнинг овозида тушқунлик оҳанги бор эди, – ва ўйнашни истамас экансан, балки ишлашни хоҳларсан?

Бу савол менга аввалгисидан маъқулроқ туюлди ва “жон деб ишлайман”, дедим.

– Унда нариги хонага кириб тур, – деди хоним ажин босган қўли билан очиқ қолган эшикка ишора қилиб. Мен итоат билан қўшни хонанинг эшигини очдим. Кундузги ёруғлик бу ердан ҳам бадарға қилинган, ичкаридаги ҳаво оғир ва қўланса эди. Нам тортган, эски ўчоққа кўринишидан ҳозиргина ўт ёқилганди. Аммо олов авж олишнинг ўрнига, кўпроқ ўчиш ҳаракатида бўлиб, ўчоқ устида муаллақ қотган тутун бизнинг ботқоқликдаги ҳаводан ҳам совуқроқ кўринарди. Ўчоқнинг юқори тоқчасидаги баргсиз шохларни эслатадиган шамлар хонани аранг ёритар, тўғрироғи, улар зимистонга қарши базўр қурашаётганди. Бу ер қачонлардир серхашам меҳмонхона бўлган, лекин энди менга кўриниб турган барча жиҳозлар батамом чириб битган, уларни чанг ва моғор қоплаганди. Энг кўзга кўринарли жойда устига дастурхон ёзилган стол турарди – уйдаги барча соатлар ва бутун ҳаёт тўхтаб қолганида, бу ерда, чамамда, зиёфатга тайёргарлик кўрганлар. Дастурхоннинг марказида, устини қуюқ ўргимчак тўри қоплаганидан шаклини аниқлаб бўлмайдиган, кўзага ўхшаш буюм бор эди. Каттакон кўзиқоринни

эслатадиган дастурхоннинг сарғиш сатҳида оёғида доғи бор йирик-йирик ўргимчакларга кўзим тушди, улар қароргоҳлари томон югуриб боришар ва ўргимчаклар оламида ҳозиргина ўта муҳим хабар тарқалгандек, у ердан тезда қайтиб чиқишарди.

Девор ортида эса сичконларнинг югур-югури эшитилмоқдайди, афтидан, янгиликдан улар ҳам хабардор эдилар. Аммо қора сувараклар ушбу югур-югурга ҳеч эътибор бермасдилар; улар кўр ва бир оз кардек, ўчоқ атрофида шошмасдан, чолларга ўхшаб дайдишарди, бунинг устига бир-бири билан чиқишмасди.

Ушбу газандаларни узоқдан томоша қилиб, сеҳрлангандек қотиб турганимда, мисс Хевишем тўсатдан кўлини елкамга қўйди. Иккинчи кўли билан у йўғон ҳассага таяниб олганди, бу жойларнинг кўрқинчли бекасининг киефаси ҳеч бир жодугардан кам эмасди.

– Мана бу ерга, – деди у ҳасса билан узун столга ишора қилиб, – ўлганимда мени шу ерга ётқизадилар. Улар келиб, мени томоша қиладилар.

Унинг кўл теккизишидан ва ҳозироқ столга ётиб ўлиб қолса-я, деган хавотирдан мўмиёланган мурдага ўхшаб ғужанак бўлиб олдим.

– Сенинг фикрингча, анави нарса нима? – ҳассаси билан столни кўрсатиб сўради у мендан. – Анави, ўргимчак тўри қоплаган нарса.

– Нималигини билолмадим, мэм.

– Бу – катта торт. Никоҳ торти. Менинг тортим.

У кўзлари чакнаб хонага назар солди, кейин елкамга маҳкам суяниб, деди:

– Қани, бошла! Юргиз мени, юргиз!

Унинг сўзларидан шундай хулосага келдимки, ишим уни хона ичида айлантириб олиб юришдан иборат экан. Мен пайсалга солиб ўтирмадим, биз мистер Памблчукнинг отига ўхшашни олдимизга мақсад қилиб қўйгандек (бу фикр ўшанда бир лаҳзага хаёлимга келганди) шахдам юра кетдик.

Мисс Хевишем нимжон эди. Бир оздан сўнг у “Секироқ”, деди. Тўхтаган бўлсак-да, хаёлан биз асабий, бемаром лўкиллашда давом этаётгандек эдик, негаки унинг елкамдаги кўли титрар, лаблари қийшайр ва менда биз тез югурияпмиз, деган таассурот уйғотмоқдайди, аслида хонимнинг фикрлаши тезлашмоқдайди. Ниҳоят у: “Эстеллани чақир”, деди. Мен ўтган сафардагидек йўлакка чиқиб, бор овозим билан Эстеллани чақира бошладим. Узоқдан шам ёғдуси кўрингач, мисс Хевишемнинг ёнига қайтдим ва биз яна хона ичида айланишга тушдик.

Агар юришимизга Эстелланинг фақат ўзи гувоҳ бўлганида ҳам, ўзимни ноқулай ҳис этардим, бироқ у мен пастда кўрган уч аёл ва жентльменни бошлаб келганди ва мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Одоб юзасидан тўхтамоқчи эдим, хоним елкамни оғритиб босди, биз олға интилдик – бу фикр мендан чиққан, деб ўйлашади, деган хаёлдан қизариб кетдим.

– Азизам, мисс Хевишем, кўринишингиз жуда яхши!

– Ёлғон, – деди мисс Хевишем. – Сарғайган териму суякларимдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Мисс Покетга берилган зарбадан Камилла яшнаб кетди ва мисс Хевишемга ҳамдардлик билан қараб:

– Оҳ, бечорагинам! Шўрлик қандай қилиб яхши кўринсин? – деди. – Ўйлаб топган нарсасини қаранг!

– Ўзингиз қалайсиз? – деди мисс Хевишем Камиллага. Бу пайт биз айнан Камилланинг ёнидан ўтмоқдайдик. Тўхтамоқчи бўлгандим, мисс Хевишем хоҳламади. Юришда давом этдик, мисс Камилланинг мендан жуда нафратланаётганини ҳис эта бошладим.

– Раҳмат, мисс Хевишем, бир нав.  
 – Нима бўлди сизга? – сўради мисс Хевишем бетакаллуф оҳангда.  
 – Эслашга арзигулик ҳеч нима, – жавоб берди Камилла. – Ҳисларимни юзага чиқармасликка ҳаракат қиламан, лекин кейинги пайтларда туни билан сизни ўйлаб чиқяпман, бу нарса соғлигимга таъсир кўрсатмай қолмаяпти.

– Унда мен тўғримда ўйламанг, – чўрт кесди мисс Хевишем.

– Айтишга осон, – нозланиб эътироз билдирди Камилла, кейин пиқиллай бошлади, лаблари бурилиб, кўзидан ёш окди. – Кечалари ёнимга қанча анбар ва хушбўй туз қўйиб ётишимни, ана, Раймонд айтиб берсин. Асабларимнинг қақшаши оқибатида оёғим неча марта увишганини ҳам айтсин. Ростини айтганда, ўзим севган кишилардан хавотир олиш, асабий увишишлар ва оғриқлар мен учун одатий ҳол. Агар шунчалар кўнгилчан ва меҳрибон бўлмаганимда, иштаҳам бундан яхшироқ, асабларим темирдан бўларди. Бундан яхшироғини ўзимга тиламасдим ҳам. Лекин тунлари сиздан хавотир олмаслик – йўқ, буни тасаввур этиш мушкул.

Кейин у хўнграб йиғлай бошлади. Тилга олинган Раймондни қаршимда турган жентльмен, деб тушундим ва уни Камилланинг эри бўлса керак, деб ўйладим. У ўша заҳоти ёрдамга ошиқиб, эркалаш оҳангида аёлни овутишга тушди: “Камилла, азизам, қариндошлик ҳиссиёти сизни емираётганини, бир оёғингиз иккинчисидан калтароқ бўлиб қолганини ҳамма билади”.

– Бирор киши тўғрисида қайғуриш, ундан ниманидир тама қилиш ҳуқуқини бермайди, деб ўйлайман, азизам, – гап қайтарди овози бир мартагина янграган кўнгли қаттиқ хоним.

Мен энди кўриб турган мисс Сара Покет – қотма, паст бўйли, ёнғок пўчокларидан ясалгандай бир туюр жигарранг юзли, мушукникига ўхшаб кетадиган катта, лекин мўйловсиз оғизли кампиршо бу фикрга қўшилиб, деди: “Шундай, албатта, азизам! Ҳм!”

– Ўйлаш – оғир иш эмас, – деди қаҳри қаттиқ хоним.

– Бундан осони йўқ, – тасдиқлади мисс Сара Покет.

– Ҳа, албатта, албатта, – хитоб қилди Камилла, жўшиб кетган туйғуларини оёғидан қалбига кўчаётганини ич-ичидан ҳис этаётгандек. – Ҳаммангиз мутлақо ҳақсиз! Бу даражада кўнгилчан бўлиш ярамайди, лекин ўзимни тиёлмаяпман. Соғлигимни хароб қилаётганимни биламан, аммо нима бўлганда ҳам, кўлимдан келса ҳам, бошқача бўлишини хоҳламасдим. Тўғри, азобларим оғир, лекин тунлари уйғониб кетиб, ўзимнинг шунақа эканимдан таскин топаман.

Кейин у яна хўнграб йиғлашга тушди. Бу фурсат ичида мисс Хевишем бир марта бўлса ҳам тўхтамади, биз хонада доира ясаб, гоҳо меҳмонларга тегиб кетаёзиб, гоҳо улардан хонанинг узунлиги даражасида узоклашиб, юришда давом этдик.

– Мэтьюни қаранглар, – деди Камилла, – энг яқин инсонларни эсдан чиқарган, мисс Хевишем ўзини қандоқ ҳис этаётганини сўрамайди! Баъзан диванда, корсетнинг боғичларини ечиб, соатлаб хушсиз ётаман, бошим орқага оғиб кетади, сочларим ёйилган, оёқларимнинг қаердалигини билмай ҳам қоламан...

– Бошингиздан анча баландда бўлади, қувончим, – қўшиб қўйди Камилланинг эри.

– Шу ахволда соатлаб ётаман, ҳа, соатлаб; ҳаммасига Мэтьюнинг ғайритабиий, ажабтовур феъли сабабчи, бунинг устига ҳеч кимдан бир оғиз раҳмат эшитмабман.



– Бу фикр хаёлимга ҳам келмаганини тан олишим керак, – деди қаҳри каттик хоним.

– Биласизми, азизам, – гапга қўшилди мисс Сара Покет (хушмуомала, лекин айёр аёл), – ўзингиздан бир сўраб кўрсангиз бўларди, оппоғим, кимдан раҳмат кутяпсиз?

– Ҳеч кимдан миннатдорчилик кутмаган ҳолда, – давом этди Камилла, – соатлаб шундай ҳолатда ётаман, мана Раймонд гувоҳ, ростакамига бўғила бошлайман, анбар суви ҳам ёрдам бермай қолади. Бир куни эса, кўчанинг нариги бетидаги пианино созловчининг уйидагилар овозимни эшитишибди, унинг бечора, адашган болалари томнинг бўғотида кабутарлар ғувиллашяпти, деган хаёлга борибдилар, шундан кейин ҳам айтсаларки...– Камилла қўлини томоғига олиб борди-ю, янги кимёвий бирикмалар каби мураккаб товушлар чиқара бошлади.

Мэтьюнинг исмини эшитиб, мисс Хевишем мени тўхтатди, ўзи ҳам тўхтади ва диққат билан сўзловчига тикилди. Бу нигоҳ таъсирида Камилланинг “кимёвий фаолияти” тўхтаб қолди.

– Мэтью мени кўргани охирида келади, – деди мисс Хевишем жиддий оҳангда, – анави столда ётганимда. Мана унинг жойи қаерда бўлади, – деди у ҳассаси билан столни уриб, – манави ерда – менинг бош томонимда. Сиз эса – манави ёқда, эрингиз – бу ерда! Сара Покет – у ёқда! Жоржиана – бу ёқда! Ана бўлди, мурдамнинг устида зиёфат қилгани келганингизда, қаерда туришингизни ҳаммангиз билиб олдингиз. Энди кетинглар!

Уларнинг исмини бирма-бир айтар экан, мисс Хевишем ҳар сафар ҳассаси билан столнинг бошқа жойига урарди. Кейин: “Юргиз мени, юргиз!” деди ва биз яна юра бошладик.

– Итоат этиб, тарқашдан бошқа иложимиз қолмади, шекилли, – деди Камилла. – Меҳрим ва қариндошлик бурчимнинг соҳибасини кўрганимга ҳам раҳмат. Ушбу учрашув қанчалар қисқа бўлмасин, тунлари уйғониб у ҳақда қувонч ва қайғу билан эслаб юраман. Қани энди Мэтьюга шундай имкон берилгандайди! Лекин унинг ўзи бундан воз кечяпти. Мен ҳиссиётларимни ҳеч кимга ошкор этмайман, деб узил-кесил аҳд қилгандим, лекин жигарингнинг мурдаси устида зиёфат қилмоқчисан, десалар ва ҳайдасалар – оғир ботаркан! Ўйлаб топган гапини қаранг!

Миссис Камилла қўлини кўтарилиб тушаётган кўкраги устига қўйган эди ҳамки, эри уни суяб қолди; ушбу хоним юзига ғайриинсоний қатъият ва айни пайтда тараддуд ифодасини бериб, остона хатлаши билан, мисс Хевишемга масофадан ўпич йўллади ва эрининг ҳамроҳлигида чиқиб кетди. Сара Покет ва Жоржиана хонада ким охирида қолиш бўйича мусобақалашмоқчи бўлдилар, бироқ Сара Покетни алдаш осон эмасди. У ўзига сездирмай, Жоржиананинг атрофида шунчалар усталик билан айланиб, уни эшик томон суриб бордики, боёқиш биринчи бўлиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шундан кейин Сара Покетнинг ҳам чиқишига ҳеч бир тўсиқ қолмади. Унинг юзида овоз чиқариб айтгандан ҳам тушунарли бўлган, барча камчиликлару хатолари учун кечирим сўраётганини ифодаловчи табассум зуҳр этди, хайрлашар экан, у сермаъно хўрсиниб: “Худо сизни ўз паноҳида асрасин, мисс Хевишем”, деди.

Эстелла шамни олиб, уларни кузатгани пастга тушди, мисс Хевишем эса, яна бирмунча вақт елкамга таяниб, борган сари секинроқ юришда давом этди. Ниҳоят у ўчоқ олдида тўхтади-да, бир оз жим туриб, ўзига-ўзи алланималарни гапирди, кейин менга мурожаат қилди:

– Бугун менинг туғилган куним, Пип.

Табриклайман, дейиш учун оғиз жуфтлагандим, у тахдид билан хассасини кўтарди.

– Бу ҳақда гапиришга рухсат бермайман. Ҳозиргина бу ердан чиқиб кетганларга ҳам, бошқаларга ҳам. Бу ерга улар таваллуд кунларим келадилар, аммо оғиз очгани ботинолмайдилар.

Турган гапки, мен ҳам бу тўғрида оғиз очиб ўтирмадим.

– Шу куни, сен туғилишингдан анча аввал, анави чириндини, – хоним хассаси билан ўргимчак ини қоплаб олган дўнгчага ишора қилди, – олиб келиб, шу ерга қўйдилар. Биз баробарига қаридик. Пиширикни сичқонлар еди, мени эса, уларникидан ҳам ўткирроқ тишлар кемириб келмоқда. – У хассасини кўксига босганча столдан кўз узмас, эгнида сарғайиб, унникиб кетган, қачонлардир оппоқ бўлган кўйлак, бир пайтлар ғуборсиз, энди эса оҳори тўкилиб, сарғайган дастурхонга қараб турарди; атрофдаги ҳамма нарса тўкилиб, ғуборга айланиши учун кимнингдир уларга тегиб кетишини кутаётгандек эди гўё.

“Емирилиш” ниҳоясига етгач, мисс Хевишемнинг кўзларида қахр ўти ёнди.

– Жонсиз танамни, никоҳ қўйлагида, никоҳ дастурхони устига қўядилар, бу унга сўнгги тавқи-лаънат бўлсин! Шу воқеа ҳам туғилган кунимда юз берса, айна муддао бўларди, – хоним жонсиз танасини кўраётгандек, дастурхондан кўз узмасди.

Мен сукут сақламоқдайдим. Пастдан қайтиб чиққан Эстелла ҳам жим эди. Менга биз кўпдан буён шундай тургандек туюлмоқдайди. Хонанинг димиққан ҳавоси, унинг бурчакларига ўрнашиб қолган оғир зулмат таъсирида Эстелла ҳам, мен ҳам ўша онда емирилиб кетмасак эдик, деб хавотирланардим.

Ниҳоят мисс Хевишем алаҳсирашдан тўхтаб, деди:

– Хўш, сизлар қарта ўйнанглар, мен қараб ўтираман. Нега бошламаяпсизлар?

Биз унинг хонасига қайтиб, жойларимизга ўтирдик. Мен яна ўйинни бой бера бошладим. Мисс Хевишем эса, биздан кўз узмас, мени Эстелладан завкланишга ундар, унинг чиройини янада тароватли қилиш учун бўйни ва сочларини тақинчоқлар билан безамоқдайди.

Эстелланинг менга муносабати ўзгармаганди, бунинг устига у менга энди гапирмай ҳам қўйди. Биз беш ёки олти қўл ўйнадик, кейин яна мен келишим керак бўлган кун белгиланди, яна мени ховлига олиб чиқиб, итга овқат бергандек тамадди қилдирдилар. Яна ўтган сафардагидек, боғда сайр қилишга рухсат берилди. Боққа қараш учун мен тирмашган девордаги эшик ўтган сафар очикмиди, йўқми, умуман эшик бормиди, эслай олмадим, лекин бу сафар у кўз олдимда очик турарди.

Эшикдан кириб, боғни сайр қила бошладим. У мутлақо қаровсиз эди, бир вақтлар қовун ва бодринг етиштирилган иссиқхоналарда эски бошмоғу шляпаларнинг қолдиқлари учрар, ахён-ахёнда тешик қозончаларнинг кулоқлари кўзга ташланиб қоларди. Ерга ётган ток новдалари ва бир неча бўш шишадан бўлак ҳеч вақо йўқ боғни кезиб чиқиб, иссиқхонани назардан ўтказиб, ҳали деразадан ўзим қараган кимсасиз бурчакка бориб қолдим. Уйнинг ичида ҳеч ким йўқ, деган комил ишонч билан бошқа бир деразадан ичкарига қарадим, рўпарамда сочлари оппоқ, рангпар, икки ёноғи қизил ўспирин жаноб турарди. У ўша заҳоти кўздан йўқолиб, бир лаҳзада ёнимда пайдо бўлиб қолди. Уни кўриб қолганимда дарс тайёрлаётганди шекилли, бармоқлари сиёҳ эди.

– Салом бердик, оғайни, – деди у. “Салом бердик”ка ўша иборанинг ўзи билан жавоб қайтариш қулайроқ эканини тажрибамдан билганимдан, мен ҳам “Салом бердик”, дедим, камтарлик юзасидан “оғайни”ни тушириб қолдириб.

– Эшикни сенга ким очди? – сўради у.

– Мисс Эстелла.

– Боғга киришга ким рухсат берди?

– Мисс Эстелла.

– Юр, уришамиз, – деди рангпар ёш жаноб.

Орқасидан бормай иложим йўқ эди. У шунчалар шахд билан гапирдики, мен бўлсам ҳамон шунчалик хайратда эдимки, сеҳрлангандек унга эргашдим.

– Айтмоқчи, – деди у биз ҳали бир неча қадам қўймасимиздан. – Сенга уришиш учун баҳона топиб беришим керак-ку, мана сенга, ол!

Кейин у намоийшкорона қарсак чалиб, оёғини орқага ташлади, сочимдан ушлаб, ўзига тортди, яна қарсак чалди ва мўлжаллаб туриб, қорнимга калла қўйди. Унинг ана шу, сўнгги, хўкизларга хос қилиғи, қорним тўқ бўлганидан, менга айниқса ёкмади. Энди ошириб юбординг, деган хаёлда унга жавоб зарбаси бердим.

– Ҳали шунақамисан? – деди у ва ҳали мен кўрмаган раксни ижро этаётгандек, орқага, олдинга сакрай бошлади.

– Ўйин қоидалари! – деди у ва ўнг оёғида сакраб қўйди. – Фақат қоида бўйича! – Кейин чап оёғида сакради. – Жой танлашимиз ва расм-русумларни бажаришимиз керак. – Кейин у орқага, олдинга эгила кетди. Рақибимнинг эпчиллиги ва чаққонлигини кўриб, ундан ҳадиксираб, бутунлай умидсизликка тушиб қолгандим. Айни пайтда, унинг узун ва оқ сочли калласи билан шилқимларча берилган зарбасидан хафа бўлишга асосим борлигини жисмонан ва руҳан ҳис қилаётгандим.

Шунинг учун чиқиндилар уюми бегона кўзлардан пана қилиб турган, икки девор туташиб, бурчак ҳосил этган жойгача унга индамай эргашиб бордим. У мендан жой ёққан-ёқмаганлигини сўради, “ёқди” деган жавобни эшитиб, кўнгли тўлди ва бир дақиқага рухсат сўраб, кўздан ғойиб бўлди. У тезда бир шиша сув ва сиркага ботириб олинган юмшоқ латта билан қайтиб келди.

– Бу иккаламизга, – деди у шишани деворга суяб кўяркан. Кейин у ўзига ҳам беғам, ҳам даҳо, ҳам шафқатсиз қасоскор тусини бериб, камзули, нимчаси ва кўйлагини еча бошлади. Юзини ҳуснбузар қоплаган, лаблари пўст ташлаган рақибим унчалик бакуват кўринмаса ҳам, кўраётган тадоригидан яхшигина хавфсирай бошладим. Ешимиз тахминан тенг кўринса-да, унинг бўйи мендан хийла баланд, ҳаракатлари фавқулодда эркин эди. У жангга шайланиб, афтидан аниқ мўлжал билан зарба бериш учун менга бошдан-оёқ разм сола бошлаганида, юрагим шув этиб кетди. Қулочимни ёзишим билан учиб тушгани, пачақланган бурнидан қон оқаётгани, киёфасининг ўзгариб кетгани ва менга қараб қолганини кўриб, хайратдан қотиб қолдим.

Аммо у ўша заҳоти ўрнидан сакраб турди-да, тезда лабини юмшоқ мато билан артиб, яна ҳужум бошлади. Иккинчи марта чалқанча йиқилиб, кўкарган кўзлари билан менга жовдираганини кўриб, хайратим янада ошди.

Унинг иродаси менда чуқур ҳурмат уйғотди. Кучи етмаётгани кўриниб турар, ҳали мени бир марта ҳам бошлаб урмаган, йиқилгани йиқилган эди,

аммо яна ўрнидан туриб, сувдан ҳўплар, юмшоқ сочиқ билан артинар, ўзига ўзи секундант бўлишнинг барча қоидаларига риоя этиб, яна мен томон шунчалар шахд билан отилардики, ҳар сафар энди тамомман, деб ўйлардим. Рақибимнинг ҳаммаёғи кўкариб-ёрилиб кетганди, негаки, аф-сус билан тан олишим керакки, уни борган сари қаттиқроқ ураётгандим, лекин у такрор ва такрор оёкка туриб кетарди, ниҳоят, яна бир марта йиқилди-да, боши билан деворга урилди. Муносабатларимиздаги ана шу кескин бурилишдан кейин ҳам, у ўрнидан туролди ва қаерда турганимни аниқ билолмай бир муддат давра айланди; ниҳоят рақибим тиззалаб қолди, сочиғини олиб, осмонга отди ва: “Бу – сен ғалаба қозондинг, деган маънони билдиради”, дейишни ҳам унутмади.

У шунчалар шижоатли ва маъсум эдики, олишувни мен бошламаган бўлсам ҳам, ғалаба мени қувонтирмади, ярим қониқиш бахш этди холос. Эс-эс хотирлайман, кийинар эканман, ўзимни кутурган бўривачча ёки бошқа бир ёввойи ҳайвоннинг боласидек ҳис қилаётгандим. Нима бўлганда ҳам кийиндим, орада бир неча марта қонга беланган башарамни сочиқ билан артиб олдим ва:

- Ёрдам берайми? – деб сўрадим.
- Йўқ, раҳмат, – жавоб берди рақибим.
- Хайрли оқшом, – дедим унга.
- Сенга ҳам, – деди у.

Ҳовлига чиққанимда қўлида калитлар билан Эстелла мени кутиб турарди. У, қаердайдинг, нимага мени куттириб қўйдинг, деб ўтирмади ҳам; бирон-бир қувонарли ҳодиса юз бергандек, ёноқларига қизил югурганди. Кейин тўғри эшик томон йўл олиш ўрнига, қиз йўлакка чекинди ва бармоғи билан мени имлади:

- Бу ёққа кел, истасанг, мени ўпишинг мумкин.

У менга ёноғини тутди, мен уни ўпдим. Фикримча, унинг юзидан бўса олиш учун ҳар нарсага тайёр эдим. Аммо ушбу бўса қишлоқ боласи олдига улоқтирилган садақа тангаси каби, ҳеч нарсага арзимаслигини ҳам тушунардим.

Меҳмонлар, қарта ўйини, олишув – буларнинг барига шунчалар кўп вақт кетдики, уйга яқинлашганимда ботқоқлик ортидаги қумтепага ўрнатилган маёқ зимистон осмонга шуъла тарата бошлаган, Жонинг устахонасидан таралаётган ёғдудан йўл юзига алвон поёндоз тўшалганди.

## XV боб

Жонинг Орлик исмли ёлланма ишчиси бўлганини ҳали тилга олганимча йўқ. Ўзининг айтишича, чақалоқлигида уни Долж деб номлаган эканлар – ғирт ёлғон; ярамас феъл-атворига қараганда, ўйлашимча, ўзи ҳам бунга ишонмасди, тўғрироғи, қишлоқдаги тўпори-ю, соддаларнинг устидан кулиш учун ўзига шундай исм ўйлаб топганди. У қорачадан келган, елкадор, бесўнақай, жуда бақувват, юриш-туриши қўпол ва саланг бир одам эди. Ҳатто ишга ҳам устахонага тасодифан кириб қолган кишидек келиб кетарди.

“Уч қувноқ денгизчи”га тушликка йўл олса ёки оқшомлари иш тугагач, устахонадан жўнаб қолса, у Қобил ёки Яхуд мисол, қаёққа боришини билмайдигандек ва бошқа қайтиб келмайдигандек санғигани кетарди. Орлик ботқоқликда, тўғон қоровулиникида яшарди. Бегим кунлари у қўллари чўнтагида, бўйнига боғланган нонушта солинган халтачани

тебратган кўйи имиллаганча судралиб ишга келиб қолар, якшанбада эса, эрталабдан кечгача тўғонда ағанаб ётар ёки аллақандай пичан ғарами ёки чайлага суянганича қотиб тураверарди. Кўчада у оёқлари остига қараб шалпайиб юрарди. Орликни чақириб қолсалар ёки бошқа бирор сабаб туфайли бош кўтаришга мажбур бўлса, у атрофга жуда норози қиёфада ташвиш билан назар солардики, бу қанчалар ғалати ва афсусланарли туюлмасин, қачонлардир у ўйлаб кўрган ягона фикр – ҳеч қачон ҳеч нарса тўғрисида бош котирмаслик экани эҳтимолдан холи эмасди.

Бадқовок бу кимса мени жуда ёмон кўрар, ҳали кичкиналимда, ҳар балодан кўрқиб юрган пайтларимда устахонанинг қоронғи бурчагида шайтон яшайди, у менинг ўртоғим, ҳар етти йилда ўтхонада тирик ўғил бола куйдирилиши шарт, ўзингни бемалол ўтинман, деб ҳисоблайвер қабилидаги гаплар билан юрагимни ёрарди.

Жога шогирд тушганимдан кейин, Орлик, чамамда, вақти келиб унинг ўрнини эгаллашим мумкинлиги тўғрисидаги хавотирининг тасдиғини топгандай бўлди. Чунки у мендан кўпроқ нафратлана бошлаганди. Тўғри, ундаги адоват гап-сўз ёки хатти-ҳаракатларида очиқ сезилмасди, лекин у болғани учқунлар мен томон сочиладиган қилиб ураётганини пайқардим, “Қария Клем” деган кўшиқни хиргойи қилсам, Орлик ўша заҳоти пойинтар-сойинтар қилиб менга жўр бўларди

Эртаси куни Жога “сенга дам олиш куни бераман”, деган ваъдасини эслатдим, Долж Орлик буни эшитди. Ўша лаҳзада у ҳеч нима демади, банд эди: Жо иккови чўғ бўлиб қизиган темир парчасига ишлов бермоқдайдилар, мен бўлсам босқонлар олдидайдим, аммо бир оз ўтгач у болғасига тиралиб, гап бошлади:

– Бу қанақаси, хўжайин, бундан чиқди сиз фақат биттаميزга ён босаркансиз-да? Модомики, Пипга рухсат бор экан, қария Орликни ҳам кўйиб юбориш керак.

Унинг ёши йигирма бешларда эди, ундан катта эмас, лекин ўзи ҳақида доимо қари чол тўғрисида гапираётгандек сўзларди.

– Ярим кун дам олишнинг сенга нима кераги бор? – деб сўради Жо.

– Менга нима кераги бор? Унга-чи? Ундан нима кам менинг?

– Пип бугун шаҳарга боради, – деди Жо.

– Демак, қария Орлик ҳам шаҳарга боради, – деди у пинагини бузмай.

– Нима, фақат Пипга шаҳарга бориш мумкинми? Фақат унинг ўзига шаҳарга чиқиш мумкин эмасдир?

– Ўзингни бос, – деди Жо.

– Истасам босмайман ўзимни, – жавради Орлик. – Қаранглар-а, шаҳарга борармиш. Хўш, қалай, хўжайин? Арзандаларга ён босавериш яхши эмас, буни тушуниш керак.

Ишчисининг кайфияти кўтарилмагунча бу масалани муҳокама қилишдан “хўжайин” бош тортгани учун Орлик ўчоқ ёнига борди, ундан чўғдек яллиғланиб турган тўртбурчак темир парчасини олиб, мени тешиб юбормоқчи бўлаётгандек, сандоннинг устига кўйиб темирни майдалай бошлади (назаримда, темир бўлаги – мен, сочилаётган учқунлар – қон томчиларим эди), у шунчалар зўр бериб ишлардики, пировардида ўзи чўғдек қизариб кетди. Темир бўлаги совигач, Орлик яна болғага тиралиб, деди:

– Хўш, нима дейсиз, хўжайин?

– Ўзингни босиб олдингми? – сўради Жо.

– Босиб олдим, – тўнғиллади қария Орлик.

– Майли, – деди Жо. – Сен, айтиш мумкинки, тиришқоқ ишчисан, бошқалардан кам эмассан, бугун эса тушдан кейин ҳаммамиз дам оламыз.

Шу пайт деразанинг нариги томонида турган опам – жосуслик қилиш, гап пойлашда опам устаси фаранг эди – устахонага бош сукди:

– Фирт аҳмоқсан-да! – деди у Жога тирғалиб. – Нақд ярим кунга шундоқ бекорчини кўйиб юборяпсан. Пулинг кўпайиб қолганга ўхшайди – ишлатмасдан иш ҳақи беряпсан. Қанийди, мен уларга хўжайинлик қилсам.

– Сизга кўйиб берса, истаган одамга хўжайин бўлардингиз, – деди Орлик хунук илжайиб.

– Унга тил теккизма, – дўқ урди Жо.

– Ҳа, мен барча лақмалар ва аблахларнинг бошлаб адабини берардим, – хитоб қилди опам ғазаб отини тобора кўпроқ қамчилай туриб. – Лақмаларга кучим етса, уларнинг хўжайинига ҳам кучим етарди, чунки у – лақмаларнинг лақмаси. Аблахларга кучим етса, сенга ҳам кучим етарди, негаки сендек аблах ва бадбашара денгиз ортида ҳам топилмайди. Ана шунақа!

– Ялмоғизнинг ўзисиз-да, Гержери хола, – вайсади ишчи. – Аблахларни яхши билишингиз ҳам ажабланарли эмас.

(– Унга гапирма дедим, – таҳдид қилди Жо.)

– Нима дединг? – чийиллади опам. – Йўқ, нима дединг? У менга нималар деяпти, а, Пип? Тирик эрим турганда Орлик мени нималар деб ҳақорат қиляпти? Вой-вой, вой-вой!

У борган сари қаттиқроқ қичкира бошлади: шу жойда қайд этишим керакки, опамнинг хатти-ҳаракатларини, мен учратган бошқа вайсаки аёлларнинг кўпчилигида бўлгани каби, жиззаки, эҳтиросли феъл-атвор билан изоҳлаб бўлмасди; айтишим керакки, опам ўз-ўзидан жазавага тушмасди, балки онгли равишда, зўр бериб кучанишлар оқибатида, маълум босқичлардан ўтгани ҳолда ўзини шу кўйга соларди.

– Хотинини авайлаш ва ардоқлашга қасам ичган инсон ҳузурида у мени нималар деб ҳақорат қилди? Оҳ! Мени ушланглар! Оҳ!

– Войбў, – деди Орлик ижирғаниб. – Хотиним бўлганингда қандай жиловлашни ўзим билган бўлардим. Бошингни жўмрак тагида ушлаб турсам, бор телбалигинг ювилиб кетарди.

(– Кимга айтяпман, хотинимга тил теккизма, – дўқ урди Жо.)

– Вой дод, эшиттиларингми, яхшилар? – опам чапак чалиб дод солди – бу жазавага тушиш олдидан сўнгги босқич эди. Ниятини бошлаб амалга ошириб, ростакамига жодугарга айланган опам эшикка отилди, хайриятки мен уни ёпишга улгургандим.

Қавс ичидаги огоҳлантиришлари ҳеч бир натижа бермаганини кўрган Жо нима ҳам қила оларди? У Орликнинг олдига бориб, қандай қилиб ўзи ва миссис Жо орасига суқилишга ботинганини сўради ва у “қўрқоқ бўлмаса” бирга-бир чиқишни талаб қилди. Қария Орлик бошқа иложи қолмаганини кўриб, химояга шайланди ва яғири чиқиб кетган пешбандини ечмасданок икковлон паҳлавонлардек олиша кетдилар. Жонинг ҳамласига дош бера оладиган одам бизнинг ўлкаларда бўлса бордир-у, лекин унақасини мен учратмаганман. Тез орада Орлик рангпар ёш жентльменчалик ҳам кучи қолмагандек, кул уюми устига йиқилиб, ўрнидан тура олмай қолди.

Кейин Жо эшикни очди-да, деразанинг ортида узала тушиб ётган опамни даст кўтарди (ўйлашимча, опам олишувнинг натижасини кўриб улгурганди). Жо сочларини юлмоқчи бўлаётган опамнинг ҳамлаларидан ўзини химоя қила туриб, унга ўзингга келақол, деб ялинган кўйи

хотинини уйга олиб кириб, ўрнига ётқизди. Кейин, одатда бўрондан кейин сезиладиган ўша жимлик ўртага чўқди; ана шундай сокин лаҳзаларда хар доим менга гўё бугун якшанба-ю, кимдир оламдан ўтгандек туюлаверарди, шу хиссиёт билан кийимларимни алмаштириб олиш учун юқорига кўтарилдим.

Пастга қайтиб тушганимда Жо билан Орлик устахонани супуришар, ҳеч нима бўлиб ўтган воқеани эслатмас, фақат Орликнинг бурни пачокланган, бундан унинг кийимлари чиройлироқ ёки ифодалироқ бўлиб қолмаганди.

“Қувноқ денгизчилар”нинг қазноғидан бир хумча пиво келтиришгач, хўжайин ва коранда ахил дўстлардек навбат билан ундан тотина бошладилар. Ҳаммининг хотиржам тортганидан кўнглини файласуфона кайфият камраган Жо мени кузатиб қўйиш учун йўл бўйига чиқди ва юракка таскин берадиган сўзларни айтатуриб, хайрлашди:

– Жазаваси тутиб, кейин тўхтайти, Пип, жазаваси тутади ва босилади. Ҳаётда ҳамма нарса шундай!

Мисс Хевишемнинг уйига яқинлашаётганимда мени қандай туйғулар камраб олганини айтиб беришим шарт эмасдир (негаки, балоғат ёшидаги эркакларнинг жиддий туйғулари ёш болада кулгили туюлади). Кўнғироқ қилишга ботинолмай эшик олдида у ёқдан-бу ёққа юрганларим, ўз вақтимга ўзим хўжайинман, бошқа сафар келарман, деб қайтиб кетишга чоғланганларим ҳам кулгили.

Кўнғироқ овозига мисс Сара Покет эшик очди. Эстелла йўқ эди.

Мисс Хевишемнинг соғлигидан хабар олиш учун келганимни айтганимда, Сара, кўринишидан, қани, туёғингни шиқиллат, деб айтсаммикан-айтмасаммикан, деб иккиланиб қолди; аммо буни зиммасига олишдан чўчиди ва мени ҳовлига киритди. У уй ичида кўздан ғойиб бўлди ва тезда “юқорига” чиқишимга рухсат билан қайтиб чиқди.

Уйда ҳеч нарса ўзгармаган, мисс Хевишем ёлғиз эди.

– Хўш? – деди у менга кўзларини қадаб. – Сенга ҳеч нарса керакмасдир, деб умид қиламан. Ҳеч нарса ололмайсан.

– Йўғе, мисс Хевишем, нималар деяпсиз? Мен фақат сизга яхши ишлаётганимни ва сиздан жуда қарздор эканимни унутмаганимни айтмоқчи эдим.

– Ҳа, майли, майли. – Унинг бармоқлари аввалгидек асабий қимирлай бошлади. – Баъзида кириб туришинг мумкин. Туғилган кунингда келақол... Эҳа! – хитоб қилди у кутилмаганда мен томонга курси билан бирга ўгирилиб. – Нега атрофга аланглаяпсан? Эстеллани қидиряпсанми?

Чиндан ҳам Эстеллани қидираётганим ва қўлга тушиб қолганим сабабли, унинг соғлиги яхшидир, дея чайналиб савол бердим.

– У чет элда, – деди мисс Хевишем. – Узоқда, кўлинг етмайди; ёш ледига муносиб тарбия оляпти; чиройи янаям очилиб кетган; ҳамма ундан завқ олади. Уни йўқотганингни ҳис қиляпсанми?

Сўнги сўзларини у ичиқоралик билан айтди, кейин беўхшов кула бошладики, мен нима дейишимни билмай, ўзимни йўқотиб қўйдим. Айтмоқчи, жавоб қайтаришга зарурат ҳам бўлмади, негаки у менга ўша заҳоти кетишга ижозат берганди. Ёнғоқдек юмалоқ юзли Сара ортимдан эшикни ёпгач, мен уйимни, касбимни, дунёдаги жамики нарсаларни аввалгидан ҳам баттарроқ ёмон кўриб қолганимни ҳис этдим; ўйлаган режа амалга ошмаганди.

Ҳафсалам пир, тушкун аҳволда, агар жентльмен бўлганимда нималарни сотиб олишимни хаёл қилиб Тижорат кўчасидаги кўрғазмаларга қараб

судралиб кетаётгандим, китоб дўконининг эшигидан – топинг-чи ким? – мистер Уопсл чиқиб келди. У қўлида инсонни ларзага соладиган фожа – “Жорж Барнуэл”ни ушлаб турарди. Китобни сотиб олиш учун у хозиргина олти пенс тўлаган ва сўнгги жумласигача Памблчукнинг кулоғига қуйиш учун уникага чой ичгани кетмоқдайди. Мени кўрган заҳоти мистер Уопсл, афтидан, тақдирнинг ўзи толесиз шогирд қиёфасида янги тингловчини юборди, деб ўйлади ва зўр бериб каминани ўзи билан боришга ундай бошлади. Кечқурун уйда қанчалар зерикарли бўлишини билардим, бунинг устига тез қоронғи тушмоқда, йўл кимсасиз эди, бинобарин, ҳар қандай ҳамроҳ ёлғиз юришдан афзал эди; шунинг учун мен узоқ қаршилиқ қилмадим ва кўча-ю дўконларда илк чироклар ёна бошлаганида, биз Памблчукнинг меҳмонхонасига кириб келдик.

“Жорж Барнуэл” пьесаси ҳақида аввал сира эшитмаганим учун унинг қанча чўзилишини билмасдим, лекин аниқ айта оламанки, ўша оқшом у соат тўққиз яримга қадар давом этди ва мистер Уопсл Нью Гэйт қамоқхонасига “кириб кетаётганида” мен уни дорда кўришдан умид узиб бўлгандим; шу жойидан бошлаб қахрамоннинг аянчли кечмиши бутунлай сустрлашиб кетди. Унинг энг навқирон чоғида ҳалок бўлаётгани тўғрисидаги зорланишларида ҳам номуносивлик бор эди, негаки, аввал бошданок у илдизидан қурий бошлаган ва дарахтдек бирма-бир барг тўкиб келаётганди гўё. Иттифоқо, ушбу зерикарли мутолаага ҳали чидаса бўларди. Памблчук ва Уопслнинг фожа қахрамонини бегуноҳ шахсиятимга боғлашга интилишлари менга тегиб кетди. Уопсл, чамамда, жон-жаҳди билан мени ўта салбий қиёфада кўрсатишга уринарди. Барнуэл олийжаноблик йўлидан оға бошлаганида Памблчук менга шунчалар норизолик билан тикилдики, беихтиёр ўнғайсизланиб кетдим. Уопсл бўлса, ҳамон мени ёмонотлиқ қилиш ҳаракатида эди. Унга кўра мен гўёки бош қахрамондек йиғламсираб, оҳ-воҳ қилишни тўхтатмасдан, айбимни юмшатадиган ҳеч бир сабаб тополмаган ҳолда, ўз амакимни ваҳшийларча ўлдиргандим. Маккор Милвуд осонлик билан мендан устун келди; хўжайиннинг қизининг менга нисбатан нафис туйғулари ақлининг заифлиги билан изоҳланди; ўша машъум тонг пайтида кўрқоқлик ва ланжлик қилганимга келсак, менга ўхшаган ландавурдан бошқа ҳеч нимани кутиб бўлмайди ҳам, дея оламан холос. Мени муваффақият билан осганларидан кейин, Уопсл китобни ёпиб бўлганидан сўнг ҳам, Памблчук менга узоқ тикилиб турди ва бош чайқаб хулоса чиқаришда давом этди: “Кўрдингми, болакай, кўрдингми?” Гўё мен, ўзимга яхшилиқ қилган кўнгли бўш яқин қариндошимни ўлдиришга жазм этганман-у, ҳамма бундан аллақачон хабардор бўлган.

Ушбу азоблар тугаб, мистер Уопсл иккимиз уйга йўл олганимизда ташқарида қоронғи тун эди. Шахардан чиқишда бизни нам, қуюқ туман ўраб олди. Кўтармадаги фонус хира доғга айланиб, одатдаги жойидан сурилиб кетганга ўхшар, унинг нурлари эса, туман устига бўёк билан туширилган чизикларни эслатарди. Ана шуларни муҳокама қилиб, йўналишини ўзгартирган шамол ботқоқликдан эса бошлаганида, туман ҳар доим тарқаб кетишини эслай туриб, биз қоровулнинг кулбасига суянган бир одамга урилиб кетай дедик.

- Э, ҳа, бу Орликми? – дедик биз тўхтаб.
- Худди ўзиман, – жавоб берди у девор ёнидан нари кетаркан.
- Кечга қолиб кетдим, эҳтимол ҳамроҳ топарман, деб кутиб тургандим.
- Кеч қайтпасан, – дедим мен. Орлик пинак бузмай жавоб қайтарди:
- Нима қилибди, сен ҳам кеч қайтпасан.



– Биз, мистер Орлик, – деди ҳали бояги маърузаси совиб улгурмаган мистер Уопсл, – бугун том маънода олий неъматлардан бахраманд бўлдик.

Орлик бундай гапларга жавоб қайтаришга хожат йўқ демокчидек, бир нима деб тўнғиллади ва биз учовлон йўлда давом этдик. Орликдан ҳамма вақтингни шаҳарда ўтказдингми, деб сўрадим.

– Ҳа, – деди у. – Уйдан сен чиқиб кетган захотинг кетувдим. Сени кўрмадим, лекин, эҳтимол, сен билан изма-из юргандирман. Айтмоқчи, бугун яна тўплардан отишяпти.

– Баржаданми? – деб сўрадим мен.

– Ҳа. Яна бир қушча қафасдан чиқиб кетибди. Қоронғи тушиши билан гумбурлата бошлашди. Яқинда ўзинг ҳам эшитиб қоласан.

Ҳақиқатан ҳам ҳали бир чақирим юрмасимиздан туман ортидан таниш гулдур-гулдурнинг элас-элас товуши қулоғимизга чалинди ва қочқинларни таъқиб қилаётгандек дарёнинг пастак қирғоғи ёқалаб залвар билан илгарилаб кетди.

– Қочиб қолишга қулай тун, – деди Орлик. – Бугун қушчани учиб кетаётганида ота олмайсан.

Бу сўзлар хаёлимда кўп нарсани жонлантирди ва мен ўйга толдим. Мистер Уопсл пьесадаги хунталаб амаки ролида ўзини Кемберуэлдаги боғда тасаввур қилиб, овоз чиқариб хаёл сурмоқдайди. Орлик қўлларини чўнтагига солиб, ёнимда салмоқ билан қадам ташлар, биз қоронғи, сирғанчик ва лой йўлдан тусмоллаб юриб борардик. Вақти-вақти билан хабарчи тўпнинг бўғиқ ва таҳдидли гулдуриси дарё тепасида янграб, жимликни бузарди. Мен хаёлларимнинг юки остида итоаткорона сукут сақламоқдайдим. Мистер Уопсл Кемберуэлда итоаткорона жон таслим қилди, Босворт даласидаги жангда ҳалок бўлди ва Гластонберида оғир қийноқлар билан оламдан ўтди. Орлик бир неча марта паст овозда: “Товуш қаттиқ, зарба қаттиқ, Қария Клем! Аямагин, кўлинг қаттиқ, Қария Клем!” деб хиргойи қилди. Менга у ичиб олгандек кўринди, лекин маст эмасди.

Шу алфозда қишлоққа кириб бордик. Йўлимиз “Уч қувноқ денгизчи” ёнидан ўтарди ва биз кеч кирганига қарамай – соат аллақачон ўн бир бўлганди – у ердаги сурондан хайратга тушдик: эшиклар ланг очик, шошилишда қўлга олинган ва яна ерга қўйилган фонуслар кўзга ташланарди. Мистер Уопсл нима рўй берганини билиш учун ичкарига кириб кетди (у қочқин бандини қўлга олган бўлсалар керак, деб тахмин қилаётганди) ва ўша захоти кўчага қайтиб чиқди.

– Уйингда қандайдир фалокат рўй берибди, Пип, – деди у қадамини тўхтатмай. – Кетдик, тезроқ.

– Нима гап ўзи? – сўрадим мен унинг ортидан югурар эканман. Орлик мендан қолишмаётганди.

– Унчалик тушунмадим. Жо Гержери йўқлигида кимдир бостириб кирганмиш. Қочқинлар, дейишяпти. Кимгадир ҳужум қилиб, жароҳатлабдилар.

Биз тез чопаётганимиздан гаплашишга бошқа имкон бўлмади ва ошхонага югуриб киргачгина тўхтадик. У ер одамлар билан гавжум эди; бутун қишлоқ уйимиз билан ҳовлимиздайди; ошхонанинг ўртасида қишлоқ табиби, Жо ва бир неча аёл эгилиб туришарди. Мени кўриб бекорчи томошабинлар ўзларини четга олдилар ва кўзим опамга тушди. У қимирламай, нафас олмай ёғоч пол устида ётарди, ўчоқ томонга ўгирилиб турганида кўринмас қўл гарданига қаттиқ зарба бериб, ағдарганди; бу дунёда у энди ҳеч қачон жазавага тушмасликка маҳкум этилганди.

## XVI боб

Жорж Барнуэлдан ҳамон бошим ғувилламоқдайди. Дастлабки лаҳзаларда опамга ҳамлада иштироким борлигига, ҳеч бўлмаганда, яқин қариндош, бунинг устига ундан кўп нарса учун қарздор одам сифатида шубҳа энг аввало менга тушишига ишонишга тайёр эдим. Лекин тонг отгач, бўлиб ўтган воқеаларни яхшилаб ўйлаб, одамларнинг гапларини эшитиб кўриб, ҳодисага ҳушёрроқ қарай бошладим.

Ўша окшом Жо трубкаси билан “Уч қувноқ денгизчи”да саккизу ўн бешдан чоракам ўнгача ўтирган. У йўқлигида кимдир ошхона эшигида туриб ишдан қайтаётган коранда билан сўрашаётган опамни кўрган. Бу коранда соат нечада уйимизнинг олдидан ўтганини аниқ айтиб беролмаган (уни сўроқ қилганларида бутунлай доврираб қолган), лекин ҳали тўққиз бўлмаганди, деб тахмин қилган. Беш дақиқаси кам ўнда уйга қайтган Жо хотинининг полда чўзилиб ётганини кўрган ва ўша заҳоти ёрдамга чақира бошлаган. Бу вақтда ўчоқдаги олов ҳали ловуллаб ёниб турган, шамнинг пилигида қорайган жойи кам бўлган; айтмоқчи, Жо уйига киришидан олдин кимдир шамни пуфлаб ўчириб қўйган. Уйдан ҳеч нарса йўқолмаган. Ўчиб қолган шамни (у кираверишга яқин ерда, стол устида, куймаланаётган опамнинг орқа томонида бўлган) ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса саранжом эди; фақат опам йиқилатуриб, курсини суриб юборган ва унга қон сачраган.

Нима бўлганда ҳам жинойт жойида битта аҳамиятли далил қолган: оғир ва ўтмас нарса билан бўйиннинг орқасига зарба берилган, опам юзтубан йиқилгач, унинг устига аллақандай оғир буюмни улоқтирганлар. Опамни кўтариб оларкан, Жо унинг ёнида ҳалқаси эговланган бандилар кишанини кўриб қолган. Темирчининг тажрибали кўзи билан назар солиб, Жо унинг эговланганига кўп бўлганини билган. Ҳамма излар сузувчи қамоқхонага бориб тақалганидан, у ердан одамлар келишган ва кишанни кўздан кечириб, Жонинг фикрини тасдиқлаганлар. Кишан менга таниш бандиники, ботқоқликда эговланган айнан ўша кишан эди, лекин унинг кечаги жинойтга алоқаси борлигини хаёлимга ҳам келтирмаётгандим. Негаки, кишанни иккинчи бир одам топиб олиб, ундан шафқатсизларча фойдаланган бўлиши мумкин: ё Орлик, ёки менга секингина эговни кўрсатган одам, деган қарорга келгандим. Аммо Орлик шаҳарга барвақт кетганди, унга шлагбаум олдида етиб олганимизда, бизга бу ҳақда гапириб, алдамаганди; бутун окшом давомида уни ҳар хил қовоқхоналарда турли ҳамтовоқлар билан кўргандилар; кишлокқа эса, у мен ва мистер Уопсл ҳамроҳлигида қайтиб келганди. Эрталабки жанжални ҳисобга олмаганда, ундан асло гумон қилмасам ҳам бўларди. Истасам-истамасам жинойтчининг қўлига қуролни ўзим бериб қўйганим тўғрисидаги фикрдан изтиробда эдим. Болалигимдан вужудимни босиб ётган сир юкидан ниҳоят халос бўлиш учун ҳаммасини Жога айтиб берсаммикан, деб ўзимга савол берардим, ўзим унга салбий жавоб қайтарардим, аммо тонг отгач, савол яна кўндаланг бўлар ва ўзим билан олишувим қайтадан бошланарди. Бу сирни шу қадар узок вақтдан бери асраб келаётгандимки, у билан шунчалар яқинлашиб ва боғланиб кетгандимки, тўғриси айтсам, уни юрагимдан суғуриб ташлашга қодир эмасдим. Шунча ёмон ишларни қилиб қўйиб, икромим билан, у менга ишонгудек бўлса, Жони ўзимдан узоклаштириб қўяман,

деб кўркмаётгандим, аксинча, у менга ишонмайди, гапларимни анави лаънати итлар ва бузоқ қиймаси тўғрисидаги ақл бовар қилмас афсоналар қаторига қўшиб қўяди, деб чўчиётгандим. Бундай вазиятларда ҳамиша бўладигандек, яхшилик ва ёмонлик ўртасида иккиланаётган эдим, ўйлаб-ўйлаб виждонимга кулоқ осиб иш тутишга қарор қилдим. Агар икрорим жиноятчининг кимлигини аниқлашга ёрдам берадиган бўлса, ҳаммасини бўйнимга олишга қарор қилдим. Бир-икки ҳафта давомида қишлоғимиз констебллар ва Боу-стритдан келган изқуварлар билан тўлди (у пайтларда полициячилар эндиликда йўқ бўлиб кетган қизил камзул кийиб юришарди). Китоб ва ҳикояларда айтилганидек, бундай ҳолатларда қонун хизматчилари одатда нима ишларни амалга оширсалар, улар ҳам тахминан шундай йўл тутдилар: гуноҳсиз экани очиқ-ойдин бир неча кимсани ҳибсга олдилар, мукамалликдан хийла йироқ хомхаёл назарияларни ишлаб чиқдилар, далиллардан келиб чиқиб, назария тузиш ўрнига, ўжарлик билан ўша далилларни ўз назарияларига мослаштиришга ҳаракат қилдилар.

Изқуварлар, шунингдек, ҳамма нарсдан воқиф ва сирли кимсалардек “Уч қувноқ денгизчи” ёнида туриб олиб, атрофдагиларга эрмак бўлдилар, шаробни эса, шунчалар ўйчанлик билан симиришардики, жиноятчини ҳам ана шундай осонлик билан жавобгарликка торта оладигандек кўринишарди. Айтмоқчи, буларнинг ҳаммаси сохта таассурот эди, негаки барибир улар жиноятчини топа олмадилар.

Ҳокимият вакиллари жўнаб кетганларидан кейин яна узоқ вақт опам тўшакка миҳланиб ётди. Кўзлари хиралашиб, атрофдаги нарсалар иккита кўринадиган бўлиб қолганидан аслида йўқ идиш-жиҳозларга қўл узатаверарди; унинг кулоқлари оғирлашиб, хотираси заифлашганди; бунинг устига шунчалар ёмон гапирардики, ҳеч ким нима деяётганини тушуна олмасди. Биз уни пастга олиб тушганимиздан кейин ҳам айтолмаётган сўзларини ёза олиши учун қора тахтачамни ёнига қўйишимизга тўғри келди. Опам (ўта хунук ёзишини ҳисобга олмаганда) Худо кўнглига қандай солса, шундай ёзганидан, Жонинг ўқиш қобилияти ҳам шунга мос бўлганидан, ўрталарида ақл бовар қилмайдиган тушунмовчиликлар келиб чиқар, уларни ҳал қилиш менинг зиммамга тушарди. Лекин бир куни мен ҳам опамга томчи дори ўрнига қарта узатдим, Жо, деб ёзувди, Чой, деб ўқидим, товукни совуқ, деб қабул қилдим. Айтишим керакки, булар хатоларимнинг энг арзимаслари эди. Айтмоқчи, опамнинг феъли яхши томонга ўзгарганди, қолаверса, у жуда бардошли эди.

Қўллари муттасил титраганидан ҳаракатлари қандайдир журъатсиз ва ишонарсиздек туюларди. Ҳар икки-уч ойда эса, опам бирданига қўллари пешонасига қўя бошлар ва шундан кейин у бир ҳафтага ақлдан озарди. Унга қарайдиган одамни топа олмай бошимиз қотиб турганида, бирданига омад бизга кулиб боқди: мистер Уопслнинг бувиси яшашга бўлган иштиёқидан кутилмаганда воз кечди ва Бидди оиламизнинг аъзосига айланди.

Опамни ошхонага олиб кира бошлаганимизга тахминан бир ой бўлгач, Бидди бор нарсалари солинган кичкина ёғоч сандиқчасини кўтариб, бизникига қўчиб келди ҳамда ғамгин хонадонимизнинг қувончига айланди. У айниқса Жога малҳам бўлди. Кўнгли ўта бўш бу инсон аянчли мавжудотга айланиб қолган хотинининг доимо кўз ўнгида эканидан

қаттиқ эзилар, оқшомлари унинг хизматини қилаётиб, мен томонга тез-тез ўгириллар ва: “Қандай басавлат одам эди-я, Пип”, дерди. Бидди опамни болалигидан билгандек, фаросат ва эпчиллик билан унга қарай бошлади. Жо эса, ҳаётига кириб келган хотиржамлик ва баъзи-баъзида “Уч қувноқ денгизчи”га бориб туришга имкон берган озодликнинг қадрига етиш имкониятига эга бўлди, бу унинг турмушига бир оз мазмун бериб, уни безади.

Айтмоқчи, констебллар ва изқуварлар ёппасига бечора Жодан шубҳа қилишга мойил эдилар (бахтига у буни билмасди) ва уни ўзлари илгари учратмаган энг пихини ёрган ва сир бой бермайдиган одам, деб хисоблардилар. Қанча уринсам ҳам ечимини топиш қўлимдан келмаган бир жумбоқни ҳал этиб, Бидди янги мақомда биринчи ғалабани қўлга киритди. Воқеа бундай бўлганди: кўп марталаб опам қора тахтача устига “Т” ҳарфига ўхшаб кетадиган сирли белги чизиб, ўта муҳим нарсани кўрсатаётгандек, унга бармоғини ниқтаганди. Унга “Т” дан бошланадиган миямга келган ҳамма нарсани – таглиқдан тортиб, тоғорагача кўрсатиб чиқсам ҳам, нафи бўлмаганди. Ниҳоят ҳаёлимга, сурат болғага ўхшайди, деган фикр келди ва унинг қулоғига ушбу сўзни баланд овозда айтгандим, у мамнун бўлиб кафти билан столни ура бошлади. Кейин унинг олдига ҳамма болғаларимизни олиб келдим, аммо ҳаракатларим зое кетди. Шунда мен, балки унга қўлтиқтаёқ керакдир – ахир унинг шакли ҳам шунақа-ку, деган ҳаёлда қишлоқдан бир одамнинг қўлтиқтаёғини сўраб олиб, бу сафар топдим, деган ишонч билан, опамнинг ҳузурига олиб келдим. Лекин у бошини шунчалар шитоб билан чайқата бошладики, бетобликдан ҳолсизланиб қолган беморимизнинг боши бир томонга қийшайиб қолмасмикан, дея ҳаммамиз қўрқиб кетдик.

Бидди уни яхшироқ тушунаётганини сезган опам тахтачага яна сирли белгини туширди. Бидди унга узоқ тикилди, изоҳларимни эшитди, кейин яна диққат билан опамга, ундан кейин Жога (бемор уни исмининг биринчи ҳарфи билан белгиларди) қаради, кейин устахонага югурди. Жо ва мен унга эргашдик.

– Албатта-да, – хитоб қилди Бидди яйраб. – Нимага тушунмайсизлар? Бу ахир ўша-ку! Орлик, мана ким! Опамиз унинг исмини эсидан чиқариб қўйган, шунинг учун, сизларга эслатмоқчи бўлиб, болғани чизаверган.

Орликка нима учун уни ошхонага чақираётганимизни тушунтирдик. У шошмасдан болғасини ерга қўйди, енги билан пешонасини артди, кейин одатдагидек, эгик тиззаларида лапанглаб уй томонга судралиб кетди. Тан олишим керакки, опам уни ўша заҳотиёқ фош қилади, деб кутгандим, аммо бутунлай бошқа нарсани кўриб, ҳафсалам пир бўлди. У Орлик билан ярашишни жуда истаётганини намойиш қилди ва кўринишдан уни ниҳоят олиб келганимиздан жуда хурсанд эди. Имо-ишора билан унга ичкилик беринглар, деди. Бундай муносабат Орликка маъқул келганини билишни истаётгандек, опам унинг юзига тикилар, кўнглини топишга ҳаракат қилар, бир сўз билан айтганда, қаттиққўл ўқитувчисидан ҳайиқаётган ёш боладаги итоаткорликни намойиш қилмоқдайди. Шундан кейин опам деярли ҳар куни тахтачага болғанинг шаклини чизадиган, Орлик ошхонага судралиб келиб, бунинг нима кераги борлигини биз билан баробар тушунмагани ҳолда, унинг қаршисида қоққан қозикдек тик турадиган бўлди.

## XVII боб

Яна қишлоғимиз ва ботқоқликлар ўртасидаги торгина дунёда иш ва ўрганиш кунларим давом эта бошлади. Зерикарли ва бир хил бу кунларга эътиборга арзийдиган ягона ходиса ўзгартириш киритди – менинг таваллуд куним, шу муносабат билан мисс Хевишемни бориб кўрганам. Кўнғироқ чалсам, яна мисс Сара Покет чиқди, яна мисс Хевишем билан одатдаги жойда учрашдим ва у яна Эстелла тўғрисида ўтган сафардаги йўсинда, айнан ўша ибораларда гапирди. Сухбатимиз бир неча дақиқагина давом этди. Хайрлашар эканмиз, у менга бир гиней совға қилди ва бир йилдан кейин келишимни айтди. Шу ўринда эслаб ўтишим керак бўладики, ўшандан бошлаб мен ушбу санада, ҳар йили мисс Хевишемникига бориб турадиган бўлдим. Биринчи борганимда пулни олмасликка уриниб кўрдим, лекин жавоб ўрнига “бир гинейни кам ҳисоблаяпсанми” мазмунида жаҳл билан берилган саволга дуч келдим. Шундан кейин, фақат шундан кейингина ҳадяни қабул қилдим.

Ҳамма нарса аввалгидек эди. Нураб кетган эски уй, зимистон хонадаги сарғиш ёғду, кўзгу қаршисидаги ўриндиқ ва ундаги рангпар аёл; атрофдаги ҳамма нарса ўзгариб, мен балоғатга етар эканман, ушбу сирли масканда ундаги соатлар билан бирга Замоннинг ўзи тўхтаб қолгандек эди, уй эса ўзгармасди. Мазкур уй тўғрисидаги хаёлларим ва хотираларим ушбу масканга ҳеч қачон кирмайдиган кундузги ёруғликдан бебаҳра эди. Уларнинг таъсири остида мен қадрдон уйимдан хуфёна уялишда давом этмоқдайдим. Эвазига, бирмунча вақтдан буён Биддидаги айрим ўзгаришларни сеза бошладим: оёқларидан бошмоқлари энди тушиб қолмас, сочлари тароққа итоат этар, қўллари доимо тоза эди. Уни гўзал, деб бўлмасди. Оддий қишлоқ қизи Эстеллага қандай тенг келсин! Лекин у истарали, соғлом ва хушмуомала эди. Оқшомларнинг бирида Биддининг кўзлари сийрак учрайдиган даражада эътиборли, жиддий, ўта чиройли ва меҳрли эканини сезиб қолганимда, уйимизга кўчиб келганига (эсимда, у ўшанда қора кўйлагини киймай кўйганди) бир йилдан ошмаганди.

Буни кўзларимни машаққат билан бажараётган ишимдан узганимда билдим – китобдан қизиқарли жойларини кўчириб олаётгандим, ушбу ажойиб машғулот билан бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам ёзишдаги кўникмаларимни такомиллаштираётгандим – Биддининг мени кузатаётганини сезиб қолдим. Қаламни бир чеккага кўйдим, Бидди эса, тикишдан тўхтади, лекин тикаётган нарсасини четга сурмади.

– Бидди, – дедим унга, – буни қандай уддалаяпсан? Ё мен ўта аҳмоқман, ё сен ўта ақллисан.

– Нимани уддалабман? Тушунмадим, – жавоб берди Бидди табассум билан. У бир ўзи бутун хўжаликни юритар, юритганда ҳам қойилмақом қилиб юритмоқдайди. Лекин мен хўжаликни айтмаётгандим, мен назарда тутаётган нарса ундан кам бўлмаган даражада ажабланишга лойиқ эди.

– Бидди, қандай қилиб, мен ёд олаётган нарсаларни ёдлаш ва ҳеч нарсанда мендан орқада қолмасликнинг уддасидан чиқяпсан?

Бу вақтга келиб, билимим билан хийла мағрурланардим, негаки мисс Хевишемдан олган пулларимни ҳам, чўнтак пулларимнинг каттагина қисмини ҳам илмга сарфлаётгандим. Айтмоқчи, ҳозир арзимас натижалар учун ўта қиммат нарх тўлаб юборганимни яққол тушуниб турибман.

– Мен ҳам сендан сўрашим мумкин, – деди Бидди. – Сен қандай уддасидан чиқяпсан?

– Э, йўқ, окшомлари устахонадан чиққанимдан кейин дарс қилишга ўтиришимни ҳамма кўради. Сен эса, Бидди, ўқиб-ўрганиб ўтирмайсан ҳам.

– Эҳтимол илм менга йўталдек юқиб қолаётгандир, – деди Бидди хотиржам ва тикишда давом этди.

– Ўқиш-ўрганиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланувчи одамлар тоифасидан эканингни кўриб турибман, Бидди, – дедим. – Бошқа жойда яшаётганингда бундай имкониятлар йўқ эди. Энди-чи, қара, қандай қиз бўлдинг!

Бидди менга кўз қирини ташлаб олиб, тикишда давом этди.

– Айтмоқчи, биринчи ўқитувчинг мен бўламан, шундай эмасми? – деди у ишини тўхтатмай.

– Бидди, – хитоб қилдим мен ҳайрон қолиб. – Йиғлаяпсанми?

– Қўйсанг-чи, йўқ! – деди Бидди кулиб бошини кўтараркан. – Қаердан олдинг бу гапни?

Каштасига ярқ этиб томган кўз ёшидан олмай қаердан олардим бу гапни! Кўп одамлар қатори яшашга бўлган иштиёқини барвақтроқ енгиши керак бўлган мистер Уопслнинг бувиси, узоқ яшашдек ярамас одатини тарк этмагунича Биддининг қийналганларини эслаб, сукут сақламоқдайдим. Мискин дўконда, мискин, ғала-ғовур кечки мактабда, мискин кампирга ҳамроҳ пайтларида қанчалар зулматда яшаганини тасаввур қилдим. Биддидаги энди очик-ойдин юзага чиқаётган хислатлар ўша пайтларда мудраб ётганди. Шундай бўлмаганида, биринчи марта ҳаётдан кўнглим тўлмай қолганида, бир лаҳза ҳам иккиланмай, ёрдам сўраб унга мурожаат қилармидим, – дея ҳаёл сурардим мен. Бидди каштаси устига эгилиб, жим ўтирар ва йиғлашдан тўхтаганди. Мен бўлсам, унга тикилган кўйим, ҳаёл суришда давом этардим. Иттифоқо миямга Биддининг олдида гуноҳкор бўлсам керак, деган фикр келди. Эҳтимол, ҳаддан ортиқ ичимдагини топ дейдиганлардандирман, унга ишониб бахтли қилишим керак бўлгандир.

– Ҳа, Бидди, – дедим мен яхшилаб ўйлаб кўриб. – Биринчи ўқитувчим ўзинг бўлгансан. Бир кун келиб иккимиз ошхонамизда ана шундай бирга ўтирамыз, деб ким ўйлабди дейсан?

– Эҳ, бечора! – хитоб қилди Бидди. Бу сўзларнинг у опамга тегишли эканини билдириш учун ўша заҳоти унинг ёнига яқинлашди ва қулайроқ ётқизиб фидойи эканини яна бир марта намоиш этди. – Тўғри айтасан, ўйламаганмиз!

– Биласанми нима, – дедим унга, – биз аввалгидек, сен билан кўпроқ гаплашиб туришимиз керак. Кел, кейинги якшанбадаёқ ботқоқликка борамиз-да, мириқиб суҳбатлашамиз.

Опамни қаровсиз қолдиролмасдик, аммо якшанба куни тушликдан кейин Жо унинг ёнида бажонудил навбатчи бўлиб қолди, Бидди иккимиз эса, йўлга тушдик. Ёз фасли, ҳаво ажойиб эди. Қишлоқ, черков ва кабристон ортда қолиб, ботқоқликка чиққач, кўзимиз дарёда шитоб билан сузиб кетаётган кемаларга тушди ва ҳар доимгидек, кўз ўнгимда мисс Хевишем ва Эстелланинг қиёфалари гавдалана бошлади. Дарё бўйига бориб ўтирдик. Оёқларимиз остида оҳиста шарқираб оқаётган сувни ҳисобга олмаганда, атроф сокин эди. Мен қалб сирларимни Биддига айтиш учун бундан қулай фурсат ва жой топиб бўлмайди, деган қарорга келдим.

– Бидди, – дедим унга, суҳбатимиз тўғрисида ҳеч кимга оғиз

очмасликка ваъда олгач, жуда ҳам жентльмен бўлишни хоҳлаяпман.

– Вой, бунинг сенга нима кераги бор? – ҳайрон бўлди қиз. – Сенинг ўрнингда бўлсам, буни ўйламасдим ҳам.

– Бидди, – дедим мен энди жиддийроқ оҳангда, – жентльмен бўлишни хоҳлаш учун жиддий сабабларим бор.

– Ўзинг биласан, Пип. Лекин ҳозирги аҳволинг сенга маъкулроқ эмасми?

– Бидди! – хитоб қилдим мен алам билан. – Ҳозирги аҳволимни умуман яхши деб ҳисобламайман. Касбимдан ҳам, бутун ҳаётимдан ҳам нафратланаман. Шогирдликка тушган биринчи кунимданок улардан нафратланаман. Бемаъни гапларни гапирма!

– Мен бемаъни гап айтдимми? – хотиржам жавоб берди Бидди, қошларини бир оз чимириб. – Сенга яхши, кўнглингда хотиржамлик бўлишини хоҳлайман холос.

– Унда яхшилаб билиб ол. Агар ҳаётимни ўзгартира олмасам, менга яхши эмас, жуда ёмон бўлади. Тушуняпсанми энди, Бидди?

– Афсус, – деди Бидди изтироб ичида бош чайқаб.

– Агар мен бу ҳаётга кўника олганимда эди, – давом эттирдим мен бир вақтлар ҳақоратланган туйғуларимни сочларимга қўшиб юлиб олиб, пивоҳонанинг деворларига тепкилаб киргизганимдек, майсаларни ғижимлаб, суғурар эканман, – агар устахонадаги ҳаётга кўника олганимда ва уни болалигимдаги севгимнинг ярмиси билан яхши кўра олганимда, албатта, енгилроқ бўларди. Унда иккимиз ҳам, Жо ҳам, бошқа нарсани орзу қилмасдик. Шогирдлик муддатим тугагач эса, Жо мени шерик қилиб олар, у ёғига эса, ким билади дейсан, сенга уйланган ва ажойиб яқшанбаларнинг бирида, қирғоқда, ҳозиргидан бутунлай бошқача ўтирган бўлардик. Ахир сен учун мен яхши жуфт бўлардим, а, Бидди?

Бидди хўрсинди ва дарёда сузиб юрган елканларга тикилиб туриб деди:

– Ҳа, мен унақа танлайдиганлардан эмасман.

Бу гапни эшитиш менга ёқиб тушмади, албатта, лекин Бидди буни мени хафа қилиш учун айтмаганини билардим.

– Буларнинг ўрнига эса, – давом эттирдим мен, юлиб олинган майсани тишлар эканман, – қара, кимга айланиб қолдим – тиниб-тинчимас, ношукурга. Агар юзимга айтмаганларида, қўпол ва тўпорилигимдан бунчалар эзилмаган бўлардим.

Бидди мен томонга кескин ўгирилди ва ҳозиргина кемаларга қаратаётган эътиборидан кўпроқ диққат билан менга тикилди.

– Бекор айтибди, – деди у яна нигоҳини кемаларга тикар экан. – Ким сенга бундай деганди?

Ўнғайсизланиб қолгандим. Негаки, қизишиб кетиб суҳбат қаёққа олиб боришини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Аммо чекинишга кеч бўлганди, жавоб беришимга тўғри келди.

– Мисс Хевишемникида яшаган чиройли қиз, у дунёда ҳаммадан ҳам гўзал, уни эсдан чиқара олмаяпман, уни деб жентльмен бўлмоқчиман.

Ушбу ақл бовар қилмас эътирофни айтгач, юлиб олинган ўтларни ўзим ҳам улар билан оқиб кетишга тайёрдек дарёга улоқтира бошладим.

– Сен ундан аламингни олиш учун жентльмен бўлмоқчимисан ёки унга эришиш учунми? – бир оз жим тургандан сўнг, Бидди хотиржам жавоб берди.

– Билмадим, – дедим мен қовоғимни уйиб.

– Демокчиманки, агар унга алам қилсин десанг, – давом этди Бидди, – менимча, (яна ўзинг биласан) унинг сўзларига умуман эътибор қилмаслик тўғрироқ ва муносиброқ иш бўларди. Бордию шу йўл билан унга эришмоқчи бўлсанг (яна ўзинг биласан), ўша қиз бунга арзимайди.

Айнан шуларни ўзимга ўн марталаб такрорламаганмидим? Айнан шулар ҳозир менга равшандан ҳам равшан эмасмиди? Лекин энг яхши ва ақлли эркаклар ҳам халос бўла олмаган ўша ғаройиб беқарорликни қандай қилиб мендек бир шўрпешона, қишлоқ боласи четлаб ўта оларди?

– Гапларинг, эҳтимол, тўғридир, – дедим Биддига, – лекин уни унута олмаяпман.

Шу сўзларни айтиб, мен ўт устига ётиб олдим, иккала қўлим билан сочларимни ғижимлаб, яхшилаб тортдим, қалбимни забт этган бемаъни орзу ақл бовар қилмас тентаклик эканини яхши тушунаётгандим. Ўша онда бошимни сочларимдан ушлаб кўтара олсам-у қирғоқ бўйидаги тошларга уриб-уриб, мана сенга шундай аҳмоққа насиб қилганинг учун, десам айна муддао бўларди, деган фикрдайдим. Бидди ақлли қиз эди, у эсимни киргизиб қўйишга бошқа уриниб ўтирмади. Меҳнатдан дағаллашган, лекин меҳрибон қўллари билан қўлларимни бирин-кетин бечора сочларимдан тортиб чиқарди. Кейин эркалаб, елкамга уриб қўйди, камина эса, ўшанда, пивоходнада бўлгани каби, юзимни енгимга қўйиб, кимдир ёки кўпчилик мени хафа қилгандек, бир оз йиғлаб олдим.

– Шунисига хурсандманки, Пип, – деди Бидди, – менга ишондинг. Яна шунга хурсандманки, менга қўрқмасдан ишониш мумкинлигини биласан, сирингни сақлайман, ишончингга хиёнат қилмайман. Агар биринчи ўқитувчинг (у шунчалар ожиз эдики, ўша вақтларда унинг ўзига ўқиш, ўрганиш зарур эди) ҳозир ҳам сенга сабоқ бера олгандайди, сенга нимани ўргатишни энди билган бўларди, чоғи. Лекин бу дарс осон кечмасди, модомики, мендан ўзиб кетган экансан, бу ҳақда гапириб ўтирмаса ҳам бўлаверади. – Кейин менга оҳиста хўрсиниш ҳада этиб, Бидди ўрнидан турди ва бутунлай ўзгача, дадил ҳамда жарангдор овоз билан деди: – Хўш, яна бир оз айланамизми ёки уйга кетадиган вақт бўлдимми?

– Бидди! – хитоб қилдим мен, кейин сакраб ўрнимдан туриб, уни бағримга босиб, ўпиб қўйдим. – Сенга ҳар доим, ҳамма гапни айтаман.

– Жентльмен бўлгунингча, – деди Бидди. – Бунинг амалга ошмаслигини биласан, демак – ҳар доим.

– Айтишим мумкинки, сенга ҳеч нарсани айтмасам ҳам бўлаверади, негаки, мен билган нарсаларнинг ҳаммасини биласан, бу ҳақда сенга ўша оқшомда айтгандим, эсингдами?

– Ҳа, – деди Бидди зўрға, деярли шивирлаб, оппоқ елканлардан кўзини узмай. Кейин яна ўшандай тиниқ, қўнғироқдек овоз билан такрорлади: – Яна бир оз сайр қиламизми ёки уйга кетадиган вақт бўлдимми?

– Яна бир оз сайр қиламиз, – дея қарор қилдим мен ва биз юриб кетдик. Бу орада ёзнинг куни ёз оқшомига жой бўшатди, чор атроф фусункор тусга кирди. Шамлар билан ёритилган, тўхтаб ётган соатли уйда “Ким аҳмоқ”ни ўйнашдан, Эстелланинг нафратига чидашдан кўра, ҳозиргидек яшаш яхшироқ ва тўғрироқ бўлармиди, деган хаёлга ҳам бордим. Эстеллани, бошқа барча хотираларим ва хомхаёлларимни миямдан чиқариб ташлаш, фикру зикримни ишга бағишлаш, яхшиликдан яхшилик кидирмайдилар мазмунида иш тутиб, хотиржамликка юз тутсам, ажойиб иш бўларди, деб ўйладим. Агар ҳозир ёнимда Бидди эмас, Эстелла бўлганида бошлаб жиғимга тегиб, хафа қилишга уринган бўларди-ку,



бу ахир кундай равшан эмасми, деб савол берардим ўзимга. Ҳа, айнан шундай бўларди, буни тан олмай иложим йўқ эди. “Шунча гапдан кейин ҳам аҳмоксан-а, Пип!” дедим ўзимга. Сайр қилиб юриб, биз роҳатланиб суҳбатлашдик ва мен Биддининг ҳеч бир сўзига эътироз билдирилмасдим. Бидди заҳар, инжиқ эмасди, кун ўтиб ўзгариб қолмасди, менга азоб бериб, у асло роҳат топмаган, аксинча, оғринган бўларди. Шундай экан, нима учун уни Эстелладан баландроқ қўйишга ботина олмаслигим керак?

– Эҳ, Бидди, – дедим унга уйга қайтар эканмиз, – мени тузата олганинда яхши иш бўларди!

– Яхши бўларди! – деди Бидди.

– Қани энди сени севиб қолганимда... Очик гапираётганимдан хафамасмисан? Биз ахир қадрдон дўстлармиз-ку.

– Албатта, ҳечқиси йўқ, – деди Бидди. – Мендан хавотир олма.

– Агар бунинг уддасидан чиқсам, ҳаммаси яхши бўларди!

– Айнан шунинг уддасидан чиқа олмайсан, – деди Бидди.

Ўша оқшом бунинг эҳтимоли менга, айтайлик, бир кун илгаригагина нисбатан кўпроқ туюлаётганди. Мен, ишончим комил эмас, мазмунида ғўлдираддим. Лекин Бидди ўзининг ишончи комил эканини айтди. Унинг товуш оҳанги эътирозга ўрин қолдирмаётганди. Қалбимнинг тубида ўзим ҳам шундай, деб ҳисоблаётгандим, лекин Биддининг комил ишончидан оғриндим.

Қабристонга етмасдан биз тўғондан тушдик ва сув тақсимлагич олдида туриб қолдик. У ерда четан девор устидан ошиб ўтишимиз керак эди. Кутилмаганда қария Орлик тўғон ортиданми, қамишлар орасиданми, балчиқнинг ичиданми (ботқоқликда яшаётгани учун буни ундан кутса бўларди) чиқиб келиб, қаршимизда пайдо бўлди.

– Салом, – деди у тўнғиллаб. – Икковлон қаёққа кетяпсизлар?

– Уйга бўлмай, қаёққа бўларди?

– Унда сизларни кузатиб қўяман, жин тимдаласин мени, – деди у.

Ўзига бундай жазони тилаш унга одат эди. Тушунишимча, у “тимдаласин” сўзига ҳеч бир маъно бермасди, ўзига қўйиб олган исмга ўхшаб ушбу сўз заминиде аллақандай таҳқир, мавҳум ва шафқатсиз таҳдиднигина кўрарди. Болалигимда, агар унинг хаёлига мени тирнаб олиш келгудек бўлса, бу ишни ўтқир, занглаган илмоқ билан бажарган бўларди, деб ўйлардим. Орликнинг бизга ҳамроҳ бўлишига кўзи учмаётган Бидди: “Керак эмас, биз билан юрмасин, уни ёмон кўраман”, деб шивирлади. Ўзим ҳам уни ёқтирмаганимдан, юрак ютиб, ундан миннатдорлигимизни, лекин кузатувчиларга муҳтож эмаслигимизни айтдим. Бунга жавобан Орлик хоҳолаб кула бошлади ва ортимизда қолди, лекин кейин, масофа сақлаган ҳолда, изимиздан судралиб келаверди. Опамга қилинган шафқатсизларча ҳамлада, унинг ўзи бу тўғрида бир нарса дейишга ожиз эди, Орликнинг ҳам иштироки борлигига Бидди шубҳаланадими-йўқми билгим келди ва ундан нима учун Орликни ёқтирмаглигини сўрадим.

– Нега дейсанми? – У орқамиздан келаётган шарпага кўз қирини ташлаб қўйди. – Негаки, назаримда, унга ёқадигандек кўринаман.

– У сенга бу тўғрида гапирганмиди? – дедим жаҳл билан.

– Йўқ, – деди Бидди яна елкаси оша орқага қараркан. – Ҳечам бу тўғрида гапирмаган, лекин кўзим унга тушиши билан ялтоқлана бошлайди.

Нафис туйғуларни бундай изҳор этишнинг янги ва ўзига хослигига

қарамай, у тўғри талкин қилинганига шубҳам йўқ эди. Жуда ғазабландим. Қандай қилиб қария Орлик Биддидан завқланишга ботинди? У мени ҳақорат қилгандек қаттиқ жаҳлим чиқди.

– Лекин сенга бунинг фарқи йўқ-ку, – деди Бидди хотиржам.

– Тўғри, Бидди, бунинг менга фарқи йўқ, шунчаки бу менга ёкмайди, мен буни маъқулламайман.

– Мен ҳам, – деди Бидди. – Афсуски, бунинг ҳам сенга аҳамияти йўқ.

– Тўппа-тўғри, – тасдиқладим мен. – Лекин у агар олдинда ижозатинг билан ялтоқланса, сен тўғрингда жуда ҳам юқори фикрда бўлмасдим, дейишга руҳсат бер.

Ўша оқшомдан эътиборан Орликни кузата бошладим ва ҳар сафар унда Биддининг олдида ялтоқланиш имкони туғилганида, уларнинг ўрталарига туриб оладиган бўлдим. Опамнинг Орликка бўлган тушунарсиз туйғуси устахонада унинг обрўсини кўтармаганида, эҳтимол, Жодан уни ишдан бўшатишни сўраган бўлардим. Орлик ҳам менинг ниятларимдан яхшигина хабардор ва менга нисбатан ҳам айнан шундай муносабатда эди; кейинчалик бунга ишонч ҳосил қилишимга имконият бўлди.

Шундай қилиб, ҳозиргача бошимни қотириб келган муаммолар етмаганидек, энди минг марта кўпроқ ўралашиб қолгандим, негаки баъзи лаҳзаларда Бидди Эстелладан бекиёс даражада яхшироқ кўришиб кетар, пешонамга ёзилган ҳалол меҳнаткашнинг ҳаётида ҳеч бир уяладиган ери йўқлигини, аксинча, ўз қадрига етиш туйғуси мени бахтли қилиши мумкинлигини тушуниб қолардим. Бундай лаҳзаларда азиз, меҳрибон Жога ва устахонага бўлган совуқ муносабатим буткул барҳам топар, касбим менга ёқади, вақти келиб Жога шерик бўламан ва Биддига уйланаман, деган узил-кесил қарорга келардим, лекин мисс Хевишемникида ўтказган кунлар тўғрисидаги ҳар қандай тасодифий хотира, ажал ташувчи замбарак ўқи мисол мени махв этар ва барча эзгу ниятларимни шамол олиб кетарди. Шамолда тўзғиб кетган орзуларни йиғиб олиш мушкул иш ва кўпинча, ҳали уларни жамлаб олишга улгурмасимдан, эҳтимол, мисс Хевишем, нима бўлганда ҳам, шогирдлик муддатим ниҳоясига етгач, менга ҳомийлик қилишга қарор қилган бўлсачи, деган алдамчи тахмин уларни ҳар томонга сочиб юборарди. Лекин шундай бўлдики, шогирдлигим қутилмаганда барҳам топди...

*Инглиз ва рус тилларидан  
Шоазим МИНОВАРОВ  
таржимаси*

*(Давоми бор)*



К. ЧИННАППА  
БҲАРАТИ

ПАВЛАЙИ

Роман<sup>1</sup>

\* \* \*

Бирга ишлаётган Раъман белкуракни отиб юбориб, деди:

– Хўжайин, қорин очди...

Унинг овози Перияннаннинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Ҳеч нарсага тушунмай, Перияннан сўради:

– Нима? Нима дединг?

– Хўжайин, хаёлингиз қаёқда? Қорин очди дедим!

Пешонасидаги реза-реза терларни бошига боғлаган дхўтийси билан артиб, гап сотишга тушди:

– У менинг бахтим хазинаси эди. Йўқ, мен унинг ёрдами билангина барча шодликдан бахраманд бўлдим. Уни деб барча бахтларнинг мазасини татидим. Мен шундай ишлаётган эдимки, дунё фақат унинг учунгина яралгандек. У туфайли топган бахтимни нима бўлганда ҳам йўқотмаслигим керак, – бир оз тин олиб яна гапирди: – У менинг борлигим эди. Энди у билан бирга ҳаммаси тамом бўлди. – Унинг юзида изтироб аломатлари кўринди.

Ўша кунларда Раъман унинг яқин одамига айланган эди. Кўнглидаги гапларини у келиб Раъманга айтарди. Иш, ёлғизлик, олдинги турмуш ташвишлари, хуллас, шу йўсинда унинг вақти ва кунлари ўтиб борарди.

Иккаласи юз-кўлни ювиб ўтиришди. Раъман бир қўли билан макка унига

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

кўкат қўшиб, пиширилган бўтқадан катта қилиб думалоқлаб, Перияннаннинг кафтига қўйди, иккинчи қўли билан ўзи ошалаб ея бошлади. Перияннан ҳам бир чимдим-бир чимдим олиб, оғзига солди.

Улар ним дарахти соясида ўтирган эдилар. Дарахтда бир мода майна ўтирганча танасини силкита-силкита ғув-ғувларди. Кўзлари жуфтнинг йўлларига нигорон эди. Бир оздан сўнг майна учиб кетди. Дарахт яна хувиллаб қолди.

Бир эзилган қалб бахтсизлиги устига кимсасизлик азоби. Ўз яшиллигини йўқотиб, яланғоч қолган дарахт. Майнанинг ўз жуфтидан айрилиқ азобини кўриб, ўзининг ҳаётидаги чеки йўқ изтиробларни эслади.

Перияннаннинг киприклари учида субҳидам шабнамлари. Овқат ошаётган Раъман унинг кўзларидан, бурнидан оқаётган томчиларни кўрди. Перияннан қўллари билан бурнини шундай артдики, худди овқат аччиқлик қилгандек. Буни кўриб, Раъман сўради:

– Хўжайин, қачонгача бекамни эслаб, йиғлаб яшайсиз? Бекам фаришта эди, оқила аёл эди. Сиз унга жонингизни бергудек бўлардингиз. Шундай бўлса ҳам у нега сизни ташлаб кетди? Худо ураман деса, ҳеч гап эмас экан-да?

Павлайи уни эслармикан? Ҳис-туйғуларида, ўй-хаёлларида, юрагининг ҳар уришида, оқаётган қонида, назари тушган жойларда у яшаётгандек, у тургандек кўринаверади. Агар унинг асли қаерда туриши маълум бўлса, бутун борлиғига доғ тушади. Ичидан ириб кетган сабзавотни илдизи билан суғуриб олинганда, унинг яшиллигига путур етиши тайин.

Нафрат ва чарчок унинг фикрларини чулғаб олди. Қалбидаги иштиёқ, жўшқинлик сўна бошлади, ихтиёри қўлдан кетди. Йўлдан адашган қуш каби беҳаловат ва ночор бўлиб қолди.

Овқатланиб бўлгач, қўл ювишди. Бошига боғлаган рўмолни ечиб, юзидаги терни артаркан, Перияннан деди:

– У эсимга тушди дегунча барча иш тўхтаб қолади. Ё ундан қўлимни ювиб қўлтиғимга уришим ёки ўша дардни унутишим керак. Бунақа аросатда мен на ўликман, на тирик, бас, икки дунё овораси бўлиб юравераман.

\* \* \*

Павлайи уйда хизматкорларга ҳам меҳрибон эди. Уйда нима бўлса, уларга ҳам илинади. Кўнглидаги гапларни ҳар қандай ҳолатда ҳам сир бой бермай келарди. Атрофдагиларнинг олдида доим бир гапириб, ўн кулар, ўзини ғами йўқ одамдек тутарди. Бегоналар у ёқда турсин, хатто ўз эрига ҳам собиқ ошиғи билан боғлиқ ўтмиш хотиралар ҳақида лом-мим демасди. Буларнинг барини ташлаб кетгунга қадар зўраки сукут билан ўзининг гуноҳкор ўтмишини яшириб келди. Шу боис ҳамма уни чин юракдан севар, иззат-икром қиларди. Худди шундай ҳиссиёт Раъманнинг ҳам юрагини тирнагани-тирнаган эди. Ўзининг кимлигини назарда тутиб, у осмонга қараб тупургиси келмади. Бошқа томондан у шу хонадоннинг тузини еган, шунинг учун хонадонга фойдали гапни айтмаслик ҳам унинг назарида катта гуноҳ... Шу боис Раъман синиқ овозда деди:

– Хўжайин, агар майли десангиз, бекам билан мен гаплашиб кўрай.

Бу бечора Павлайини ташқаридангина биларди... Унинг дилидаги дарди ва кечинмаларини қаёқдан билсин? Денгизнинг сирти тинч кўрингани билан тагида жўш урган оқимга ўхшаб, юрагида унсиз туғён ураётган туйғулар бўронини ким ҳам биларди?

– Биласанми, Раъман... Бирдан онасининг кўзи кўрмайдиган бўлиб қолди. Унинг отаси ёки ака-опаси бўлганида онасига қарашни ўзлари эплашарди. Сел пайтида қулаган девор остида қолиб, ҳаммаси ўлиб кетишган. Буни ўзинг ҳам биласан. Шундан кейин Павлайининг юраги чилчил бўлди, жудоликка чидолмай, онаси кўр бўлиб қолди. Бу ерга келиб яшашини айтдим, лекин даласини деб, куёв билан бирга яшашдан уялиб, келмади. Ҳа, шундай гап бўлган эди. Нима қилиш керак? Мен эса у ерга бориб яшашга кўнмадим. Охири алоҳида-алоҳида яшашга қарор қилдик. Лекин бир умр алоҳида-алоҳида яшаш осонми? – шикаста овозда, ҳақиқат юзига парда тортиб, ёлғонга эрк бериб гапирди Перияннан.

Раъман меҳр билан унга қараб, самимий оҳангда деди:

– Ҳеч бўлмаганда кичик хўжайинни ташлаб кетсалар ҳам майли эди. Улар ҳам келиб-келиб туришарди, сиз ҳам бориб-келиб турардингиз. Ўша кўр она ўлгунча, ё бўлмаса биронта йўли чиқиб қолгунча, орани шундай ушлаб турардинглар.

Перияннан лабларини қисиб-қимтиб, аламини табассумга айлантириб деди:

– Қулоққа ёқадиган гап-у, лекин бунинг иложи йўқ.

Қишлоқларда шундай ҳоллар бўлиб туради. Ўша қишлоқда анбах<sup>1</sup> боғи бор Маримутту Каундрнинг аёли Эттайи ота-онасининг ёлғиз фарзанди эди. Қариган чоғларида улар қизларига хўжаликни қўлга олишни айтишди. Эттайининг иккита ўғли бор эди. Битта ўғлига ўз томорқасини, иккинчи ўғлига мерос хўжаликни бошқаришни топширамиз деб, эр-хотин бир қарорга келишишган. Шу режага кўра Эттайи бир ўғли билан ота-онасининг хўжалигини бошқаришга кетган, катта ўғли эса отаси билан шу ерда қолган. Иккиси ўзлари ҳам пишириб-қуйдириб, ҳам далага қараб юрган. Ҳар-ҳар замон аёли ўғли билан келиб, кўриниб кетиб-юрган. Катта бўлгач, ўғилларини уйли-жойли қилиб, эр-хотин яна бирга яшай бошлашган. Шу гапларни эслаб, Раъман деди:

– Хўжайин, Маримутту Каундр, унинг аёли хўжаликни қандай бошқаришган эди? Буни ўзингиз ҳам биласиз. Сиз ҳам шундай қилиб, бекамнинг уйига бориб-келиб туринг. Онаси вафот этгач, ўғлингиз у ердаги хўжаликни юритади. Уни уйли-жойли қилиб, сиз ҳам бекамни бу ерга олиб келасиз...

Эр-хотин ўртасидаги сирни Раъман ва бошқалар қаёқдан ҳам билсин? Унинг бир севгилисидан бўлган, ўшанинг хотираси билан умри ўтяпти. Қудачилик ришталари узилиб кетган, бу бечора ошиқ эса шол бўлиб, ёлғиз қолиб кетган. Бу гап ошкор бўлиши биланок, онасининг кўр бўлиб қолганини рўқач қилиб, онасиникига кўчиб кетди. Павлайи онасига ёрдам бериш баҳонасида эрини ташлаб кетиб қолди. Бу сирни ким билади? У ўз оғзи билан дилидаги гапни айта олмайди. Бунинг ягона сабаби бор эди. Бошидаёқ унинг хуфёна муҳаббат қиссаси аён бўлганида, ҳеч кимга айтмай, дилига яшириб, хотинини кечирди. Унинг қора ўтмишини юзига солиб, қўлини ҳеч қачон бигиз қилмади, охиригача унинг дилига озор бермади. Муносабати ҳам ҳеч қачон кескин бўлмаган. Ҳозиргача унинг қайтишига астойдил умид қилади, уни кечиришга ҳам тайёр. Шундай бўлгач, у Павлайини бекордан-бекорга қандай айблаётган? Бу айрилиқ юрагига ғазаб ва жаҳл ўтини қаларди холос. Буни ҳеч кимга айтолмасди, чунки ҳозир ҳам унинг қайтишини кутмоқда.

Айтишларича, ҳақиқат кавушини кийиб кўчага чиққунча, ёлғон дунёни

<sup>1</sup> Анбах – манго.

бир айланиб келаркан. Озгина ҳақиқат оғиздан чиқиши биланок одамларнинг оғзида пуфакчаларга айланиб, ёрилиб кетаркан. Ҳар қандай ҳолатда Павлайини айбдор деб билиш гуноҳ. Бундай иш кимнинг уйида бўлмаган? Ошқора, зарурат юзасидан боғланадиган қудачилик ришталари кутилмаганда яширин тус олиши ҳам мумкин. Баъзан кутилмаган воқеалар содир бўлади. Хўш, шунда осмон узилиб ерга тушадими? Аравани ҳайдаш керак, унда ғилдиракнинг ўки созми, носозми, шунини аниқлашга тўғри келади. Ғилдиракдан воз кечолмаймиз-ку ахир! Хотиралар юракка бир зум ҳам тинчлик бермайди. Инсон юрагида қанчадан-қанча муаммою қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлмайди. Йиллар оша дарахт бошқача бўлиб қоладими? Шохлари ёйилади, танаси қаттиқлашади холос! Ҳазонрезгилик фаслида янги япроқлар чиқади. Гуллари эса мева тугади. Кўзларга қувонч бахш этади. Аслида юрак туби ҳам гулларга, кўзлар эса сукунатга тўла бўлади, бироқ ботиний овозларни ким эшитади? Юрак дарёсида гирдоблар сил-силаси эса қат-қат.

Иш билан бирга суҳбат-мунозара ҳам авжида. Инсон сояси киришиб-киришиб, унинг оёқлари остида топталади. Далалардаги қурт-кумурсқаларни териб-териб еган қушлар қуёш тифидан қочиб, дарахт шохларида кўзларини юмганча, хаёл суриб ўтирибди. Бир-бирларининг патларини тозалаб, қанотлари билан силаб, ўпиб қўяр, баланд-паст овозда ишқ достонини ўз тилларида тараннум этарди.

Раъман белидаги чўзилган пайларни тўғрилаш учун қаддини кўтарди. Ним дарахтада ўтирган бир жуфт қарға бир-бирининг бошини чўқилаб, ишқ гаштини сурмоқда. Дилда яна ўша ғашлик – одамзод ўз ҳаётида гуноҳкор қорин учун жазирама иссиққа парво қилмасдан, бутун оиласи билан далада тер тўкмоқда. Бундан мақсад – оиласи, қариндош-уруғлари билан аҳил-иноқ яшаш. Аммо қушлар! Тухумдан чиқибок палапонлар учишни ўрганиб оладилар. Барча қариндошлик ришталарини узиб, учиб кетадилар. Қаерда емиш топсалар, ўша ерда бахтли яшайдилар. Инларида бирон дона буғдой бошоғи бўлмаса ҳам парво қилмай, сояда ётаверадилар. Биз инсонлар бундай қила олмаймиз. Жазирама иссиқда ҳам иш битмагунча дам қаёқда? Раъман шундай хаёлларни кўнглидан ўтказиб турганида, Перияннан унга қараб деди:

– Бир томондан, сенинг гапингда ҳам жон бор. Ҳаммининг кўнгли бир бўлармиди? Сен-ку, ҳар куни ишлайсан. Ишчи меҳнати билан ишчи, бўлмаса ғирт бекорчи! Шом тушиши биланок, ўз кулбасида ёвғон бўтқами, нима топса, шунини еб этади. Бойлик иштиёқида бири у ёқда, бири бу ёқда ёв бўлиб яшагандан кейин оилада бахт қаердан бўлсин? У ёққа қара... анави дарахтадаги қарға ва тўтилар қандай бахтли? Хўш, улар бизга ўхшаб офтобда куйишармикан? Ёки улар ҳам жуфтдан алоҳида яшармикан? Улар учун айрилиқ – ўлим дегани. Бир биз пул учун алоҳида яшаймиз ва ўзимизни-ўзимиз хароб қиламиз.

Раъман унинг ҳамма гапларини тўлиқ англамаган бўлса-да, унинг никоҳ, оила бахтидан мосуво, ташвишманд юрагини тушуна олди. Эсизгина, ёшлик... ёшлик даври узоқ давом этмайди. Меҳнатдан кун кўрувчи содда одамлар ягона бахтни ўз оиласидан топади. Раъман ичидаги гапни яшира олмай, тортиниброк гап қотди:

– Хўжайин, бу ердаги ерни бировга ижарага бериб, бекам билан бирга яшанг. Қайнонангизни охириги йўлга кузатиб, бу ерга қайтарсиз.

Раъман ўйлаганидек, уларнинг оилавий ҳаёти фақат ўша гапларга боғлиқми? Ёшлик сурури билангина уларнинг тақдири қўшилганми?

У-ку бир қадам олдинда бўлиб, унинг ишончи ва ҳақиқий муҳаббатини қозонишни хоҳлайди. Агар буларнинг бари ёлғон бўлса, оилавий бахт ёки ёшликнинг масрур туйғулари учун бундан машъумрок ёлғон бўлмас.

Унга аён бўлдики, ҳаётни бахтли қилувчи барча чоралар сурилиб, ундан узоқлашиб кетди. Қувончли ўтмиш, эркинлик, шўх-шодон кечган кунлар энди қайтиб келмайди. Келажак орзу-умидлари энди маъносини йўқотиб, куриган япроқлар каби тўкилиб тушди. Келажакни ўйлаб, режалар тузиш ва орзуларга берилиш фақат муҳтарам зотларгагина тегишлими? Майсалар учидан ялтираган шудринг томчилари каби шаффоф ва тўқис бахтга фақат улар муносибми? Туғилишдан бошлаб, ёшлик қувончи ва туйғуларини яратувчи табиий эҳтирос бой-камбағал қалбида бирдек ниш урмайдими?

Тўсатдан унинг қалби қанот қоқиб, қуш каби парвоз қила бошлади. Ҳаёт гулханлари ўз-ўзидан аланга олди. Унинг кўзлари, бурни ва оғзи адоватдан буришиб кетди, ичидаги бор дарду ҳасратларининг ўзи инсоннинг ичидаги дарвешликнигина ифода этиш учун кифоя қилгандек бўлди. Юрак сирини юрагининг ўзига яшира туриб, у деди:

– Бу тупроқ менга шу пайтгача хиёнат қилмаган эди, бироқ беканг осон куйдирди. Унинг хиёнати деб мен ҳам шу тупроқни душман деб билайми?

Перияннаннинг кўнглини Раъман тўлиқ тушуна олмади. У фақат хўжайинининг юрагидаги хавотирни англаб келар, бирга яша деса, яшамаса, ажраш деса, ажрашмаса, бундай миждовлик ва ўз ёғига ўзи қовурилишдан ҳеч гап чиқмаслигини билар эди. Ҳеч ким унинг ташвиш-манд қалбига ташланган сирли чодирни кўтариб, мўралай олмаган. Бу сирли чодир туйғуси бўрон каби кўзғалиб, ўша чодир олиб ташлагандагина очилиши мумкин. Айни дамда ҳақиқат шундаки, унинг учун вақт ва воқелик – иккаласи ҳам самарасиз бўлиб қолган. Мана шу ҳақиқат!

Раъман одоб саклаб деди:

– Хўжайин, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? Нотўғри гапирсам, бир қошиқ қонимдан ўтасиз... Қачонгача шунақа маъносиз юрасиз? Умр оқар дарё, ортга қайтмайди. Нима бўлганда ҳам бекам билан учрашиб, гаплашиб олинг. Бирга яшашнинг иложи йўқ деб билсангиз, бошқасига уйланиш айб бўлмайди, хўжайин. Сизни ёлғиз кўриб, юрагим ачишиб кетяпти.

Перияннан ички ожизликни тишлаб ташқарига чиқаргандек, ўзини базўр қўлга олиб деди:

– Бошқа бировга кўнгил қўйиб, у билан бирга яшашга ҳозир ҳушим йўқ. Билмадим, негадир кўнглим фақат уни дейди. Қачон шу фикр ўз кучини йўқотса, ўшанда бошқа бировга суянишим мумкин. Менинг тақдирим унинг тақдирини ҳам ҳал қилади. Биз тақдирнинг ўйинчоғимиз холос. Нима бўлганда ҳам бу гапни ўйлаб-ўйлаб, ўлиб қолмаймиз... Қорин ғами бор экан, елиб-югуриб, жазирамада жизғанак бўлиб ишлашимизга тўғри келади. Дала юмушларини эплайдиган биронтасини излаб кўр... Кўнгил яраси ўз йўлига, ҳеч бўлмаса танадаги чарқокдан қутуламан.

Даладаги эркак кишининг ишини бажариш учун Раъман бор. Энди уни-бунга баҳона қилмай, беканда ишга чиқадиган бир ғайратли аёл керак. Бундай аёл топилганда ҳам бечора Раъманнинг иши кўпайса кўпаядики, қамаймайди. Суриштира-суриштира охири шундай бир аёлни ҳам топди.

У – исми Танкамма деган бир бева эди. Онасининг уйида чўри, қай-нотасиникида бемор боқувчи. Ота-онаси унинг тўйи бўлиб ўтиши биланок бу дунё билан хайр-маъзур қилиб қўя қолишган экан. Ака-укалари ҳам йўқ. Қисқа муддатли турмушида болали ҳам бўла олмабди. Эри ўпка силидан вафот этиб кетибди. Суянчиқсиз қолиб, ўз қишлоғига қайтиб келибди.

Ота уйининг у ёк-бу ёғини таъмирлаб, шу ерда яшай бошлабди. Чўрилик билан қўл учида кун кўраркан. Қаерда иш топилса, ўша ерга қанот боғлаб учиб бораркан. Раъман ўша аёл билан учрашишга қарор қилди. Шундай бўлса ҳам, хўжайинининг розилигисиз қандай қилиб гаплашади? Шунинг учун Перияннандан сўради:

– Битта аёл бор. Мана кўрасиз, хўжайин, бўйин товламай ишлайди, агар сиз йўқ демасангиз.

Афсус-надомат юкидан эзилган юрагига тасалли бериш баҳонасида Перияннан деди:

– Ким экан у – бекангга ўхшаб, ҳаммасини ўзиники деб билиб ишлай олармикан? Тиш берган Худо ризкни ҳам берар... – дея туриб, у пешонасидаги терни артди.

Унинг гапларини эшитиб, Раъман деди:

– Биз хоҳлаганимиз билан нима бўларди, хўжайин? Бирон марта бандаси билан Худонинг хоҳиши ўхшаш келмаган. Шунинг учун дунёда қаёққа карама жанжал, уруш... – Шундай дея у туриб, осмонга тикилди. Уялари томон ошиқаётган кушларнинг ёқимли сайрашидан вужуди яйраб кетди.

Перияннаннинг эсига ўз гўшаси тушди. Шунда кўз ўнгида бир манзара жонланди. Нару мода куш ва болалари тирикчилик дардида уяларидан чиқиб кетадилар-да, атрофда изғиб юра-юра яна уйларига йўл олишади. Кушлар на ташвишни, на чарчашни билишади... Бироқ одамзоднинг қанчадан-қанча ташвиши бор – дала юмушлари, рўзғор ташвишлари... Лекин ҳаётга бўлган иштиёқ ҳаммасидан устун келиб, ишонч билан яшашга илҳом беради. Уйга қайтаётиб, миясига бу фикр келди: “Шунисига шукр, бугунги иш ҳам тугади, энди уйга бориш керак”.

– Нималарни ўйлаясиз, хўжайин? Бугунги иш битди, кеч ҳам бўлиб қолди, – деди Раъман.

Хаёллар гирдобига ғарқ бўлганидан Перияннан хижолат бўлди:

– Ҳа, юр, кетдик. Сенинг ишинг биттагина, меники эса бошимдан ошиб-тошиб ётибди...

Иккови икки томонга қараб кетди.

Перияннан хўкизларнинг арқонидан тутиб, кичик бир чойшабни елкасига солиб, пати юлинган хўроздек йўлга тушди. Бугун у бошқа йўлдан кетаяпти. Кеч бўлиб қолди, юраги ғаш. Қўшни боғдан Челлаппан ёки унинг хотини чиқиб қолса, гап чўзилади. Овқат еб кет, дейишади. Уларнинг ўша таклифидан қочиб, қабристон йўлидан кета бошлади. Умуман олганда шу йўл қулайроқ. Қариндош-уруғлар ва уларнинг хайрихоҳлигидан фойдаланиб, ҳар гал уларнинг уйлари олдидан ўтарди.

Энди хўкизлари билан қабристон йўлидан ўтиб кетаётиб, Перияннаннинг кўзи ўша ердаги янги қабрга тушди. Яқинда унга бир кишининг жасади кўмилган бўлиб, у ўтакетган майхўр, безори эди. Бунинг устига хулқи ҳам бузук эди. Гул атрофидан кета олмайдиган асаларига ўхшаб, ҳеч аёлларнинг ортидан қолмасди. Хотини нима гаплигини сўраб қолса борми, тамом, юк ташувчи худди хўкизларни қамчилаганидек, шўрлик аёл қаҳрли калтак ёмғири остида қоларди. Шу одам кексайганда бор-будидан айрилиб, хотинининг қўлига қараб қолди. Шунда ҳам хотинини уриб-тепиб, беҳуш қилиб ташларди. Шўрлик аёл барибир эрини дерди. Эрининг ажалдан беш кун бурун инсофга киришидан умид қиларди. Фарштадек аёл эрининг барча қилмишларини кечириб келаверди. Мана энди ўзи шумшайиб қолди. Ёшлиги дўзахда ўтгандек ўтса ҳам унинг миясида шу ўй... Ўйлайвериб боши қотиб кетди.



Уйга келиб хўкизларни козиққа боғлаб, уларга емиш, сув берди ва уй ичкарасига кирди. Ҳаёти каби унинг уйини ҳам зулмат қоплаган эди. Бошқа барча уйларнинг мўрисида тугун чиқиб, тумандек ёйилаётган эди. Фақат унинг уйидан тугун чикмаётганди. Ҳар бир хонадон ҳовлисида ёғчироқ шуъласи таралади. Унинг ҳовлисини доим алвастидек қоронғилик босиб ётади. Қўшни ҳовлиларда чарчокни чиқариш учун иссиқ сувли қозон тайёр қилиб қўйилади. Ҳаммасидан ошиб тушгани – энди тили чиқиб, уй-ҳовлисини тўлдириб юрган болалар чопа-чопа келиб, отасига пешвоз чиқишади. Унинг уйда эса кўршапалак қанот қоқиб, ўз тилида уни қаршилаб, тескари осилиб туради.

Қулфни очиб, Перияннан ичкарига кирди. Ўчокбошида турган гугурт билан канакунжут мойли чирокни ёқди. Сопол товоқнинг қопқоғини очди, кечлик овқат бор эди. Қўл-оёғининг мадори кетгани шунчаликки, овқатни олиб ейишга ҳам ҳоли қолмаганди. Иссиқ овқат илинжида оғзига сув келиб югинди ҳам, бироқ қўли ўзига бўйсунмаётган эди. Унга буйруқ беришга ожиз мия чарчаб, бутунлай ишламай қўйганди.

Ликопга обиёвғон солиб, нордон зардоб билан яхшилаб аралаштирди. Қовурилган гармдоридан тишлаб-тишлаб, обиёвғонни ича бошлади. Бир гармдоридан тишлаб, бир обиёвғондан хўплаб, амаллаб қорнини тўйдирди.

У дам олиш учун ухламасди. Танадаги чарчокни ва дардни унутиш учун ётарди. Уйғонибоқ, дон излаб учган қушлар каби, ишга кетиш тараддуди-га тушарди. Қудукдан сув тортиш, ўчокқа уннаш, уй-ҳовлини супуриш, молхонадан гўнгни олиб чиқиб таппи қилиш, кейин далага бориб экинга қараш – унинг кун тартиби шундай эди. Дам олишга одатланмаган ва бунга эҳтиёж ҳам сезмасди.

Каравотини кўтариб, айвонга олиб бориб қўйди. Хотини кетгач, у ичкари уйда ухлайдиган бўлганди. Каноп тўшакни каравотга тўшади, бошига ўраган дхўтийсини чойшаб қилиб ёпиб, кўзларини юмди. Уйкуси келмади. Хотини билан бир умрга ажрашгани ҳақда ўйлаб кетди...

Дилидаги гапни айтиш учун Павлайи эрини кутаётган эди. Энди гап бошлаганида Перияннан ўткир нигоҳини унинг тик қараб турган кўзларига қадади. Шундан Павлайининг тили айланмай қолди.

Чакноқ кўзлари гўё унинг ўзига далда бераётгандек эди. Бевафолик, инсофсизлик ҳақида тутилиб гапирадими, тутилмай гапирадими, аммо гапирмаса бўлмайди. Павлайи диққат билан унинг бошидан-оёғига разм солди-ю, кўнгли тўлиб кетди. Юраги ночор ўртанарди. Аҳмоқона иш қилиб қўйганини ўйлаб тураверди. Кўзлари ёшга тўлди. Йиғисини тийиб қолмоқчи бўлган эди, овоз чиқармай йиғлаганидан, ҳиқ-ҳиқ қилиб, аъзойибадани силкина бошлади. Уят ва изтиробдан дили вайрон бўлди. Қоронғи кўчада бир неча ит орасида қолиб кетган улоқча каби унга ҳадик билан тикилиб тураверди. Бирдан атрофи қоронғилашиб кетгандек туюлди. Ҳеч нарсани англаб бўлмай қолди. Қўйган қадам нечоғли ақлдан йироқ ва аҳмоқона эканини ўйлаб, титраб кетди. Павлайи эрининг дахшат қоплаган чехрасига тик қарашга ботинолмади. Ғам-қайғу ва афсус-надоматнинг кучлилигидан афти тундлашиб кетганди, ичкарига ботиб кетган кўзлари билан у яна бир бор эрига маъносиз қаради. Димоғига бир нарса тикилиб қолгандек, нафаси ичига тушиб кетди. Юрагидаги гаплар томоғига келиб тўхтаб қолаётган эди. Балки бошқа ўзаро бундай суҳбатлашишга имкон энди бўлмас. Азбаройи кўркувнинг кучайишидан ғазаб сукут сақлар, ҳалокатли безовталиқ ҳукм сурар эди. Кўзлар кўзларга тўкнашиб, юзмаюз ўтириб гаплашишга яна муяссар бўлармикан? Бир-бирини тушуниш

имконияти бўлармикан ё бўлмасмикан – ана шу ҳадикдан иккисининг ҳам боши эгик эди.

Вазият шунчалик жиддийлашиб кетган эдики, улар ўзлари ҳақида ўйлайдиган аҳволда эмасди. Бир ҳал қилувчи қарорга келишлари кераклигини англаб, икковининг ҳам юраги қинидан чиқай дерди. Бундай ҳолат иккисига ҳам таниш. Шундай бўлса-да, ҳеч ким ўз фикрини билдиришга журъат қилолмаётганди. Юзларидан буни бемалол билса бўларди. Павлайининг ўйлашича, агар улар иккиси бир-бири билан ажрашиш сабабини муҳокама қила олмасалар, дилидаги гап айтилмай қолиб кетади, уларни бошқа ҳеч қачон изҳор эта олишмайди. Юракда кўтарилаётган бўрон ҳозир ташқарига чикмаса, кейин ҳеч қачон ташқарига чиқа олмаслигини Павлайи биларди. Агар улар қалбларини очиб, бир-бирини тушунгани ёки тушунмаганини ҳозир очик айтмаса, кейин ҳеч қачон бунга имконият бўлмайди. Лекин бу вақтда уларнинг бисотида ўтмишнинг аччиқ алами, чидаб бўлмас нотинчликдан ўзга ҳеч вако йўқ. Барибир ҳам Перияннаннинг юрагида келажакка умид яширинган эди.

У ўзини яна бир бора чоғлаб кўрди. Шундай бўлса ҳам гапни нимадан бошлашни билмай ҳайрон эди. Охири журъатини бир жойга тўплаб деди:

– Мен қишлоққа кетмоқчиман.

Бир неча кундан бери улар орасида бўлаётган ўша унсиз саҳна пардаси очилгандек бўлди. Шунга қарамай, Перияннан ўзини билмаганга олиб, деди:

– Тинчликми, нима ишинг бор эди?

Юракда яна бўрон авжга минди. У шартта ўз қарорини айтмоқчи эди. Ўн йилдан бери унга ош-нон, кийим-кечак бериб, муҳаббат билан атрофида парвона бўлган эр бирон марта бўлса ҳам қаттиқ гапирмабди. Шундай инсоннинг дилини вайрон қиладиган гапни у қандай айта олади? Бундан ўзи кўпроқ изтиробда эди. Перияннаннинг юраги ҳам така-пука. Дунёда ҳеч кимга бундай эр учрамаганидек, унга ҳам бир имонли хотин насиб этмади. Унинг бошқалардан қаери кам эди? Кенг елка, бақувват қўл-оёқлар, қулиб турувчи кўзлар, бежирим бурун, жингалак сочлар ва йилтиллаган чўяндек тана – ҳар қандай қизни ўзига ром эта оларди. Қизлар унинг бошини айлантириб олишлари ҳам мумкин, бироқ у ҳеч қачон бошқа аёлга қиё боқмаган, фақат хотинини деган, юрагини Павлайига қурбон қилган. Шундай эркакка хиёнат қилиш яхшими? Унинг мажруҳ юраги симиллаб оғриб кетди.

– Шу кунгача бир сирни сиздан яшириб келдим, айтишга ҳожат ҳам бўлмаганди, лекин... – унинг тили қотиб қолди. Аёлларга хос кўркүв уни тўхтатди. Кўз олдидан қанчадан-қанча бахтли-бахтсиз, яхши-ёмон, муҳаббатли ва нафратли, уруш-жанжалли манзаралар ўтмади. Хотираларининг улкан хазинаси. Ўша хотиралардан юраги эриб кетди ва кўзларига ёш тўлди. Ўтган бир неча йиллик турмуш сафари бир кеча қадамлик сафардек туюлди.

Тили гапга айланмай, Павлайи сукут сақлаб қолди. У эрини ёмон кўрмасди. Эри ҳам хотинига хайрихоҳлик билан қарарди. У хотинини ҳеч қачон севган эмасди. Лекин уни ўзидан узоқлаштирмасди ҳам. Перияннан анча олдин унинг аҳволини тушуниб етганди. Лекин буни билдирмай, у хотинини кечирган эди. Кечиримлилиги ва кўнгилчанлиги Перияннандан хотинини ўзгартириш имконини тортиб олганди. Унинг ахлоқсизлигидан хабар топгандаёқ у билан суҳбатлашиб, ўзининг бағрикенглиги ва устунлигини кўрсатиб қўйиши керак эди. Шунда у, эҳтимол, бошқа бир қарорга ҳам келган бўлармиди. Шуларни ўйлаб, Перияннан деди:

– Шунча пайтдан бери яшириб келган сирни нега энди очмоқчи бўлиб қолдинг? Тўйимиз бўлганидан буён ўн йил ўтди. Қанча яхши-ёмон кунларни кўриб ҳам кўрмасликка олдик, бахтли ҳаёт кечирдик. Энди нега ўша нохуш гапларни тилга олмоқчисан?

– Менинг сиримни фақат онамгина билади. Ўша сир онамнинг жасади билан бирга ёниб, кулга айланади деб ўйлаб, сиз билан бирга яшаб келаётган эдим. Лекин энди мен уни ортиқ ичимда сақлай олмайман, – шу ерга келганда гап яна узилиб қолди. Павлайи калаванинг учини бутунлай йўқотиб қўйди. Сопол кўзанинг синган бўлақларини бирлаштириб, яна бошқатдан яшаш қанчалик қийин. Қўл тегиши биланоқ, яна бўлақланиб кетавериши мумкин. Павлайининг фикрлари ҳам шу тариқа тарқоқ эди.

– Юракдаги гап ташқарига чиқмагунча, сир бўлиб ётаверади. Бировга айтилган гапнинг сирлиги қолмайди. Ҳозир сен айтмоқчи бўлаётганинг сир эмас. Уни ҳамма билади. Шунинг учун хавотирланиб, ўзингни қийнашингга арзимади, – Перияннан вазминлик, ғоят жиддийлик билан деди.

Павлайи қаттиқ толиққанга ўхшарди. Қовоқлари атрофида ёйилган қора чизиқлар бундан гувоҳлик берарди. Унинг дилидаги хавотирни Перияннан тушунишга ҳаракат қилмаяпти ёки писанд этмаяпти. Бу Павлайининг ғашини келтирди. Бир вақтлар дуойи бадга, саҳродаги бўронга ўхшаб, дилида йиғилиб қолган адоват бирдан аланга олди.

– Бир вақтлар бу сир орамизда қолар деб ўйлагандим, бироқ энди ўша сирни яширишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Шунинг учун сизга айтмай юрсам, яхши бўлмас деб ўйлайман... Чунки сиз буни билишингиз шарт. Шунда мен ўзимни тўғри иш қилган деб биламан.

Унинг нодонлигининг авжи момақалди роқдай чакнади. Нигоҳида жасорат ёғдуси порлади.

Во ажабо! Кесақдан ўт чиқдими? Нигоҳидаги бу жасорат ёғдуси қаёқдан пайдо бўлди ўзи?

Перияннан адоватининг захрини Шива<sup>1</sup>га ўхшаб, қулт этиб ичига солди-да, деди:

– Гумон қилувчи учун сир вабо каби хавfli бўлади. Кимки гумон қилмаса, унинг учун сир ёздаги ёмғир кабидир. Кимнинг кўнгли тўк бўлса сир куёшни кўриб, яширинадиган бойўғлига ўхшаб қолади.

Павлайи дилидаги ғашликни босиб, ўтли нигоҳ билан уни парчаламоқчи бўлгандек, эрининг кўзларига тик қаради:

– Сиз ўйлагандек, менинг сирим оддий сирлардан эмас. Бу бизнинг ҳаётимизда бир бурилиш ясайдиган сир.

Перияннан ҳаммасини билади, унинг билишини эса Павлайи билмайди. Ҳаммасини била туриб ҳам билмаганга олиб, унинг гапларини эшитишни истамаган ҳолда бу масалага нуқта қўйишни истарди. Лекин у Павлайининг сўнги тўхтамга келмоқчи эканлигини фаҳмлай олмаётганди. Перияннан айтилмаган гап, тайинсиз хатти-ҳаракат ва амалга ошмайдиган қарор – мана шулар ўзини исқанжага олаётганини ҳис қилди. У деди:

– Ҳар бир инсоннинг дилида ўзига яраша сир бўлади. Ўз сирини сақловчи киши бировнинг шахсий гапини ҳурмат қилиши керак, деб ўйлайман. Нима бўлганда ҳам мен сенинг сирингни қадрлайман. Агар сенингча, менинг билишим шарт бўлса, эътирозим йўқ. Ҳар қандай сирдан дилим оғрмайди, шунақа.

<sup>1</sup> Шива – ҳиндувийлар динида улуғланган учта асосий маъбуддан бири, у барбод этувчи ҳисобланади.



Умид қилганига қарама-қарши, Павлайи дилидаги гапни энди очикчасига айтишга қарор қилди. Зеро, у эр-хотиннинг ҳаётини боғлаб турган азалий ришталарни узиб, ўзини бутунлай озод қилиб, онасиникига кетишга қатъий аҳд қилиб бўлганди. Перияннан ундан нафратланиб, у билан ажрашишга рози бўлиши учун кетишининг сабабини ҳам айтмоқчи эди. Павлайи бундан аввалроқ шундай қарорга келиб бўлганди. Шу қарор эвазига ўзининг ўн йиллик турмушини қурбон қилмоқда эди. Павлайи бу ерга келганидан бери бу тупрокни болани ардоқлагандек ардоқлаб, парваришлади. Ер билан кеча хайрлашди. Ҳар куни далага олиб борувчи сўқмоққа кеча ўз қарорини баён қилган эди. Жонидан азиз сигир-бузоқлари билан ҳам хайрлашиб бўлганди. Кўзлари ёшга тўлиб, уларнинг бошларини ҳидлаб-эркалаб, овоз чиқариб хайрлашди. Хайрлашмасдан олдинроқ эшиклар аянчли ғийқиллаб, ўз қайғуларини баён қила бошлаганди. Эр-хотин ўтириб суҳбатлашадиган супа ҳам чуқур “оҳ” тортгандай эди. Овқат пиширадиган сопол кўза қайнаб, ўчоқ учқун чиқариб, норозилиklarини билдирган эди. Ҳовлидаги ҳар куни суғориладиган ним дарахти барглари тўкиб, ўз қайғусини билдирганди. Энди у чин дилдан фарёд уриб йиғлаётган эди. Павлайи эрини ташлаб кетишга барча тайёргарликни кўриб бўлганди. Энди яна қайта ўйлаб кўришга ҳожат қолмаган. Шунини ўйлаб, у деди:

– Тўйдан олдин мен бошқа бировни севар эдим. Ўша бебошлигим гуноҳ мевасини бериб, мени ҳомиладор қилиб қўйди. Бу сирни онам билиб қолди. Отамга ҳам айтиб ўтирмасдан, ими-жимиди ҳомиламни нобуд қилдилар. Шундан сўнг отамни ҳоли-жонига қўймай, тезда мени сизга бериб юборишди, – шундай дея у аёлларга хос осонлик билан йиғлаб юборди. Йиғлаб-йиғлаб, томоғи тикилди, гапиролмай, анчагача жимиб қолди.

Павлайининг гапиролмай, ич-ичидан эзилаётганини унинг юзидан укиб, Перияннан деди:

– Сенинг ичингдаги барча гаплар менга аён. Тўй ўтгандан кейинок билиб бўлганман уларни. Лекин мен бунга унчалик аҳамият бермадим, деб айта олмайман. Эшитганимда менга оғир ботди, дилим оғриди. Бир кўнглим сени уриб-уриб, уйдан ҳайдайми, дедим ҳам. Лекин нари-берисини ўйлаб, ўзимни босдим. Вақт ўтиши билан бунга унчалик эътибор бермаслик керак, деган фикрга келдим. Бунга сабаб тўйдан кейинги сенин ўзингни яхши тутишинг бўлди. Ҳозир ҳам агар сирингни очишдан кўнглинг тўлса, мен хурсанд бўламан. – Перияннан тўлқинланиб гапирди.

Павлайи бу мақсадда гап бошламаган эди. Дилимдаги гапни айтсам, енгил тортаман, тинчланаман, деб ўйламаганди. Уни ўйлантираётган нарса фақатгина шу эмасди. Павлайи сирни очгудек бўлса, бу Перияннанга қаттиқ зарба бўлиши мумкин эди.

Эрининг кўзларига тик қарашга журъати етмади. Юзида пайдо бўлаётган изтироб асоратларини яширишга ҳаракат қила бошлади. Юз ва лаблари тинмай учарди. У эрининг бу сирдан қандай воқиф бўлганидан ташвишда эмасди. Энди бунинг унга аҳамияти йўқдай кўринмоқда эди.

– Менинг айтишдан мақсадим у эмасди. Мен сизни бутунлай ташлаб кетишга қарор қилдим. Сиз билан яшаб, зада бўлиб кетдим, дея олмайман. Сизга ўхшаган эр ҳатто минг тавалло қилганларга ҳам насиб этмайди. Аҳмоқлик қилиб, ақлимни йиғиб олмаган пайтимда охирини ўйламай гуноҳ қилиб қўйганман. Ўша гуноҳни такрорлаб, ўша ошиғимнинг ишқиди ёниб, сизга хиёнат қилмадим, сизга ёмонлик соғинмадим. Мен онаминикига боришни истамасдим. Айтишларича, чумолиларнинг бетиним юри-

ши тошни ҳам емираркан. Шунга ўхшаб, қишлоққа борсам, яна у билан учрашиб қолсам, юрагим унга талпинса, сизга хиёнат қилиб қўяман, деб кўрқардим. Лекин Яратганнинг иродаси бошқа экан. Мени унута олмай, у уйланмади. Унинг ота-онаси, бирон яқин кишиси йўқ. Тўсатдан шол бўлиб, оёқ-қўли ишламай, тўшакка миҳланиб қолди. Адашганимиз шу бўлдики, туғишган тоғамнинг ўғли бўлгани учун унга турмушга чиқишим мумкин эди, лекин ундай бўлмади. Энди у бечора ногирон бўлиб қолди. Мени деб хаётини барбод қилди. Шу пайтгача уни боқиб келган ери унинг бошига етган кўринади. У ерда ҳозир онам ишляптилар. Шу баҳонада мен ҳам унга қараб туришга қарор қилдим. Бир умрга сиз билан ажрашишдан ўзга чорам йўқ, – Павлайи ташвишманд, қайғули овозда гапирди.

Унинг бу қутилмаган ниятидан Перияннан чўчиб тушди. Юзи қув оқарди. Маъносиз кўзларини бўшлиққа тикди. Ташвиш ўз гирдобига тортиб кетди. Дилида ҳалокатли тўфон гувилларди. Ўтган умри ёлғон ва сохта урф-одатларнинг ғарамидек кўринди. Тўлиб кетган юрагига қил ҳам сиғмасди. Тирик мурдани ўз ҳолига ташлаб кетмоқчи. Бир кўнглига улар иккаласини бу ерга олиб келиб, сең хоҳлаганчалик парвариш қиламан, деб сўз берсам-микан деган ўй келди. Йўқ, кейин бу фикридан қайтди. Ҳай-ҳай, Павлайига қанақа жазо беряпти ўзи? Турли-туман хаёллардан мияси ғовлаб кетди.

Перияннаннинг кўнглидагини уқиб тургандек, Павлайи деди:

– Сизнинг қалбингиз шунчалик софки, сиз ҳаммасига розисиз. Тоғамнинг ўғли бўлгани учун уни шу ерда парваришлай дейсиз. Лекин бу мумкин эмас. Бир томондан сизга ёрдам беришим керак, иккинчи томондан унга қарашим, онамнинг юмушларини тиндиришим керак бўлади. Ҳар қандай одам ҳам бир вақтда бир ишнигина қила олади. Кейин, унга менинг кўнглим ҳам бор. Ўтинга ўхшаб, жонсиз яшай олмайман, ахир. Аёл киши бўлганим учун бошимда эрим бўла туриб, қувончу ғамларимни бошқалар билан баҳам кўролмайман. Бўлди, бас. Шу пайтгача чеккан азобларимиз етар. Туяни чўмич билан суғориб, тўйдириб бўладими?

Ўзининг иккинчи хаётидаги муаммоларни ўйлаб, Павлайи қўллари билан юзини яширганча пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Павлайининг тақдирга тан бериши ва ўйламай қилаётган хатти-ҳаракати Перияннаннинг дилида унга нисбатан нафрат уйғотди. Унинг надоматга тўла кўзлари қотиб қолиб, сув юзидаги пуфакчалар каби йилтиллари. Юрагини, бутун вужудини чексиз алам қамраб олганини сезиб, Перияннан деди:

– Бизнинг муносабатларимиз гувоҳи фарзандимиз-чи, бу ҳақда ҳеч ўйладингми? Ўртамизда ҳеч қачон жанжал бўлмаганини эмас, фарзандимизни ўйладингми? Ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан ажрашсак, одамлар нима дейди? – Кўзларини бўшлиққа тикиб, ҳиссиз оҳангда сўради у.

Павлайининг юзини ташвиш ва изтироб ифодаси қоплади. Мағизи олиб ташланган мевадек, кўз ёшига тўла кўзлари ичкарига ботиб кетган эди. Торнинг салқи симига ўхшаб, ёқимсиз ва бўғиқ овозда Павлайи деди:

– Мен шунча гапни айтгандан кейин ҳам жаҳлингиз чиқмаяптими? Сизни шунчалик ерга урсам ҳам мени ёмон кўрмайсизми? Мени уринг, сўкинг, хурсанд бўламан. Бирон нимани важ қилиб уринг. Ҳеч бўлмаганда қишлоқда миш-миш болаламайди. Менинг сирим ўртамизда сирлигича қолиб кетади.

Павлайининг гаплари Перияннаннинг дилини ўртаб юборди. Ўзича жаҳл отига минди. Миясига Павлайи муддаосини билдирган заҳоти уни тутиб олиб, роса дўппослаш фикри ҳам келди. Кейин ўйлаб қолди. Ўн йиллик турмуш мобайнида бундай аҳмоқ, бемаъни фикр ҳеч ҳам миясига келмаган экан. Шунини ўйлаши биланок, ичидаги жаҳл ўти сўнди. Муносабатларнинг

узилмас силсиласи бош кўтара бошлади. Шунда ҳам ўз юрагини тинчлантира олмай, теракдай чайқаларди. Жимгина туриб, ташқарига чиқишга ҳаракат қилди. Павлайига кўзларини қаттиқ тикиб қаради. Назарида, ҳеч нима деб жавоб бермай, шундоқ туриб кетиш ногўғрилиги аниқ билиниб турарди. Кўзларидаги қатъийлик ўрнини мажбурий табассум эгаллаб, у хотини томонга қаради. Унга гўё ҳаёт бутунлай жонсиз, рангсиз ва ғамгин кўринди. Унинг хаёлини бир эски воқеа соядек босиб келди.

Кичкиналигида қўшни қишлоқдаги бир воқеа одамлар оғзидан тушмай қолганди. Пахта билан савдо қилувчи бир савдогар бўларди. Унинг бахти тўқис эди. Хотини ҳам жуда офатижон эди. Ўрталарида иккита фарзанд бор эди. Уларга қўшни бўлиб, бир ўқитувчи яшар эди. У уйланган эди, лекин хотини тўлғоқ пайтида ўлганди. Икки хонадон аёллари рўзғорда у-бу нарсалар билан олди-берди қилиб турарди. Хотини ўлгач, ўқитувчи ёлғиз яшай бошлади. Шундай бўлса-да, одамгарчилик юзасидан қўшниникига егулик чиқариб турарди. Бу муносабат аста-секин ишқий тус ола бошлади. Тонг саҳарлаб ишига кетган савдогар тун қоронғисида уйга қайтарди. Аста-секин уларнинг пинҳоний алоқаси ошқор бўлиб, қишлоқдагиларнинг оғзида болалаб, савдогарнинг қулоғига ҳам етиб борди. Бу сирни ҳар томонлама жиддий ўрганган савдогар ҳақиқатнинг тагига етди. Аввалига бошқа эркакларга ўхшаб, қони қайнади. Савдогар жуда яхши одам, ҳатто болаларига ҳам мулойим ва меҳр билан гапирарди. Унинг жаҳл қилганини биров кўрмаганди. Биронта одам унга аччиқ сўз айтганда ҳам у болаларга ўхшаб, қулиб кўярди. Шундай одамнинг бошига шунчалик катта синов тушиб ўтирса? Бир неча кунгача ўзи билан ўзи олишиб юрди. Бир қуни хотини ошиғи билан тўшакдалигида савдогар уларнинг устидан қулфладида, қўшнилари чақирди. Эшикни очиб, у иккисини ташқарига олиб чиқди. Шарманда бўлган айбдорлар дағ-дағ титрар эди. Катта бағрикенглик билан савдогар уларни кечирди. “Балки айб мендадир, шунинг учун хотиним ўйнаш тутишни истабди”, деб ўйлаб, савдогар:

– Аслида айб ўзимда, бу айбимни ўқитувчи тўғрилаяпти. Бу иккиси кўрқаписа иккинчи ҳаётни кечиряптилар. Сизларнинг гувоҳлигингизда буларни эр-хотин деб эълон қиламан, токи улар муроду мақсадларига етиб, бирга ошларини ошаб, ёшларини яшасинлар, – дея, хотинининг бўйнидан никоҳ туморини ечиб, ўқитувчининг қўлига берди ва уни хотинининг бўйнига бошқатдан тақдирди. Бутун давлатини хотинининг номига ўтказиб, ўзи дарвешга айланиб, мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқиб кетди.

Шу топгача юрагида йиғилиб қолган барча ёмон ўй-хаёллар аста-секин эсдан чиқиб кета бошлади. Перияннан ўйлай бошлади: “Уни кечиришга қошки менинг қурбим етса. Фақат эри бўлганим учунгина мен бунга қодир эмасман. Мен унинг эри эканлигимни назарда тутган ҳолда, Павлайининг ўзи бир қарорга келиши керак. Унинг фикрини ҳисобга олмай бир қарорга келганимдек, у ҳам бир қарорга келишга ҳақли. Айни ҳолатда уни кечириш ёки раҳм-шафқат туйғусини билдиришга менинг ҳаққим борми? Шунчалик нозиклик билан мушоҳада ва таҳлил қилишни у қаёқдан ўргана қолди? Айтиш қийин, бироқ меҳнаткашлар тоифасидаги эркак ва аёл баравар меҳнат қилганидек, шундай камтарона ҳаёт кечириш мақбул кўринади. Ҳолбуки, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу унчалик ижобий фазилат эмас”.

Унинг кўзлари атрофини чарчоқ аломатлари эгаллади. Шунда ҳам чакноқ кўзлари тетик боқарди. Ичидан чексиз муҳаббат ва айрилиқ азоби ўртаса-да, лабларида ташвиш чизиклари зоҳир эди. Перияннан деди:

– Павлайи, энди менинг кўнглим ҳувиллаб қолди. Юрагимдаги барча

иштибоҳлар ювилиб кетгандек бўлди. Сенинг қарорингга мен қарши эмасман. Болани ўртага девор қилиб олмайлик. Бўлди, у бу ерда ҳам яшайверади, у ерда ҳам. Ўртамизда ҳеч қандай гап-сўз ўтмаган эди. Ўн йил эр-хотин бўлиб яшаб қўйдик. Ким билсин, бу қариндошлик хотирасининг умри қанча бўлади?!

Павлайи унга ўхшаб вазмин бўлмади. Қандай қилиб бўлмасин, унинг қалбида ғазаб уруғини сепиб, нафрат экинини ундирмоқчи бўлди. У билан ажрашгач, эшлашга лойиқ ҳар қандай хотирани дилдан ўчириб ташлашни хоҳларди, токи ўша хотира келгуси ҳаётига қайғу соясини солмасин. Дилидаги ғазабни билдириш мақсадида қўлидаги чўпни ерга уриб, деди:

– Уят, садқайи эркак кетинг! Ўзингиз мени у билан учраштирмоқчи бўлаяпсиз... Фурур борми ўзи, сизда?

Унинг ғазаби ва ҳақоратли сўзларидан сукунат бузилмади. Дарду аламни кўзларига жойлаб, Перияннан деди:

– Тўғри, айро дилларни яна бирлаштираётганим рост. Юрагимда жаҳл тошиб турибди, аммо кўнглимда рашк, адоват деган туйғулардан номнишон қолмаган. – Совуққонлик билан айтилган бу сўзлардан аччиқ алам хиди келиб турарди.

Унинг вазмин овозини эшитиб, Павлайининг баттар жаҳли чиқиб кетди. Беҳаё ва ножўя сўзлар билан дунёни бошига кўтарди. Ғазабнок кўзларини унга қадади. “Жаҳл чиқса ақл қочар”, деганлари тўғри экан, энди оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. У билан жанжаллашиб кетишни астойдил дилига туккан Павлайи деди:

– Хотинингиз бошқа эркак билан бўлди, гумонасини олдирди. Энди эса яна унинг олдига бораман деб турибди. Ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб берсам ҳам, юрагингизда номус туйғуси уйғонмадими? Нега қонингиз қайнамайди? Эркакмисиз ўзи? Сизни эр дейишга ҳам уяламан.

У қанчалик нафрат кўрсатмасин, қалбида шунчалик кек ҳам бор эди. Буни унинг чўғдек қизарган ёноқлари яққол кўрсатиб турарди. Шундай бўлса ҳам, юраги унга қайта-қайта “Рашк ва кекдан узоқ бўл!” – дея хитоб қилаётганди.

Шу пайт бир гап эсига тушди. Уларнинг қишлоғидаги жамоатчилик фаровонлиги марказининг ходими айтган эди: “Май қалбни пора-пора қилади. Умид ақлга путур етказди. Иккаласи бирлашса, ижтимоий муносабатларни таҳқирлаб, бошқаларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишга ундайди”. Мана шу фикр уни хотиржам тутар эди. Перияннан деди:

– Павлайи, мен сенинг ичингдагини биламан. Аввалдан кўнглимда кечаётган ножўя фикрлардан ҳам хабарим бор. Сен мени гиж-гижлаб, дилимга нафрат ва рашк уруғини сепиб кетмоқчисан. Сақлаб келган сиригини эндигина билиб қолганимда, балки ўзимни йўқотиб қўйган, жаҳлим чиққан бўлармиди. Тўйимиздан бир оз ўтгач, қишлоғингга тўйга боргандик-а? Ўшанда сен тоғаннинг ўғли билан айлангани кетиб, ярим кечада қайтган эдинг. Шунда сенинг барча ўйинларингдан хабар топгандим. Лекин сен кейин ҳеч қандай қинғир йўлга юрмадинг. Гуноҳкорлигингни билиб, жаҳлим чиққан эди, ғазабим қайнаганди, лекин дунёда қанча одамларнинг ҳаётида шундай воқеалар бўлади – шуни ўйлаб, ўзимни қўлга олгандим. Шу ўн йил ичида дилдаги яра битиб кетди, дарахтнинг илдизига ўхшаб, доғи қолди. Энди сенинг таъналаринг, кинояларинг, таҳқирларинг, жаҳлинг менга чивин чаққанчалик таъсир қилмайди. Сен мен билан ажрашмоқчисан, майли, мен розиман. Бу уйнинг эшиги сен учун ҳар доим очик бўлади. Бу уйда...

У ёғини айта олмади. Ҳис-туйғуларга берилиб кетганидан бўғзига ни-мадир тикилгандек бўлди, гапини давом эттира олмай, тили қотди. “Бу уйда бошқа аёл учун жой йўқ”, деган ифода унинг юзида акс этиб, ичидаги туйғуларини аён этди. Азбаройи зўриққанидан кўзлари намланди. Павлайи бепарволик билан деди:

– Ит ҳам бир амаллаб ўз кунини кўради. Аёл зотининг... эркакка унинг танаси керак... Аёлнинг дилидаги дард билан унинг нима иши бор? – шу тариха бўлар-бўлмас гапларни бидирлаганча болани кўлига олди-да, эгнидаги сариси билан бир умрга бу уйдан чикиб кетди.

\* \* \*

Унинг ўтмиши сароб сингари хотиралар супасига ўз чодирини тикмоқда. Танасини биров туртгандек бўлди. Уйғониб кетди. Тонг отмоқда эди. Янги тонгда янги меҳнат учун янги иштиёқ пайдо бўлди. Танасидаги чарчоқ-куғойиб бўлганди, лекин юрагидаги зилдай оғирлик кетмаганди. Бир ишга киришиб олгунча – тамом, чарчаса, бир оз дам олади.

Барча гап-сўзларни унутиб, у овқат тайёрлашга уннади. Иш бошидан ошиб ётарди. Бу ишларни энди орқага ташлаб бўлмасди. Қорин ғамини ортга суриб бўлармиди. Бўш коп тик турмайди. Бинобарин, меҳнат қилмасанг, очликдан ўлишинг тайин.

#### 4

Павлайи кетганидан кейинги биринчи қиш. Ҳаёти ва турмушига янги маъно, файз олиб кирган хотини кетиб қолгандан кейинги биринчи қиш. У билан бирга яшаган дамлари нақадар серфайз ва мазмунли эди. Буни у энди тушуниб етди. Павлайи меҳнат қилиш учун уни тинмай рағбатлантирарди. Вақт унинг нигоҳларини кутиб, тўхтаб турарди. Унинг фаоллиги олдида чарчоқ ўз-ўзидан четланарди. Лекин бугун буларнинг ҳаммаси уни таъқиб қилмоқда. Ўлаксахўрга ўхшаб, уни талаш учун галалашиб ташланмоқда эди. Қатъият ва журъатдан унда асар қолмаганди. Лекин яшаш истаги ҳозир ҳам унга тинчлик бермаяпти. Иш-юмушдан ортиб, мушоҳада қилишга ҳам вақт топилмоқда.

Туманли тонг. Қиладиган бир дунё иш кутиб турибди. Ташқарида даладаги ерёнғокни йиғиш керак. Бериги пайкалда эса шоли бошоқлари пишиб етилибди. Ҳали шолиси етилмаган далаларни суғориш керак. Пувс ойи маккаси учун ерни ҳайдаш керак эди. Ўйлай-ўйлай боши қотиб кетди, қайси ишни аввал бошласин?

Унда тоғни толқон қиладиган куч, ерни ёриб ташлашга қодир қувват бор. Шиддат билан ошиб-тошаётган дарё оқимиға қарши сузиб, қирғоққа чиққулик жасорати бор. Табиатни ўз ҳукмиға бўйсундирувчи ирода бор. Унинг вужудида шунча фазилатлар жам бўлса-да, Павлайининг бир бора табассумиға зор эди. Аёлининг нигоҳлари унга куч-қудрат ато этарди. Унинг барча хатти-ҳаракатида шу нарса яққол намоён бўларди. Чиғир айлантитар, ер ҳайдар, ариқ оларди... Нима иш бўлмасин, Павлайи унда мужассам эди. Павлайи эриға илҳом берар, унга куч ва қобилият ато этарди. Бугун аёлининг йўқлиги уни қўлсиз-оёқсиз қилиб қўйганди. Ҳозир ҳам ҳамма ишни Перияннаннинг бир ўзи қилади, деб айтиш мумкин, лекин чиғир айлантариш вақтида айтиладиган кўшиқни у унутиб қўйди. Ер ҳайдаётганида, тупроқ унинг оёқларини силагандаги ўша титроқ йўқ энди.



Ҳозир унда ҳаракат йўқ. Арава ҳайдаган пайтда ҳўкизларнинг бўйнидаги кўнгирак овози энди уни мафтун этмайди. Унда энди олдинги жозиба йўқ. Овқат пишираётган пайтда тараладиган хушбўй исни ҳам димоғи унутиб кўйганди. Аввалгидек меҳнатдан завқу шавқ ололмапти. Юрагидаги ғайрат унда ишонч ҳосил қилмайди. Ҳаммаси уни ташлаб кетди, қолганлари ҳам бенур ва бефайз. Яшашдан мақсад, бахт сарчашмаси, орзуларнинг ёрқин нурлари, орзу-хаёлларнинг кенг ёзилган қанотлари – ҳамма-ҳаммаси ўз рангу жилосини йўқотган. Юракни энди фақат аламли дард қамраб олган бўлиб, аъзойи-бадани шалвираб қолганди.

Бўрондан пайҳон бўлган шопипояга ўхшаб, юрак даласини ҳам туйғулар бўрони остин-устин қилиб юборганди. Қаёққа қарамасин, жонсизлик ва умидсизлик! Ҳаёти мақсадсиз бўлиб, издан чиқиб бўлганди. Шубҳалар ва ҳаловатсизлик! Орзуларидан биронтаси рўёбга чиқмади. Энди унда шодлик гунчалари ҳеч қачон гулламайдими? Орзулар орзулигича қолиб кетаверадими? Бахт булоғи қуриб қоладими? Ҳаётининг муқаддас гўшаларида мотам шамларигина ёқилладими? Ҳис-ҳаяжон ва қувончдан ёрилиб кетай деган қон томирларида тириклик аломати қолмайдими? Сандал ҳидини элтувчи ҳаётбахш шабадалар энди қадимий эртаққа айландими? Муҳаббатнинг сархуш онларида янги-янги тимсоллар ва ташбеҳ ўйлаб топиб, топалоқлар ўйнар эдилар. Ҳаволарни тўлдириб янграган ўша куйлар ҳам мангу тинадими? Шодлик ва табассум ёшликдаги муҳаббатдан яралган мева экан, бу муҳаббат сўниши билан табассум чироғи ҳам ўчиб қоладими? Қувонч туйғуси ҳам йўқолиб кетадими?

Перияннан ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, ўйлай бошлади: она ер эркалаганда, қайғу, ожизлик, ишончсизлик, дарвешлик – бу туйғулар ота-онасининг қўлига тушиб қолган хушторлар каби кўринмас бўлиб кўздан ғойиб бўлади. Тупрокни эркалай турибгина умид ва ишонч ниҳоли барқ уриб ўсади. Тупроқда унаётган ҳосилни кўриб, кўнгил умидга тўлади. Дилгир кўнгилга хотиржамлик ва умидни тупроққина беради. Шу тупроқдан айро яшаганида аллақачон ақлдан озиб, жинни бўлиб қоларди. Ўзича яна алланималарни гудраниб, далага тушди.

Ғарқ етилган бошоқлар ўз ҳаётларидан мамнун ҳолда, худди қаттиқ уйқуга кетгандек, бош эгиб турар эди. Кўтарилиб келаётган қуёшнинг олтинранг нурларида дон бошоқлари гўё тилла суви юргизилгандек товланар эди. Раъман ва Танкамма анча олдин келиб, ўроққа тушиб кетишганди. Танкамма асли шу кишлоқлик бўлиб, бошқа кишлоққа узатилган, бева қолгани боис ўз кишлоғига қайтиб келганди.

Ҳосил ўра туриб, Раъман бошини кўтарди ва дала томон келаётган Перияннанга кўзи тушди. Унинг кайфияти йўқлигини кўриб, Раъман ҳам хафа бўлиб кетди. Бека борида қандай юрарди-я? Икки кишининг ишини қилар эди. Ишчилар унинг қачон келиб, ишни битириб, қачон уйига кетганини ҳатто сезишмасди. Ғайрати дунёга сиғмас эди. Шундай меҳнаткаш одамнинг аҳволи энди шу ҳолатга келиб қолди. Шуларни дилидан кечириб, ҳамдардона табассум билан Раъман сўради:

– Хўжайин, тонг энди отдими?

Перияннан дарҳол жавоб бермади. Ўроқ олиб, икки қўлини жуфтлаганча, ҳосил маъбудасига таъзим қилиб кўйди-да, шоли ўришга киришиб кетди. Қўли ишда-ю, миясида минг хил хаёллар... “Қандай кунларга қолдик? Мен шунчалик аҳмоқ бўлиб қолдимми? Бир деҳқон сифатида менинг қанча кучим ва ўзимга ишончим бўлиши керак? Бир аёлни деб, ҳаммасини бой бераманми? Менинг бошимдан ўтган нарсалар бошқа деҳқонларнинг бо-

шидан ўтмаганми? Улар ҳам менга ўхшаб тушкунликка тушмаганми?” Бу саволларга у ҳеч қандай жавоб топа олмади. Бироқ у бошқа воқеаларни кутатган эди. Эр-хотин бир-бирини хушламаса, эр хотинини моддий жиҳатдан рози қилиб, бошқага уйланиб олади; хотинининг хуштори борлиги ҳақида эшитиб, эри у билан ажрашади-да, бошқа аёлга уйланиб олади; хотини бўла туриб ҳам яна бир аёл билан алоқа боғлаб, хотини билан доим жикқамушт бўлиб юрадиган эрлар ҳам бор, лекин улардан биронтаси на жисмонан, на руҳан эзилиб, у каби шундай ғамга ботмайди-ку.

Қизиқ, нега биргина у шунчалар ғамгин ва маъбус? Нега у ўз-ўзининг ич-этини ейди, бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон. Агар у кетган бўлса, дунёда қиздан кўпи борми? Хоҳласа, биронта аёлни олиб кела олади... “Лекин мен унақалардан эмасман-да!” Шунга ўйлаб у баттар эзиларди. Юрак шундай бир воситаки, ҳамманинг вужудида бирдек уриб, ишлаб туради.

Дилида кўтарилган бўронни юзага чиқармасликка уриниб, деди:

– Ҳамма қатори менга ҳам яхши кунлар насиб қилган эди, лекин... – шундай дея у тутилиб қолди. Қайғусини билдирмаслик учун томоқ қириб, гапида давом этди: – Аёл киши бўлмаса, бир қошиқ овқат пишириш ҳам малол келар экан, – дея туриб, қулишга ҳаракат қилди.

– Айтишади-ку, араванинг ғилдирагига мой суртилмаса, ғийқиллаб жонингга тегади, деб. Шунга ўхшаб, бу дардингизнинг давоси – уйланиш. Шунда жонингиз ҳаловат топади. Қачон бўлмасин, уйланишингиз керак, – ишонч билан деди Раъман.

Раъманнинг гапида жон бор эди. Яра қанчалик катта бўлмасин, оғриғи охири босилади. Вақт ўтиши билан яшаш учун кураш ва бошқа муаммоларда тобланиб, мажруҳ дил ўзини тутиб олади. Шуларни ўйлаб, Перияннаннинг хафсаласи пир бўлиб, деди:

– Сен билан менинг кучим ҳамма нарсага ҳам етавермайди, Раъман. Пешонада нима ёзилган бўлса, шу бўлади. Ким билсин, пешонамга нима ёзилган экан? – шунда ҳам қандайдир умидга суяниб, кўзларида яшашга бўлган ишонч порлаб турарди.

Шолини тутамлаб ўрар экан, Танкамманинг бир қулоғи улар томонда эди. Уларнинг гаплари ўзининг ўтмишини эслатиб юборди. Перияннан хотинини чексиз севганидек, Танкаммани ҳам эри шундай севарди. Ахир етти йил бирга яшадилар! Хотиралар тўлқини тез-тез кўтарилиб, кўнгили осмонида сузар эди.

Эри билан яшаб, оналик бахти унга насиб бўлмади. Лекин бу уларнинг ҳаётига на қайғу сола олди, на муаммо бўла олди. Бой-бадавлат оилаларга ўхшаб, тинч-тотув, бахтли яшаб келаётган эдилар. Фарзандсизлик борасида гап кетганда, эри хотинига: “Фарзанди борларнинг қайсиси сут дарёсида чўмилибди? Меҳнат билан топган ризқингга тенг шерик, тагин ташвишлари ортиқча. Қаноти чикқач, болалар ўзлари билан бўлиб кетадилар. Шунча едириб-ичириб, катта қилганинг сувга оқди деявер. Меҳнатга яроқли вақтида қорнининг ярми тўйган бўлса, кексаликда қорни бутунлай бўш бўлади. Камбағалнинг кўрган қуни курсин. Ҳозир кўнглимиз ҳам, қорнимиз ҳам тўқ. Ҳозирдан тежаб-тергаб, жиндай-жиндайини ташлаб қўйсанг, қариганингда бир кунингга ярайди” – деб кўнглини кўтарарди.

Меҳнаткаш эрининг муҳаббати унинг учун ҳамма нарсадан устун турар эди. Агар баъзан касал бўлиб қолса, эрининг ғамхўрликларидан боши кўкка етарди. “Табибга олиб бораёми? Дори олиб келайми? Шундай етаверсанг, қачон тuzаласан? Ма, ол, озгина айрон ичиб ол, бир оз қувват бўлади”, – шундай деб, унга айрон ичирар, оёқ-қўлини силар, бағрига босиб алла

айтарди. Шу йўсинда унга хизмат қиларди. Унда она туйғуси билан ота меҳри барабар мужассам эди.

Оддий оилаларга ўхшаб, уларда ҳам айтишувлар бўлиб турарди. Бирок бир лаҳза ўтар-ўтмас, уни эркалаб шундай дерди: “Менинг шакардан шириним, ўладиган бўлсанг, уйда ўл. Кўча-кўйда ўлиб қолсанг, аёл кишисан, шаънингга яхши бўлмайди, мен эса эркакман...” Шундай деб, уни жаҳлидан туширарди ва яна ўша ўйин-кулги давом этарди.

Баъзан Танкамма даладан жуда кеч қайтарди. Чарчаб келса, овқат қилиб ўтирмасди, эрталабки овқатдан қолгани билан кифояланишарди. Шундай дамларда эри бирга ўтириб, лагандан бирга овқатланишга мажбурларди, айтишича, шунда овқат мазали бўларкан. Наридан-бери еганда овқатнинг мазасини тушуниб бўлмайди. Эри овқатнинг ҳаммасини ўзи еб, хотинининг оч қолишидан кўрқарди. Хотини ҳам унинг кўнглидагини тушуниб, катта-катта ошамда унга едириб, бир чўқим-бир чўқим ўз оғзига соларди. Буни билиб туриб билмасликка олган эри катта ошамдаги овқатнинг кўпроғини хотинига едирарди. Эрига кўпроқ овқат едиришни ният қилган бўлса-да, унинг раъйига қараб, овқатдан кўпроғини ўзи еб қўйганини билмай қоларди.

Тўйдан бир неча кун ўтгандан сўнг қишлоқдаги тўю хашамларга иккисининг бориши шарт бўлса, орада масофа ташлаб, олдинма-кейин боришарди. Бир-бирининг овозини эшитса бўлди-да! Қишлоқда бир урф бор эди – эр-хотин ёнма-ён юриб бўлмасди. Эри бу нарсани ёқтирмасди. Хотини билан ёнма-ён гаплашиб кетишни истарди. Буни очиқ айтса, хотини уялиб, кўнмасди. Арлони олдинда кетаётган бир жуфт итни кўрсатиб, дерди: “Итларда бор эркинлик бизда йўқ, шу итларчалик ҳам эмасмиз”. Меҳр ва илтифотдан эриб кетиб, Танкамма дерди: “Кўрганлар нима деб ўйлашади? Бунинг мақтанчоқлигини қара, кеккайиб юришидан эр фақат унда бордек. Беор, қишлоқдагиларга кўз-кўз қилиш учун ёнма-ён юрибди, дейишмайдими?”

Унинг гапларини эшитиб, эри бир муддат жимиб қолди. Худди бу гапга жавоб бериш қийиндек, ўзига-ўзи деди: “Бутун қишлоқ гувоҳлигида ота-онаси қизининг қўлини бир эркак қўлига тутқазган кундан узункулоқ гаплар ўз-ўзидан тинади... Шундай бўлгач, эр-хотиннинг гаплашиб кетининг нимаси уят?”

– Мен ҳеч нимани билмайман. Ҳатто набира-абира кўрганлар ҳам гаплашиш у ёқда турсин, ёнма-ён юришганини кўрмадим, – ночор оҳангда жавоб қайтарди хотини.

– Бировлар билан нима ишимиз бор? Биз бирга юрамиз, – деб иккови бирга кета бошлади. Эр-хотиннинг бирга кетаётганини кўрганлар кулги қилмадилар. Аксинча, уларга ҳавас билан қарашди: “Киройи эр-хотин деган шундай бўлса! Шулардайин апоқ-чапоқ бўлиб яшаш керак”. Шу тарика эрининг муҳаббати унинг юрагида тошқин дарёдай оқаверди, ўлганидан сўнг ҳам чирок каби ҳаётини мунаввар қилди.

Шундай ажойиб эр насиб этса-да, у билан бахтли яшаш буюрмади. Лекин бу ерда-чи? Шундай яхши эри бўлишига қарамай, ношукур хотин уни ташлаб кетди. Жуфтликни яратган эгам қандай ўйин кўрсатяпти? Шу алфозда юракда кўтарилган тўлқинлар аста-секин тинчлана бошлаганида, Танкамма у иккисининг суҳбатига қулоқ тутди.

Чуқур мулоҳазасиз айтиладиган муросали гапларни Раъман тушунарди, шунинг учун қошларини чимириб, ух тортиб деди:

– Ҳаёт қонунига мувофиқ, умримизнинг охиригача яшашимиз керак ва

унгача меҳнат ҳам қилишга тўғри келганда, ҳаётни нега дўзахга айлантириб яшаймиз, хўжайин?

Тўғондаги кимир этмас сувдек босиқ овозда Перияннан деди:

– Яшаш истаги билангина оилада бўлиб ўтган қанчадан-қанча воқеаларни ичимга ютиб, у билан яшаб келдим. Ҳаммаси тугади, оилам барбод бўлди, энди ўйлаб ўтиришдан нима фойда? Ўз хотинимни тушуна олмадим, балки бу менинг ожизлигим эди. Мен аввал ҳам айтган эдим-а, ҳамма нарса менга боғлиқ эмас деб. Ҳаммаси тақдирдан... – дея туриб, маъносиз нигоҳларини аллақаяқларга тикди. Бу нигоҳда фарзандсиз, сулоланинг узилган силсиласига ўхшаб ишончнинг ошкорлиги-ю, урф-одатнинг ўзига хос латофати бор эди.

Унинг гаплари хиссиз, қуруқ ва сийқа эди. Унда шодликдан асар ҳам йўқ эди. Юракни ўртовчи дардни ўз фикридан йироқлаштириш мақсадида биров билан гаплашиб, юрагини бўшатишни истар эди. Эски яраси янгиланди, хотинининг сиймоси баҳорги гуллар орқасидан парвоз қилган капалаклар каби қанот қоқа бошлади.

...Кузги йиғим-терим пайти. Тонг саҳарданоқ макка даласида иш бошланиб кетарди. У ҳаммадан олдин чиқиб борарди. Уй юмушларини саранжомлаб, эрига ёрдам бергани келарди. Бир куни овқатни чўмич билан кавлаётганида сопол қозон синиб кетди. Шундан сўнг яна бошқатдан овқат пишириб, анча ҳаяллаб қолди. Туз тотмай ишлайверганидан, эрининг қорни қаттиқ очикқанди. Қорни сурнай чала бошлаганди. Шу тобда нима бўлса ҳам, ичимга тушса дерди. Туриб-туриб, Танкаммадан жаҳли чиқаётган эди. Ўйга толди: “Қиш чилласида илон-чаёнларга ҳам парво қилмай, тонг саҳарлаб далага келиб, ўлиб-тирилиб ишлаб ётибман, у эса уйда похол ёқилган печнинг ёнида иссиқда мазза қилиб ўтирибди – жонининг ҳузурини билиб олган. Менга овқат олиб келиш эсида ҳам йўқ”. У ичида хотинининг гўрига ғишт қалаётган эди.

Кеч бўлиб кетганидан ташвишланиб, Танкамма тезда овқатли тугунни бошига кўйиб, иккала эчкисини етаклаганча, далага йўл олди. У ёқда эрининг қорнини очлик таталаб, нақ ақлидан оздираётган эди. Тугунни ерга кўйиб, Танкамма деди:

– Ошхонада ушланиб қолдим. Очликка чидай олмаслигингизни биламан, шунинг учун югуриб келдим. – Шундан сўнг тугунни ечиб, кўвани чиқарди.

Жаҳл ва кесатик билан эри деди:

– Менга овқат-повқат керак эмас!

Эрини биринчи марта бундай жаҳлдор ҳолатда кўриб, Танкамманинг дили қаттиқ оғриди. Эрининг юзидаги олдинги истара ва мулойимликдан асар йўқ эди. Танкамма шошилиб деди:

– Ие, сизни далага юбориб, ўзим мазза қилиб ухладимми?

Оч қорин билан анча кутганидан эрининг тоқати тоқ бўлганди. Очлик ва жаҳл домига тушиб, хотинига жавоб қайтариш ўрнига бақириб берди:

– Ухлаганмидинг ё бошқа биров билан ётганмидинг, мен қаёқдан билай?

Юрагига кимдир тош билан ургандек, Танкамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Бир томондан кўрқув, яна бир томондан эркакларга хос худбинлик калтаги зарби унинг ғурурини гўё ўтмас пичоқда сўйгандек бўлди. Танкамманинг тили танглайига ёпишиб қолди. Шунда ҳам маъносиз кўзларидан оқаётган кўз ёшларини тўхтатиш учун лабларини тишлаб, аламини ютишга ҳаракат қилди. Муштини қаттиқ сикди. Қафасдан отилиб чиққан йиғини тўхтатиш учун сопол кўвани саватга солди-да, макка пояларини илдизи билан суғуришга тушди.

Унинг сукунатидан ва тўлиқиб-тўлиқиб йиғлашидан эрининг юраги юмшаб кетди. Қанчалик шафқатсизлик билан у бир аёлнинг иззат-нафсини ҳақорат қилди-я. Кошки бу жўнгина гап бўлса экан. Бир оз кечикса кечикибди-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Уйлаб ўтирмай, захрини сочиб юборди. Эракнинг-ку, биргина юмуши бўлади, аёлнинг бошида қанчадан-қанча майда-чуйда ишлари бор. Ҳаммасини қилиб бўлгач, яна эрак билан ёнма-ён туриб, далада ишлайди. Аёлнинг қорни очса, ўзи учун ўзи овқат қилиб ейди. Хўш, унинг қорни очса, захрини кимга сочади? Лекин эракнинг қорни очса, аёлнинг аҳволини тушунишга ҳаракат қилмайди. Унинг дилини оғритиб, дарров қалтақлашга шайланади. Унинг юраги эзилиб кетди, аста Танкамманинг ёнига келиб, деди:

– Азизам, хафа қилиб қўйдимми? Жаҳл устида итлик қилиб қўйдим. У ёқ-бу ёғини ўйламай, гапириб юборибман. Оғзимдан чиқиб кетди-да. Кел, шу бесуюк тилни кесиб ташла... – ортиқ гапиролмай, у хотинига қарай бошлади.

Хотинининг юзи қип-қизариб, шишиб кетибди. Қовоқлари осилган. Кўзини кўтариб, эрига қарай олмаяпти ҳам. Ёшли киприклари пир-пир қиларди.

Унсиз йиғидан эрининг юраги пора-пора бўлди, юраги тубидаги яширинган пинҳоний муҳаббатдан Танкамма ҳам ғалати бўлиб кетди. Эри давом этди:

– Тўйимизга шунча йил бўлибди, мендан ҳеч бунақа гап эшитмаганмидинг? Ўлай агар, аҳмоқлигим туфайли оғзимдан чиқиб кетди шу гап, – эри унинг оёқларини кучиб, ёлвора бошлади: – Кел, сендан хафа бўлмадим, деб бир оғиз айт. – Шундай дея унинг кўнгли тўлиқиб кетди.

Шугина гап билан гўё дилидаги бор аламни кўз ёшлари билан бирваракай ювиб ташламоқчи бўлди. Ўтирган жойида йиғлаб юборди. Йиғи орасида ҳиқ-ҳиқ қилар, қуриган лабларидан сўлак ташқарига чиқа бошлаганди. Эрининг қўли хануз унинг оёқларини кучиб турар эди. У қўллар Танкамманинг кўз ёшларини артишга ҳам қўрқаётган эди. Айбини англаб, қаттиқ хижолатда эди. Ўзини қўлга олиб деди:

– Агар сен ҳозир ҳам атайлаб уришди, деб ўйлаётган бўлсанг, туз ҳам тотмайман... Худо урсин!

Эрининг меҳр тўла ёниқ кўзларини кўриб, йўқ, тушунмабман, айб менда, дегандек, Танкамманинг киприклари ёшланиб, қулиб юборди.

Танкамма ҳеч нима демаса-да, эри унинг кечирганини тушунди. Аёлининг ҳорғин, сокин кўзларини эри нигоҳлари билан қучган бўлди. Киприклари орасидан боқиб турган жозибадор чакноқ кўзлари қанча гапларни унинг ёдига солмади, дейсиз. Бошқалар ундан ҳеч қандай маъно уқмас, лекин кўнгли мойдай эриб кетмоқда эди. Сўзларнинг ифода этиб бўлмас кучи ўша кўзларда жамулжам, юраги ширин хотиралар билан лиммо-лим эди.

Оилада вақти-вақти билан майда-чуйда гаплар ҳам бўлиб турар, баъзан даҳанаки жанжалгача бориб етарди. Иккаласига ҳам кенг дунё тор бўлиб кетарди. Кейин эса бемаъни манманликни димоғларидан чиқариб ташлар эдилар-да, иккиси ўзаро келишиб олар, қилмишларидан уялиб, ювош бўлиб қолардилар. Эр-хотин ўртасидаги муҳаббат туйғуси бундан да мустаҳкамланиб, икковини янада кўпроқ жипслаштирарди. Лекин шўрпешонага бундай бахт насиб этмади, энди насиб этмайди ҳам. Бу ерда бошқа гап ҳам бор. Перияннан ҳамма гапга кўнувчан эр. Ўзи бош эгиб, ҳар қандай гуноҳни кечириб юборар эди. Хотини эса, аксинча, Худонинг нақ қизил кўзли балоси экан. Хотиралардан чалғиб, Танкамма ҳамроҳлари томон қаради.

Раъман гапида давом этиб дерди:

– Мана бу аёлни олинг, унинг эри ҳам ер-сувли мулкдор эди. Бечора фарзанд кўрмай ўлиб кетди. Сиз-ку, эркаксиз. Яна бир бор уйлана olasиз. Бу аёл-чи? Шунчалик ғамга ботса ҳам, умид билан яшаяпти. Сиз бўлсангиз, ҳаммасидан умидингизни уздингиз. Унинг суянчиғи йўқ, сизнинг ўз хўжалигингиз бор, яхшилаб ўйлаб кўринг. Агар эр-хотин ўзаро келиша олмаса, бир-бири билан ажрашиб, иккинчи бор турмуш қуриши мумкин. Лекин бекам ташлаб кетдилар, сиз эса уни эслаб, ич-этингизни еяпсиз. Сал ўзингизни қўлга олинг, бардам бўлинг, хўжайин... – Раъманнинг ўтинч тўла гапларида ҳам надомат, ҳам ҳаёт ҳақиқати мужассам эди.

Раъманнинг барча мулоҳазаларини ҳам тўғри деб бўлмасди. Перияннан бунни билиб турар эди. Лекин бошқа томонини ўйлаб, яна хафа бўлиб кетаётганди. Шу ҳам ҳаёт бўлдимиди? Шунча қилган меҳнати ким учун? Ким учун у кечаю кундуз тиним билмай ишляпти? Хотини-ку, ташлаб кетди. Ҳамма гуноҳларини кечириб, у билан яна қадимгидай яшаб кетишга кўзи етмаяпти. Ташлаб кетаркан, ўн йилгача бир ёстикқа бош қўйиб, ўйнаб-кулгани, еб-ичгани, ухлаб-турганига бало бормиди? Уни ким мажбур қилган эди, бирга яшасин деб? Мен билан ажрашишга жўяли баҳона топа олмаганидан, ўлганининг кунидан яшаб келаётган экан-да? Аввалига севаман деб, ширин-ширин ваъдалар берган, кейин эса шу севгининг меваси бўлмиш ўз боласини олиб, мен сени севмасдим, деб шартта кетиб қолган хотинини ким дейиш керак? Аёл зоти ўзи ҳаёли ва тортинчоқ бўлиши керак. Шунга қарамай, бир эркакнинг хотини ва бир боланинг онаси бўла туриб, ўйнаши билан қандай кетиб қолди? Аёлларга хос ор-номус, андиша қаерда қолди? Ёки болаликдаги муҳаббати бундан кучлироқ эдимиди? Қалбида яна ўша азобли оғриқ. Унинг кулоқларига ҳеч нима кирмаётган эди.

Туш бўлди. Овқатланиш учун ҳамма дарахт соясига келиб ўтирди. Танкамма сал наридан жой олди. Ишга янги келгани учун тортинмоқда эди.

Перияннан Павлайини эслаб кетди. Авваллари ишлаб бўлгач, Перияннан билан Раъман овқатлангани бирга ўтиришарди. Павлайи гуручга сабзавот қайласи қўшиб, мўл-кўл қилиб ликопларга навбатма-навбат солиб турарди. Улар туриб кетгач, ўзи овқатланарди. Болага овқат едиргандек, хотини унга ошатиб едирса, овқат мазалироқ бўларди. Оғзига маза кириб, дили яйрарди.

Овқат пайтида эр-хотин ёлғиз қолгандаги овқатнинг мазасига не етсин эди! У хоҳ гуруч, хоҳ бўтқа бўлсин, хотинининг кўлидан тўрт баравар кўпроқ ерди. Овқат шунақанги хуштаъм бўлиб кетардики! Павлайи едирганда Перияннаннинг нафси ҳакалак отиб, бор овқатни пок-покиза туширарди. Энди у кунлар ортга қайтмайди.

Перияннаннинг кўнглидан нелар кечганини тушунган Раъман деди:

– Танкамма... узокқа ўтириб олибди, бечора. Бир пайтлар у ҳам мулкдор эди. Сиз хўп десангиз, уни бу ёққа чақирай. – Перияннаннинг жавобини кутмай, Раъман овоз бериб чақирди: – Ҳой, нега бир ўзинг у ерда ўтирибсан? Бу ёққа келсанг-чи. Хўжайин пиширган овқатни еявериб, оғзим бемаза бўлиб кетди. Бугун сенинг кўлингдан бир овқат ейлик, дегандим.

Перияннан Раъманнинг нимага шама қилаётганини тушунди. Унинг дилидан ҳам шу фикр ўтганди. Шундай бўлса ҳам рўйхуш бермай, деди:

– Бечора, мардикорлик қилади. Ким билсин, уйда овқат пиширишга нарсаси борми ё йўқми? Бир амаллаб, обиёвғон билан қаноат

қилаётгандир. Дабдурустдан чакириб қолдинг, хижолат бўлмасмикан? – Шундай деб, Перияннан жувон томонга қаради. Унинг гапириш оҳангидан мен гапирсам, ҳамма томонини ўйлаб гапираман, демоқчилиги шундоқ билиниб турарди. Унинг гапи тўғри чиқди. Ўша пайтда Танкамма кўвадаги шакарқамиш шарбатига бир нималар ботириб-ботириб емоқда эди. Боёқиш нима деб жавоб беришни билмай қолди. Келиб-келиб, бир гал илтимос қилишганида уни бажаришдан ожизлигини ҳис этиб, ичидан хафа бўлди.

Унинг ҳам хотира дафтари очилиб кетди. Хоҳ уйда, хоҳ далада бўлсин, овқат пайтида эри айтарди:

– Танкамма, сенинг қўлинг теккан овқат бошқача бўлади-да. Шунинг учун ёғоч чўмич ёки қошиқ билан овқат сузмагин.

Гоҳида у иш билан бўлиб, ёғоч чўмичда овқат сузарди. Овқат ея туриб, эри дерди:

– Танкамма! Бугун овқатинг нимагадир у қадар мазали эмас. Пишираётганингда бирон камчилик бормиди?

Шу тариқа у ишора билан дилидагини изҳор этарди. Танкамма тушунарди, шундан сўнг эрига қўли билан овқат едира туриб:

– Энди қалай? – деб сўрарди унга ғурур билан қараб. Меҳрга йўғрилган ғурурда ўз оғзи томон келаётган лукмани унинг ўзига ошатиб дерди:

– Вой-бў, қандай мазали! Аёлларнинг қўлида қандайдир сеҳр бор. Уларнинг қўли тегибоқ, бемаза овқат ҳам ширин бўлиб кетади. Йўқ-йўқ... фақат менинг Танкаммамнинг қўли сеҳрли!

– Ростдан-а?! – мамнун бўлиб сўрарди Танкамма.

– Э, бунинг хушбўй иси... – дея куч билан уни бағрига тортиб, лабла-ридан бўса оларди.

– Боринг-ей... Аёл ибo-ҳаёсини йўқотса, шарбатга ўхшаб ширин туюлиб кетади, шекилли... – деганча кўзлари чакнаб, вужудида аллақандай ҳислар жўш урарди. Юзида гоҳ титроқ, гоҳ ҳаяжон, гоҳ эҳтирос намоён бўлар, севинчдан ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

– Эр-хотиннинг ўртасида шарм-ҳаёга бало борми? Уларнинг муҳаббати қудуқдаги сувдек тиниқ бўлади, – деб унга яна тегишарди.

– Айтишларича, ҳирсга ружу қўйган эркакнинг акли бўлмасмиш. Бўлди... бас, ҳаддан ошиб кетди бу тентаклик... – деб Танкамма эрининг кучоғидан чиқишга ҳаракат қиларди. Ёшлик сурурига берилиб, йигит доим ўша тақиқланган чизикларни кесиб ўтмоқчи бўларди. Лекин бу нарса аёлнинг қўлидан келмайди. Сабаби, жамият унга аёллик шаъни ва шарм-ҳаё совутини кийдириб қўйган.

Ёшлик завқ-шавқи унинг ҳам томирларидан тошиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Лекин эркак каби аёл ўз хоҳишларини бу қадар жўн қилиб изҳор эта олмайди.

Сакраб, хотинини ушлаб олмоқчи бўлиб, эри дерди:

– Баҳор келиши билан дов-дарахтлар гуллай бошлайди, ари ва капалаклар улардан бол йиғади... Эркакнинг аҳволи ҳам шундай...

Дилида ғужғон ўйнаётган туйғулар ва ёшлик завқини эри билан баҳам қўришга Танкамма ҳам жон-жон деб турар эди, лекин ҳалиги чегарани босиб ўтишни истамас эди. Чунончи, вазмин оҳангда дерди:

– Айтинг-чи, биз кийимларни нега киямиз? Бошпана қилиб, нега уй қурамыз? Жониворлару паррандаларда, қурту кумурскаларда биздагидек онг йўқ, шунинг учун...

– Оббо, шунчалик ўқимишлимисан ҳали? Мени жониворларга тенг

қилиб қўйдинг-ку. Бўпти, жонивор бўлсак, жониворлардай иш тутамизда, – деб эри ўрнидан турарди.

– Э, қўйсангиз-чи, қўйинг дедим! Бу қанақаси? Биров қўриб қолса, уятдан қандай бош кўтариб юраман? – Қалхат чангалига тушган жўжадек хотини паст овозда чинқири бошларди.

...Танкаммининг хаёли бўлинди. Тўсатдан, оғзига олиб борган қўва қийшайиб кетди ва шарбат қўкраги устидан тўкилиб, пастга оқиб туша бошлади. Чўчиб, ўзига келди.

У жуда хижолат бўлди. “Биринчи марта улар шарбат сўрашди, мен эса биринчи кунданок уларнинг кўнглини ололмадим”, – шуни ўйлаб, уялиб деди:

– Эртага... ҳаммага олиб келаман.

Унинг узоқ вақт ўйланиб қолганидан, уялиб айтган гапларидан Раъман ва Перияннан иккаласи ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Барчалари еб-ичиб, бир оз дам олишди. Ўрилган ҳосилни боғ-боғ қилиб, хирмонга олиб келиб қўйишди. Энди бошоқларини янчиб, шолисини ажратиш керак. Агар эртага булут чиқиб, ёмғир ёғиб берса, биринчи дафъадаёқ ажралиб чиқади.

Ишни тугатиб, уйга йўл олишди. Раъман бир кунлик сабзавот сўраб олганди. Ўшандан буён Танкамма ҳар куни мош, сабзавот ва қўкатли қайла пишириб келарди. Аввалига у иккала эркакка овқат сузиб бериб, ўзи алоҳида ўтириб овқатланарди. Кунлар ўтиши билан учовлон бирга ўтириб, овқат ейдиган бўлди.

Бир куни Раъман деди:

– Танкамма, овқатни боқлайсан-да, қўлинг чинакамига гул. Ўз қўлинг билан қайлаларни аралаштириб едирсанг, янаям ширин бўлиб кетади, – деди у меҳр билан ўзига яқин олиб.

Танкамма қайлаларни аралаштириб, сузиб бера бошлади. Кўнгилнинг қуриган соҳиллари янги униб чиққан ям-яшил майсалар билан қопланди.

## 5

Ёмғирлар мавсуми. Тун. Тим қора соч ўримлари бир-бири билан чирмашиб кетгандек, борлиқни қуюқ зулмат қоплаган. Перияннаннинг юрагида яна ишонч учқунлари милтиллаш бошлаганди. Қиш туманига ўхшаб, ҳаётга кириб келган Танкамма унинг юрагида ҳам хотиралар чойшабини ёйган эди. Ҳар йили Перияннан дов-дарахтларнинг гуллаб, мева берганини кўради. Бу унинг учун янгилик эмас. Унинг учун аҳамиятлиси шуки, ҳаёт бозорининг тўс-тўполонлари ва бақирик-чақириклари орасида унга тўғри йўлни кўрсатувчи биронта йўлбошчи йўқ. Унинг оғирини енгил қилувчиси йўқ. Назарида, ҳаётда маъно қолмагандек, унинг мазмун-моҳияти йўқолиб кетгандек эди. Лекин энди Танкаммининг келиши кўнглини очиб юборди. Унинг сезишича, дов-дарахтлар ҳар йили янги япроқлар чиқарадилар ва гуллаб, мева тугадилар, бироқ бу билан улар ўзларини ўзлари ҳар сафар серҳосил ва қўркам қилиб борадилар. Гўё қандай яшаш кераклигини айтиб тургандек бўладилар. Бу ҳаётда ҳар куни ва ҳар йили ўзгаришлар, янги-янги мўъжизалар намоён бўлади, бу сирни унинг қулоғига айтиб туради. Назарида, баҳор ғунчалари аста-секин очилиб, кишини ўзига мафтун қилади. Шунга ўхшаб, Танкамма туфайли унда ҳаётга муҳаббат пайдо бўлмоқда эди. Перияннан унга дилидаги бор гапни айтишни истарди. Ҳаётда рўй берган оғир кунлар ва уларга қасдма-қасд қураш олиб бораётгани борми,



ёлғизлик ва йўқотишлар сабабли дилида пайдо бўлган жароҳат ва унинг азоблари борми, ҳаммасини битта қўймай Танкаммага тўкиб-сочмоқчи бўларди. Лекин юраги уни огоҳлантириб, бу борада шошма-шошарлик қилма, дея тўхтатиб қоларди.

Ҳар кунгидек ишдан қўли бўшаб, тушликка ўтиришганида, Перияннан деди:

– Қўлинг қўл эмас, гул экан! Агар қўлингни сувга солсанг, сув ҳам асалга айланса кераг-ов.

– Кўнгилдагидек овқат пиширмаганимга ҳам кўп бўлди. Овқатимни мақтайдиган ҳеч ким бўлмагандан кейин бир ўзим учун овқатнинг маза-бемазалигининг ҳам фарқи йўқ, – деди Танкамма кўзларига келган ёшни артиб.

Унинг гапларидан юрагидаги алам ва ҳаётдан қаттиқ ҳафалиги сезилиб турарди. Эркак бўла туриб, у шунчалик тушкунликка тушиб қолганда, бу бечора бева аёлнинг ҳоли қандай кечаётган экан?

– Пешонага ёзилганидан ким ҳам қочиб қутула оларди? Тасаввур қил, йўлда кетаётиб қоқилиб тушдинг-да, оёғингни лат едириб олдинг, хўш, бундан кўрқиб, уйга қамалиб оласанми? Ўша жароҳат ва оғриқ билан олдинга қараб кетаверасан, тўғрими? – деди Перияннан аянчли кулимсираб. Табассум билан у ўзининг ёлғизлиги ва ночорлигини яширмоқчи бўлди.

Ҳосил ҳақида деҳқонга биронта савдогар маслаҳат берса, деҳқоннинг энсаси қотиши тайин. Перияннаннинг гапларини эшитиб, Танкамма ҳам худди шу аҳволга тушаётганди.

Икковининг ҳам ичидан ўтгани ўзларига маълум эди. Перияннаннинг даласига ишга келганига мана бир неча ой бўлибди. Лекин шу озгина муддат ичида Перияннаннинг дилидан нелар кечаётганини дурустгина билиб олди. Иш пайтида Раъман билан бўлган суҳбатда унинг ҳаётдан кўнгли совиганини ва юраги аламга тўлиқлигини тушуниб етди. Ҳамма гап шунда эдики, ҳаёт даҳшатлари елкасидан босиб турган ўша Перияннан тасалли сўзлар билан унинг руҳини кўтармоқда эди. Ногирон қўлтиқтаёққа суянади. Ўзи тасаллига муҳтож одам бировга таскин бериб, юрагидаги дардини қамайтира олармикан? Шуларни кўнглидан ўтказиб, Танкамма деди:

– Агар пешонага йиғлаб-йиғлаб ўтиш ёзилган бўлса, биз нима ҳам қила олардик?

Бу билан Танкамма ҳам унинг юрагига озор бермасликка ва уни ноқулай аҳволга солмасликка ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди. Унинг самимий, жўнгина гапларидан буни англаш қийин эмасди. Перияннан тилида жувоннинг гапларини қўллади, лекин дилида унга қарши эди. Бу унинг овозидан аниқ билинарди.

Перияннан далиллари кучи билан Танкамманинг юрагида ўзига ишонч пайдо қилмоқчи эди, ваҳоланки, унинг ўзининг кўнгли интиқ эди. У Танкамманинг қалбида умид ғунчалашини ва унда янги япроқлар пайдо бўлишини истар эди. Эри билан ажрашиб, ота-онасиникида яшашга мажбур бўлса ҳам майлига.

“Сўнгги нафасгача меҳнат қилиш ва танага зарурий озукани бериш биз учун фарз. Бунинг тақдирга заррача алоқаси йўқ. Мадомики, шундай экан, ҳаётнинг биз билан неча пуллик иши бор? Жон бизнинг эмас, Тангрининг ихтиёрида. Лекин токи нафас оларканмиз, уни ҳимоя қилиш бурчимиз эмасми? Агар биз ўз бурчимизни адо этмасак, кейинги туғилишда Худо бизни жазолайди”.

Перияннан унга нечоғли эътибор билан қараётганини тушуниш унинг

учун кийин бўлмади. Танкамма шу нарсани ҳам англаб етдики, Перияннан бошқаларга тасалли бериш билан бирга ўзини-ўзи овутиб юрибди. Танкаммининг юрагида Перияннанга нисбатан ўзига хос бир мойиллик пайдо бўлди. Уни Перияннандаги нима ўзига тортаётганини Танкамма англай олмаётганди. Нима бўлганда ҳам унинг муносабатида олижаноблик ва инсоф бор эди.

У бева бўлиб қолган, Перияннанга эса хотини хиёнат қилган. Бундай ҳолатда дала юмушларида қарашгани келган Танкамма Перияннанга қилча ҳам зарар етказмаслик учун ишларни жуда маромига келтириб бажарарди. Иккови ҳам бир-биридан жўнгина ҳол-аҳвол сўрар эди. Ора-чора бир-бирига беғараз ёрдам ҳам берар эдилар. Бу билан иккови ҳам фақат бир нарсани назарда тутарди: одам одамга ёрдам бермаса бўлмайди-да. Шунга қарамай, икковида ҳам бир алоҳида яқинлик, иноклик туйғуси бор эди. Натижада ўз-ўзидан маҳкам боғланиб бораётган риштадан хоҳлаганларида ҳам ўзларини халос қилишдан ожиз эдилар. Буни энди ўзлари ҳам англаб етишаётганди.

Танкамма ғоят хушёрлик билан ўзини қандай тутишни билиб олган эди. Бева бўлишига қарамай, аёллик шаънига иснод келтирувчи бирон-бир ҳаракатга йўл қўймаётганди. У шу нарсани дилига маҳкам тугиб олган эдики, бирон-бир ҳаракати эркакнинг дилида ножўя истак уйғотмасин. У яна бир нарсадан ташвишда эди: шахвоний ҳислар қурбони бўлиб, бирон-та хатоликка йўл қўйса, Яратганнинг жазосига мустаҳиқ бўлади – аввал шармандалик гулханида ёниб, сўнг ўзини қурбон қилишига тўғри келади. Шунга қарамай, яшаш истаги, танишув орқали самимий тарзда мажруҳ юракка малҳам бўлиш ҳаваси, тирикчилик ғамида уззу кун ҳар ёқда тентирамасдан бир жойда муқим истиқомат қилиш орзуси – шулар барчаси бир бўлиб, унга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотарди. Бунинг натижасида у ўз юрагида баъзан аёлларга хос ожизлик хуружини, ёшликка хос тийиқсиз истаклар ва ташвишлар олишувини ҳис этади. Унинг кузатишича, бундай вақтларда ожизлик аянчли ташвишлар устидан ғалаба қозонади.

\* \* \*

Ширинлик тамадди қилиб бўлгач, тилида ҳис этгани ширин таъм аста-секин камая бориб, одатдаги ҳолга келади, қалбида тўлиб-тошган хотираларни аста-секин унутиб, уйку оғушига кўмилади. Эрта тонгдан хўрозларнинг қичқириши ва қайсидир қушнинг чирқиллашидан уйғониб кетади. Ёлғиз яшагани учун Перияннан ит ётиш, мирза туриш қабилида кун ўтказади. Вужудини маъюслик ва дангасалик қамраб олган. Кўнгли нуқул яна бир оз ухлаб ол, деяётгандек бўлаверади. Хотини бўлганида бемалол ухлаб олаверарди, лекин ҳозир унинг ишлари бошидан ошиб-тошиб ётибди, турмаса бўлмайди. Шароит тақозоси билан инсон иродаси дангасалик, ожизлик ва маъюслик олдида осонгина таслим бўлар экан.

Ҳар кунгидек, у барча уй юмушларини бир ёқли қилди-да, далага йўл олди. Ундан аввалроқ Танкамма келиб бўлганди. Ўзларига тўқ ўрта табақа оилаларда баъзан шундай ҳоллар бўлардики, қўл учида кун кўрувчи ўрта яшар аёллар ўз хоҳишлари билан уларга ёрдам қўлини чўзар эдилар. Қанақа ишлигини суриштириб ҳам ўтирмасдан, тўғри келган ишни қилиб кетаверишарди. Иш вақтида ер эгасига гоҳо ундай эмас, бундай қилса яхши бўлади, деб маслаҳат ҳам беришарди. Акс ҳолда кучимизни бекорга сарфлаётганимизни кўриб, одамлар кулишади, дер эдилар. Хуллас, улар ҳар бир ишни ҳалол, пухта бажарар эдилар.

Бунинг учун улар ҳеч қандай моддий манфаатдан умидвор бўлишмасди. Овқатланишда ҳам нафслари тийикли эди. Гоҳо ёғлиқ таом бизнинг ишимизга тўғри келмайди, деб баҳона қилишар, обиёвғонга қаноат қилиб кетаверишарди. Бундай аёлларни олий табақа оила аёллари ҳурмат ҳам қилишарди, улардан бир оз эҳтиёт ҳам бўлишарди. Сен паст, мен баланд демай, бообрў оилаларнинг аёлларидек, улар билан яхши муомала қилишарди.

Кунлар ўтгани сари Танкаммининг феълида ҳам мулойимлик кўзга ташлана бошлади. Хушмуомалалиги ва ишчанлигидан унда ҳам бу оилага нисбатан меҳр пайдо бўлгани сезилмоқда эди.

Қаранг, экин дегани шунчалик ҳам нимжон бўладими? Ҳовуз тубидан ўғит олиб келиб солинганида, ерёнғокнинг пояси сариқ касалга ўхшаб, бунчалик сарғайиб кетмасди. Ён-атрофдаги далаларни қаранг, қандай яшнаб турибди. Ҳаётда бирон зарар ёки бахтсизлик рўй бергудек бўлса, деҳқон буни энг аввал ўзидан кўради. Шунга ўхшаб, Танкамма ҳам ўша-ўша қувноқ ҳолда барча ишни ўз зиммасига олмоқда экан.

Унинг софдиллиги ва беғараз меҳнат қилиши Перияннаннинг юрагига ишонч уруғини қадади. Юрагини қамраб олган ғам-аламлар сояси аста-секин чекина бошлади. Чарчоқ ва маъюсликка тўла ҳаётида янги қувонч ва шодлик ғунчалари очила бошлади.

Ўз ҳаётида ялт этиб пайдо бўлган янги маънони кўриб, Перияннан таажжубда қолди. У беқадр ва маъносиз деб билган ҳаётда мева берувчи ўсимликлар униб чиқиб, барқ уриб ўса бошлади. Қандайдир катта бир воқеадан лол қолган одам бирданига хушига келгандек, унинг юрагидаги хавотир ўрнини хурсандчилик, қувноқлик эгаллаганини сезди.

Ёз фаслида япроқлари тўкилган дарахтга ўхшаб ёлғиз қолган Танкаммининг ҳаётида ҳам Перияннан билан учрашгач, умид ғунчалари очилди. Эри билан боғлиқ кўнглига маҳкам ўрнашиб қолган хотиралар Перияннаннинг муттасил таскин-тасаллилари натижасида аста-секин ўчиб бормоқда эди. Авваллари ҳеч қачон эридан бошқани ўйламас эди. Лекин кутилмаганда юз бераётган янги руҳий ҳолатни кўриб, уни қўрқув аралаш титроқ боса бошлади. Бева бўлиб фикру хаёллар дунёсида сузиб юриш ва орзу қилишни унутган эди. Энди бирин-кетин янги-янги орзулар уйғониб, уни қўрқитмоқда эди. Айни чоғда кимсасиз ҳаётда бу нарсалар унинг кўнглига юпанч бағишлаётган эди.

Кун пешиндан оққан сайин Перияннаннинг ғайрати тобора сустлашиб бора бошлади. Кўзлари қизариб, аъзойи-бадани қақшаб кетди. Ишни ташлаб, дарахт соясига бориб ўтириб олди. Худди иситма хуруж қилаётганга ўхшарди. Сочикни ёйиб, бирпас мизғиб олсаммикан деди, бироқ унинг устига ўтириб ҳордиқ чиқариш маъкулдек туюлди.

Танкамма қайрилиб, Перияннан томонга қаради. Йигитнинг кўзларида бир оз ташвиш ва қайғу борлиги шундоқ кўриниб турарди. Бундай ташвиш фақат энг яқин одамига нисбатан пайдо бўлиши мумкин эди. Танкаммининг нозик чехрасидан ёғилиб турган меҳр унинг чарчоғи ва юрагидаги ғашликни хиёл аритгандек бўлди.

– Ие, нима бўлди, бетобмисиз? – мулойим овозда сўради у. Лаблари қуруқшаб, бир-бирига ёпишиб кетганидан, Перияннан ҳеч нима деб жавоб бера олмаётганди. Жавоб беришга уриниб, оғзини бир очиб, бир ёпарди. Охири қийнала-қийнала деди:

– Билмадим, нима бўлди. Аъзойи-баданам оғриқдан қақшаб кетаяпти. Иситмам ҳам бор. Умримда ҳеч қачон бундай оғриманган эдим. Кўрқиб

кетяпман. – Шундай дея қалт-қалт титраганча ангўчха<sup>1</sup>сига ўраниб олди.

Кўнглига бошқа ҳеч нарсани келтирмаган ҳолда Перияннаннинг меҳрли нигоҳидан вужуди сурурга тўлди. Унинг гаплари электр токи каби томирларидан ўтиб, миясигача етиб борди. Номаълум туйғулар оғушида, титрок овозда Танкамма деди:

– Рўзғор ҳам ўзингизга қолган. Чарчагансиз, баданингизнинг қақшаб оғриши шундан. Уйга бориб, иссиқ сувда чўмилиб олинг, оғриқ ўша заҳоти қолади. Бу ерда қолган ишларни ўзим эпларман...

– Шундай деб, Танкамма уни уйига жўнатиб юборди.

Перияннан уйга келиб, таппа ташладию, қотиб ухлаб қолди. Ногаҳоний оғриқдан яна уйғониб кетди, аммо ўрнидан тура олмади. Айниқса, умуртқаларининг оғриғига чидай олмаётганди, бошқа ёнбошига ўгирилиб, ухлаб қолди. Бу қандай гап – бир қултум сув тутадиган одам бўлмаса! Уй-жойи бўла туриб ҳам дарвешона ҳаёт кечирса! Бу қадар ожизлик ва ночорлик!

Сал ўзига келганидан кейин миясига бир гап келаверди. Мусибат дамларида Худога нола қилишдан бошқаси қўлидан келмасди. Бинобарин, қўлларини ковуштириб, илтижо қила бошлади: “Эй, Худойим! Ягона суянчиғим Сенсан.” Ҳаётда чорасиз қолганларнинг ягона паноҳи ва ҳамдарди фақат Ўша эди.

Раъман ва Танкамма далада эдилар. Перияннаннинг йўқлиги сабабини Раъман билмасди. Лекин Танкамманинг бундан хабари бор. Кеча кечқурун Перияннан иситма ва оғриқ билан уйига кетган эди. Ишқилиб, етиб қолмаган бўлсин-да. Танкамма ҳамма гапни Раъманга айтиб берди.

Павлайи уни ташлаб кетганидан бери бугун биринчи марта касал бўлиши. Бирга яшаб, ғамхўрлик қилувчи ҳамроҳга эҳтиёж бугунгина билинди.

Раъман чуқур ўйга толиб қолди. У нима қилишни билмаётганди. Танкаммага қараб деди:

– Бирров бориб, хўжайиннинг аҳволидан хабар олиб келмайсанми?

Танкамманинг миясида ҳам шу фикр бор эди, лекин қанақа бўларкан деган андишада эди. Унинг уйига ёлғиз борса, кўрганлар нима деб ўйлайди? Бошқа томондан эса унинг бетоблигини билиб туриб, ҳолидан хабар олмаслик ҳам яхши эмас. Ахир одам шундай кунда бир-бирининг қорига ярамаса, қачон ярайди? Кўнглидаги гапларни чиқариб ташлади-да, деди:

– Юр, иккимиз бирга бориб хабар оламиз.

Раъман рози бўлди. Овқатли идишни кўтариб, иккиси Перияннаннинг уйига борди. Ҳовлидаги арқон каравотда юзтубан ётган Перияннан оғриқдан вой-войлар эди. Бундан унинг дарди жиддийлиги кўриниб турарди. Иккиси унинг тепасига борди. Орқасида шиш бор, шекилли, Перияннан чалқанча ёта олмаётганди.

– Хўжайин, сизга нима бўлди? – сўради Раъман. Ётган жойида Перияннан иккисига бошини кўтариб қаради. Унинг кўзлари қип-қизил эди. Бир неча кундан бери туз тотмаган одамдек юзлари тортишиб, кўзлари ич-ичига кириб кетганди. У бутунлай ҳолдан тойиб, қаттиқ чарчаган эди.

Перияннан улар иккаласини кўришга кўриб турар, лекин кўзларида умиддан ном-нишон йўқ эди. Унинг қарашидан, бировларнинг ҳамдардлиги ва ёрдамига муте бўлиб ётиш ўрнига бу касаллик жонимни олиб қўя қолса яхши эди, деган маънони уқиш мумкин эди.

Унинг дилидаги гапни тушуниб, Раъман деди:

<sup>1</sup> Ангўчха – камзулга ўхшаш, кўйлак устидан кийиладиган енгсиз устки кийим.

– Хўжайин, асло ташвиш қилманг. Сизнинг тузингизни еймиз-ку, ахир. Биз бўла туриб, нимага ташвиш қиласиз?

Унинг гапларида самимийлик яққол сезилиб турарди, ясамалик ёки мақтанчоқлик аломатларидан асар йўқ эди. Шундай бўлса ҳам бу ожизларнинг кўлидан нима келарди-ю, қандай ёрдам бера олардилар? Юракни умидсизлик ўти куйдирадди холос. Инсониятни ночор ҳолга солиб, уни менсимаган жамиятнинг жирканч фикрларига қарши нафрат уйғонаётган эди.

– Орқамга яра чикибди. Умуртқа поғонамнинг шишганини кўряпсанми? Орқам билан ёта олмаяпман, юзтубан ётибман, қачонгача бу аҳволда ётаман? Йўқ, дардимнинг давоси йўққа ўхшайди. Худонинг номини тилга олиб, шишга иссиқ сув қуйилади, кунига икки маҳал мандир суртмасидан суртилади. Яра ёрилиб, мадда ташқарига чиқса, жоним ором олади. Бу ерда ким бор, мени кўтариб ўтқазиб қўядиган, иссиқ сув қуядиган... – у оғриқнинг зўридан инқиллаб гапирарди. Танкамма билан Раъман унинг касали жиддийлигини англашди. Қаттиқ парваришга муҳтож ва бу парвариш йўлида турган тўсиқ ҳам маълум эди. Улар жавоб берадиган аҳволда эмасдилар, шунинг учун меҳр-шафқат ва ҳамдардлик тимсоли сифатида жимгина туришарди.

Перияннаннинг миясидан, агар ҳозир ажал келса, уни кучоқ очиб кутиб олардим, деган фикр ўтди. Бизнинг истагимиз билан ажал қаёқдан ҳам келарди, у жонни аста-секин олишни хоҳлайди. Бу даҳшатли оғриққа чидаш ўрнига қандай йўл билан бўлмасин, ундан фориг бўлишга ҳаракат қилиш керак... Шунини ўйлаб, у деди:

– Мен ўгирилиб ёта олмайман, ўзимни-ўзим эпполмай қолдим. Раъман, кўтариб, мени ўтқазиб қўясанми?

Ўзининг дахлсизлигини ўйлаб, Раъман нима қилишга ҳам ҳайрон эди. Хўжайинга қандай қўл теккиза олади? Қишлоқнинг мутаассиб одамлари буни билиб қолишса, аҳволи нима кечади? Шундай ўйлар билан ўзининг ночорлигидан эзилиб, Раъман хўжайини томонга мунгли қараб турарди. Унинг кўзларида ҳақиқат ва софлик мужассам эди, меҳр ва ҳамдардлик бор эди.

Раъманнинг кўнглидан кечаётган ўйларни англаган Перияннан дард тўла кўзлари билан у томонга қаради. Оғриқни яширишга ҳаракат қилиб, у юзини буриштирганча чуқур нафас олди. Азбаройи оғриқнинг зўридан елкаси ва бели бир кўтарилиб тушди.

Унинг кўнглидан ҳам алоқ-чалок ўйлар кечарди. Раъман унга қўлини теккизиб, уни ўтқазиб қўйди ҳам дейлик, ана унда кўринг томошани! У ўз табақасидан четлаштирилади, қариндош-уруғлари билан юзкўрмас бўлиб кетади, қишлоқдошлари билан бирга ўтиришдан маҳрум бўлади... Бўпти, шундай бўлса, ундан нарига!.. Бугун жазо бермоқчи бўлганлар, оғир кунда ёрдам қўлини чўзишадими? Ёнига киришадими? Бўпти... Жазо бўлса, жазо-да! Аста-секин жон бергандан, ажалга бирагўла пешвоз чиқа қолган афзал. “Чўкканга чўп мадад” деган гап бор. Бу-ку, касаллик ва дард масаласи. Касаллик табақа ажратармиди? Мана бу паст, мана бу баланд деб ўтирарканми? Муаммо қилувчининг зот-поти билан унинг нима иши бор? Шундай ўй-хаёллар кечмоқда эди Перияннаннинг кўнглидан.

– Хўш, сенинг қўлинг тегса, мен ҳаромга айланаман, шундайми? Менинг ҳам кўнглимдан олдинига шу гап ўтганди. Ташқаридан қараганда, бу

<sup>1</sup> Дахлсизлар – Ҳиндистондаги энг паст табақа кишилари бўлиб, ўзидан юқори табақаларга уларнинг ҳатто сояси ҳам тушмаслиги керак.

тўғрига ўхшайди, лекин ичига боқсанг, буларнинг бари бемаъни, беҳуда гаплар эканини кўрасан. Ўзинг ўйлаб кўр, ёнгин чоғида бировни кутқариш ёки сузишни билмайдиган одамни сувдан олиб чиқиш керак бўлиб қолди – бундай пайтларда юқори табақа одамлари “менга қўл теккизма” деб айтармикан? Ҳаёт-мамонт вақтида “мени кутқар” деб, ёлвориб сўрашади, ўзлари қўл чўзишади, лекин ўша пайтда зот-пот деган гаплар эсига келармикан? – Гапира-гапира, Перияннан хансираб қолди.

Перияннаннинг гапларида мантиқ ва ҳақиқат бор эди. Лекин юзага келган ҳолат бунинг акси эди. Даҳшатли офат келганда, бутун кишлок бир бўлиб, ҳаётини омон сақлаб қолиши амри маҳол. Бунга бир нарса дейиш қийин. Лекин бу халқ бошига келган кулфат эмас, биргина одамнинг ҳаётий масаласи-ку. Жазоланса жазоланибди-да. Раъман безовталана бошлади. У бир нима демоқчи бўлар эди. Унинг кўнглидагини тушуниб, Перияннан паст, аммо қатъий оҳангда деди:

– Сен қўрқаяпсан, тушуниб турибман. Оч қолган одам қандай гуноҳларга қўл урмайди? Менинг аҳволим ҳам шундай. Бунинг учун қандай жазо беришса, мен тайёрман... Ўзинг ўйлагин, агар мен сен билан кўришсам, нима, осмон узилиб ерга тушадими?

Танкамма жимгина ҳаммасини кузатиб турарди. Унинг ҳам юраги тошиб кетмоқда эди. Перияннан Танкаммадан ҳеч қандай ёрдам сўрамади. Шундай бўлса-да, у бошини кўтариб қараганида, унинг кўзларидан кўзларини олиб қоча олмади. Перияннаннинг кўзларида унсиз илтижо, юрагида титроқ бор эди. Раъман ҳеч нима деб жавоб бермади. Жимгина Перияннаннинг орқасидан ўнг қўлини ўтказди, чап қўли билан елкасидан авайлаб кўтариб, гавдасини тўғрилаб қўйди. Танкамма ҳам иккала қўли билан Перияннаннинг оёқларини кўтариб, аста каравотдан туширди. Шу тарика бемор тўғри ўтириб олди.

Танкамманинг нозик қўллари текканида, Перияннаннинг бутун вужудига ёқимли ҳузур таралгандай бўлди. Танкаммани рўпарасида кўриб, унинг кўзлари ўз-ўзидан ёшланди. Жувоннинг меҳрибончилигидан кўнгли шам каби эриб кетди.

Унинг очлиги ва чарчоғини йўқотиш учун бир нима қилиш кераклигини ўйлаб, Танкамма деди:

– Уйнинг калитини беринг. Очиб, бир оз сув иситай. Юз-қўлингизни ювиб олинг. Бўтқа олиб келган эдим, унга обижуш қўшиб бераман. Озгина ичсангиз, чарчоғингиз чиқади.

Перияннан олдинига умидсиз ва қаровсиз ётган эди. Қараса, бир эмас, икки одам унинг хизматига шай турибди. Шундан кейин унинг кўнгли хотиржам бўлди.

У калитни чиқариб берди. Қулфни очиб, Танкамма ичкарига кирди. Янги жой, қаерга нима қўйилган – ҳаммасини ўзи қидириб топишига тўғри келади. Ўчоқ бошида ётган ошхона анжомлари курумдан қорайиб кетганди. Идишларни минг ишқалаб ювса ҳам қорайгани бутунлай кетмайди. Эркакларнинг бундай тозалаш ишларига ҳуши йўқ. Уларнинг билгани шу: бу барча ишларни Худо аёллар учун яратган. Шўрпешона эркак бундай ишлар қилишга мажбур бўлганда ҳам у қадар қойил қилолмайди. Шу фикрлар билан Танкамма алюмин челакни ғишт бўлаги билан ишқалаб тозалади. Сув тўлдириб, ўчоққа осди. Сув исиши билан Перияннанга бериб, юз-қўлини ювишини айтди. Раъман орқасидан ушлаб туриб, унга ёрдам бериб турди. Перияннан бармоқлари билан тишларини тозалаб, оғзини чайди, юзини ювди. Танкамма ўзи олиб келган бўтқага бир оз обижуш қўшиб,

суялтирди ва унга ичишга берди. Беморнинг оғзи таъм билмасди, лекин кўзларини юмиб, уни ичиб олди.

Танадаги оғриқ босилди ва юракдаги юк бир оз енгиллашди, ёлғизлик дардини унутди. Кимдир таянч бўлса, хаста киши учун бундан ортиқ мукофот бўлармиди? Шундай бўлса ҳам юз-кўзидан унинг қаттиқ дард чекаётгани кўриниб турарди. Қошлари остидаги чидаб бўлмас оғриқдан этлари тиришиб кетганди. У деди:

– Орқамда шиш бор, на ўтира оламан, на тўғри ёта оламан. Қаттиқ оғрияпти. Бунга сабаб орқамдаги шиш-а? – у бир неча бор шу қабилдаги саволларни бериб, юракдаги ваҳимани босмоқчи ёки уни тасдиқлатмоқчи бўларди. Савол бериш оҳангидан эса кошки, “бундай эмас, ҳаммаси яхши”, деган жавобни олишга умид ҳам бор эди.

Кейин у гапини давом эттирди:

– Бу дард бедаво. Буни даволаб бўлмайди. Модлпатти ёнидаги Маян Ганешжий<sup>1</sup> мандирида ибодат қилиб, у ердан малҳам олиб келиб, ярамга суртилса, оғриқ қолади. Ҳар жума мандирга боришга тўғри келади.

Унинг бу гапидан Танкаммага қараб, “Мен учун шугина ишни қила оласанми?” – деяётгандек бўлмоқда эди.

Бундай ноқулай аҳволга тушиб қолиш Танкамманинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Шундай ҳол юзага келган эдики, унинг касали шифоси учун ҳар қандай мандирга бориб ибодат қилинади, қийин аҳволдан қутулиш учун ҳар нарсага тайёр туради, керак бўлса, жонини ҳам фидо қилишга тўғри келади. Чунончи, дафъатан Танкамма унга “ҳа” ёки “йўқ” деб дарҳол жавоб бера олмади. Юраги бусиз ҳам ғамга тўлиқ эди. Ҳимоясиз одам кўнглини пора-пора қилувчи ожизлик. Ҳаммаси бир бўлиб, унинг қалбини ларзага солмоқда. “Мен ўзимни ёмон қилиб кўрсатувчи шахсий масъулият риштаси билан қўл-оёғимни боғлаяпман”, – шу фикр хаёлига келиши билан юзидан совуқ тер чиқиб кетди. Бадани титрай бошлади. Титроқ тобора кучайиб борарди.

Унинг чехрасида маъносиз табассум жилва қилиб турса-да, юраги ғамга тўла эди. Лаблари пир-пир қиларди. Вақт битирган эски яралар яна очилиб кетиб, қайтадан азоблай бошлади. Шунда у ҳиссиз оҳангда гапира кетди:

– Ўз хотини бўла туриб, қаровсиз қолишни Худо ҳеч кимнинг бошига солмасин. Унинг ўрнига жонимни олиб қўя қолсин, осон жон берай. Худо ажал бермай, шундай дард бериб, жонимни қийнапти. Қайси гуноҳларим учун жазолапти у мени?

Унинг ҳолати шундай эдики, иккисининг олдида у очиқчасига йиғлай ҳам олмасди. Бутун оғриқ ич-ичида қаланиб ётарди, ташқарига отилиб чиқиш ҳолатида эмасди. Аъзойи-бадани қалт-қалт титраётгани шундан эди. Орқасидан унга ёрдам бераётган Раъман Танкаммага қаради. Жувон саросималик ва ташвиш туфайли кўзларини юмиб олганди. Киприклари учида эса майда инжулар йилтилларди. Раъман Танкаммага деди:

– Хўжайинни аввал чўмилтириб ухлатай, иссиқ сув олиб кел.

Перияннан жим эди. Иккиси биргалашиб, уни бошқа ёнбошга ётқизишди. “Ота-онам кетар пайтда мени ҳам ола кетишганда қандай яхши бўларди!” Азбаройи қийналаётганидан кўнгли бузилиб кетди.

Сопол кўзада сув қайнатиб, Танкамма ҳовлига олиб бориб қўйди. Ўтириш учун курсича келтирди. Худди ёш болани кўтаргандек, икковлон беморни кўтариб, курсичага ўтқизишди.

Раъманнинг боши қотди: сувни қандай олиб чўмилтиради? Худонинг

<sup>1</sup> Маян Ганеш – Эр-хотин маъбудлар Шива ва Парватининг ўғли, нажот берувчи маъбуд.

хузурига бориб, ибодат қилиш учун ҳам покланиш даркор. У бир дахлсиз бўлса, хўжайинга қандай қўл теккизади? Перияннанни курсига ўтқазиб, ўзи нарига бориб турди. Танкамма тушунди. Бир қўли билан Перияннаннинг елкасидан ушлаб, иккинчи қўли билан иссиқ сувдан олиб, бошидан куя бошлади. Раъман узоқда турар, фақат Танкамма сув қуярди. Раъман сув қуйишда Танкаммага қарашгани йўқ. Буни кўриб, Перияннан нима гаплигини тушунди:

– Айтишларича, болалар учун ҳеч қандай табақачилик йўқ экан... худди шундайин, касални ҳам табақалаштиришнинг ҳожати йўқ. Одамлар гала-гала бўлиб, Паяни ва Тирупати мандирига боришади. Хўш, Худо одамларни табақаларига қараб қабул қиладими? Сиз иккинги менинг суянчиғимсиз. Сиз икковингиз бўлмасангиз, мен ажалимдан беш кун олдин ўлиб кетаман... – Ёлғизлик азобидан эзилиб гапирди у. Қийин-қийин, Танкаммага қийин эди – у ёш бева, ахир. Кундуз куни овқат пишириш бўлса, чўриқиз ўрнида ишлаб бериши мумкин. Опа ё сингил ёки онадай бўладиган ёшда эмасди. Опа бўлиш учун табақадаги тафовут йўл қўймасди. У бўйнига никоҳ туморини такқан инсоннинггина хизматини қила олади. Танкамма Перияннанга қай ҳуқуқ билан хизмат қилсин? У иккиланиб қолди. Юрак рад жавоби беришга ундамоқда. Бу ерда Перияннан гўдакка ўхшаб ёрдамга муҳтож, яшаш учун унга бошқаларнинг меҳри керак эди... Шундай пайтда унинг илтижосини қабул қилмаслик – меҳрибонлик тимсоли бўлмиш онадай улуғ зотдан буни кутса бўлармикан? Лекин шундай қилса, у гуноҳга ботиб қолмайдими? Бундан унга нима фойда? Нима, у қариндошими? Шаън ва иснод, бошга тушувчи кўргуликларни ўйлайвериб, жувоннинг боши қотди, аросатга тушиб қолди.

Унинг ҳаёти куздан кейин яланғоч қолган дарахтга ўхшарди. Эҳтимол, у яна бошқатдан барг чиқариб, яшнаб кетар ёки ўлиб кетар... Бу эса шароит ва фаслга боғлиқ. Дуч келган фавқуллодда вазият ўз ҳаётида баҳор гуллари-ни нега ундира олмайди?.. Худди шу нарса баҳорнинг ўша ҳавоси эмасми? Ёлғиз яшовчи ҳар бир бева устидан шундай аччиқ кесатиклар айтилади, шўрлик кинояли нигоҳларга нишон бўлади. Унинг юриш-туришининг ўзиёқ миш-мишларга сабаб. Бир савоб иш учун шундай маломатларга қолса қолибди-да. Эри ҳаёт бўла туриб, вафосига хиёнат қилиб яшашдан бурчини бажара туриб, шундай доғни кўтариб юриш афзал эмасми? Шу гапларни кўнгилдан кечириб, Танкамма ўта самимий оҳангда гапирди, лекин унинг овозида дарду алам ҳам сезилиб турарди:

– Ташвишланманг, бу ишни мен қиламан. Ҳар жума куни ювиниб-гараниб, мандирга бораман. Ибодат қилиб, Худонинг муқаддас малҳамидан олиб келиб, ярага суртиб тураман.

Жувоннинг ўз хоҳиши билан бундай тўхтамга келиши Раъман ва Перияннанни ҳангу манг қилиб кўйди. Танкамманинг чеҳрасидаги қатъиятни кўриб, ҳар иккала эркакнинг юраги тўлқинланиб кетди ва аёлга таҳсинлар ўқишди.

## 6

Уч ойдан бери давом этиб келаётган қаттиқ азобдан фориг бўлган Перияннан оёққа туриб, рўзғорига қарай бошлади. Раъман ва Танкамма ўз туғишганидек унга астойдил хизмат қилишди. Бу орада қишлоқдагиларнинг аччиқ-тизиқ гапларини эшитишга ҳам тўғри келди. Уларнинг гаплари юракка наштардек ботарди. Яра битса ҳам танадаги ҳолсизлик ва иситма



хеч чекинай демасди. Кўнглига нималар келиб кетмади, дейсиз? У ёқда бўлса, қишлоқдагиларнинг пичир-пичири бошланиб кетди: “Кўрдингми, хотини бечорани ташлаб кетибди. Хотинининг вазифасини чўри Танкамма бўйнига олишига бало борми? Хотини ҳам бунчалик қарай олмасди”.

Баъзи одамларнинг гапи бундан ҳам ўтиб тушарди: “Энди Танкамманинг бегоналиги қолибдими? Ҳечқиси йўқ, бўлиб турадиган нарса бу. Лекин паст табақадаги Раъманни уйига қўйиб, уни ўғлидек кўриши кулоқ эшитмаган гап. Нима бўлганда ҳам буни тўғри иш деб бўлмайди. Энди Перияннанга Раъман ўз табақадошларидан ҳам афзал бўлиб қолибдида?” Одамларнинг гаплари киноя ва кесатиқларга тўла эди. Перияннанга хайрихоҳ, ундан хол-аҳвол сўраб турадиган одамлар ҳам энди афтларини буриштириб, тескари қараб ўтардилар. Аҳвол шу даражага етиб келдики, ҳатто у билан яқин муносабатда бўлган Челлаппаннинг оиласидагилар ҳам ўзгариб қолганди.

Перияннан бутунлай соғайиб, ўз ишларини эплайдиган бўлиб қолганидан кейин Танкамма унинг уйига келмай қўйганди. Лекин унинг беғараз, чин дилдан, самимий қилган хизматлари ҳақида одамларнинг бўҳтонлари ҳали-ҳамон давом этарди. Бошқаларнинг ғийбатини қилиб, хузурланадиган одамлар нега ўзлари ҳақида ўйламас эканлар-а?!

Бошқаларнинг бемаъни гап-сўзлари Танкамманинг дилига оғир ботди, албатта. Субҳидамда майсалар учида ялтираб турган шабнам қайдаю, ўша майсаларни аёвсиз кесиб ташлайдиган ўткир тиғ қаёқда?

Хуллас, Танкамма Перияннаннинг даласига ҳам бормай қўйди. Бир неча кунгача уйдан ташқарига чикмади. Перияннан, ишқилиб жувонгина қасал бўлиб қолмадимикан, деган ўйга бориб, юрагини ваҳима чулғади. Ўзича: “Уни менга кўшиб гап-сўз қилиб юборишди, шундан хафа бўлиб, келмаётган бўлса керак”, деб ўйлай бошлади. Шу ўй билан Раъманни жўнатиб, хабар олишга қарор қилди. Кетидан миясига бошқа фикр келди: “Уни юбориш маъқул эмас, ўзим бориб, юпатишим керак”. Сўнг Танкамманинг уйига йўл олди.

Танкамма супада йиртилган сарисига қатим тортиб ўтирган эди. Йиғлайверганидан рангида ранг қолмабди. Қонсиз, оппоқ юзига бир қарашданок, юзидаги барча қон кўз ёшларига айланиб, йиғи билан чиқиб кетгандек кўринарди. Соч толалари юзига тушиб, тердан ёпишиб қолганди. Кўзлари ичига тортиб, ёноқлари чиқиб кетибди. Озғин юзида ҳорғинлик аломатлари бор.

Қатим тортишга берилиб кетганидан, Танкамма уни сезмади. Томоқ қириб, ўзининг келганини билдирди. Танкамма аста бошини кўтарди. Кутилмаганда Перияннанни рўпарасида кўриб, у ажабланди. Тикиб ўтирган сарини тахлаб, ўзининг сарисини тўғрилаганча ўрнидан турди. Хижолат бўлиб, ҳадик тўла кўзларини Перияннанга қадади.

Унинг юз-кўзларидан кўнглидагини уқиб, Перияннан ғалати бўлиб кетди. Хаёлидан, мени деб бу бечора қанча таҳқир ва таъна-дашномларга қолмади, деган фикр ўтди.

Перияннан сўради:

– Тузукмисан, Танкамма?

Кўрқув ва ҳаяжондан жувоннинг нозиккина вужуди титраб, “Худога шукур, яхшиман”, – дея жавоб берди. Шунда бирданига ўзига келиб, “қанчалик аҳмоқман, уйимга келган хўжайинга ўтиринг ҳам демабман”, деганча чорпояга ишора қилди:

– Бу ёққа ўтирсинлар.

Чорпояга ўтира туриб, Перияннан яна сўради:

– Бир ҳафтадан ошиб кетди, ишга нега чиқмаяпсан?

Кўрккан мушук думини яшириб, ғужанак бўлиб олганидек, Танкамманнинг ҳам дарров қиёфаси ўзгариб, ғазаб ва нафратини ичига сиғдиролмай деди:

– Нима, қишлоқдагиларнинг гап-сўзлари сизга етиб бормадими? Аёлнинг қулоғига етган ғийбатлар эркакнинг қулоғини айланиб ўтарканми? Сабабини билсак бўладими?

Агар бу бошқа мавзу бўлганида, Перияннан ўзини билмасликка олиб, “Мен ҳеч нима эшитмадим”, дерди. Лекин унинг виждони бундай дейишга йўл қўймади. Унинг назарида бундай четлаб ўтиш кечириб бўлмас гуноҳ бўларди. Шунинг учун вазминлик билан деди:

– Ҳа, ҳаммасини эшитдим.

Перияннандаги хотиржамликни кўриб, Танкамманнинг қони қайнади, жаҳли чиқиб, ўзича ўйга чўмиб кетди: “Э, шу ҳам эркак бўлди? Шунча гапдан кейин ҳам пинагини бузмади-я! Одам эмас, бир замбил лой”. У ўзини тутиб тура олмади:

– Бу гаплар билан эркакнинг нима иши бор?.. Аксинча, улар ажаб бўпти, дейишади... Бунақа гап-сўзлар аёл кишининг қанчалик орини келтиришини сиз қаёқдан ҳам билардингиз?

Унинг мажруҳ дили нечоғли азобда эканини у тушунди. Қандай тасалли берсам экан, деб ўйлай бошлади. Бетоблик чоғида бу аёл барча дашномларга чидаб, катта матонат билан унга хизмат қилди. Тонг отмасдан туриб, уни ювинтирар, супур-сидир қилар, сўнгра ўзи ҳам покланиб, мандирга борар эди. Табаррук малҳамдан олиб келиб, унинг ярасига суртарди. Буларнинг бари у оёққа тургунча давом этди. Хотинидан ҳам кўпроқ хизмат қилди. Бугун шундай меҳрибон аёлнинг дили вайрон. Энди шундай гапларни гапириши керакки, оловга сув сепгандек юраги ором олсин.

– Сенинг фидойилигинг ва хизматларингни мен ҳеч нарса билан қайтара олмайман, борди-ю, биронта ишим билан сенинг корингга ярайдиган бўлсам, ҳозирок бунга тайёрман. Гапир, нима қилай сен учун?..

Азбаройи ҳаяжонланганидан унинг овози титраб чиқмоқда эди.

У чўчинқираб, хавотир билан Танкамма томонга қаради. Жувоннинг ҳорғин кўзлари нурсиз эди. Перияннан эса Танкамманнинг яхшилаб кўнглини олиш учун биронта хушхабар айтишни хошлаётгандек эди. Лекин шунча уринса ҳам ўша яхши гапни жўялигина қилиб айта олмаётибди. Ожизликнинг бу аломати унинг овозида сезилаётган эди.

Танкамма ўйга толди: “Эркак зоти ҳар қанақанги иснод ва гап-сўздан ўзини соқит қила олади. Аёл эса, хоҳ у турмушга чиққан, хоҳ бева, хоҳ қиз бўлсин, одамзод шу пайтгача унинг исноди доғини ювадиган давони топмаган. Унинг шаънига тушган доғни ўлим билан ювиш мумкин холос”. Шуларни ўйлаб, юраги қаттиқ зўриқиб кетди. Шунда ҳам ўзини дунё кўрган тажрибали одамдай кўрсатиб, Танкамма деди:

– Бу доғни фақат Яратгангина кетказа олади. Бу яхши, бу ёмон демай, холисона иш тутадиган фақат унинг ўзи.

Бу билан у ўзининг ожизлигини кўпроқ намоён қилмоқда эди. Чунки у шаънига тушган доғни на юва олаётган, на ўзидан соқит қилаётган эди.

“Шунинг учун аёлни заифа дейишади, – кўнглидан ўтказди Перияннан. – Шунга қарамай у ғоят жасур ва сабр-тоқатли ҳам”. Ихлосдан кўнгли юмшаб, Перияннан деди:

– Сени тушуниб турибман. Нима бўлганда ҳам тушкунликка тушиш ке-

рак эмас. Ҳаётнинг асл маъносини тушуниш бизнинг вазифамиз. Ҳақиқий хукми Яратганнинг ўзи чиқаради.

Унинг гапини тушунмай, Танкамма деди:

– Нималар деяпсиз, тушунмаяпман...

– Менга ёрдам бериб, сен бадном бўлдинг. Бунда мен ҳам тенг шерикман. Шунинг учун масаланинг ечимини топишда мен ҳам четда турмайман, – мулойим овозда тугила-тутила гапирди Перияннан.

– Мен учун қайси йўл қолди? Никоҳ тумори узилган кун аёл ўз орномусидан маҳрум бўлади. Мандирда ўрнатилган тошни Худо билиб, унга сиғинамиз. Йўлда қўйилган тошга ҳеч ким кўз ташламайди. Мандир ичидаги ҳайкалга бир кунда уч маҳал сиғинадилар. Йўлдаги тошга-чи? Ҳаттоки ит унга пешоб қилиб кетаверади. Эрим билан оиладек муборак гўшада яшаган пайтларимда иззат-хурматим жойида эди, эрим соябон эди. Энди бу соябон йўқ, кўчада қолиб кетдим. Қадрим кўчадаги тошчалик ҳам эмас. Ўтган-кетган ҳам менга луқма ташлаб, эгри ниятда қараши мумкин... – худди ҳар бир сўзга нарх қўйиб айтаётгандек у тўхтаб-тўхтаб гапирди.

– Тўғри айтасан. Кўча тоши деб билиб, бир тийинга қиммат ярамаслар оғзига келганини айтади. Эзилиб юрганимиздан кўра бир уйга жам бўлиб, бўлмағур гапларни таркатувчиларнинг тилини тийиб қўйсақ, яхши бўларди.

Танкамма унинг нима демоқчи эканини англади. Қишлоқ ва жамоа бунга ўла қолса рози бўлмайди. Кейин бадном бўлганини эслаб, палағда тухумни ҳидлагандек бурнини жийирди:

– Эркакнинг иши осон, лекин аёл урф-одатлардан қилча ташқари чиқолмайди, бу унинг оёқларига кишан қилиб солинган.

– Шу ҳам инсофдан бўлдимми? Бир томондан атрофи гир айлантириб ўраб қўйилган, иккинчи тарафдан суюқоёқ деб таҳқирласинларми? Шунда ҳам жим тураверасанми? Нега шундай қафасда яшашни истайсан? У ерда яшаганга фоҳиша деб тамға босилади-ку! Ичимдаги бор шубҳа, бор кўркув – ҳамма-ҳаммаси одамларнинг бемаъни гап-сўзларини эшитавериб, тугаб битди. Мен сени ўзимники қилишга тайёрман. Иккиланмасдан мен билан юр, уйга кетамиз, – илтимос қилди ўта мулойимлик билан Перияннан. Айтган сўзларида унинг юрагидаги ҳақиқат ва собитлик яққол сезилиб турарди.

Танкамма бир лаҳза ханг-манг бўлиб қолди. Бир бева учун бундай фикрга бориш ва ҳою ҳавасга берилиш ярашармикан? Жамиятда асрлардан бери яшаб келаётган анъаналарни шунча осонлик билан буза оладими? Нима, бу ижтимоий қоида шунчалик мустаҳкаммидики, уни ҳеч қачон бузиб бўлмаса? Бева аёлга рафиқа бўлиш яна насиб этмайдимми? Хўш, жамиятнинг барча қонун-қоидалари фақат бевалар учун яратилганми? Ишлаш истаги бўлган аёллар фоҳиша ҳисобланадилар, улар учун бошқа йўл йўқ. Дин, ҳуқуқ ва яхши хулқ-атворга эътиқод қилувчилар бу масалаларда чурк этмайдилар. Бунда маданият, тарбия тарафдорлари аёл туйғуларига нега ғов бўладилар? Аёлнинг туйғуси, ор-номусини рўқач қила туриб, унга доғ туширадилар. Бева қолган бирон аёл ўз хоҳишига кўра қадрини билиб яшашни истаса, жамият нима учун унинг бундай яшашига имкон бермайди? Унга нега ярамас ва ахлоқсиз деган тамғани босадилар? Аёлнинг хусни таважжухига мафтун бўлиб, унга боладай осилиб оладиган эркак унинг бевалигини эшитгач, бу бир эркакнинг хотини бўлишга арзимайди, деб нега ҳаммадан ажратиб қўядилар? Лекин энг ёмони шундаки, ўша аёл лаззат воситасига айланганда эркаклар ундан баҳра олиш учун ўзларини

томдан ташлайдилар. Покдомон бўлиб яшаса ҳам бу одамлар ўйлаб-негиб ўтирмай, шармандалик тамғасини ёпиштираверадилар. Шундан сўнг кимгадир боғланиб яшагандан нима фойда?

Шўрлик Танкаммининг вужуди ларзага келиб, маъсум дили пора-пора бўлди. Перияннан тик турганча ундан кўзини узмаётганди. Унинг кўзларида умид бор, беғубор чеҳрасида хайрихоҳликнинг ёқимли акси жилва қиларди. Танкамма ҳеч нарса деб жавоб бермади. Лекин унинг ёш тўла кўзларидан шу маънони уқиш мумкин эди: “Мен ҳам сизни дейман. Фақат сиздан бир ўтинчим шуки, ғўрсан, содда-баёвсан деб таъна қилманг!”

7

Перияннан ва Танкамма энди бир бошпана остида яшамокда. Қишлоқдагиларнинг кундан-кунга авжга чиқаётган таъна-маломатлари аста-секин камая бориб, охири тинчиб ҳам кетди. Баъзи оғзига кучи етмаганларнинг жағи бир неча кунгача тинмади: “Суюкоёк, чаккибосар! Ўлгудай беҳаё экан! Ўзига эр топиб олибди”. Бундай пичир-пичир ғийбатлар бир оз муддатгача давом этди. Вақт ўтиши билан булар ҳам кулоққа чалинмайдиган бўлди.

Танкаммининг томирларида бирдан ёшлик завқи жўшмади, деб айтиб бўлмасди. Янгидан турмуш қуриб, бахтидан тингани боис ёшлик завқ-шавқларига кунда эрк беравермасди – шунисига шукр! Хуфия муҳаббатнинг охири вой бўлиши аниқ. Шу тариха чегарадан чикмай, ҳар бир қадамини билиб босмоқда эди. Энди Перияннан билан бирга яшаш имконияти туғилганида танага ўчлик эмас, балки хайрихоҳ бир босиқлик иш бермоқда эди.

Перияннан бетоблигида Танкамма қишлоқдан унинг хотинини чақиртириб келишни маслаҳат берганди. Перияннан: “Фойдаси йўқ, у келади эмас”, – деб жавоб берди.

– Хотинингиз бўла туриб, хизматингизни мен қилсам, одамлар бўлмағур гап-сўзларни тарқатиб юборишади. Шунинг учун агар сиз рози бўлсангиз, мен бориб, уни чақириб келсам.

Перияннаннинг фикрича, агар шундан сўнг рухсат бермасам, Танкамма мен ҳақимда нотўғри хаёлга бориши мумкин, балки умуман қарашмай кўяди деб ўйлаганди. Шунинг учун у:

– Уни чақириб келсанг, бунинг савобига ким етсин? Бундан бошим осмонга етган бўларди-ку! – деб, унинг боришига рухсат берди.

Танкамма Павлайи билан учрашгани кетди. У ҳақида кўнглида не-не орзулар бор эди, лекин бориб қарасаки, кўрган-эшитгани ўйлаганларига бутунлай тесқари. Павлайининг қовоқлари остида, лаблари атрофида билинар-билинемас ажинлар бор эди ва у ёшига нисбатан каттароқ кўринарди. Ғам ва ёлғизлик уни эзиб ташлаганди. Озғин чеҳра, бўртиқ суяклар ва шалвираган лаблар – ҳаммаси бир бўлиб, у ғалати кўринарди.

Танкаммага кўзи тушиб, Павлайи уни қаердадир кўргандек бўлди. Туман билан қопланган хотиралар панд берса-да, эслашга уриниб кўриб, деди:

– Келинг, эгачи, назаримда биз илгари ҳам учрашганмиз... Ҳа, эсладим, Танкаммасиз-а?

Лекин Танкамма уни эслай олмади. Павлайининг гапларини эшитиб, хайрон қолди. Танкаммининг эри ўлгач, қишлоқдошлари билан Павлайи ҳам унинг уйига борганди. Ўша пайтда Танкаммининг йиғиси келганлар-

нинг юрагини ўртаб юборган. Унинг ғамгин қиёфаси бир неча кунгача Павлайининг кўз олдидан кетмай юрди. Кейинчалик, эрини ташлаб кетганидан сўнг, эшитишича, Перияннан даласида ишловчи Танкамма деган бир бевага илакишиб қолганмиш... Бу гапни эшитгандан бери Танкамманинг қиёфаси дам-бадам кўз ўнгида пайдо бўларди.

Танкамма, ишқилиб менинг гапларимни Павлайи нотўғри тушунмасинда, дея ичидан безовта бўла бошлади. Шунинг учун Павлайининг саволига қискагина қилиб, “ҳа” деб қўя қолди.

Буни эшитиб, Павлайининг юзида навбатма-навбат турфа ифодалар акс эта бошлади – ғазаб, нафрат, афсус ва... рашк. Боши эгик ҳолда ўйлашда давом этди. Кўнглига умрида ўйламаган фикрлар келди. Бу фикрлар нима-ни англатиши мумкинлигини у билмасди ҳам. Булар эри билан яшагандаги элас-элас хотиралар бўлиб, бағрини ўртаб юбораётганди. Буларнинг бари қайта жонланиб, унинг кўнглини ағдар-тўнтар қилмоқда эди.

Аста эгик нигоҳини кўтариб, бирдан унинг кўзларига синовчан тикилди. Баногоҳ ўша онда Танкамманинг нигоҳи ҳам унинг нигоҳи билан тўкнашиб, тўғри юрагига кириб борди. Балиқ ҳам қармоқдан ўзини озод қилиш учун типирчилайди. Қармоққа илинган балиқ каби Павлайи ҳам типирчилаб қолди, кейин бир уриниб, кўзини олиб қочди.

Энди у ҳаммасини тушунди. “Фақат дала юмушларида ёрдам берармикан бу аёл ёки...” – деган ўй ўтди унинг дилидан.

Оний лаҳзаларда рашк бош кўтарди. Кейин ўйлаб қолди: “Мен ўз хоҳишим билан ҳаммасини ташлаб келдим. Энди бу каби гапларнинг ўрни эмас”. Шунинг учун ҳалиги ўй-хаёлларни дилидан чиқариб ташлади. Гапни нимадан бошлашни билмай, охири тўғри келган саволни берди:

– Қайси шамол учирди?

Бу Танкамманинг суҳбатни бошлашига яхши баҳона бўлди:

– Сиз билан учрашгани келдим, – Танкамманинг овозида майинлик бор эди, камтарлик аломатидан ҳам холи эмасди.

Қуриган хас-хашакка ўт тушгандай, бирдан бостириб келган ўй-хаёллардан Павлайи чўчиб тушди. “Мени кўргани нега келибди? Ё гап ўғирлагани ёки ўзининг рўзғор бекаси бўлганини айтгани келганмикан? Нима бўлса бўлар”... У ўсмоқчилаб деди:

– Яхши, не мақсадда келганингизни бемалол айтаверинг... – овози курук чиқмоқда эди.

Танкамманинг айтадиган гаплари кўп эди. Нимадан бошласа экан? Миясидан товонигача бутун вужуди темирдай қизиб, томирларидаги қон тўғри миясига бориб урилди. Қулоғи шанғиллаб кетди. Ўзига ишонган ҳолда Танкамма аста гап бошлади:

– Эрингизнинг бели оғриб, ётиб қолди. Ёнида иссиқ-совуғидан хабар олувчи ҳеч кими йўқ. Сизга шу гапни айтиб қўйгани юбордилар мени.

Итнинг вовуллашидан кўрқиб кетган қуён каби Павлайининг бирдан кайфи учди. Бундай нохуш хабар эшитаман деб ўйламаганди. Эри билан яшаган ўн йиллик умридаги яхши-ёмон кунларини эслаб кетди. Аччиқ-чучук дамларнинг қанчаси ўтди. Ҳаёт ўзи аччиқ билан чучукнинг аралашмасидан иборат экан. Ўйлаб қараса, барча нохушликларга фақат ўзи сабаб экан. Перияннан унинг ҳаётига қувонч ва бахт олиб кирган экан.

Тўйдан сўнг у бир куни сигир соғиш учун арқон билан сигирнинг орқа оёқларини боғламоқчи бўлган эди. Янги бекадан бегонасираган сигир туёғи билан унинг оёғини эзиб олди, бош бармоғининг тирноғи таг-туғи билан янчилаб кетди. Иссиқ намақоб тортиб, жароҳатни боғлади-да, шоли

эқкани далага чиқиб кетди. Тун бўйи оғрик безовта қилиб чикди. Оғрик болдирларига ҳам ёйилди. Уч-тўрт кунгача оёқ боса олмади. Перияннан кечани кеча, кундузни кундуз демай, уни парваришлади. Ўчокқа сопол идиш осиб, унда тарикнинг қуриган поясини қайнатар ва шуни хотинининг оёғига босарди. Ҳовлига чиқиш зарур бўлса, кўлида кўтариб, орқа томонга олиб борар, яна кўтариб уйга олиб кирарди. То соғайиб, бемалол оёқ босиб юрадиган бўлмагунча, чақалоқдай парвариш қилаверди. Оғриқни унутиши учун уни гапга тутарди. Павлайининг ўзига келсак, кўнглини бировга бериб, бу ерга қуруқ жисмини олиб келганди – қаламча кўчатдан фарқи йўқ эди унинг. Бу ерга келиб, эрининг меҳрибонлиги ва бир зайлдаги муомаласидан аста-секин Павлайининг юрагида ҳам илиқлик пайдо бўла бошлаган, муҳаббат булоғи кўз очиб, юрагига оқиб кираётганди. Ўзининг собиқ хушторидан кўнгил узиб улгурмагани учун муҳаббатнинг бу янги эпкини юрагини жароҳатлаб, унинг аввалги муҳаббатини йўққа чиқариб бораверди. Оловга тушиб қолиб, жон талвасасида типирчилаётган қумурсқа каби Павлайи ўзини қўйгани жой тополмаётганди.

Бундай садоқатли эрга хизмат қилиш унга яна қачон ва қаёқдан насиб этарди? У ўша муҳаббат ниҳолларини илдизи билан юлиб ташлай олмаётган эди. Павлайи Танкамма ўзини юраксиз ва қаҳри қаттиқ деб билишидан ҳадиксирамоқда эди. Шунинг учун уни ўз туғишган синглисидай санаб, бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берди. Ич-ичидан келаётган йиғини босиб, Павлайи гапини давом эттириб деди:

– Синглим, аҳволимни сенга очиқ айтиб бердим. Юракда ловуллаётган оловни сўзлар билан баён этолмаётган ожиз соқовга ўхшайди менинг аҳволим. Сен ҳам аёлсан. Аёлнинг дардини аёл билади. – Шундан сўнг Танкамманинг дилидагини билиш учун у гапиришдан тўхтади.

Танкамма нималарни ўйлаб келганди-ю, бу ерда нималарни эшитди – бутунлай акси. Павлайининг аянчли ўтмиши ҳақидаги қайғули ҳикояни тинглаб, Танкамма кўз ёшларини тўхтата олмади. Йиғлайвериб, қовоқлари шишиб кетди. Ҳамдардлик оҳангида Танкамма деди:

– Тушунаман, опа, лекин у одам нима бўлади?

Павлайининг ичида ғам ва дард оташи бор эди. Шу бугунгача ўша ҳаёлларни, туйғуларни юрагининг туб-тубида яшириб келарди. Бугун уларнинг барини ташқарига олиб чикди. Дарду ғамлар тутунидан димиқиб, унинг юраги дук-дук ура бошлади.

Павлайи деди:

– Гадонинг душмани гадо бўлганидек, гадонинг дўсти ҳам гадо бўлади. Худо ҳатто итдан ҳам марҳаматини аямайди, – унинг овози негадир зўраки чикди.

Унинг гаплари тушунарсиз эди – гадонинг дўсти ҳам гадо бўлади... Нима, у Танкаммага шама қияптими? Дилидаги борини очиқ-ойдин айтиб берди. Агар кўнглида ёмонлик бўлса ёки Танкаммага ишонмаса, бундай демаган бўларди. Тўсатдан ташқарида қаттиқ шамол туриб, чанг-тўзон кўтарилди. Иккаласининг ҳам кўзига чанг кирди. Танкамма юрагини тошдай босиб турган ўй-фикрларни ичига ютиб, аста деди:

– У нега гадо бўларкан? Ери, оиласи бор одамга яна нима керак?

– Айтадилар-ку, “билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини”, деб. Яхши жой деб кўнгил қўйган эди, сароб бўлиб чикди. Ўз хотинига яхши-ёмон кунимда ёнимда бўлади деб, хўп умид қилган эди. Умидлари ер билан битта бўлди. Туғишгани бўлмаса ҳам хотини бўлсин эракнинг, умр йўлдоши, ахир. Агар хотини ҳам ташлаб кетса, кимга суянади эр

шўрлик? Шунинг учун уни гадо деб айтаяпман. Синглим, энди ичим-дагини айтаман. Хотини бўла туриб, сенга бундай дейишим яхши эмас. Шунда ҳам уят, номусни йиғиштириб, куйиб гапиряпман, – гапира-гапира унинг нафаси тикила бошлади ва бўғилиб қолди.

Бир оз муддат жимиб қолишди. Танкамма дилидаги аччиқ ҳақиқат ва Павлайига нисбатан ачиниш туйғусини енгиб туриб, унга тикилди. Павлайининг дилида ғам ва ташвиш тўфони бўлгани сабабли тили калимага келмаётганди. Бир томоқ кириб олди-да, шошмай деди:

– Аввалига сиздан жаҳлим чикқанди, дилим ғуссага тўлганди, лекин энди сизни синглим деб биламан. Меҳрибон синглим. Опангизнинг гапига ишонасизми? – сарисининг четини ёйиб, марҳамат кутаётган юкли аёл каби тортинчоқлик билан сўради у.

Бундай очиқ-ошкора айтилган гапларнинг маъносини, яраларидан қон томиб турган юракнинг бор азобини Танкамма чуқур ҳис этди. Йтоаткорлик ила ҳамсуҳбатининг бу таклифига иқрор бўлган ҳолда деди:

– Гапиринг, опажон...

“Опа” деган мурожаатни эшитиб, Павлайи қувончдан терисига сиғмай кетди. Ушбу мурожаат унинг қалбида умид уруғини экди. Кўзларида нур балқиди... шодликдан чарақлаб кетди. Бироқ ўша лаҳзада юрагининг тубида ғашликни ҳам ҳис этди. Ўзининг маъносиз ҳаёти эсига тушди. Мақсадсиз эди у ҳаёт. Лекин сир бой бермай, мулойим овозда Павлайи сенсираб деди:

– Сен мени катта меҳр билан “опа” деб чақирдинг. Худди мен сени “синглим” деганимдек. Агар сен ваъда берсанг, мен гапимни айтай. Сен мени астойдил опа дединг. Ваъда бер, нима бўлишидан қатъи назар, истагимни бажарсан.

Ваъда бериб, уни бажармаса, бутун уруғ-аймоғига иснод бўлади. Бу анъанавий эътиқодни эслаб, Танкамманинг юраги шув этиб кетди. Шунда ҳам Павлайининг меҳрибонлигидан кўнгли эриди. Ичида “жуда жонимни суғуриб олмас”, – деб ўйлади. Чунончи, меҳри жўшиб деди:

– Ҳа, опа, истагингизни бажараман... – қандай ваъда бериб юборганини ўзи билмай қолди. Ваъда беришга берди-ю, кейин пушаймон бўла бошлади ўзича.

Павлайи бир оз бўлса-да, таскин топиб деди:

– Қаттиқ умид қиламанки, синглим ўз ваъдасини, албатта, бажаради. Орқасига яра чиқиб, азоб чекаётган одам, албатта, парваришга муҳтож. Жуда эҳтиётлик билан ярани ювиш керак. Маддани чиқариб ташлаб, боғлаш керак. Опажонингнинг синглиси бўлиб, шу ишни бажарасан-а?.. – У рўпарасида турган Танкаммага тик қаради. Унинг бу қарашида синглиси илтимосини ерда қолдирмаслигига ишонч акс этарди. Бу ишонч олдида ҳар қандай далил-исбот бир пул эди.

Буни эшитиб, Танкамма ақли-хушини йўқотиб қўйди. Унинг кўзлари кўриб, кулоқлари эшитиб турарди-ю, бироқ тушуниш учун миясининг кучи етмаётганди.

Ўй-фикрлар ипини узиб, у бошини кўтарди. Ғарб осмонини кечки шафақнинг сарғиш ёғдуси қоплаган эди. Қушлар қувончдан қанот қоқиб, ошиёнлари томон учмоқда. Ўтлари қуриган майдон узра кечки салқин шабада эсиб, ўт-ўланларни бир оз бўлса-да намлади ва уларнинг хушбўй хидини ҳар тарафга ёя кетди.

\* \* \*

Қайтиб келгач, кечлик овқат пишириш керак. Ишдан қайтаётган Перияннанга иссиқ сув тайёрлаши, ўзи ҳам ювиниши керак. Хўкиз-сигирларга ем-хашак, сув бериш керак. Маккажўхори поясини қиркиб қўйиш керак, ҳарҳолда молларга эрмак бўлади. Кун бўйи эрига дала ишларида қарашиб, қош қорайиши билан уйга қайтиш керак. Буларнинг бари аёл қилиши керак бўлган ишлар. Танкамма Перияннан келгунга қадар уйдаги ҳамма ишларини тиндириб олишни истарди.

Бевалик белгиси бўлмиш оқ сарини кийиб, бегона эркакнинг рўзгорини тебратяпти. Хотин деган ухдаси йўк, қишлоқдагиларнинг сўзлари билан айтганда, у – бир маъшуқа чўри. Бевани бошқатдан никоҳдан ўтказиб, оқ сари ўрнига гулдор сари кийдириб, хотин қилиб олинмайди. Қишлоқ ва жамоа бунга йўл қўймайди. Акс ҳолда у табақадан четлаштирилади, бошқалар билан бирга еб-ичиб, ўтириб-туриш унга тақиқланади. Биронта аёлга бевалигида эга чиқиб, уйига олиб келса ҳам жамоа буни гуноҳга йўяди, орқаваротдан айтадиганини айтади, вақт ўтиши билан бунга ўрганиб қолишади. Эркак учун ҳамма нарса жоиз, бироқ аёл учун... Турмушдаги бахт меваси сифатида унинг бўйида бўлиб қолса, сири фош бўлиб, юзига қора суртилади. Беванинг ҳомиладор бўлиши гуноҳи азим.

Бир томондан ўзининг ҳимоясиз, бошпанасизлиги, бошқа томондан Перияннаннинг меҳр тўла самимийлиги ва бағрикенглиги, устига-устак, касалликнинг қутилмаган хуружи туфайли унинг ачинарли аҳволга тушиб қолиши – бу барча ночорликлар уни тартибсиз ҳаёт кечиришга мажбур этди ва шулар устида ўй сура-сура: “Аслида қисматим шундай бўлгач, мен нима қилай? Кимни айблай?” – деб у ўзига-ўзи тасалли берарди.

Уйдаги ишларнинг барини тинчитди. Перияннан ҳам даладан қайтиб келди. Ювиниб-тараниб, овқатлангани ўтиришди. Перияннанга деб ликопчага овқат сузгач, Танкамма ўзига ҳам ликопчага гуруч солиб, келиб ўтиришди. Рўпарадаги ўчоқ тепасига қўйилган чироқ ёниб, атрофни ёритмоқда. Енгил шабададан лип-лип қилаётган чироқ хижолатдан аста-аста қулаётгандек эди. Чироқ ёғдусида жувоннинг чехраси олтиндай товланарди.

Ликопчадаги гуручни аралаштира туриб, Перияннан деди:

– Дала юмушларидан аъзойи-баданам қақшаётган эди. Иссиқ сув қуйиб турганиндан оғрикнинг ярми кетди, – деб у Танкамма томонга қаради. Танкамманинг кўзларида на ёғду, на қувонч бор эди. Қўрқа-писа қараётган бу кўзлар ва рангпар чехра худди ғам юки босиб турганидан дарак бераётгандек эди. Унинг бу аҳволини кўриб, Перияннан ажабланди. Булутсиз ёққан ёмғирга ўхшаб, унинг ҳиссиз қиёфасидан Перияннаннинг кўнгли тирналди. Ачиниб сўради:

– Нима гап, Танкамма? Нега хафасан?

Танкамма мум тишлаб ўтирарди. Қуюқ зулматдан ҳам оғир жим житлик. Унда уммондан ҳам зиёда чуқурлик бор эди. Гўё бутун шовкин-сурон бу жимжитлик билан тўкнашиб, эсини еб қўйгандек эди. Худди қувонч ва шодлик, ғазаб ва дард – бариси бир жойга жамлангандек, гўё тошбақа бошини қобиғига яширгандек. Кўзлари ва чехрасида оғир ҳорғинлик.

Унинг бу аҳволини кўриб, Перияннаннинг юраги орқага тортиб кетди. Унинг барча қувончи ғойиб бўлди-қолди. Ўзини кўлга олиб, Танкамманинг иягидан кўтариб, деди:

– Камбағал хазина топгандек, сен менга учрадинг. Сен туфайли ҳаётимга баҳор келди. Хўш, мен сенга нима ёмонлик қилдим? Айт...



– Сиздан ёмонлик кўрмадим, тақдиримдан хафаман, – титроқ овозда деди Танкамма ёзғириб.

Улар бир-бири билан аҳил-иноққина эди. Жамоа қонун-қоидаларига риоя қилиб, тўғрилиқча яшашга ўрганган эдилар. Бундай ҳолда аёлга қараганда эркакнинг юрагида жасорат ошгандан-ошади. Эркакнинг журъати ошгани сари, аёл баттар ожизлашиб бораверади. Амалдаги бу тажрибани ақл торозисига солиб кўрди-ю, Перияннаннинг кўнглига шубҳа оралади: Танкамма унинг қистови билан табақачилик қоидасига хилоф иш тутганидан хафа эмасмикан? У ҳеч нарсани тушунмаётганди. Бир оз тортиниб ва ажабланиб сўради:

– Бир нимадан хафасан, бунга сабаб менман ёки сенсан... Иккимиз биргаликда бунга барҳам берамиз. Биласан-а, аравага кўшилган кўшхўкиз аравани барабар тортади.

– Ўз юкимни ўзим тортишим керак... Сиз ёки бошқа биров торта олмайди.

Сув тўла оғиз очилганда сув тўкилгандек, юракни азоблаётган сассиз садо ҳам оғиз очилиши биланоқ ташқарига отилиб чиқади.

– Нима гап? Айта қолсанг-чи. Топишмоқ қилмагин. Дарду ҳасрат чекавериб, юрагим пора-пора бўлиб кетган. Энди яна пораланишга ҳоли қолмаган.

Перияннаннинг юраги тубидан чиқаётган дарду алам ва қайғуни тушуниб, худди пуфак “пак” этиб ёрилгандек, Танкамма ҳам шартта дилидагини айтди-кўйди:

– Мен зурриётингизни қорнимда кўтариб юрибман!.. – Шундай дея у ўкраб йиғлаб юборди.

Бу қутилмаган сўзлар замиридаги азоб гулхани унинг ғурурини куйдириб қул қилгандек бўлди. “Бўлар иш бўлди” қабилида у ўйга толди. Қараса, бу сўзларда аёлларга хос буюклик манама деб турибди. Бир оз хаёл суриб, Перияннаннинг мағрурлиги тутиб кетди ва деди:

– Мен ўша боланинг отасиман, дейман. Мен бундан фахрланаман!

Перияннаннинг бу сўзларида интиқом бор эди. Бу сўзларидан шундай маънони уқиш мумкин эдики, агар биронта аёл ўз эрини ташлаб, бошқа эркакни ўйнаш тутса, жамият уни ҳам тан олади. Худди шу жамият бева билан яшовчи эркакдан аввалига жирканади-да, кейинчалик бунга ҳам розилик муҳрини босади. Борди-ю, шундай қилмаса, у ёғи нима бўлса шу бўлади.

Танкаммага буларнинг ҳаммаси шовқин-сурондек туюлди, қулоқлари билан эшитгиси йўқ эди, лекин қулоқлари соппа-соғ бўлиб, ҳаммасини эшитиб турарди. Энди юракни қўлга олиш керак. У юрагидаги бор кучни тўплаб, қулоқларини беркитиб олди. Шундан сўнг ҳеч қандай овоз эшитилмай қолди. Бир оздан сўнг атрофга жимлик чўкди. Жимлик ҳар икковининг гапларига тин берди.

## 8

Тонг саҳарда турибок, Перияннан ўзининг кундалик ишларига киришиб кетди. Танкамма унга деди:

– Бугун бир оз мазам йўқ, шунинг учун далага боролмайман.

Перияннан ишга кета туриб, унга деди:

– Ҳечкиси йўқ. Раъман бор-ку, амаллармиз. Уйда қолиб, дамнингни ол. Ўзингни эҳтиёт қил.

Хомиладорлиги маълум бўлгач, Танкаммани ғам босди. Перияннан билан бир уйда яшаш унга ҳеч қандай малоллик туғдирмаётгандай эди. Бошланишида бир оз ҳадик бўлиши табиий эди. Авваллари ҳам шунга ўхшаш жуфтларни кўрганди: никоҳсиз, фарзандсиз турмуш кечириб юр-веришарди. Лекин энди бу иш ўзининг бошига тушганида билдики, бу борада у мутлако енгил ўйлаган экан. Шу боис, туриб-туриб унинг юрагида аллақандай нотаниш кўрқув уйғонарди-да, юрагини таталай бошларди.

Ўтган бир неча кундан бери бу сир унинг юрагини тошдай босиб турарди. Юрагининг тубида бамисоли кўмирнинг яллиғланган чўғи бордай. У ҳозирча биз билган сир ўртамизда қолиши керак, унинг ошкор бўлишига ва одамлар орасида гап-сўзлар тарқалишига йўл қўймаслик керак, деб кўнглига маҳкам туғиб қўйди.

Аёл киши учун, хусусан, ҳимоясиз бева учун жамиятнинг баъзи қонун-қоидалари бор. Бу қонун-қоидаларни бузганларнинг яшашга ҳаққи йўқ. Агар у яшашни истаса, унинг масъулиятини зиммасига олувчи бир эркак керак. Мана шу масъулият эвазига аёл ўзининг балойи нафсини тийиб юриши, умидларини қурбон қилиши керак. Болалигиданоқ қиз боланинг қулоғига эркаксиз ҳаёт кечиргандан яшамаган яхши, деб қўйиб келинади. Бу гап унинг вужудига она сути билан киради. Эътиқод ва урф-одатлар исканжасидан шунча осонлик билан қутулиб бўлармикан? Танкамма, “Мана шу исканжа мени шу қўйга солди”, деб ўйлай бошлади. Бошида на эри, на эрки бор. Бир умр жабр-ситамлар чодир остида яшашга маҳкум. Бир эркакнинг нафси туфайли оғироёқ бўлиб ўтирибди. Сир ошкор бўлгудек бўлса борми, одамлар худди ахлатни кўргандек, бурунларини жийириб, тескари қараб ўтишади. Айш чоғида эркакда уят бўлмайди, лекин айшнинг натижасига жавобгар бўлишга келганда эса шарманда бўлишларини ўйлаб, оёғи куйган товукдай питиллаб қолишади. Танкамма чинакамига жиғибийрон бўлмоқда эди. Уруғ ерни ёриб чикқанидек, юрак ҳам эҳтимол ўзи хулоса чиқариб олар.

Аслида аёл киши учун оналик катта бахт. Оналик унинг шаънини улуғлайди. Лекин вазият тақозоси билан орттирган бу иснодга у асло чидаёлмайди. Кечкурун Перияннан келгунча, у бу исноддан фориг бўлиш чорасини қилмаса бўлмайди.

Шундай қилди ҳам. Қош қораймасдан бола тушиб, қон кета бошлади. Иситма бир кўтарилиб, бир тушарди. Қорнида чидаб бўлмас оғриқ турди. Юзини совуқ тер босган Танкамма беҳаловат бўлиб, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлайверди. Дардни ичига ютиб, лабини тишлаганча ётиб қолди.

Кечкурун Перияннан келиб, унинг ҳолатини кўрдию, ҳаммасини тушунди. Бош томонида ўтириб, қўлини унинг пешонасига қўйди. Танкамма оташ каби ёнмоқда эди. У бир нима демоқчи бўларди-ю, лекин овози чикмаётганди. Илтижоли кўзларини ундан узмас эди. Нигоҳлари хиссиз, бўм-бўш. У ёруғ олам билан хайр-маъзур қилганга ўхшарди. Шу билан бирга ожизлик унинг вужудини шу қадар қамраб олган эдики, ундан ҳали-вери қутулишни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Шунақаси ҳам бўлар экан-да! Энди куним битди деган тушунча миясига ўтириб қолганди. Бир қарасанг, гаплари мулойим, меҳрли, бир қарасанг, аччиқ, қахрли. Балки шундай ғазаб ва нафрат билан гапирсам, Перияннаннинг мендан кўнгли қолар, деб ўйлаётгандир. Қолган умрини унинг хотираларисиз яшай олар. Акс ҳолда, бир умр унинг хотираларига кўмилиб яшашига тўғри келади.

Танкамма ўрнига чалқанча ётиб олди. У ўз жонига қасд қилиш йўлини танлаганди. Буни у билиб туриб эмас, балки ўз ор-номусини сақлаб қолиш

учун танлаган эди. Лекин бу иш у ўйлагандек бўлиб чиқмади ва исноддан фориг бўла олмади. Перияннанга кўзи тушган ҳамон оғриқ хуружиг олди. Заифа кўз ёшлари уммонида чўка бошлади. Ўкириб-ўкириб йиғлаб, кўнглини сал бўшатиб олди. Перияннаннинг ҳаётига бахт олиб кириб, файз бағишлаш ўрнига бугун у бундай бемаънилиқ қилиб ўтирибди. Бечорага айрилиқ деган совға бериб кетмоқда. Бу шундай совғаки, Перияннан учун бир умрга татийди. Йигитнинг ачинарли ўтмишини эслаб, Танкамма ўкириб-ўкириб йиғлади. Қорни шунақанги сиқиб оғримокда эдики, у сал бўлмаса ҳушини йўкотаёзди.

Унинг юзи ва кўзидаги маънони уқиб, Перияннан ўйга толди – ўз қилмиши туфайли у бугун шу аҳволга тушиб ўтирибди. Унга қаттиқ зарба бўлди. Танкамманинг келиши унинг ҳаётида янги баҳорни бошлаб берганди. Ҳаётига ўзгача файз бағишлаганди. Ҳар қандай қийинчиликларга дош бериб, оила шаънини ҳимоя қилувчи ҳинд аёлига ўхшаб, Танкамма ҳам ўзини ўйламай, одамларнинг гап-сўзларига эътибор бермай, Перияннанга ғамхўрлик қилган эди. Бундан у “кўнгил жаннатига фаришта” деган номга сазовор бўлганди. Унинг сўлиётган, тамом бўлган танасини бағрига олиб, Перияннан титроқ, паст овозда сўради:

– Нима қилиб қўйдинг? Қалбимга баҳор олиб келгандинг. Ўз бахтим учун сени қурбон қилдим. Бунинг учун мени жазолаш мақсадида шу йўлни танладингми?

Перияннаннинг сочларини қўллари билан силаб, Танкамма деди:

– Бунда иккимизнинг айбимиз йўқ, бунга табақачилик айбдор. Агар мен бу болани дунёга келтирганимда, “фоҳишанинг боласи”, деган ном оларди. Умр бўйи ўчмас тамға бу. Мен-ку озгина бўлса ҳам кун кўриб яшадим, бироқ унинг ҳаёти нақд дўзахга айланар эди, – унинг овозида қаҳр бор эди.

Танкамманинг терга ботган юзини силаб туриб, Перияннан унга диққат билан қаради. Жувоннинг аҳволига қаттиқ ачинди. У мусибатда қолганида ўзининг обрў-эътиборини ўйламай, Танкамма ёрдамни аямаганди. Перияннан ўша фаришта билан юзма-юз ўтирибди. Танкамманинг юзидан унинг кўнглидан кечувчи турфа ҳислар манаман деб турарди: беғараз хизматдан қониқиш, соф муҳаббат, чин ихлос, фидойилик ва изтироб – ҳамма-ҳаммаси жамулжам эди.

Қақроқ чўл каби қалбига унинг баҳор шабадаси эпкинига ўхшаган ташрифи қандай файз берган эди! Дала ишларидан чарчаганда Танкамма мароқли суҳбатлари билан овутиб, нотинч ва кимсасиз ҳаётига озмунча завқ-шавқ олиб кирганмиди! Унинг ширин суҳбатидан Перияннан қанчалик ором оларди! Танкамманинг ҳаёти ҳам худди шундай ёлғиз, қуруқ ва туссиз эди. Унинг чехраси ҳам рангсиз, кўримсиз эди, юзидан қайғунинг қора булутлари сояси сира аримас эди. Шу орада ўзига тенгдош эркак билан бирга ишлаб, унинг дардига шерик бўлган Танкамманинг қалбида Перияннанга нисбатан раҳм-шафқат ва меҳр туйғулари жўш уриб кетганди, ҳар куни бирга ишлаганидан иноклашиб, дўстона туйғулар аста-секин бошқача тус олган ва бора-бора нозик ҳисларга айланган эди. Ҳамдардлик туйғусидан илҳомланиб, бузилган алоқаларни тиклашдек савобли иш билан Танкамма бир бор унинг хотини Павлайининг олдига элчи бўлиб ҳам борди. Тўзиган оиланинг тикланиб, яна бирга бўлишини чин дилдан истаганди. Аслида аввалига у кўнгил тинчлиги учунгина унинг даласида ишлашга рози бўлганди. Аста-секин Перияннан уни ўз ҳимоясига олгач, жон қойитиб ишлайверди. Перияннаннинг кутилмаганда бетоблиги унинг туну кун беморга ғамхўрлик қилишига ва яна у билан

бир том остида яшашига сабаб бўлганди. Самимий хизматлари туфайли бугун у шу аҳволга тушиб ўтирибди – шуларни ўйлаб, Перияннан хафа бўлиб кетди. Унинг яна бир афсусланаётган жойи шунда эдики, ҳирсга берилишнинг бундай оқибати хақида нега аввалроқ ўйламади? Акс ҳолда бир аёл гуноҳ ва ҳақорат ботқоғига ботиб, бундай машъум қарорга келмаган бўларди-ку!

Азбаройи кўп ўйлайверганидан юрагининг бурчак-бурчаклари симиллаб оғрий бошлади. Гўё барча томирларига ўт тушди. Синган кўнгилни авайлаб тутганча Перияннан деди:

– Туғиладиган болага отасининг исми берилмайди, деб ўйлаб, шу ишни қилдингми? Сен менинг муҳаббатимни юзаки, хўжақўрсинга деб билдингми? Қалбларимиз энди пайвандлашганда нега бундай қилдинг?

Унинг кўзларидан тўкилган ёш доналари Танкаммининг юзига томмоқда эди.

Перияннаннинг муҳаббати сохта эмаслигини Танкамма биларди. Уни кафтида сақлашга тайёрлигини ҳам тушунарди. У диллар учрашувидан пайдо бўлган муҳаббат нишонасини юлиб олганидан ташвишда эди. У жамиятнинг бемаъни урф-одатларидан куярди. Ўзининг ожизлигидан, бу адолатсиз жамиятга қарши чиқишга ожизлигидан Танкаммага ачинарди.

Юзларига тушган кўз ёшларни арта туриб, Танкамма деди:

– Биз иккимиз бир-биримизга кўнгил қўйдик, бунинг ёмон жойи йўқ эди. Лекин бир оз эҳтиёт бўлишимиз керак эди. Аёл киши эҳтиёт бўлиб яшаши керак эди – бу менинг айбим. Мен нима қилай?.. Шунинг учун жонимни қурбон қиляяпман...

Ўлимни тилга олмасин, деган мақсадда Перияннан қўлини унинг оғзига тутди.

– Нималар деяпсан? Сенинг ўлимингга мени куймасин деб, шундай деяпсанми? Боқиб катта қилишим учун зурриёт қолдириб кетмаётганинг учунми? – Ғамгин овозда давом этди Перияннан: – Агар сен хоҳласанг ёки сал ишора қилганингда, мен бутун қишлоқ гувоҳлигида мандирга бориб, бўйнингга никоҳ туморини таққан бўлардим.

Перияннан ўз гуноҳларини ювиш учун изоҳ бераётгандек гапирарди.

– Сиз нимани ҳам тушунардингиз? Шундай қилиш мумкин эди, балки. Бу сиз учун маъқулдир, лекин мен ҳам шу фикрга қўшилсам... – бўлиб-бўлиб гапирди Танкамма.

– Бу билан сен ўлим – энг ҳақ йўл демоқчимисан?

– Менимча, биз бу гуноҳнинг олдини олишимиз мумкин эди. Биз нафсимизни тийганимизда гуноҳларимиз меваси ошкор бўлмасди.

У жамиятнинг шафқатсиз қоидаларини билар эди. Эрсиз бевага қавм ва табақаси яна қайта турмуш қуришга рухсат бермайди. Унинг билишича, бундай гуноҳ сабабли аёл бир умр иснод юкени кўтариб юришга маҳкум.

Иккисининг бир том остида яшаши ижтимоий чегарадан чиқишдек бир гап. Шунда ҳам Перияннан айтган қарорни Танкамма ҳазм қила олмади. Буни англаб, Перияннан деди:

– Ҳомилани туширмоқчи бўлибсан, айтсанг, биронта инглиз шифоко-рига олиб борардим. Нега бундай қилдинг?

– Бадномликни, гуноҳни ювмоқчи бўлгандим... Агар бу ишнинг охири ўлим бўлса, мен Тангрининг бу истагини жон деб қабул қиламан. Сизни ўйлаб, сиқилиб кетаяпман. Эримдан бошқа эркакка юрагимда жой йўқ эди. Лекин сизнинг яхши муомалангиз, табиатингиз, яхши хислатларингиз калбим қарорини ўзгартириб юборди. Энди унда ўсган ям-яшил дов-

дарахтлар куриб, тўнкаларигина қолган... – гапира-гапира, Танкаманинг нафаси тикила бошлади.

Унинг кўзлари ола-кула бўлаётгани ва танасини титроқ тутганини кўриб, Перияннан вақти-соати етганини тушунди. У ўлапти, шунда ҳам ўлаётганини билмасин деб Перияннан унинг қўлидан тутди ва бўшлиққа қараганча телбаларча бидирлаб деди:

– Сен ўлмайсан... Йўқ, йўқ, ўлмайсан...

Аёлнинг лаблари қимирламаса ҳам юзида жилмайиш асари кўринди. Танкамма унинг гапларига ишонганидан эмас, балки ёлғондакам тасалли бериб, кўнглини юпатмоқчи бўлганидан жилмайди. Кейин аста гапирди:

– Улимимдан сўнг сиз чўкиб қоласиз, шуни ўйлаб юрагим нотинч. Бева номи билан боғлиқ чегарани босиб ўтишдаги мақсадимга риюя қила олмадим. Сизни шундай ёлғиз ташлаб кетишни ўйласам, унда... унда... – у гапини тугата олмади. Перияннаннинг қўлидаги бош қуриган новдага ўхшаб, “шилқ” этиб тушди. У мангу жимликка маҳкум бўлди.

\* \* \*

Уруш майдонида душманга қарши чиққан қуролсиз жангчига ўхшаб, ҳаётнинг жанг майдонида Перияннан барча ишончу умидларини бой бериб бўлганди.

Сояга ўхшаб ортидан қолмайдиган Раъман унинг пойида ўтириб, таскин берарди. Мехр, мулоимлик ва миннатдорлик тўла нигоҳларида Перияннанга нисбатан чексиз ҳурмат ва ихлос бор эди.

– Раъман, менинг ҳеч кимим йўқ, бир сен ёнимдасан. Менга тегишли бўлган мана бу кафтдеккина ерга энди сен эгасан. Бу гапимдан ўзини хотамтой қилиб кўрсатмоқчи деб ўйлама, мен хотамтой эмасман. Ҳаётнинг аччиқ тажрибасидан ва таркидунёликни ихтиёр қилганимдан шундай деяпман... – сўнг, Перияннан бир оз ўйга толди ва давом этди: – Энди менинг ҳеч қандай қадрим қолмади. Ҳаммасини бой бердим. Мен ўзимни сенга топшираман, энди сен менга қарайсан...

У зоҳидларга ўхшарди. Бунини эшитиб, Раъман ўкраб йиғлаб юборди. Назарида, еру осмон бирлашиб кетгандек бўлди. Кўнглидан: “Хўжайин телба бўлиб қолмадимикан?” – деган ўй кечди. Ўлган ҳайвон гўштини еювчи, оқсуякларнинг хизматида умр ўтказувчи паст табақа вакили заминдорнинг авлодига қандай қилиб хўжайин бўла олинсин? Нима, шундай қилса, кишлокда ўз вақтида ёмғир ёғармиди? Қайтанга гуноҳ ва зулм авжга чиқади. Ҳазабдан кўзлар чакчаяди! Эй, Худо! Бу қандай синов бўлди?.. Ўкраб-ўкраб йиғлаганча, Раъман Перияннаннинг оёқларидан кучиб олди.

Перияннан чурқ этмасди. Шу туришида у барча ёлғонларга чап бериб, илм чўққисига етиб келган мураттаб донишмандга ўхшарди. У умид ва тушкунликни, шодлик ва қайғуни бир чақага олмайдиган авлиёдек сукут сақлар эди. Зеро, сукут – энг оқил файласуфдир.

Тамил тилидан  
Мактуба МУРТАЗОХЎЖАЕВА  
таржимаси

(Тамом)



## ЁНАЁТГАН ШАМЛАР ЗИЁСИ

*Сендан дардли кўшиқ қолсин дунёда...  
Мигель Унамуно*

Мактуб... Мактублар!..

Баъзан бир варақ қоғоз, боринки, ўн саҳифа бўлсин, оддийгина мактубнинг инсон ҳаётида, маъzur тутасиз, инсоннинг кундалик ҳаётида айтишга арзигулик ўрни борми, деб ўйлаб қоламан. Емиш, кийим-кечак, ўзаро муносабатлар, қариндош-уруғчилик, урф-одатларга итоат этмоқ, сирлашмоқ, ваъдалашмоқ, рўзғор қилмоқ, туғилган фарзандга чиройли исм қўйиш ташвиши, ҳар йили ўтадиган байрамларга тараддуд, саёҳатга чиқмоқ, туғилган кунларни нишонлаш каби беихтиёр бажо келтириладиган амаллар қаторида тилга олишга, эътибор қилишга арзийдимиз, дейман хаёлан. Сўнг... йўқ, йўқ, дейман, инсоннинг турмушида кераксиз нарсанинг ўзи бўлмайди, унинг ҳаёти ҳамма нарсадан ташкил топади, фақат ёвузлик, зулм, зуғум, номардлик, ноинсофлик, ҳаром-хариш ишлардан сақланиш кераклигини ҳис қиламан ва беихтиёр узоқдаги дўстимга мактуб ёза бошлайман. Кўнғироқ қилсам, SMS юборсам, Telegramм ёки Whats App<sup>1</sup> орқали ёки интернетда мулоқотга кирсам бўлади, лекин мен оппоқ қоғозда кўнглимда уйғонган ҳис-туйғуларни, илтижою гиналарни, энг муҳими, илиқ, ҳароратли, беғубор, тантиқ хаёлларим билан унга таъсир қилишни истайман. Славян халқларида речь – глупа, письмо – разумно, деган барқанот ибора бор, демак, мактуб дилга яқин, диллашиш учун бир наво янглиғ!

Ҳақиқатан шундайми? Унда тарихда бежиз битилмаган экан-да номалар!

Мактубларни даврининг сувратлари деса бўлади. Буюк француз адиби Стендалнинг “Адабиёт катта йўлда судраб кетилаётган улкан кўзғудир” деган таъбирини жиндай таҳрир қилишга ботинсак, мактублар катта йўлда судраб кетилаётган кўзғудир, дея ўзгартирилса хато бўлмас. Ҳар бир мактубда удумлар, одамларнинг кундалик турмуши, бирон халқнинг ўзига хослиги акс этмай қолмайди.

Шу маънода XIX аср рус ёзувчиларининг мактублари айниқса диққатга сазовордир. Улар нафақат мутахассислар, манбашунос ва тарихшуносларни, балки оддий ўқувчиларни ҳам қизиқтиради. Достоевский ва Толстой, Герцен ва Тургенев, Чехов ва Горькийларнинг адабий-бадиий мероси орасида роман ва ҳикоялари билан мактубларининг ҳам барабар қизиқиб ўқилиши бежиз эмас. Чунки уларда ҳар қандай бадиий асарга хос тўқима, ўйлаб топилган сюжетлар, бадиий образлар эмас, чинакам ҳаёт нафаси уфуриб туради, муаллифларнинг шахсий ҳаётига алоқадор тафсилотлар, уларнинг оддий қувонч ва ташвишлари, зиддиятларга бой ҳаёти, давр, санъат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, севги-муҳаббатлари, маънавий ва ижтимоий қарашлари таъсирчан ва гўзал тилда ифода этилгани билан ҳам ўқувчини мафтун этади. Бундай мактублар ҳикматлар чашмаси ҳамда ибрат манбаи вазифасини

<sup>1</sup> Telegramm, WhatsApp – замонавий ижтимоий тармоқ турлари.

ўтайди. Уларнинг ишқий мактубларини ўқиганда инсоният, моҳиятан, минг йиллардан буён деярли ўзармаганлигини ҳис қиламиз. Эҳтирос, рашк, умид, садоқат ҳақидаги тушунчалар асрлар давомида ўзгармай, ҳамон ўша-ўша, табаррук ва шарафли эканидан ҳайратга тушамиз. Бундай мактубларни ёзиш учун одамда адабий истеъдод бўлиши шарт эмас, балки ички дунёси бой, самимий ва кўнгли тоза ҳар қандай инсон ёза олиши мумкинлигини ҳис қиласиз.

Мана қаранг, Наполеон Бонапарт – ҳарбий одам, умри жангу жадалларда ўтган, Моцарт – бастакор, Сальвадор Дали – рассом, Каховский, Трубецкой, Волконскийлар турли соҳа эгалари – адабиётчи, шоир ёки ижодкор эмас, асло – лекин уларнинг мактубларини ўқиган одам руҳан ҳузур қилади, тўлқинланади, беихтиёр ўйга толади.

Кўпчилигимиз севиб томоша қиладиган “Душанбагача омон бўлсак” деган фильмда тарих дарсида биз учун (албатта мен учун ҳам) анчайин номаълум шахс – лейтенант Шмидт ҳақида гап кетади. Узига бино қўйган бир ўқувчи ўша тарихий шахс ҳақида жуда кам маълумот билишини хаспўшлаш учун “дарсликда атиги ўн беш сатр ёзилган” деб айбни бошқаларга ағдармоқчи бўлади. Зукко ва табиатан ўта маърифатли муаллим ўша лейтенант Шмидтга таъриф беради ва “хатлари эълон қилинган, ўқинг”, дейди. Янглишмасам, мен ўшанда институтни тугатиш арафасида эдим, кутубхонага бориб ўша лейтенант ҳақида маълумотлар топиб, сўнг хатларини ўқиб чиққандим. Фильм қаҳрамони айтган гапларга юз фоиз қўшилгандим ўшанда. Мулоҳазаларим юзакироқ бўлса ҳам яна фикримни давом эттириб айтсам, “Ўтган кунлар” фильмида (романда ҳам) мактублар жуда катта вазифани бажаради. Отабек билан Кумуш ёзишмаларини кўя турайлик, Юсуфбек ҳожининг номаси ўғлини муқаррар ўлимдан асраб қолмайдими? Мен хатларнинг инсон ҳаётига таъсири тўғрисида айтяпман.

Абдулла Қаҳҳорнинг хатлари-чи? Ўткир Ҳошимов билан Шукур Холмирзаевларга ёзган! Бутун адабиёт аҳли билади ёш, эндигина тетапоя бўлаётган ижодкорларга бу хатларнинг қанақа таъсир кўрсатганини...

Демак, инсон ҳаётида, қолаверса, бадиий асарлар қаҳрамонларининг ҳаётида ҳам мактубнинг роли мен ўйлагандан кўра салмоқлироқ ва бисёр экан.

Шунинг учун, келинг, илғари яшаб ўтган адиблар, лашкарбоши-ю давлат арбоблари, муаллимлар, шахматчиларнинг ўз яқинлари, оналари, севикли ёрлари, императорларга йўллаган мактубларини ўқийлик. Зеро, айнан бугунги кунда бундай номалар ҳаётда кўпни кўрган, зуқко китобхонга, шак-шубҳасиз, олам-жаҳон завқ бағишлайди.

Қадрли ўқувчи!

Журналимизда янги – “Мактублар” рукнини ташкил этишни режалаштирдик. Дастлаб улуғларнинг мактубларидан бир жуфти эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Биттаси XIX асрда яшаб ижод қилган рус адиби Дмитрий Григоровичнинг 65 ёшида замондоши, шу кунларда 155 йиллик таваллуд санаси нишонланаётган Антон Чеховга ёзган мактуби, икинчиси эса Чеховнинг жавоби. Шояд рус адабиётининг фахрларидан саналмиш бу адибларнинг самимий, бир-бирларининг ижоди ҳақидаги беғараз, таъмалардан йироқ фикр-мулоҳазалари, бир-бирига бўлган эҳтиром туйғулари, нақадар ибратомуз ўғитлару жўшқин миннатдорчиликларини ўқиб таъсирлансангиз, кўнглингиз қувнаса.

Таржимондан

## Д.В.ГРИГОРОВИЧ – ЧЕХОВГА

1886 йил 25 март, Петербург

Антон Павлович жаноб олийлари!

Бундан бир йил мукаддам, “Петербург газетаси” да тасодифан Сизнинг ҳикоянгизни ўқиб қолгандим, сарлавҳасини ҳозир эслолмайман, фақат менга қаттиқ таъсир қилган алоҳида, ўзига хос жиҳатлари ва асосийси – қатнашувчи қахрамонлар билан табиат тасвиридаги ҳавас қилгулик ҳаққонияти, ҳаётийлиги ҳамон ёдимда. Ўшандан буён гарчи ҳали-ҳануз ўз қадрини билмай таҳаллус остида ижод қилаётган инсондан ич-ичимда ўпкалаётган бўлсам-да, Чехонте номи билан эълон қилинган нимаики бўлса, барини ўқиб келаяпман.

Сиз ёзган нарсаларни ўқир эканман, муттасил равишда Суворин билан Буренинга мендан ўртак олиб Сизлар ҳам ўқинглар, деб маслаҳат беришни қанда қилмайман. Улар гапимга кириб ўқийдиган бўлишди ва мана ҳозир менга ўхшаб Сизнинг чин маънода истеъдодли эканингизга, шунингдек, айнан шу истеъдодингиз туфайли Сиз ижодкорларнинг янги авлоди ичида йўлчи юлдуз сингари порлаб турганингизга заррача шубҳа қилишмайди. Мен журналист ҳам, ношир ҳам эмасман; бинобарин, Сиздан ёлғиз ҳикояларингизни ўқиш орқали фойдаланишим мумкин холос, модомики истеъдодингиз ҳақида гапирар эканман, бунга қатъий ва астойдил ишонч ҳосил қилганим учунгина бемалол фикр юритяпман. Мен олтмиш бешга чиқдим, лекин адабиётга ихлосим, балки муҳаббатим илгари қандай бўлса, ундан-да кучайгандир ҳамда ёзувчи ва шоирларнинг муваффақиятларини кўрсам, айникса, бирон-бир жонли, иқтидорли асар эълон қилиниб қолса, шунчалик эҳтирос ва қизиқиш билан ўқиб чиқаман ва шунчалик қувонаманки, асти қўяверасиз, мана ҳозир ҳам шундай кайфият таъсиридаманки, сабрим чидамай Сизга қойил қолганимни айтишга ошиқмоқдаман. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас; мен қўшимча қилиб мана бундай дейишни истардим: Сизнинг руҳий кечинмаларни ҳаққоний таҳлил қила билиш, тасвирлаш бўйича (“Агафья” даги қор бўрони, тун манзараси ҳамда табиат тасвири ва ҳоказо, ва ҳоказолар) юксак маҳоратга эришганингиз, меъёр туйғуси, айникса, бир-иккита жумла орқали яхлит манзара чизиб бера олишдек иқтидорингиз: уфққа сингиб бораётган булутларни – “ўчай деб қолган кўмир чўғларини қоплаган кул янглиғ” дея китобхоннинг кўз олдида гавдалантира олувчи истиора қўллаганингиз – бағоят таъсирчан ва гўзалдир. Ишончим комилки, Сиз, чин маънодаги манзур бўларлик, бадий юксак асарлар яратишга қобил ва қодирсиз – Сизга табиат шу нарсани ато этган. Башарти шу ишончни оқлолмасангиз, маънан гуноҳи кабира қилган бўласиз. Бунинг учун нима кераклигини билсангиз керак: Худо берган истеъдодни кадрлаш лозим, бу ноёб бойлиқдир. Шошилманг, тез ёзиб ташлашдек одатдан сақланинг. Мен моддий-иқтисодий аҳволингиздан беҳабарман; мабодо, кўлингиз қисқа бўлса, яхшиси, бир замонлар бизга ўхшаб оч-наҳор юринг, сабр қилинг, куч-қувватингиз ва таассуротларингизни, руҳий камолот талаб-эҳтиёжларини исроф қилмай, фикрни пишитиб, пухта ўйлаб, дилингизда илҳом қайнаб-тошган лаҳзаларда ижод қилинг, битта ўтиришда ёзиб ташлаш иддаосининг ширин васвасаларига учманг. Ана шундагина чеккан заҳматларингиз эвазига битта ёзган ҳикоянгиз, турли пайтлар газеталарда пайдар-пай босилиб чиққан юзта дурустгина ҳикояларингиздан юз карра юқорироқ кадр топади; Сиз зукко ўқувчилар ҳамда барча китобхонлар эътиборини бир зумда қозонасиз ва



китобхон ҳурмат-эътиборидек улуғ мукофот соҳибига айланасиз. Ажабо, ҳикояларингизга аксар ҳолларда бирмунча бепарда, ранг берувчи оҳанглар, воқеаларни олиб кирасизки, ҳайрон бўламан, нима кераги бор бунинг? Ҳаққонийлик, реализм туфайли бадиий асарнинг нафислигига путур етмайди, мутлақо, балки аксинча, янаям баркамоллик касб этади. Сиз – услуби ўзига хос адиб, меъёр ва уйғунликни шунчалар ҳис қилишга қобилсизки, кўнглингизга оғир олмангу, руҳонийнинг тирноқлари қийшайиб кетган кир оёқлари билан киндигини тасвириб беришингизнинг заррача ҳожати йўқ; бундай деталлар тасвирининг бадиий қийматини асло кучайтирмаслиги у ёқда турсин, балки таъсирчан китобхон таъбини тирриқ қилади. Бу тахлит танқидий мулоҳазаларим учун маъзур тутарсиз деган умиддаман, зеро, Сизнинг истеъдодингиз даражасини билганим, бунга заррача шак-шубҳам йўқлиги ва ўз иқтидорингизни тўла-тўқис намойиш қилишингизни чин дилдан истаганим учунгина кўнглимда оғир тош бўлиб ётган мулоҳазаларимни изҳор этмоққа журъат қилдим. Эшитишимча, яқин кунларда Сизнинг ҳикоялардан иборат китобингиз чиқар эмиш; бордию китоб Чехонте тахаллуси билан чиқаётган бўлса, Сиздан ўтиниб сўрайман, ноширга кўнғироқ қилинг, токи Сизнинг ҳақиқий исми-шарифингизни қўйсин. “Янги давр”<sup>1</sup>даги ҳикояларингиз ҳамда “Овчи” деган асарингиздан сўнг умид қиламан ва ич-ичимдан ишонаманки, янги тўпламингиз муваффақият қозонади.

Менинг мулоҳазаларим ёки эҳтимол насихатим Сизга малол келмай, аксинча, фикрларимни тўғри кўнғил билан қабул қилажагингизни тасдиқласангиз, кўнглим анча кўтарилган бўларди; зеро, мен Сизга қатъий оҳангда эмас, балки ҳайрихоҳ бўлганим учун чин дилдан ёзаяпман, умидим бўлки, Сиз ҳам шу тахлит қабул қилгайсиз.

Кўлингизни дўстона сиқиб ва энг яхши тилакларимни билдириб қоламан.

*Ҳурмат билан  
Д.Григорович*

## ЧЕХОВ – Д.В.ГРИГОРОВИЧГА

*1886 йил 28 март, Москва*

Олийҳиммат, кўнгли пок раҳнамоим, Сизнинг мактубингизни ўқиб шунчалар таъсирландимки, азбаройи Худо, йиғлаб юборишимга сал қолди, миннатдорлик ва бу қадар саҳоватдан лол қолганимни таърифлаб беришга ожизман ва ҳолатимни, мактубингиздаги илҳомбахш, кўнглимни кўтарган изҳори дил сўзларини бир умр унутолмасам керак. Менинг ёшлигимни қанчалар эъзозлаб, иззат қилган бўлсангиз, Худойим Сизнинг кексалигингизни шунчалар ҳаловатли қилсин, Сизга миннатдорчилигимни қай тахлит изҳор этишни ҳам билолмай лолу ҳайронман. Ўзингизга аён, Сиздек мумтоз намояндаларнинг ҳар битта сўзи жамоатчилик эътиборидан четда қолмайди; ана энди, йўллаган номангиз иззат-нафсимга олам-жаҳон ором бағишлагани, менга пурғам ва саодатли дақиқаларни инъом этганининг кўламини тушуниб олаверинг. У олий даражадаги ҳар қандай ёрликдан устундир, ёш қаламқаш учун эса у бамисли бугунги ва келажакдаги фаолияти учун олдиндан берилган мукофотдур. Мен баайни

<sup>1</sup> XIX асрнинг 80-йиллари Россияда нашр этилган газета.

мастман-сархушман. Бундай юксак эътирофга муносибманми асли ёки йўқми – ҳукм чиқаришга ҳолим йўқ... Фақат такрор айтаманки, мактубни ўқиб лол қолдим, ҳайратга тушдим...

Бордию, ҳурмат қилиш ва асрашга арзигулик салоҳиятим бўлса ҳам, ҳалоллигингиз, софдиллигингиз олдида афсуслар чекиб иқрор бўламанки, шу чокқача ўзимга берилган бундай инъомни эҳтиёт қилиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим. Шу нарсанинг мавжудлигига шубҳа қилмасдиму бироқ ҳаминқадар деб ҳисоблар эдим. Ўзингга-ўзинг нотўғри баҳо беришинг, бадгумонлик ва ишончсизлик билан қарашинг учун оддийгина ҳаётий сабаблар кифоя қилади. Энди-энди эсласам, бунақа сабаблар менинг ҳаётимда етарли даражада бисёр экан. Яқин кишиларимнинг ҳаммаси, менинг қалам тебратиби юришимни доимо менсишмаган ва ҳақиқий фаолият қолиб қоғоз қоралашдек арзимаган, ҳавойи иш билан банд эканимдан норози бўлиб насиҳат қилишдан нарига ўтишмаган. Москвада юзлаб кадрдонларим бор, уларнинг орасида йигирмага яқини ижодкор, минг афсус, ҳазор афсус, шулардан лоақал биттаси ёзганларимни ўқиган ёки менга ижодкор сифатида қараган бўлса! Москвада, номи улуғ, супраси куруқ “Адабиёт тўғараги” деган уюшма бор: истеъдоди ва мавқеи турлича бўлган, катта-кичик адиблар ҳафтада бир марта ресторанда йиғилишади ва тилларига эрк бериб роса сўзамоллик қилишади. Мабодо, ўша ерга бориб, Сиз йўллаган мактубдан парча ўқиб берсам борми, юзингда кўзинг борми демай, устимдан қулишади. Беш йил мобайнида редакциядан редакцияга бўзчининг моксилик қатнаб, ўзимни адабий шумғия сифатида ёки маъзур тутасиз, майда-чуйда ҳою ҳавасимга муносабатларини кўравериб ўзим ҳам шунга, яъни ўртамиёна эканимга кўникиб қолиб, қани, ёзиб қол, кейин пушаймон бўласан, дедим ўзимга. Бу биринчи сабаби. Иккинчи сабаби, мен шифокорман ва қулоғимга қадар ўзимнинг соҳам – тиббиёт дунёсига ботиб кетдим, ўзингиздан қолар гап йўқ, иккита қуённи қувган овчининг ҳоли нима бўлишини яхши биласиз.

Нега буларни ёзаяпман, деган савол туғилиши табиий, оғир гуноҳларим учун афсус чекаётганимни сизга билдириб қўйгим келганидан. Шу чокқача адабий фаолиятимга ўта енгил, эътиборсизлик билан қараган эканман, бундай қилмаслигим керак эди, водариг! Бирон-бир ҳикоямни эслолмамки, бир кундан ортиқ ишлаган бўлсам, Сизга манзур бўлган “Овчи”ни эса, чўмилиш кийимида ёзиб ташлаганман! Мухбирлар ёнғин ҳақида қандай ёзишса, мен ҳам ҳикояларимни шундай бехосдан, тушуниб-тушунмай, на китобхон, на ўзим ҳақимда заррача қайғурмай ёзиб ташлардим. Ёзаётганимда иложи борица ўзим яхши кўрган, кадрлайдиган образлар билан тасвирни ҳикоямга тиқиштирамаслик пайдан бўлардим, нима учун асраб кўярдим, ёлғиз Худога аён.

Фаҳми ожизимча, Сувориннинг самимий руҳда ёзилган, назокатли хатидан кейин илк бор ўз ижодимга танқидий кўз билан қарашга одатлана бошладим, шекилли, мен арзирли ва жиддий асар ёзишга чоғландим, бироқ бундай адабий фаолиятга ноқобилман деб ўйлаганим учун интилишимга ҳожат ҳам қолмади.

Ана шу пайтда кутилмаганда Сизнинг мактубингиз қўлимга келиб тушди. Топган қиёсим учун узр сўрайману, аммо-лекин тўғриси, мактуб менга баайни шаҳар ҳокимининг “24 соат ичида шаҳардан чиқиб кетсин!” деган буйруғидек таъсир этди, яъниким, мен бирдан ботиб қолган ботқоқдан тез чиқиб кетиш эҳтиёжини туйдим.

Мен барча фикрларингизга қўшиламан. Сиз менга кўрсатаётган беҳаё,

бачканаликни “Ялмоғиз” деган ҳикоям босилиб чиққанда ўзим ҳам ҳис қилгандим. Шу ҳикояни бир суткада қойиллатиб ташламасдан, уч-тўрт кун ичида ёзганимда эди, шу нуқсонларга йўл қўймаган бўлардим...

Шошма-шошарликдек иллатга барҳам бераман, лекин бунга тез кунлар ичида эришолмасам керак... Мен кириб қолган йўлдан кутулиб чиқиш осон эмас.

Оч қолишга қолавераман, бошимдан ўтган бу, лекин менга боғлиқ эмас. Хат ёзишга бўш қолганимда ўтираман, бир суткада кундузи 2-3 соат, кечаси яна озгина ўтираман холос, майда-чуйда ишларга асқотиши мумкин бўлган вақтдан фойдаланаман ўзимча. Ёзда вақтим кўп ва тирикчилик осонроқ кечадиган кезлар жиддий нарсаларга уннайман.

Китобга менинг ҳақиқий исмиمنى қўйишнинг иложи йўқ, чунки энди кеч: китоб босмадан чиқиш арафасида. Петербурглик дўстларим Сиздан олдин ҳам тахаллус билан китобни расво қилмагин, деб маслаҳат беришганди, бироқ мен қулоқ солмагандим, нафсониятимга теккандир балки. Нашр этилаётган китобимдан эса кўнглим тўлмаяпти.

Тўплам ҳаваскор талабаларгина ёзиши мумкин турли ҳикоялардан иборат бўлиб, устига-устак цензура билан ҳажвий нашрларнинг муҳаррирлари патини юлиб ташлаб бир аҳволга солганки, бир нима дейишга ҳали ҳайронман. Кўзим етиб турибди, ўқиган китобхонларнинг ҳафсаласи пир бўлади, ихлоси қайтади. Агарда мен ёзган ҳикояларнинг ихлосмандлари борлиги ҳамда уларни Сиздек ижодкор кузатиб келаётганлигини билганимда эди, ушбу тўпламни зинҳор нашр эттирмасдим.

Бутун умидим келгусида ёзадиган асарларимдан. Мен 26 ёшга кирдим. Ҳали ёшман, эҳтимол эътироф этишга арзигулик бир нималарни энди ёзарман.

Бунақа узундан-узоқ хат ёзиб миянгизни ачитган бўлсам узр, умримда биринчи марта Сиздек улуғ инсонга мактуб йўллашга юрак ютиб эркалик қилганимни айбга буюрмайсиз.

Мумкин бўлса, менга фотосувратингизни юборсангиз<sup>1</sup>. Мен мактубингиздан шунчалар ҳам тўлқинланиб кетдимки, азбаройи Худо, бир-икки варақ нима, юз варақли мактуб ёзиб юбормоққа ҳам рози эдим. Худо сизни саодатли қилсин, соғ-саломат бўлинг, Сизни чин кўнглимдан ҳурмат қилишимга ва Сиздан беҳад миннатдор эканимга ишонишингизни истаб:

*А. Чехов*

*Рус тилидан  
Олим ОТАХОН таржимаси*

<sup>1</sup> Сувратни (суврат Чехов уй-музеи архивида сақланмоқда) Григорович 2 апрелда, кейинги мактубидаёқ “Кекса адибдан ёш истеъдод соҳибига эсдалик” дастхати билан юборган.



## Алессандро БАРИККО

(1958 йил туғилган)

### 1900

(Монолог)

Алессандро Барикко Италиянинг Турин шаҳрида туғилган. Биринчи китоби Россини ижодига бағишланган (1988). “Ғазаб қасри” (1991), “Денгиз-океан” (1993), “Ипак” (1995), “Гомер. Илиада” романлари муаллифи, Италиянинг нуфузли Виаржо ва Палаццо аль Баско адабий мукофотлари совриндори. У аллақачон ноанъанавий услуб соҳиби сифатида Ғарб адабиётшунослигида эътироф этилган.

Таржимон Феруза Рустамова адиб қаламига мансуб “1900” (“Novecento”) асарининг итальян тилидан ўзбекчада тағлама таржимасини тайёрлади. Таржимон Эшқобил Вали мазкур тағлама таржимани В.Николаев амалга оширган русча муқобили билан қиёслади, бадиийлаштирди.

Асар бир актёр томонидан ижро этилади. Саҳна кема тарзида жиҳозланади. Ҳикоянавис труба чалиб, турли-туман мусиқаларни бошлаб беради.

Таҳририят

Мен бу матнни актёр Эуженио Аллегри ва режиссёр Габриэле Вачис учун ёзган эдим. Улар жорий йилнинг июлида Асти шаҳрида ўтказилган фестивалда премьераси намойиш этилган спектаклни яратишди. Билмадим, бу саҳна учун пьеса ёздим дейишимга асос бўладими, йўқми – зеро, айрим шубҳаларим бор. Ҳозир матн китоб ҳолига келгач, назаримда, у пьеса ва овоз чиқарилиб ўқиладиган ҳикоя ўртасидаги алланимадек. Ўйлашимча, бундай матнларнинг аниқ атамаси ҳам йўқ. Ҳар қалай, мен учун бу муҳим эмас. Фикримча, ажойиб воқеанинг ўзи сўзлаб беришга муносиб. Ва уни кимдир ўқиб чиқади, деган хаёл мени завқлантиради

А.Б. 1994 йил, сентябрь

**Барбарага бағишланади**

Доим шундай бўлади: кимдир тўсатдан бошини кўтаради... ва уни кўради. Буни тушуниш қийин... Айтмоқчиманки, давлатманд саёхатчилар, муҳожир ва бошқа қаланғи-қасанғилар орасида узундан-узок йўлни босиб ўтсагу ва биз... Барибир ҳар доим кимдир, қандайдир

биттаси топилади-да, уни... биринчи бўлиб кўриб қолади. Балким, у бу дақиқада овқатланаётган чиқар ёки бекорчиликдан палубада тентираб юрар, эҳтимол, иштонини тўғрилайётган бўлар... бир лаҳзага шундай бошини кўтаради-ю, денгизга шунчаки кўз ташлаб... уни кўриб қолади. Турган жойига михланади-ю юраги минг пора бўлиб, хар доимгидек, э ўша хар доимига ҳам, онт ичаманки, уни кўриб қолган кимса бизга, кемага, ҳаммамизга қарата, бакиради (*тушкун овозда ва бўгинли*): А-МЕ-РИ-КА! Ва тош қотганича тураверади, худди ўша – Американи яратган зот кийёфасида суратга тушмоқчи бўлгандек. Гўё бу ижод жараёни билан ишдан сўнг ва дам олиш кунлари ўзининг тошйўнар жияни, удабуронгина ўсмир ёрдамида эрмак учун шуғуллангану кейин... озроқ ёрдам бўлгач, ўз қўллари билан Американи яратгандек...

Ўша Американи биринчи бўлиб кўрадиган одам исталган кемадан топилади. Йўқ бунини фақат тасодиф деб ўйламаслик керак... назаркардалик ҳам эмас... бу тақдир холос. Бундай одамларнинг қисматига туғилишлари билан шундай онлар ёзиб қўйилади. Ҳали гўдак пайтларидаёқ, диққат билан тикилсанг, уларнинг кўзида ажралишга, асаблар ва веналар бўйлаб, мия қобиғига-ю тилининг учигача сиқилиб оқишга ва ўша қичкирикка айланиб портлашга тайёр турган Американи кўриш мумкин (*бакиради*): А-МЕ-РИ-КА! Ҳа, ўша пайтдаёқ Америка шу ерда, гўдакларча масъум нигоҳда, бутун борлиғи билан товланади. Жойлашиб олиб, ўз галини кутиб ётади.

Бу ҳақиқатни кўрувчи ич кўзимни очган Дэрни Будмен Т.Д.Лемон 1900 – океан кенгликларида ижрода тенги йўқ ягона буюк пианиночи бўлди. Кишилар нигоҳида улар кўрган нарсалар эмас, балки кўрадиган нарсалари акс этади. У айнан шундай дерди: улар кўрадиган нарсалар.

Мен-ку, уларни кўрганман, Америкасини... Олти йил шу кемада, йилига олти марта бир йўналиш бўйлаб, Европадан Америкагача, у ёқдан-бу ёққа, зах океанда изғиганман. Қирғоққа чиққан пайтингда энгил хожатингни ҳам эплаб ушатомайсан, ҳамма нарса жой-жойида туради, аммо сен чайқаласан. Сузиш чоғи кемадан тушиш мумкин, фақат океанга... Мен кемага чиққан пайтимда ўн олти ёшда эдим. Хаёлимни банд этган ягона нарса, бу карнай чалиш эди. Шу сабаб билан “*Виржиниялик*” кемасига киши ёллашаётганлиги ҳақидаги хабар қулоғимга чалигани заҳоти портга бориб навбатга турдим. Мен ва менинг карнай. Январь, 1927. “Бизда карнайчилар керагидан ортиқ”, – деди менга кема компанияси вакили. – Биламан, деб жавоб бердим ва ўзимча чала бошладим. Вакил бирор асаб толаси қилт этмасдан, сўз қотмасдан охиригача тик туриб тинглади. Сабр қилди. Кейин савол ташлади:

– Бу қайси куй?

– Ким билади...

Унинг кўзлари ёнарди.

– Агар нималигини билмасанг, бунини жаз дейдилар.

Оғзи ажабтовур қийшайиб кетди, балким у шунақа жилмайгандир; унинг ўртадаги битта тиши тилла эди, гўё сотувга қўйилгандек ялтироқ.

– У ерда юқоридагилар бундай мусикадан ақлдан озиб қолишади.

У ерда юқорида – кемада дегани эди. Мийиғидаги жилмайишга ўхшаш нарса эса менинг қабул қилинганлигимнинг аломати эди.

Биз хар куни уч-тўрт марталаб чиқиш қилардик. Дастлаб люкс хоналардаги бадавлат томошабинлар, кейин бой, аммо иккинчи классда яшовчи жаноблар учун концерт берардик, баъзан эса, пастки қаватдаги

камбағалларнинг олдига тушиб расмий иш кийимларисиз, ким нимада бўлса шу ҳолатда куй чалардик ва кўпинча улар биз билан бирга рақсга тушиб кетишарди. Океан ҳадсиз эди, унинг салобати ваҳимага соларди, шу сабабли ҳам тинимсиз куй чалардик; одамлар вақт ўтганлигини сезмасликлари, қаерда ва ким эканликларини унутишлари учун ҳам чалардик; тагин рақсга тушишга мажбур қиладиганидан чалардик, ахир рақсга тушсанг ажални унутасан, ўзингни Худодан биласан. Чалган куйларимиз рэгтаймлар бўларди, зеро, бу куйлар Яратганнинг ўзи ҳам танҳо қолганида рақсга тушиб кетадиган хилидан эди.

Чиндан Яратган рақсга тушиб кетарди, агар у негр бўлиб туғилган бўлса...

*(Актёр саҳнани тарк этади. Жуда шўх, бироқ мазмунан аҳмоқона рақсбон мусиқа тиниб боради. Актёр кема жазменининг жозибадор кийимида саҳнага қайтади. Шу пайтдан бошлаб у ўзини гўё саҳнада, оркестрда иштирок этаётгандек тутлади.)*

Хонимлар ва жаноблар, хонимафандилар ва афандилар, беклару бегойимлар... сизлар кемамизга – “Титаник”ка ниҳоятда ўхшаш бўлган бу сузувчи шаҳарга хуш келибсиз! Жаноблар, тинчлик сақлансин! Жойингизни алмаштирманг! Жаноб, тўлиб-тошаётган жаноб, сизни яхши кўряпман, Океанга хуш келибсиз! Айтгандай, бу ерда нима қилиб юрибсиз ўзи? Гаров ўйнайманки, кредиторларингиз изингиздан қувиб юрибди, сиз олтин васвасасидан ўттиз йилга кечиккансиз, кемани бир томоша қилмоқчи бўлгансизу, кема сузиб кетганлигини, эҳтимол, сезмай қолгансиз ҳам, уйдан аслида бир дақиқага сигарета сотиб олиш учун чиққансизу, бу пайтда сизнинг хотинингиз полицияга келиб улгурган ва сизнинг қандай яхши, ажойиб эр бўлганлигингизни, ўттиз йил мобайнида бирон марта ҳам жанжал чиқармаганлигингизни ҳикоя қилиб бермоқда... Умуман, сиз сасиб-бижғиган дунёдан уч юз миль узоқда, энг зўр кўнгил айнишидан икки қадам берида, нима қилиб юрибсиз? Пардон, мадам, мен ҳазиллашдим, бу тоғорамиз гўё бильярд соққаси мисол Океан столи узра думалаб бормоқда! Хўп! Яна олти кун, икки соату қирқ етти дақиқадан сўнг – биз “шақ” этиб чуқурчага тушамиз: Нью-Й-о-о-о-о-орк!

*(Оркестр куй чалади.)*

Ўйлашимча, бу кеманинг кўп жиҳатдан ноёблиги ва ҳатто нодирлигини сизга тушунтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак. Батофобияга йўлиққанлиги ва ўта донолиги билан машҳур капитан Смит раҳбарлигида (сиз, эҳтимол, капитаннинг қутқарув қайиғида яшаётганлигини сезгандирсиз) сизга камдан-кам учрайдиган, мутлақо тушуниб бўлмайдиган экипаж, профессионаллар жамоаси хизмат кўрсатмоқда: Пол Сежинский – руль бошқарувчиси, собиқ поляк попи, табиатан эҳтиросга берилувчан, биотерапевт, афсуски, кўзи ожиз. Билл Янг – радиотелеграфист, буюк шахмат мухлиси, чапақай ва дудук. Кема шифокори Клаузерманшпитцвегенсдорфентаг, мабодо зарурат туғилиб қолса чақираман деб ақлдан озишингиз мумкин. Ва энг муҳими: жаноб Пардин – ошпазлар бошлиғи, қоқ Парижда туғилган, аммо бу ерда хайратомуз бир нарсага гувоҳ бўлгач, келган жойига жўнаворган – бу кемада ошхона йўк, буни 12-каютада яшовчи жаноб Камамбер ҳам ҳазиллашиб эслатдилар. У зот бугун обреш

тўла майонезга дуч келибди, бу жуда қизик, ошхонамиз йўқлиги учун об-резларда тўғралган мева сақлаймиз-да. Шу сабабли кемамизда ҳақиқий ошпаз ҳам йўқ. Айтганимдек, жаноб Пардин кемада ошхонани излай-излай тополмай ватани Парижга қайтган, далилларга ишонмай иложимиз йўқ – лойихачи, буюк муҳандис Камиллерининг хотираси сустилиги сабабли, ростдан ҳам ҳазиллашгандай кема ошхонаси чизмаларда унутиб қолдирилган ва ҳеч қачон бу кемада ошхона бўлмаган. Сиздан давомли ва гулдурос қарсақларингизни умумбашарий шуҳратга лойик бўлолмаган муҳандисга бағишлашларингизни сўрай-ма-а-а-н!

*(Яна оркестр чалади.)*

Менга ишонаверинг, бунақа кемани бошқа тополмайсиз: йўқ, балки, беш-олти йил ахтарсангиз, сиз эҳтимол, сувдан қўрқадиган капитанни ҳам, кўзи ожиз дарғани ҳам, исми-шарифи айтилиши оғир бўлган докторни ҳам, барча-барчасини бир йўла ошхонаси йўқ кемада учратишингиз мумкин. Эҳтимол. Аммо ўшанда ҳам, онт ичиб айтаманки, бу ердагидек, ҳозирнинг ўзидаёқ, ўтирғичнинг ўн сантиметрига илиниб ўтириб олиб, минг метрча сув юзасида, Океаннинг қоқ юрагида, кўзингиз мўъжизадан ва кулоқларингиз ҳайратдан донг қотганча, оёқларингиз оҳангга мос ер тепганича, қалбларингизни битмас-туганмас АТЛАНТИК ЖАЗ – БА-А-А-АНДга қондириш сизга ҳеч қаерда насиб этмайди.

*(Оркестр чалади. Актёр созандаларни бирин-кетин таништиради. Ҳар бир исм ортидан қисқача соло янграйди.)*

Кларнет – Сэм, “Соня” Вашингтон!  
 Банжо – Оскар Деллагуэрра!  
 Карнай – Тим Туни!  
 Тромбон – Жим Жим, “Нафас”, Хелап!  
 Гитара – Сэмюэл Хокинс!  
 Ва ниҳоят рояль ортида... Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900.  
 Буюқлардан буюги!

*(Муסיқа бирдан тўхтайдди. Актёр суҳандонлар оҳангидаги нутқини тугаллаб, созандалар кийимини ечади ва монологни давом эттиради.)*

...У ҳақиқатда шундай буюқ муסיқачи эди. Биз муסיқа чалардик – у бутунлай бошқа илоҳий ижод билан шуғулланарди... У чалган алланарса ҳали дунёда яратилмаган, эшитилмаган бўларди. У рояль олдидан тургач, ҳалиги нарса яна йўққа айланарди... энди ҳеч қаерда, ҳеч қачон такрорланмасди... Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900. Сўнгги марта кўрганимда, у бомбада ўтирганди. Ҳазил эмас. У динамит тўлдирилган яшиқда ўтирарди. Бу жуда узун тарих... У менга доим “Токи бирон-бир яхши воқеа ва уни тинглашга қодир кимса топмагунингча сенга ҳақиқатан ҳамма нарса барибир”, дер эди. У битта яхши воқеани биларди. Бу яхши воқеа унинг ўзи эди.

Ақл бовар қилмас бўлса-да, дурустроқ ўйланилса, чиройли тарих... Ўшанда динамит уюмида ўтирган ҳолда, у бу тарихни менга совға қилган. Чунки унинг энг кадрдон дўсти эдим-да... Бу ривоятни ҳар қандай ҳолу аҳволимда асрадим, бошимга турли ташвишлар тушганда ҳам ундан аж-

ралмадим, ҳатто карнайимни сотдим, ҳамма нарсамни сотдим, аммо бу тарихни, йўк... мен уни йўқотмадим, у ҳамон мен билан, соф ва англаниши қийин – худди мусикадай, худди Океан ўртасида сеҳргар-пианиночи Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900 ижро этган мусикадай.

*(Актёр парда ортига чекинади. Оркестр чалади. Сўнги аккорд билан актёр саҳнага қайтади.)*

Уни топиб олган матроснинг исми Дэнни Будмен эди. У болани тонгда, Бостонда йўловчилар кемадан тушган пайтда, картон қутидан топиб олди. Бола қутида ҳатто йиғламасдан, кўзини лўқ қилганича тинч ётарди. Уни биринчи класснинг ракс залида қолдиришибди. Рояль устида. У ўн кунликча эди, бундан ортиқ эмас. Аммо болани айнан шу классдагилар дунёга келтирганига шубҳа бор. Одатда, муҳожирларда шундай бўлади. Бирон-бир яширин кунжақда туғишиб, ўша ерда қолдиришади. Аммо бунга фақат уларнинг аблаҳ эканликлари сабаб эмас. Ҳамма гап камбағалликда, чорасиз йўқчиликда эди. Бу ҳол кийим-кечак билан боғлиқ қандайдир ҳодисаларни эсга солади... улар бортга якка-ю ёлғиз, астар-авраси чиққан костюмда, шимларига ямоқ солинган ҳолда кўтарилишарди. Аммо кейинроқ, Америка – доим Америка эканлигини инобатга олиб, сафарлари қаригач, биз уларни мутлақо кирови кийиниб, ҳатто бўйинбоғларда, эркак ва болалар оқ кўйлақларда кемани тарк этишаётганликларини кўрганмиз. Умуман, улар ўз ишларини яхши билишарди: йигирма кунлик сузиш давомида нукул бичиб тикишарди ва сафар сўнгида кемада биронта дарпарда ёки бирон бир чойшаб топиб бўлмасди, ҳеч гап бўлмагандай: ҳаммаси Америка учун бинойидек кийимга айланарди.

Вақти-вақти билан кемада ташландиқ бола қоларди – эмигрант учун ортиқча оғиз ва имиграция муассаси учун эса, яна бош оғрик. Қайсидир маънода у пардалар ва чойшаблар ўрнига қолдириларди. Айни гўдак билан ҳам ана шундай бўлгандек эди. Агар уни биринчи класснинг ракслар залидаги рояли устида қолдирсак, балким, бирон бир бойвачча асраб олар ва тўкин-сочин ҳаёт билан таъминлар, деб ўйлашгандир. Бу режа ёмон эмас эди. Ҳолбуки, ярми амалга ошди. У бадавлат бўлолмас-да, пианиночи бўлди. Бўлгандаки, дунёда энг зўр пианиночи!

Демак. Қария Будмен болани ўша жойдан топади ва унинг ким эканлигидан далолат берувчи далилни ахтаради. Аммо топган қутисида кўк сиёҳ билан ёзилган ёзув бўлади: Т.Д.Лемон – шундоқ ёнида лимонга ўхшатиброқ чизилган бир нарсанинг расми ётарди. У ҳам кўк рангда. Дэнни филадельфиялик гумбаздек, ёввойироқ негр эди. У болани кафтлари билан чангаллаганича: “Салом, Лемон!”, – деди. Шунда кўнглининг тубида оталикка ўхшаш ҳис кўзғалди-ю у бутун умр Т.Д. харфлари: “Ташаккур, Дэнни” деган маънони билдиришини такрорлаб юрди. Албатта, бу нодонлик, аммо унинг бунга ишончи йиллар давомида ортса ортардики, камаймади. У сидқидилдан ишонарди: Т.Д. – Ташаккур, Дэнни. Унга бир марта алмойи-алжойи қиёфадаги, и-и-ингичка, худди лотин маъшуклариникидек мўйлаб қўйган одам ва лимон сурати туширилган рекламали газетани келтиришди. Суратнинг тагида ёзуви ҳам бор эди: “Тано Дамато, қирол лимонлари”, қандайдир мукофот ёки гувоҳнома ҳам илова қилинганди: Тано Дамато... алланимабало. Қария Будменнинг тили заҳар эди: “Қайси хунаса ўчакишмоқчи?”. Бироқ барибир газетани ўзида қолдирди, чунки реклама билан бирга от пойгаларининг натижалари ҳам



эълон қилинганди. У пойгаларга пул тикмаган эди, албатта, унга отларнинг лақаблари ёқарди холос. Бу уни чиндан завқлантирадиган нарса эди, қария сенга тинимсиз такрорлаши мумкин эди: “Буни эшит, мана буни кара, кеча Кливлендда чопаётган эди, кулоқ сол, унинг лақаби Чуммоқ тушунасанми, қандай зўр-а, қарагин, бунисиники Учқулоқ, ўлиб қолай!” Қисқаси, унга отларнинг лақаби ёқарди ва бу мутаассиблик эди. Ким ютганининг унга ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Лақаблар, номлар бор холос ва улар қарияни ҳаяжонга соларди.

Қария болага дастлаб ўзининг исмини қўйди: Дэнни Будмен. Бу унинг ҳаётида кўзга ташланган ягона манманлиги эҳтимол. Сўнгра “Т.Д.Лемон”ни қўшиб қўйди, зеро қутида шундай ёзилганди, бундан ташқари, исм ўртасида ҳарф бўлса, салобатли кўринади, деб таъкидларди қария. “Барча адвокатларнинг исмида ҳарфлар бор!” – унинг фикрини маъқуллади, механик Бэрти Бум Бечора П.Т.К. Уондер исмли адвокатнинг шарофати билан бир неча йил қамалиб чиққанди. “Агар у адвокат бўладиган бўлса, мен уни ўлдираман”, – дея хулоса чиқарса-да, қария Будмен бош ҳарфларни сақлаб қолди. Хуллас, Дэнни Будмен ва бошқа машина бўлимидагилар Бостон портида тўхтаб туришганида машиналарни ўчиришиб, секин такрорлаб, эшитиб кўришди. “Чиройли исм, – деди қария Будмен яқунда, – аммо нимадир етишмаяпти. Унга жарангдор тўхтаб камлик қиляпти”. У ҳақ эди. Исм жарангдор яқунланмасди. “Чоршанба сўзини қўшайлик, – деди официант Сэм Сталл, – Сен уни чоршанбада топувдинг, Чоршанба, деб атайқол”. Дэнни бир оз ўйланиб турди. Кейин кулганича давом этди: “Сэм, тузукрок фикр бор. Мен уни бу ярамас асрнинг биринчи йилида топдим, шундай эмасми? Шунинг учун уни 1900 деб атайман”. – “1900?” – “1900”. – “Аммо бу рақам-ку!” – “Рақам эди, исмга айланди”. Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900. Ажойиб. Бетакрор. Улуғ исм, эй Худо, чиндан-да ноёб исм. Бу исм билан у узоққа кетади. Дэнни Будмен Т.Д.Лемон 1900 уларга тикилар ва жилмаярди. То-мошабинлар эса тахтадек қотишганди: ҳеч ким шундай кичкина боланинг таглиги шунчалик дўмпайишини кутмаган эди.

Дэнни Будмен кемада яна саккиз йилу икки ой ва ўн бир кун хизмат қилди. Океанда довул пайти узилиб кетган лаънати шкив<sup>1</sup> тўғри унинг елкасига келиб тушди. У уч кун ажал билан курашди. Аммо ичи эзилиб кетган эди, ҳеч нарса уни кутқазолмасди. Бу пайтда 1900 ҳали гўдак эди. У Дэннининг каравоти олдида ўтирганича, ўрнидан жилмади. Унинг олдида эски газеталар боғлами ётар ва у уч кун мобайнида ҳайратомуз чидам билан жон бераётган қария Дэннига газеталардан топа билган барча пойга натижаларини ўқиб турди. У Дэнни ўргатганидек ҳарф ҳамда сўзларни қўшар ва бунда бармоқчаларини сатрлар узра юргизиб, улардан фойдаланарди. У секин ўқирди, барибир, ўқирди. Шу тарзда қария Дэнни Чикагода ўтказилган Олтинчи пойгада Жунбош лақабли от, Синик тақадан бор бўйига ва Мовийдан беш марта ошиқрок илдамлаган пайтда жон берди. Уни елкан билан кафанлашиб, Океанга қайтаришди. Елканга қизил бўёқ билан капитаннинг ўзи ёзиб қўйди: “Ташаккур, Дэнни”.

Шу тарзда қутилмаганда 1900 етим қолди. У саккиз ёшда бўлиб, Америка ва Европа оралиғини эллик марталаб кесиб ўтишга улгурганди. Океан унинг уйи эди. Ерга келсак, у бирон марта ҳам унга қадам босмаган. Албатта, у ерни кўрган: бортдан, портларда тўхтаб турилганда. Ерга тушишга келганда эса – йўқ, бирон марта тушмаган. Ҳамма гап

<sup>1</sup> Шкив – тасмаларни ҳаракатга келтирувчи ғилдирак.

шундаки, Дэнни болани хужжат ёки виза, хуллас, шунга ўхшаш нарсалар сабаб ўзидан олиб қўйишларидан кўрққан. Натижада 1900 доим бортда қолар, маълум вақтдан сўнг эса кема яна йўлга тушарди. Агар аниқроқ ифодаласак, 1900 бу дунёда гўё йўқдек эди – унинг исми қайд этилган бирор шаҳар, черков китоби, касалхона, қамокхона, бейсбол жамоаси мавжуд эмас эди. Унинг на ватани, на туғилган куни, на оиласи бор эди. Ёши саккизда бўлса-да, расман ҳеч қаерда туғилмаганди.

“Бундай давом этиши мумкин эмас, – дейишарди баъзан Дэннига. – Бундан ташқари, бу қонунга зид”. Аммо бунга Дэннининг жавоби тайёр эди. “Қонунни илганим бор!”. Унга қарши гапириш мушкул эди.

Дэнни вафот этган сафар сўнггида улар Саутхэмптонга келишгач, капитан бу томошага чек қўйишга қарор қилди. У порт маъмурларини чакириб, ўз муовинига 1900ни келтиришни буюрди. Аммо муовин болани топа олмади. Уни кема бўйлаб икки кун ахтаришди. Самарасиз. Бола йўқ эди. Бу кўпчиликда нохуш кайфият туғдирди, чунки бу ерда “Виржиниялик” да ҳамма болакайга ўрганиб қолганди, аммо ҳеч ким буни эътирозини баралла айтишга журъат этолмасди. Бортдан ташлаш учун ҳеч нарса керак эмас... кейин денгиз нимани хоҳласа шуни қилади... Икки кундан сўнг кема 1900ни қолдириб ва ҳатто у ҳақдаги бирон хабарсиз Рио-де Жанейрога қараб йўлга тушганда ҳамма ортиқ куйинди...

Сузишнинг иккинчи кунда – ирланд қирғоқлари кўздан йўқолгач, боцман Барри, капитаннинг хонасига довдираб югуриб кирди, уни уйғотди ва содир бўлаётган воқеани бориб, ўз кўзи билан кўришни илтимос қилди. Капитан обдон сўқиниб олди, аммо боцманнинг ортидан борди.

Биринчи класснинг ракс майдони.

Қоронғилик.

Киришда кишилар ич кийимда. Каюталарини тарк этишган йўловчилар. Ва яна матрослар ва машина бўлиmidан кўтарилган учта қора ҳамда Тирумэн, радиотелеграфист.

Ҳамма сукутда, термилишади.

1900.

У рояль олдида стулда ўтирарди, оёқлари полга тегмасди.

Ва чаларди.

Худди Маъбуддек.

*(Фортеньянодан жуда оддий, сокин ва жозибадор куй янграйди.)*

У ҳеч кимга маълум бўлмаган жуда ажойиб нарсани чаларди. Ҳеч ҳам кўзбўямачилик эмас, унинг айнан ўзи чаларди, клавишларда ҳам айнан унинг бармоқлари, қандай эплаётганлиги эса ёлғиз Яратганга аён. Буни тинглаш керак холос. Ҳозир бўлганлардан бири – қизил либосли, сочларига бурагичлар кистирган кекса хоним... қандай тушунтирсам экан... бир қоп пул, америкалик суғуртачининг рафикаси... ўша хонимнинг кўзларидан йирик-йирик кўз ёшлари думалаб, тунги крем суркалган қовоқларидан оқарди, ўзи эса тош қотганча тинглар ва тўхтовсиз йиғларди. Жунбишга келган капитан унинг ёнида чинакамига оташин ҳолда пайдо бўлганида, бойвачча хоним бурун торгганча рояль томонга кўли билан ниқтаб, сўради:

– Исми ким?

– 1900.

– Куйнинг эмас, боланинг?

– 1900.

– Худди куйники кабими?!

Бу айнан тўрт-беш лукмадан сўнг капитаннинг тоқати тоқ бўладиган сўзлашув услуби эди. Ўлиб кетган дея ҳисоблаб юрган бола нафақат тирик, ҳатто бу орада рояль чалишни ҳам ўрганиб олгани маълум бўлган пайтдаги суҳбат янада оғир эди. Капитан бойвучча хонимни кўзида ёш билан турган жойида қолдириб, тунги чолворда ва олдлари ланг очик капитанлик мундирида кескин одим отиб салонни кесиб ўтди. У рояльнинг олдига етгандагина тўхтади. У жуда кўп нарсани айтиб солмоқчи ва шу баҳонада: “Сен, шайтон қопқур, буни қаерда ўрганидинг?” – ёки бўлмасам: “Сен, бўйнинг қотгир, шунча вақт қаерга яширинган эдинг?” каби саволларни бериб олмоқчи эди.

Аммо мундир кийганларнинг фикри ҳам, одатда, бир қолипга тушган бўлади. Ва у қуйидагича гап қотди:

– 1900, бунинг бари тартиб-қоидага ҳилоф.

1900 тўхтади. У камгап, аммо ўта қобилиятли бола эди. Бола капитаннинг кўзига мулойим қаради-да, бир оғиз гап айтди:

– Қоидаларни илиб қўйдим.

*(Тўфон шовқини.)*

Денгиз уйғонди / денгиз ғазабга олди / тўлқинлар осмонга сапчиди / сувлар сапчиди / шамолдан булут ва юлдузлар узилди / денгиз ғазабга келди / ким билади кўпгами / кун бўйи қутурсами / қачон тугаркан / бунинг барчаси ҳақда она / ҳеч сўз демас менга онам / алла-ё алла, / тебранар денгиз алла айтади / аммо борлиқ жунбишда / ҳам кўпик, ҳам оғриқ / нодон денгиз / қаерга қарасанг ҳам / фақат зулмат / ва қора деворлар / ва қора тўзон / бизлар соқов / кутаяпмиз / бунинг тугашин / кема ҳалокати / она мен буни истамасман / сокин сув истайман / сизнинг аксингизни кўрсатадиган / турғун / бу ерда эса / аҳмоқона деворлар / сувлар / энди кулашмоқда / шовқин билан / мен тинч сувга қайтишни истайман

яна денгизга

ва тинчликка

ва нурга

ва сув узра

учаётган учқур

балиқчаларга

қайтишни истайман.

Менинг биринчи сузишим, менинг биринчи тўфоним. Ёвуз қисмат. Мен дурустрок англаёлмадим ҳам, қандай бўлганлигини бу сузиш; “Виржиниялик”нинг ҳаётидаги энг ҳалокатли тўфон мени қамраб олди. Қоп-қоронғи тунда унга кимлардир бор ғазабларини сочишди ва кемани бутунлай тўфон ихтиёрига топширишди. Океан. Гўё тўфоннинг интиҳоси йўқ эди. Кемада вазифаси карнай пуфлашдан иборат бўлган кимсадан тўфон бошланаётганда наф кам. Албатта, у чалишни рад этиши мумкин. Умумий қайфият мос келиб, чиғириқдан ташқари бўлмаслик ва гўё инонихтиёри ўзида эканлигини кўрсатиш мақсадида, каютасидаги тўшагига узала тушиб ётиши мумкин. Аммо менинг тоқатим тоқ бўлиб, бардошим туганган эди. Шубҳасиз, сен бошқалардан кўра пешроқ, сен ўзингча ётаверасан, лекин ишончинг қомил бўлсинким, эртами, кечми нақ миянгда бир фикр пайдо бўлади: оқибати ёмон бўлади. Мен оқибати ёмон бўлишини

истамасдим, шу сабабли каютадан эмаклаб чикдим ва кема бўйлаб дайдиб кетдим. Ўзим қаерга улоқаётганлигимни билмасдим, кемага келганимнинг энди тўртинчи куни бўлса, ҳожатхонага йўлни топа билсам, хурсанд бўлардим. Бу улкан тоғора кичкина сузувчи шаҳарчанинг ўзгинаси.

Ҳақиқатан шундай. Натижада ҳаммаси маълум эди: у томондан бу томонга отилавериб, йўлакларга зўрға йўл топавериб, охир-окибатда адашиб кетдим. Вазият ниҳоятда мураккаб эди. Айнан шу лаҳзада бежирим қора костюм кийган кимса пайдо бўлди; у бамайлихотир қадам ташларди, йўлни билишига эса, шубҳа йўқ эди. У худди Ницца қирғоғида сайр этаётгандек, чайқалишни сездирмасди, бу 1900нинг ўзи эди.

Бу пайтда у йигирма етти ёшда бўлса-да, каттарок кўринарди. Мен у билан танишиб улгургандим: ўтган тўрт кун мобайнида биз оркестрда бирга чалаётгандик, танишлигимиз шу эди холос. Мен ҳатто унинг каютаси қаердалигини ҳам билмасдим. Албатта, менга у тўғрида баъзи нарсаларни айтиб улгуришганди. Эшитганларимга ақл бовар қилмасди, масалан, 1900 ҳеч қачон бу кемани тарк этмаган, шу ерда туғилган ва ҳар доим шу ерда яшаган. Ҳар доим. Йигирма етти йил давомида бирон марта ерга қадам босмаган. Бунинг бари жуда катта ҳазилдек туюларди... Унинг бўлиши мумкин бўлмаган куйларни чалиши ҳақда ҳам гап юрарди. Мен ўз кўзларим билан кўриб ишонган нарсам – концертдан олдин, у ерда, ракс салонида, Фриц Ҳерманн, оқ юз, мусиқада балони ҳам тушунмайдиган, хушсурат бўлгани учунгина оркестрга раҳбар бўлган кимса пианиночининг олдига келиб, ҳар гал паст овозда илтимос қилиши эди:

– Инсоф қил, 1900, фақат одатий ноталарда бўлсин, маъқулми?

1900 маъқуллаб бош қимирлатар ва одатдаги ноталардагидай чаларди. У кўз олдидаги қандайдир нуқтага тикилиб олар ва ҳеч қачон қўлларига қарамасди, ўй-хаёли бутунлай бошқа оламда кезарди. Бу пайтлар ҳали уни яхши билмасдим; шунчаки ақли жойида бўлмаса керак, деб ўйлардим.

Ўша тунда, тўфон забтига олган пайтда, у омадли жентльмен киёфасида, ўзимни йўқотиб рангим ўлик тусга кирган пайтда менга тўқнашиб қолдида, жилмайганича деди: “Кетдик”.

Агар кимдир, кема оркестрида созандалик қиладиганлардан бўлса-ю, тўфоннинг авж палласида унга “кетдик” дегувчи бировни учратиб қолса, у, яъни созанда, бу ҳолда бир нарса қилиши мумкин: кетиши. Мен ҳам унга эргашдим. Аммо фақат у шахдам қадам босарди. Мен эса... нима дейишимни ҳам билмайман, айтилик, камина у каби бу вазиятда салобатга эга эмас эдим, ҳарқалай, нима бўлганда ҳам биз ракс залига етиб бордик, кейин эса у ёқдан бу ёққа тўпдай урилавериб, бир амаллаб – албатта, бу гап мен ҳақимда, у эса худди темир йўлда сирпангандек баҳузур кетарди – роялга етдик. Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Нимкоронғилик ҳукмрон, фақат у ер-бу ерда чирок нурларининг акси бор. 1900 рояль оёқларига имлаб:

– Тутқичларни еч, – деди.

Кема сидқидилдан ракс тушар, оёқда туришнинг ўзи жуда катта машаққат эди; мен рояль оёқларини ечиб юборишда мантқиқни сезмадим.

– Агар сен менга ишонсанг, еч.

“У телба” деган қатъий фикрга келдим, аммо тутқичларни бўшатдим.

– Энди ўрнингдан тур ва ёнимга ўтир, – деди 1900.

У нима ўйлаганини тушунмасдим, англамасдим, тамом-вассалом. Мен тик турганча улкан қора совун бўлагини эслатувчи, сирпанчик роялни ушлаб қолишга ҳаракат қилардим. Тўфоннинг қоқ юрагида, устига-

уштак, рояль стулига – яна бир қора олқиндига миҳланиб, кўлларини клавишларга елимлаб олган мана бу девона билан, онт ичаманки, вазият ниҳоятда расво эди.

– Агар ҳозир ўтирмасанг, ҳеч қачон ўтиролмайсан, – такрорлади девона жилмайганича.

*(Актёр ҳалинчакка ўхшаши нарсага ўтиради.)*

– Яхши! Ҳаммасини илганимиз бор? Розиман, кўп нарса йўқотсак-да, мен сенинг аҳмоқона стулингга ўтирдим, мана, хўш, энди нима қиламиз?

– Эндими – кўркма.

Ва чала бошлади.

*(Роялда соло янграйди. Майин ва жозибали вальсга ўхшаши мусиқа. Актёр ўтирган аргимчоқ ҳаракатга келади. Актёр ҳикоясини давом эттиргани сайин, аргимчоқ ҳаракати тезлашади, саҳна чегарасигача юқорилайди.)*

Энди эса, ҳеч ким менга ишонишга мажбур эмас, ростини айтсам, менга биров айтиб берганида ўзим ҳам ишонмасдим, бироқ бўлари бўлган: воқеа аслида шундай кечганди – рояль ракс залининг ёғоч полида силжирди, у билан бирга биз: мен ва 1900 сирпанардик; у клавишлардан кўз узмаган ҳолда чалар, аммо ўзини бутунлай унутгандек, бошқа маъволарда юргандай туюларди, рояль эса тўлқинлар ортидан борарди – гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб, гоҳ ойнаванд эшикларни кўзлаганча ўз ўрнида айланар ва ойналарга урилишга сал қолганда қотиб қолар ва енгил изига қайтарди, сизга айтсам, гўё кема бизни аллаларди, таассурот шундай эди ва мен... ҳеч вақога тушунмасдим; 1900 эса бир лаҳза тинмай чалар, унинг шунчаки чалмаётганлиги, у бу роялни бошқараётганлиги аниқ эди, тушуняпсизми, клавишлар биланми ёки ноталар биланми, билмайман, у асбобни қаёққа хоҳласа ҳайдарди, бу абсурд, аммо чиндан шундай бўлганди. Биз столчалар оралаб, чироқлар ва юмшоқ ўтирғичларни ағдарганимизча айланар эканмиз, мен бир нарсани тушуниб қолдим, ҳозир биз қилаётган иш, биз амалда ўйнаётган нарса, Океан билан вальс эди, мен ва у, туннинг олтин ранг тўшамасида, эҳтирос билан бир хил ракс тушаётган, ақлдан озган ажойиб раққослар эдик. Яшасин!

*Рус тилидан  
Эшқобил ВАЛИ  
таржимаси*

*(Давоми келгуси сонда)*





МИРКАРИМ  
ОСИМ  
(1907–1984)

## УЛКАН АДИБ, МОҲИР ТАРЖИМОН

Атоқли тарихнавис адиб, мохир таржимон Миркарим Осимни халкимизнинг бир неча авлоди яхши танийди. Унинг асарларидан энг яхшилари ўрта мактаб дарсликларидан ўрин олиб, янги-янги авлодлар билан она тарихимиз, бой ўтмиш маданиятимиз, нурга, зиёга интилган ватанпарвар аждодларимиз ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб, тарих билан ҳозирги кунларимизни боғлаб турибди.

Ёшларимизда Ватанга муҳаббат, илм-фан, маданият тарихига ҳурмат, адолат-сизлик, босқинчилик, шовинистик қарашларга нафрат, дунёда мустаҳкам тинчлик учун кураш, гуманизм ҳиссини тарбиялаб, камол топтиришга хизмат қилмоқда.

XX аср ўзбек адабиётининг тўнғич авлодига мансуб Миркарим Осим 1907 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. У ўз тенгдошлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари эски мактаб таълимини олган, араб, форс, туркий тилларни мукамал билган, олий ўқув юртиларида таҳсил кўрган ижодкорлардан бири.

Бўлажак адиб 1918 йилдан бошлаб Тошкентнинг Лангар маҳалласидаги “Шамсул-урфон” бошланғич мактабида ўқиди. Уни 1921 йили тугатиб, Алишер Навоий номидаги республика педагогика билим юртига ўқишга кирди. Бу билим юрти ўз пайтида энг илғор илм ўчоқларидан ҳисобланарди. Кейинчалик Ҳамид Сулаймон, Теша Зоҳидов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов сингари республикада ном қозongan таниқли олимлар шу билим юртида таълим олганлар.

Миркарим Осим ушбу ўқув юртида дўстлари – ҳамсабоқлари Ойбек, Ҳомил Ёқубов билан биргаликда адабиёт-санъат сирларини ўрганди. У техникумни тугатгач, 1926 йили Москва давлат педагогика институтининг тарих-иқтисод факультетида ўқиб, уни 1930 йили муваффақият билан тугаллади.

Москвада беш йил таълим олиб қайтган ёш мутахассис Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлов курсида дарс бера бошлади. 1932 йилдан Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигида, сўнг Педагогика илмий-тадқиқот институтида ишлади.

Кўпгина ёш ижодкорлар сингари Миркарим Осим ҳам адабий фаолиятини шеър ёзишдан бошлади. Бўлажак адиб аввал тарих фанидан методик қўлланмалар, сўнг тарихий-биографик очерклар ёзиб, қаламини чархлади. 1940 йилдан адибнинг тарихий ҳикоя ва қиссалари бирин-кетин дунё юзини кўра бошлади. Аксарияти улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарवेशали”, “Бадарға”, “Навоийнинг хислатлари”, “Шоирнинг ёшлиги”, “Улуғбек ва Навоий” сингари ҳикоялар ва кичик қиссалардир.

Адибнинг бу асарларида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бадиий образи ўзбек адабиётида биринчи марта эпик микёсда акс эттирилган эди.

Миркарим Осим шу тарих адабиётда ўзининг қатъий ижодий йўлини топиб олди. Адиб ўз илмий-бадиий истеъдодини, йиллар оша орттириб борган бой тажрибасини она тарихимизни бадиий қайта жонлантиришга бағишлади. Бу йўлда унинг дўсти, устоз Ойбек адибга мададкор бўлди. Тарихий мавзунинг замонавий талқини Миркарим Осимнинг бир умрлик ҳамроҳи, ҳаётининг мазмунига айланди.

Барча асарлари орасида адибнинг “Ўтзор” қиссаси алоҳида ўрин тутади. Немис-фашист босқинчилари билан ҳаёт-мамот жанги бораётган II жаҳон уруши йилларида яратилган ушбу асар газетада пешма-пеш босилиб борган эди.

Ёзувчининг аксарият тарихий қиссалари илмий ва адабий жиҳатдан нисбатан кам тадқиқ қилинган даврлар – XVII, XVIII, XIX асрларга, ўша давр халқларимиз ҳаётининг тарихий таракқиётига бағишланган.

Миркарим Осим ижодида тарихий-биографик мавзу катта оқимни ташкил этади. Унинг “Зулмат ичра нур”, “Жайхун устида булутлар”, “Ибн Сино қиссаси”, “Алжабрнинг туғилиши”, “Синган сетор” қиссалари шу оқимнинг сара асарлари тоифасига киради. 1973 йилда улуғ олим Абу Райҳон Бериунининг 1000 йиллик

юбилейи нишонланди. Миркарим Осим улуғ алломага бағишлаб “Жайхун устида булутлар” қиссасини яратди. Адиб аввал Абу Али ибн Сино ҳақида алоҳида-алоҳида ҳикоялар ёзган эди. Сўнг буюк олим ва табибнинг 1000 йиллиги (1980) кунларида Миркарим Осимнинг уч-тўрт мустақил биографик ҳикоялардан ташкил топган “Ибн Сино қиссаси” асари чоп этилди.

Ёзувчиларимиздан ҳеч ким тарихий материални Миркарим Осимчалик синчковлик билан ўрганиб, “ўзиники қилиб олиб” ишлатмаган десак муболаға бўлмас. Адиб ўтмиш ҳаётни ғалвирда кум элаб, олтин йиққан заргардек қалб кудуғида қайта ишларди. Шунинг учун ҳам арабий, форсий ёзувларга тобора “тиши ўтмай” қолаётган янги авлод ижодкорлари учун Миркарим Осим бадий асарларининг ўзи мўътабар, ишончли тарихий манба ролини ўташи шубҳасиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан 1977 йили Миркарим Осимнинг 70 ёшлиги нишонланди. Унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилди.

Адиб адабий асарни пухта ва нозик таҳрир қилувчи, уни “сайратиб” юборувчи муҳаррирлар тоифасидан эди. Домла том маънодаги моҳир таржимон, яъни асарни чуқур хис қилиб, қайта ёзиб таржима қиладиган ижодкорлардан эди. Миркарим Осим Ф. Достоевский, М.Шолохов, А.Толстой, С.Бородин, Генрих Манн асарларини ўзбек тилида жаранглатган адиб. Ҳозирги кунда ўзбек адиб ва таржимонларининг кўпчилиги Миркарим Осимни ўзларининг устози деб биладилар.

М.Осим она тилимизни “етмиш икки томиригача” яхши биладиган катта тил мутахассиси эди. У қўллаган ибора, матал ё мақоллар хоҳ оригинал, хоҳ таржима асари бўлсин, матн маъносини тугал очиб беришга “сидқидилдан” хизмат қилади, таржималарининг ўзбек тилида яратилгандек қабул қилинишига ёрдам беради. Сўзимиз тасдиғи учун таржимон М.Осимнинг Генрих Манн қаламига мансуб “Содиқ фуқаро” романининг дастлабки саҳифаларида учратганимиз ўзбекча иборалардан айримларини санаб кўрсатиш мумкин: нашъаси паст, тили тутилди, куралай кўзлари ғилтиллади, харс-харс қилиб, иссиқ нафас чиқарди, кўнгил қўйганимга, бунга ёлғон гапириш ҳам чўт эмас, кўнгил ёриб роз айтмоқ, одамзод жиловини бу қадар бериб қўймаслиги керак, хусни таважжуҳ билдириш, маҳоват (лоф уриш), димоғидан эшак қурти ёғиларди, адашиб-улоқиб юрсанг, шони ғарибонлар... ва ҳ.к.

Бундай ҳикматнамо, коса тагида нимкоса иборалар таржима асарни ўзбек китобхонига янада яқинлаштиради, қолаверса, ижодкорнинг лаёқати мезони бўлиб ҳам хизмат қилади. Зеро, ўз она тилининг хазинасидан қанча кўп баҳраманд бўлса, ундай ижодкор яратган асар ҳам шунчалик теран қийматга эга бўлади.

Таржимон маҳоратининг қирраларидан бири – бу аслият (муаллиф) матнидаги маънони умумлаштириш. Аслият матнидаги маъно умумлаштирилмаса, унинг ўзбек тилидаги эквивалентини топиш қийин бўлади ёки умуман таржима яхши чиқмайди. Бундан ташқари, умумлаштириш жараёнида таржимоннинг билими ва тили (“почерки”) даражаси яққол намоён бўлади. Аксинча, аслият матнига ёпишиб олиш таржима жараёнини қийинлаштириши баробарида унинг сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Асли ёзувчи бўлган Миркарим Осим буни жуда яхши тушунар ва таржимачилик фаолиятида айнан шу нарсаларга катта эътибор қаратар эди. Қуйидаги парча таржимоннинг матн маъноси, яна ҳам тўғрироғи – мантиғини ўз она тилида акс эттириш истеъдоди нақадар баландлигидан нишона.

Аслиятда: “Дидерих, лихорадочно, размашисто жестикулируя, чего с ним обычно не бывало, освобождался от всего, что его душило. Наш несравненный молодой кайзер, совершенно один среди беснующихся мятежников! Они разнесли какое-то кафе, он, Дидерих, сам был там! На Унтер-ден-Линден он вступил в кровавый бой за своего кайзера. Из пушек бы по ним палить!”

Таржимада: “Дидерих ўзини бўғиб турган нарсадан қутулмоқчи бўлиб, иситмалаган кишидек қўлларини пахса қилиб гапира кетди. Илгари унинг бунақа



қилиғи йўқ эди. Оламда тенги йўқ кайзеримиз қутураётган фитначилар орасида бир ўзи юрибди! Улар аллақандай бир қахвахонани остин-устин қилиб юборишди, Дидерих ҳам ўша ерда эди! Унтер-ден-Линденда ўз кайзери учун конли жанг қилди. Уларни тўпга тутиш керак эди!”

Агар ушбу парчани яна ҳам майда бўлақларга “парчалаб” қараб чиқадиган бўлсак, таржимоннинг маҳоратига яна бир қарра қойил қолмай илож йўқ. Русчада “лихорадочно, размашисто жестикулирия” сўзларини “қўлларини пахса қилиб” деб жуда топиб айтган. Бунда гапираётган одамнинг ташқи қиёфаси билан бирга унинг ички аҳволи, руҳияси ҳам кўз ўнгимизда бўртиб кўринади. “Чего с ним обычноне бывало” эса узун жумладан узиб олиниб, алоҳида: “Илгари унинг бунақа қилиғи йўқ эди” тарзида тўғри таржима қилинган. Акс ҳолда русчага эргашиб, жумла ғализлашган, мантиска зарар етган бўлар эди. Мадомики, ана шундай “ёзилмаган қонун”ларга риюя қилинмас экан, М.Осимнинг ўзи таъкидлаганидек, “таржима равон ўқилмайди” ҳам.

Миркарим Осимнинг ёшлигида эскича мадраса кўрган толиб бўлганидан бохабармиз. Умуман, ўша даврдаги ижодкорларнинг кўпчилиги (Ойбек, Миртемир, А.Қаҳҳор ва ҳ.к.) мумтоз тил ва адабиёт дарёларидан сув ичиб униб-ўсганлар ва она (ўзбек) тилининг сир-асрорларидан тўла воқиф бўлганлар. Шу нарса уларнинг ижоди тўлақонли ва сермазмун бўлишига ёрдам берган. Жаҳон адабиётининг дурдоналарини ўзбек тилида сайратиб таржима қилган таржимонларнинг аввало машаққатли меҳнатлари, қолаверса, шу меҳнатининг самаралари тенгсизлиги сири ҳам шунда.

Шу ўринда ижодкор таржимаи ҳолига доир бир ҳодисани ҳам қайд этмоқ жоиз. Миркарим Осим ҳам айни ижоди гуллаб-яшнаган пайтда қатағон қурбони бўлди. Ўн йилдан ортиқ Сибир ўрмонларида ёғоч кесди. Мақоламизда мутаржимнинг буюк ёзувчилар ижодидан қилган айрим таржималари тилга олинган. Бинобарин, бундай маҳоратга эга бўлиш учун ижодкор жуда кўп китобларни таржима қилиши талаб этиларди. М.Осим ҳам уч-тўрт ёзувчи асари билан чегараланиб қолмагани шубҳасиз. Демак, Чўлпон каби М.Осимнинг таржималари ҳам “нафс қурбонлари” қурбонига айланмаганмикан, деган иштибоҳ туғилади беихтиёр. Бизгача етиб келган таржималарнинг ўзи ҳам Миркарим Осимдек етук таржимон маҳоратига баҳо бериш ва қадрлашимиз учун етиб-ортади, албатта.

Маҳмуд САТТОРОВ,  
филология фанлари номзоди

## Генрих МАНН

### СОДИҚ ФУҚАРО

Романдан парча

У бир амаллаб уст-бошини тозалади-да, изига қайтди. Скамейкалардан бирида бир хоним ўтирар эди; Дидерих уятни йиғиштириб қўйиб унга яқинлашди. Худди ўчакишгандек хоним унинг юзига тикилиб турар эди. “Аҳмоқ”, – деб ичида сўқди уни. Бирдан унинг юзида ҳаддан ташқари кўркув аломатини кўриб, Агнес Геппелни таниди.

– Мен ҳозиргина кайзерни учратдим, – деб юборди Дидерих.

– Кайзерни? – деб сўради Агнес, гўё бошқа бир оламдан келгандек.

Дидерих ўзини бўғиб турган нарсадан қутулмоқчи бўлиб, иситмалаган кишидек қўлларини пахса қилиб гапира кетди. Илгари унинг бунақа қилиғи йўқ эди. Оламда тенги йўқ кайзеримиз қутураётган фитначилар орасида бир ўзи юрибди! Улар аллақандай бир қахвахонани остин-устин қилиб юборишди, Дидерих ҳам

ўша ерда эди! Унтер-ден-Линденда ўз кайзери учун қонли жанг қилди. Уларни тўпга тутиш керак эди!

– Улар, эҳтимол, оч қолишгандир, – деди Агнес иккиланиб. – Ахир улар ҳам одам-ку.

– Одам? – Дидерих ғазаб билан кўзларини ўқрайтириб қўйди. – Ички душман, мана улар ким!

У Агнеснинг кўркувдан жавдираган кўзларига қараб, бир оз ҳовуридан тушди.

– Бу қаланғи-қасанғиларнинг касофатидан ҳамма кўчаларни қуршаб олишди, бу ҳам сизга балки ёқар?

Йўқ, Агнесга бу нарса ҳечам ёқмади. У шаҳарда майда-чуйда харид қилиб, уйига қайтмоқчи эди, Блюхерштрасседа омнибуслар<sup>1</sup> тўхтаб, ўтадиган жой тополмай қолди. Уни суриб Тиргартенга олиб келиб қўйдилар. Бунинг устига кун совуқ, рутубатли, – отаси албатта хавотир олаётгандир, – аммо начора? Дидерих Агнесни олиб бориб қўймоқчи бўлди. Улар бирга кетишди. Дидерих эс-хушини йўқотиб, нима тўғрисида гап очишни билмай гангиб қолди, худди йўл қидираётган кишидек у ёқ-бу ёққа аланглаб қарай бошлади. Улар яланғоч дарахтлар ва чириган бултурги япроқлар орасида яқка ўзлари қолган эдилар. Дидерихнинг мардлиги, олижаноблиги қаерда қолди? У Агнес билан бирга сўнгги марта сайр қилиб, Мальмандан кўркиб кетган, ўтиб бораётган омнибусга сакраб чиқиб қочиб қолган вақтидагидек нашъаси паст эди.

– Сиз кўпдан бери бизникида бўлмадингиз. Дадам сизга хат ёзган эди, шекилли? – деди Агнес.

– Дадам вафот этди, – деди Дидерих довдираб. Агнес шошиб-пишиб таъзия билдирди, кейин яна, ўша вақтда, уч йил илгари у бирдан ғойиб бўлганининг сабабини сўради.

– Уч йилча бўлди-а, шундай эмасми?

Дидерих ўзини дадил ҳис қила бошлади. Уюшма унинг бутун вақтини олар эди, ахир у ерда интизом жуда қаттиқ-да.

– Бундан ташқари, мен ўз ҳарбий бурчимни адо этдим.

– О! – деди Агнес унга қараб. – Кўп иш қилиб улгурибсиз. Сизнинг энди докторлик унвонингиз ҳам бўлса керак.

– Мана энди имтиҳонларга тайёрланыпман.

У ковоғини уюб бир нуктага қараб қолди. Жароҳатларининг ўрни, коматининг барвасталиги, эркак қиёфасига кирганини Агнес писанд қилмаётганмикан? У ҳеч нарсани пайқамаяптмикан?

– Лекинига ўзингиз... – деди Дидерих беиболик билан. Қизнинг озиб кетган чуваккина юзига сал қизил югурди, онда-сонда сепкили бўлган куш бурни ҳам кип-қизариб кетди.

– Ҳа, мен ўзимни баъзан ёмон ҳис қиламан, ҳечқиси йўқ, семириб ўзимга келиб қоларман.

Дидерихнинг унга раҳми келди.

– Мен асли, сиз чиройли бўлиб кетибсиз, демокчи эдим. – Шундай дея у қизнинг шляпаси остидан чиқиб турган малла сочларига қаради: у ориқлаб кетгани учунми, ҳарқалай, сочлари илгаригидан қуюқроққа ўхшаб кўринарди. Агнесга тикилиб қараб туриб, бошидан кечирган хўрликларини, ўзининг ҳаёти нақадар ўзгариб кетганини ўйлади.

– Хўш, жаноб Мальман қалайлар? – деб сўради у ўчакишиб.

Агнес нафратомуз лабларини бурди:

– У эсингизда турибдими? Агар унга тўқнаш келиб қолсам, ёнидан ўтиб кетаверардим.

– Шундайми? Энди унинг патентлар бюроси бор, у жуда яхши жойдан уйла-ниши мумкин.

<sup>1</sup> Омнибус – XIX асрда Америка ва Англияда пайдо бўлган шаҳар транспорти воситасининг бир тури.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Илгари сиз унга қизикар эдингиз-ку.

– Бу гапни қаердан топдингиз?

– У сизга ҳар вақт совға келтириб турарди.

– Мен уларни олмасликни афзал кўрардим, лекин у вақтда... – У йўл устига, бўлтурги чириган хазонларга қараб қолди. – У вақтда сизнинг ҳам совғаларингизни ололмас эдим.

У айтган гапидан кўрқиб кетиб, жим бўлиб қолди. Дидерих муҳим бир гап бўлганини пайқаб, тили тутилди.

– Шунақа арзимаган нарсалар устида гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Бир неча гул... – деди у ниҳоят ўзини зўрлаб. Яна ғазаби кўзиб, кўнглидагини шартта айтди: – Мальман сизга ҳатто билагузук совға қилган эди.

– Мен уни ҳеч қачон тақмайман, – деди Агнес.

Бирдан Дидерихнинг юраги уриб кетди, у зўр-базўр:

– Борди-ю, мен билагузук совға қилган бўлсам-чи? – дея олди.

Орага жимлик чўкди. Дидерих ҳатто нафас олишдан тўхтади.

Агнес эшитилар-эшитилмас:

– Унда тақиб юрардим, – деди.

Улар чурк этмай, қадамларини тезлаштиришди. Бранденбург дарвозасига яқин келиб, Унтерденленда даҳшатли полиция отрядини кўришди ва Доротеснштрассега бурилишди. Бу ерда одам сийрак эди. Дидерих қадамини секинлаштириб кулиб юборди:

– Агар, аслини суриштирилса – бу жуда қулгили гап. Мальман сизга совға қилган нарсаларни менинг пулимга сотиб оларди. У менинг пулимни бир маркасини ҳам қўймай тортиб оларди. Мен у вақтда жуда анойи эдим.

Улар тўхтаб қолишди.

– О! – деб юборди қиз, унинг олтин ранг – қуралай кўзлари ғилтиллади. – Бу даҳшат-ку. Бунинг учун мени кечира оласизми?

Дидерих ҳомийларча жилмайиб қўйди. Ўтган ишга саловот. Одамлар бекорга: “Ғўрсан пишарсан”, демаганлар.

– Йўк, йўк, – дер эди Агнес эсанкираб.

– Энди, энг муҳими, уйингизга етиб олиш, – деди Дидерих. – Бу ер ҳамма ёқдан қуршаб олинган, ҳеч қанақа омнибус йўк.

– Афсуски, сиз мен билан бирга бир муддат улфат бўлишингизга тўғри келади. Айтгандек, турадиган жойим бу ердан узоқ эмас. Сиз менинг уйимга чиқишингиз мумкин, жиллақурса бошпанангиз бўлади. Аммо ёш бир қизнинг бунга журъат этиши қийин.

Қизнинг кўзларида боягидек илтимос аломати бор эди.

– Сиз шу қадар раҳмдилсиз, – деди у тез-тез нафас олар экан, – шу қадар олижанобсиз. – Улар кўча эшигидан киришди. – Мен сизга ишонсам бўлади-ку, ахир?

– Мен уюшманинг шаъни устимга қандай масъулият юклаганини биламан, – деди Дидерих.

Ўчокбоши ёнидан ўтишаётганда, хайриятки, ҳеч ким йўк экан.

– Пальто ва шляпангизни ечинг, – деди Дидерих илтифот қилиб.

Қиз шляпасини ечгунча дам у-дам бу оёғини босиб турарди.

– Мен бориб уй котибасини қидириб топай-да, чой қайнатиб беришини илтимос қилай. – У эшикка ўтирилган эди, бирдан ўзини орқага ташлади: Агнес унинг қўлидан ушлаб ўпиб олди!

– Нима қилганингиз бу, фрейлейн Агнес, – деди у чўчиб кетганидан эсанкираб, кейин уни юпатмоқчи бўлгандек, елкасидан кучоқлади; қиз унинг пинжига кириб кетди. У қизнинг сочларини ўпди. Қиз Дидерихнинг қўллари орасида, худди калтак егандай титраб типирчилаб қолди. Агнеснинг шаффоф блузкаси остидан Дидерих унинг ҳароратини сизди. Унинг бадани қизиб кетиб, қизнинг бўйнидан

ўпди. Бирдан Агнеснинг юзи унга жуда яқин келиб қолди, ярим очилган оғзи, киприклари сал туширилган кўзи, юзи шу вақтгача у кўрмаган ифода касб этган эди. Унинг боши айланиб кетди.

– Агнес, Агнес, мен сени севаман, – деди у гўё қаттиқ азоб чекаётгандай.

Агнес жавоб қилмади; унинг очиқ оғзидан ҳарс-ҳарс килиб иссиқ нафаси чиқиб турарди, Дидерих унинг йиқилиб тушай деяётганини ҳис қилди-да, кўтарганча олиб кетди; назарида, қиз унинг кўлида гўё эриб кетадигандек эди.

Анчадан кейин қиз диванда ўтирганча йиғлар эди.

– Кечир мени, Агнес, – деб ёлворди Дидерих. Қиз ёш тўла кўзлари билан унга қаради.

– Мен бахтлигимдан йиғлаяпман, – деди у. – Мен сени кўпдан буён кутардим.

– Мен ўз устимга қандай масъулиятни олганимни яхши биламан, – деди йигит ҳар эҳтимолга қарши.

– Масъулият? – деб сўради Агнес. – Ким учун масъулият? Уч йил бўлди сенга кўнгил қўйганимга. Сен буни билмасдинг. Такдир бу!

Икки кўлини чўнтагига суқиб, унинг гапига кулоқ солаётган Дидерих, бу енгилтак қизларнинг тақдири, деб ўйлади. Ҳарқалай, у Агнеснинг гапларини қайта-қайта эшитишга эҳтиёж сезар эди.

– Демак, сен ростдан ҳам мени, ёлғиз мени севар эдинг-а?

– Менга ишонмаслигингни сезиб юрардим. Ортиқ сени кўролмаслигимни, ҳамма нарса тамом бўлганини англаш нақадар даҳшатли! Ҳа, даҳшат. Мен сенга хат ёзмакчи, сенинг олдинга бормокчи бўлдим. Аммо сира юрагим дов бермади – ахир сен мени севмас эдинг-да. Мен шу қадар азоб чекдимки, ахири дадам мени Берлиндан олиб кетди.

– Қаерга? – деб сўради Дидерих. Аммо Агнес жавоб қилмади. У яна Дидерихни ўзига тортди.

– Менга раҳм қил. Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ!

Кўнгли хижил бўлган Дидерих ичида “Бир нарсанг бор”, деб жавоб қилди. Қиз севганини исбот қилган дақиқадан бошлаб Дидерихнинг кўзида у кадрини йўқотган эди. Дидерих ўз-ўзига, шундай қадам босишга журъат этган қизга чин кўнгилдан ишониб бўлмайди, дер эди.

– Мальман-чи? – деб сўради пичинг аралаш. – Ўргангизда, ҳарқалай, бирор гап ўтгандир... – Агнес қоматини ростлади, унинг юзида кўрқув аломати пайдо бўлди-ю, турган ерида қотиб қолди. – Хўш, майли, ортиқ гапирмайман, – деди Дидерих ва уни тинчитишга уринди: бахтидан ўзи ҳам аклини йўқотиб қўйганини ва ўзига келолмаётганини айтди.

Агнес шошилмай кийина бошлади.

– Даданг, эҳтимол, жуда безовталанаётгандир, қаердалигингни билмаса керак, – деди Дидерих.

Агнес елкасини қисиб қўя қолди. У кийиниб бўлиб, Дидерих ланг очиб қўйган эшик олдида яна тўхтади- да, кўрқа-писа уй ичини кўздан кечирди.

– Эҳтимол, – деб шивирлади Агнес, ўзи билан ўзи гапиришаётгандек, – мен энди бу ерга қайтиб келмасман. Шу бугун кечаси ўлишимни юрагим сезиб турибди.

– Нима деяпсан? Нега? – деб сўради Дидерих кўнгли ғаш бўлиб таажжубланганидан.

Жавоб бериш ўрнига Агнес унинг қўйнига суқилиб, лабларини лабларига, кўксини кўксига қўйди, иккала тан тиззасигача бир-бирига чиппа ёпишиб қолгандек эди. Ниҳоят, қиз ўзини орқага олиб, кўзларини очди-да:

– Барака топкур, мени бир нарса талаб қилади деб ўйлама. Мен сени севиб қолдим, у ёғи нима бўлса бўлар, пешанамдан, – деди.

Дидерих извошга ўтиришни таклиф этди, аммо қиз пиёда кетмокчи эди. Йўл-йўлакай йигит унинг қариндош-уруғларини, таниш-билишларини сўраб-

суриштирди. Фақат Бель-альянс-плацга келганларида Дидерихда ташвиш уйғонди, у хириллаган овоз билан:

– Ўз-ўзидан маълум, мажбуриятдан бош тортиш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Аммо ҳозирча... ўзинг тушунасан, сариқ чақа ҳам ишлаб топаётганим йўқ. Мен энг олдин курсни тамомлашим, ундан кейин уйда иш ўрганишим зарур.

Агнес гўё унга хушомад қилганларидан миннатдор бўлганидек осойишталик билан:

– Мен фурсати келганда, кейинроқ бориб, сенинг рафиқанг бўла олсам ажойиб иш бўларди, – деди.

Улар Блюхерштрассега етиб келишди; Дидерих тўхтаб:

– Орқага қайтсам яхши бўларди, – деди.

– Бизни кўриб қолмасинлар, дебми? Хўш, нима кипти? Мен уйга борганим-да, барибир, учрашганимизни, полиция кўчани тозалагунча қахвахонада кутиб ўтирганимизни айтишимга тўғри келади.

“Бунга ёлғон гапириш ҳам чўт эмас”, деб ўйлади Дидерих.

– Эсингда тут, якшанбада тушлик қилишга чақирилгансан, албатта келгин, – деди Агнес.

Бу гапидан йигитнинг сабр косаси тўлиб кетди.

– Мен албатта боришим керакми? Сизникига-я?... – деб юборди.

Қиз қувлик билан мулойимгина кулиб қўйди.

– Ҳа, бўлмаса-чи? Вақти келиб бизни бирга учратсалар... Наҳотки сен мени ортиқ кўргинг келмаса!

О, Агнесни кўргиси келади. Шундай бўлса ҳам келишга ваъдасини олиш учун кўп уринишга тўғри келди. Уларнинг уйи олдида илтифот билан таъзим қилиб, шартта орқасига бурилди. Дидерихнинг миясида: “Маккора!.. У билан узоқ пачакилашиб юрмайман”, деган фикр лип этиб ўтди. Унинг оёғи уйга тортар эди. Ўз хонасига кириб эшикни ичидан кулфлади-да, тўхтаб, коронгиликка тикилганича қотиб қолди. Бирдан кўлини кўтариб, бошини орқасига ташлади ва чуқур нафас олиб:

– Агнес! – деб юборди.

У ўзгариб кетгандай ўзини енгил хис қилар, гўё ер устида парвоз қилиб юргандай эди. “Мен беҳад бахтлиман, – деб ўйлади у. – Ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бахтли бўлолмайман!”

Бирдан, шу маҳалгача, шу дақиқাগача, ҳамма нарсани қинғир кўрар эканман, ҳамма нарсага нотўғри баҳо берар эканман, деган ишонч ҳосил бўлди унда. Ҳозир анови ерда, пивохонада ўтириб ичкилик ичишяпти, ким билсин, ўзларини ким деб ўйлашади. Яхудийлар билан, ишсизлар билан унинг нима иши бор, нима учун уларга адоват кўзи билан қараш керак? Дидерих уларни севишга тайёр! Наҳотки, бугун эрталаб ғалаёнга келган оломон ичида, ўзининг душмани деб билган одамлар орасида бекорга вақтини ўтказган одам унинг ўзи бўлса? Ахир улар ҳам одам-ку: Агнес! Наҳотки, ўзига ёқмаган бир-икки сўзни айтгани учун бир одамни урган, аҳмоқона мақтанган, ёлғон гапирган, қизишган, ниҳоят, йиртилиб кетган кийимда бир суворий, яъни ўзи устидан кулган кайзер олдида ўзини йўқотиб ифлос сувга йиқилиб тушган кимса унинг ўзи – Дидерих бўлса? Дидерих, Агнес билан учрашгунга қадар маъносиз, ғарибона, руҳсиз ҳаёт кечирганини пайқади. Ўзига ёт бўлган аллақандай орзу-ҳаваслар, қандайдир шармандали ҳислар таъсирида бўлган Агнесни учратмагунча... у ҳеч бир кимсани севмаган. “Агнес! Жононим Агнес, мен сени нақадар севишимни билсанг эди!” У Агнес буни билишини истарди. У ҳеч қачон шу яхши соатдагидек унга кўнгил ёриб, рост айтолмаслигини пайқади-ю, кизга хат ёзди. Уч йил уни кутганини, умидсизлик билан кутганини, чунки Агнес унинг учун жуда яхши, олижаноб ва гўзал эканини ёзди. Кўрқоқ ва ўжар бўлгани учун Мальман тўғрисидаги гапни айтди; сен фариштасан, менга илтифот қилгани учун оёғинг остида ётибман. “Мени ўзинг турган юксакликка

кўтар, мен куч-қудратли бўлишим мумкин, ҳа, сезиб турибман. Мен бутун умримни сенга бағишламоқчиман!”

У йиғлар, Агнеснинг хиди келиб турган диван ёстиғига бошини буркаб, худди ёш боладек энтикиб-энтикиб йиғлар эди.

У ҳатто ўрнига бориб ётмаганига эрталаб ажабланиб бир хил бўлди. Кеча бошидан кечирган воқеаларни эслади-ю, бирдан юрагига оқиб келадиган қонини тезлаштирувчи ширин бир туртки сезди. Аммо, аҳмоқлик қилдим, ҳисларимни кўпиртириб, ошириб юбордим, деган бир шубҳа ўрмалаб келмоқда эди. У ёзган хатини қайта ўқиди: ҳа, жуда яхши, тўсатдан шундай ажойиб қизга яқинлик қилганидан ақлини йўқотиб қўйиши ажабланарли эмас. Агар ҳозир ёнида бўлса, уни эркаларди! Аммо хатни юбормаслик маъқулроқ. Юборса, ҳар томондан эҳтиётсизлик қилган бўлар эди. Хатни, ниҳоят, кизнинг дадаси Геппель қўлга тушириши мумкин... Дидерих хатни стол тортмасига яшириб қўйди.

“Кеча кечқурун овқатланишни унутибман”. У нонуштага кўпроқ овқат келтиришни буюрди. “Агнесни кетиб қолмасин деб сигара чекишни ҳам унутибман. Бу ўтакетган аҳмоқлик-ку. Одамзод жиловини бу қадар бериб қўймаслиги керак”. Сигарасини чекиб, у лабораториясига жўнади. У ўз ҳисларини сўзлар билан эмас, мусика орқали ифода этмоқчи бўлди. Ижарага пианино олди, бирданига Бетховен билан Шуберт асарларини мусика дарсидагидан ҳам яхши чалиб юборди...

Дидерих одатига кўра соат учда лабораториядан қайтар эди. Бу сафар у соат иккидаёқ уйига етиб келди. Агнес ҳам учдан олдинроқ келди.

– Иккимизнинг ҳам шу дақиқани кутишга сабримиз чидамади. Бир-биримизни нақадар севадимиз!

Офтоб хона ичини ўз нури билан тўлдирган эди. Дидерих офтобда Агнеснинг сочларини ечиб, унга юзини суйкади.

Агнес унинг уйида шу қадар узоқ қолиб кетдики, магазинга боришга ҳам вақти қолмади, ваҳоланки, уйидагиларга майда-чуйда харид қилгани кетаётганман, деган эди. Кўчада елиб-югуришга тўғри келди. Унга ҳамроҳ бўлиб кетаётган Дидерих, бундай шошқалоқлик соғлигига зарар қилмасайди, деб кўрқарди. Аммо лоладек бўртиб кетган Агнес кулар, уни “айиғим” деб суяр эди. У келган кун вақт шу зайлда ўтарди. Улар ҳар вақт ўзларини бахтли сезар эдилар. Геппель Агнеснинг тўлишганини, унга қараб ўзи ҳам ёшариб кетаётганини айтар эди. Яқшанба кунлари ҳам хурсандчилик билан ўтарди. Меҳмонлар кечгача қолар, барчанинг талаби билан Дидерих Шубертни чалар ёки Геппелнинг қайнисини билан талабалар ашуласини айтар, Агнес пианинода уларга жўр бўлар эди. Баъзан улар бир-бирларига қарашар, икковининг назарида уларнинг бахтидан ҳамма бахтиёрдек туюларди.

Дидерих лабораторияда ишлаб турганида швейцар унинг олдига келиб, кўчада бир хоним кутиб турганини айтарди. Дидерих хижолат бўлганидан қизариб, дарҳол ўрнидан турар ва кўчага чиқар, касбдошлари мийиғларида кулиб қолар эдилар, кейин Агнес иккови кўчама-кўча юриб қаҳвахонага, музейга киришар эди; Агнес рассомлик санъатини севарди, у туфайли Дидерих расмлар кўргазмаси борлигини билди. Одатда, Агнес хаёлини ҳеч ким кўрмаган гўзал ўлкаларга олиб кетадиган севимли бир манзара олдида узоқ туриб қоларди. Кўзларини ярим юмиб, Дидерих билан ўз шоирона таассуротларини ўртоқлашарди.

– Яхшилаб қара: кўряпсанми бу ром эмас, балки олтин зинали дарвоза; мана биз пастга тушиб, йўлни кесиб ўтамиз, дўлана буталарини четлаб ўтиб, қайиққа ўтираемиз. У қандай чайқалаяпти, сезяпсанми? Биз кўлимизни сувга тикқанимиз учун шундай бўляпти. Сув илиққина... Нариги томонда, тоғ устидаги оппоқ нарсани кўряпсанми? У бизнинг уйимиз, биз унга қараб сузиб кетяпмиз. Кўряпсанми ўзинг!

– Ҳа, кўряпман, – деб қизгинлик билан унинг гапини илиб кетди Дидерих. У зўр бериб кўзини сузар, Агнес кўришни истаган нарсани кўрарди. Агнеснинг хаёли уни шу қадар таъсирлантирган эдики, севгилисининг “хўл бўлган” қўлини

артиб қўйди. Кейин улар бир бурчакка сукилиб олиб, албатта, саёҳат қилишлари, узоқдаги серқуёш ўлкада кечирадиган ғамсиз, бахтли ҳаётлари, чексиз муҳаббат тўғрисида гап сотиб ўтиришди. Дидерих ўзи айтган гапларга ишонар эди. Кўнглининг бир чеккасида Дидерих шоирона ҳаёллар суришга имкон бермайдиган ҳаёт пешонасида борлигини биларди. Аммо у ҳозир гапираётган нарсалар шу вақтгача билган нарсаларидан кўра юксакроқ ҳақиқат эди. Ҳақиқий Дидерих рост гапириши керак эди. Бироқ, баландликка кўтарилиб илгарилаб кетганларида, Агнеснинг ранги ўчинқираб, чарчаб, эзилиб кетди. Унинг олтин ранг кўзлари ялтираб кетганди, Дидерихнинг юраги сиқилди. Агнес титраб аста сўради:

– Борди-ю, қайик ағдарилиб кетса-чи?

– Мен сени қутқарар эдим, – қатъийлик билан деди Дидерих.

– Қирғоқдан анча узоқда денгиз қандай чуқурлигини ўзинг биласан... – Дидерих гап тополмай қолганини кўриб давом этди: – Биз сувга ғарқ бўлар эдик. Айт-чи, мен билан бирга ҳалок бўлишни истармидинг?

Дидерих унга қараб, кўзларини юмди.

– Ҳа, – деди у хўрсиниб.

Кейинроқ шу суҳбатни шартта кесиб қўймаганига ачинган эди. Агнеснинг нима учун бирдан извош қақриб уйига кетиб қолганини тушунди. Агнес бир оз асабийлашиб, юз-кўзларигача қизариб кетган, у йўталганини ёрига кўрсатишни истамасди. Бутун кун Дидерих хуноб бўлиб юрди. Бу иши турган-битгани зиён, фойдасиз, унинг оқибати хунук. Аллақандай хонимнинг келиб юришидан унинг профессори ҳам хабардор бўлибди. Буни давом эттириш мумкин эмас; Агнес ўзининг инжиклиги билан уни ишдан қўяди. Буларни Агнесга ётиғи билан тушунтирди.

– Балки сен ҳақдирсан, – деб жавоб қилди у. – Баобру кишилар жадвал билан иш қилишади.

Дидерих бу сўзларда киноя, балки нафрат борлигини пайқаб, кўпол жавоб берди. Мартабасининг кўтарилишига тўсқинлик қиладиган севгили ёр унга керак эмас. Унинг орзуси бу эмасди. Агнес кечирим сўради. У Дидерихнинг хонасида висол соатини мутелик билан кутиб ўтиришга ваъда берди. Агар Дидерих иштини тамомламаган бўлса, ийманиб ўтирмасди. Дидерих бу гапни эшитиб, уялиб кетди, кўнгли оғриб, Агнес билан бирга тамомила ишқ-муҳаббатга берилиш мумкин бўлмаган бу дунёдан шикоят қила бошлади.

– Ҳаётимизни ўзгартириш мумкин эмасми? – деб сўради Агнес. – Сенинг бир оз пулинг бор, меники ҳам. Ўзингни қийнаб мартаба кетидан югуришнинг нима кераги бор? Шундоқ ҳам иккимиз яхши ҳаёт кечирардик!

Дидерих унинг гапини маъқул топди, аммо кейинроқ бориб бу гап алам қилиб кетди. Энди у севгилисини баъзан жўртгага узоқ куттириб қўядиган бўлди. У ҳатто сиёсий йиғинларга бориш унинг бурчи эканини, бурч биринчи ўринда, Агнес билан учрашув эса иккинчи ўринда туришини уқтирди.

...Йўқ, у Агнесга жиловини бериб қўймайди! Агнес, шубҳасиз, жўртгага маҳобат қиладигандир. Шуни ўйлаб Дидерих лабини аста унинг пешонасига теккизиб қўйди.

Агнес сесканиб бир нарса демоқчи бўлди-ю, лекин индамай қўя қолди.

Дидерих у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кўзи Агнеснинг кўзига тушмаслиги учун хона ичида борган сари тезроқ юриб, қизишиб гапира бошлади. Аммо Агнес чурқ этмай ўтираверди, шунинг учун у юришда яна давом этди.

– Ҳамма бало шундаки, мени доим уйдан топиш мумкин. Сени деб менга шу тўрт девор ичида ҳақ деб ўтиришга тўғри келади.

Агнес кўрка-писа деди:

– Биз олти кундан бери кўришганимиз йўқ эди-ку. Ўтган якшанба сен яна келмадинг. Мен кўркяпман, назаримда, менадан кўнглинг совиганга ўхшайди.

Дидерих юришдан тўхтади-да, унга бошдан-оёқ қарар экан:

– Азизам, мен сени севаман, бу исбот талаб этмайди. Бошқа бир масала, ҳар яқшанба аммаларингни ва уларнинг пайпоқ тўқишларини кўришга ёинки сиёсатнинг нима эканини ҳеч тушунмайдиган даданг билан сиёсий мулоҳаза ўтказишга менинг кўзим учиб турибди деб ўйлайсанми?

Агнес бошини куйи солди.

– Илгари ҳаммаси яхши эди. Сен билан дадам аҳил бўлиб қолувдиларинг.

Дидерих унга орқасини ўгириб, деразага қаради. Ҳамма гап шунда эдики, у жаноб Геппель билан апоқ-чапоқ бўлишдан кўрқарди. Ўз хисобчиси кекса Зетбирдан Геппелнинг ишлари оқсаб қолгани тўғрисида маълумот олган эди. Унинг целлюлозаси паст сифатли экан. Зетбир уни сотиб олишдан бош тортибди. Ўз-ўзидан маълум, Дидерихдек куёв унга битмас-туганмас кон-ку. Улар, жумладан, Агнес ҳам унинг қўл-оёғини боғлашяпти! Майли, чол билан бир бўлиб иш кўравер-чи! – У жаҳл аралаш Агнесга бурилди:

– Бундан ташқари, гапнинг пўсткалласини айтиб қўяй, орамизда нимаики бўлаётган бўлса, иккимизнинг ишимиз, бунга отангни аралаштириб нима қиласан? Сен билан менинг орамиздаги муносабат бошқа нарса-ю, қариндошлик муносабатлари бошқа нарса. Менинг маънавий ҳисларим буларни бир-биридан бутунлай ажратишни талаб этади.

Агнес бир лаҳза ўтирган жойидан кўзгалолмай қолди, кейин ҳамма нарсани тушунгандай ўрнидан турди. У кип-қизарганча эшик томон юрди.

– Гапимга қулоқ сол, Агнес, мен сени хафа қилмоқчи эмасдим. Сени бениҳоя ҳурмат қилганим учун шу гапларни айтгандим... Ҳатто яқшанба кун сизларни-кига келишим мумкин.

Агнес унинг гапига қулоқ солар экан, донг қотиб қолган эди.

– Жаҳлинг чиқмасин, Агнес, мундоқ қулсанг-чи, ахир, – деб илтимос қилди Дидерих. – Сен ҳатто шляпангни ҳам ечмадинг.

У шляпасини бошидан олди. Дидерих диванга ўтиришини илтимос қилди, у йўқ демай ўтирди, ҳатто итоатгўйлик билан уни ўпиб ҳам қўйди. Лаблари кулиб туриб бўса олган бўлса-да, лекин кўзлари бир нуктага тикилганча қотиб қолган эди. Бирдан у Дидерихни бутун кучи билан ўзига тортди: Дидерих кўрқиб кетди, назарида, бу адоватдек туюлди. Аммо, кейин севгилиси уни ҳар қачонгидан ҳам қаттиқрок севишига ишончи комил бўлди.

– Бугун ажойиб кун бўлди. Ростми, менинг жажжигина, ширингина Агнесим? – деди кўнгли жойига тушиб яйраб кетган Дидерих.

– Хайр, – деди Агнес шамсияси билан сумкасини чангаллаб олган қўлини узатиб. Дидерих энди кийинаётган эди.

– Ҳой, мунча шошмасанг...

– Назаримда, сен учун бундан ортиқ хизмат қилолмайман...

У эшик ёнига бориб қолган эди. Бирдан эшик кесақисига елкаси билан суяниб қолди, гўё унга ёпишиб қолгандек эди.

– Нима бўлди? – Дидерих яқинроқ бориб, унинг ҳиқиллаб йиғлаётганини кўрди. – Ҳой, сенга нима бўлди? – дея сўради Дидерих қизнинг елкасига қўлини қўйиб.

Жавоб бериш ўрнига Агнес елкаларини силкитиб ҳўнграб юборди. Кўз ёши тамом бўладиганга ўхшамасди.

– Агнес, Агнес! – дер эди Дидерих. – Тўсатдан бир бало бўлдими, биз ахир шу қадар бахтли эдик-ку... – Ўзининг ожизлигини сезиб сўради: – Бир гап билан сени хафа қилиб қўйдимми?

Кўз ёши аралаш Агнес энтика-энтика деди:

– Мен ортиқ чидолмайман. Кечир.

*Рус тилидан  
Мирқарим ОСИМ  
таржимаси*



Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Беғали Қосимов умрининг катта қисмини Миллий уйғониш даври адабиётини тадқиқ қилишга бағишлади. Уша даврда яшаб ижод қилган, лекин номлари унутилган юзга яқин ижодкорлар номини тиклади. Беҳбудий, Авлоний, Сиддиқий-Ажзий, Сидқий Хондайлиқий, Тавалло каби ижодкорларнинг адабий меросини илк марта тўплаб, мукаммал илмий изоҳлар билан нашр эттирди, уларнинг кўпчилигини олий ва ўрта мактаблар дастур-дарслиklarига киритди.

Б.Қосимов адабиётимизнинг қадим тарихдан ҳозиргача бўлган даврини яхши билар эди. У Аҳмад Яссавийдан Абдулла Ориповгача бўлган шоирлар ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб борди, кўплаб илмий мақолалар ёзди. Олим ўқиш-ўқитиш муаммолари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, миллий истиқлол ғояси каби турли долзарб масалалар ҳақида қатор тадқиқотлар қилган, турли йўғинларда маърузалари билан иштирок этган эди.

Айниқса, Алишер Навоий ижодига юксак эҳтиром билан қарар эди. Ёзган асарларида ҳам, маърузаларида ҳам Навоий ижодини ўрганиш зарурлигини доим таъкидларди. “Навоий барча замонлар шоири. Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли гап топа олади. У замонларни бир-бирига улаган. Унинг инсон ҳақидаги, умр ҳақидаги, ҳаёт ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайдиган фикрлардир”, деб қайд этган эди кундалиklarидан бирида.

Қуйида биз олимнинг шахсий архивидан топилган, матбуотда эълон қилинмаган турли йиллардаги мақолаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Шоҳрух ҚОСИМОВ

## ҒАЗАЛНАВИСЛИК СИРЛАРИ

Кейинги йилларда шеърятимизда ғазалчиликка мойиллик кучайганлигини сезмаслик мумкин эмас. Кўпдан ғазалнавис сифатида танилиб келаётган шоирларимизгина эмас, ёшлар ҳам унда ўз кучларини синаб кўрмоқдалар. Эркин Воҳидов қадим анъанани тутиб, девон тартиб қилди. Жамол Камол бир қатор манзур ғазаллар ёзди. Айрим ёшлар ҳатто ўзларининг шеърятдаги биринчи қадамларини ғазалдан бошламоқдалар. Ғазалдай кўхна ва дилбар бир жанрга ошиб бораётган бундай иштиёқнинг қувончли томонлари кўп, албатта. Лекин ҳар яхшининг бир лекини бўлганидек, унинг андак ташвишли томонлари ҳам йўқ эмас. Матбуотимизда у ҳақда жиддий баҳслар кетганлиги буни кўрсатиб турибди. Бу баҳсларнинг масалалари доираси бир хил эди. Яъни: ғазал бугунги кунда замон талабларига жавоб бера оладими ёки эскирдими? Ҳозирги тилимизнинг фонетик системаси арузга мос тушадими?

Ғазал Шарқнинг минг йиллик шеърят тарихида мумтоз ўринни эгаллаб келди. Даставвал арабларда дунёга келган бу жанр кўпроқ форс-тожик шеърятда шуҳрат топди. Улуғ Навоий ғазалда уч йўл – уч раҳнамо устоз мавжудлигини айтган эди:

*Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ  
Ки андин яхши йўқ назм эҳтимоли.  
Бири муъжизбаёнлиқ соҳири ҳинд,  
Ки шиқ, аҳлини ўртар қилу қоли,  
Бири Исо нафаслиқ, ринди Шероз,  
Фано дайрида масту лоуболи.  
Бири қудси осорлиқ, орифи жом,  
Ки Жами Жамдурур сингон софоли.*

Демак, бири – Хусрав Дехлавий. У ўз фикрини мўъжизавий бир тусда баён қилади. Унинг шеъриятидаги ҳар бир нукта ишқ ахлининг кўксига лаҳча чўғ бўлиб тушгандир. У оддий шоир эмас, сеҳргар. Сеҳргар бўлганда ҳам ҳинд сеҳргари. Иккинчиси, ўлиқка жон бахш этгувчи афсонавий Исо нафасига эга бўлган фоний дунёнинг сармаст куйчиси, шерозлик ринд – Ҳофиз. Учинчиси – Абдурахмон Жомий. Унинг ҳар бир сатридан муқаддаслик ҳиди анкиб туради. Унинг кўлидаги синик, сополи Жамшид жомига арзигуликдир. У чинакам донишманд, “орифи жом” дир.

Эътибор қилинган бўлса, Навоий уч буюк устод ғазалиётининг характерли томонларини кўрсатиб ўтмоқда. Маълум бўлганидек, Хусравда эхтирос, оташангизлик кучли. Ҳофиз эса хур фикрга мойил. Жомийда фалсафийлик, донишмандлик бўртиб туради. Айни пайтда булар XIV–XV асрлар ғазалиётининг ҳам муҳим хусусиятлари эди. Ҳолбуки, ғазалда дастлаб ишқий мазмунгина ифодаланарди. Ахир “ғазал” дан ясаладиган “муғозала” феълнинг луғавий маъноси ҳам аёллар билан ёқимли гапларни гаплашмоқ, хушторлик қилмоқ дегани эди-да. Ғазал жорий бўлгач, адабий термин сифатида ишқий шеър деган маънони бера бошлади. Замонлар ўтиши билан унинг мавзу доираси кенгайиб борди. Масалан, айрим олимлар XIV–XVI асрлар ғазалиётини ошиқона, орифона, қаландарона ғазалларга бўлиб ўрганадиларки, бу бежиз эмас.

Ўзбек шеъриятида ғазални ҳеч ким Навоийчалик “кўп ва хўб” (Бобур) ёзган эмас. Улуғ шоир қаламида ғазал ўзининг янги босқичига кўтарилди. Унинг “Чор девон” номи билан шуҳрат топган “Хазойин ул-маоний” девони биргина маънолар эмас, инсон руҳий оламнинг ҳам бой хазинаси эди.

Шоир шеърияти авлодлар ва замонлар учун улкан дарсхона бўлиб қолди. У ғазалнинг мавзу ва ифода имкониятларини кенгайтди. Ғазалга замон ва аҳли замон дардини олиб кирди, умуминсоний ғояларни шеърятимизнинг асосий мазмуни даражасига кўтарди.

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким эрур ёрлиг иш.*

Ёки:

*Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,  
Хитои ўлсуну ё армани ва ё ҳинду.*

Шоирнинг деярли ҳар бир ғазалида учрайдиган бундай фикрларнинг эскириши мумкинми?! Йўқ, улар бугун ҳам хизматда. Демак, ғазалдан ҳам мурод аввало “маъни” (Навоий) дир, фикрдир. У эса унча-бунча эмас, муҳим, мазмундор бўлиши керак. “Қаро кўзум” даги машҳур сатрларни эсланг:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монев,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.*

Эй боғбон, ҳаётинг боғи томига игнадин тикан қилсанг ҳам хазон сипоҳини тўсиб қола олмайсан. Умрнинг шиддатли оқимини, ниҳоясини ҳеч нарса сақлаб қола олмайди. Бинобарин, уни завқу шавқ, билан ўтказмоқ керак – хулоса чиқаради шоир.

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Бу гулшан (олам) ичра ҳеч бир гул (инсон) боқий эмас экан, яхшилик билан от чиқариш ажаб саодатдир (шунинг ўзи боқийликдир). Шоирнинг яхши от қолдириш, инсониятга наф етказиш ҳақидаги ҳикмат даражасига кўтарилган маълум ва машҳур байтларидан бири. Айни пайтда у муаммо усули билан ёзилган. Агар уни муаммо амалига солиб текшириб кўрсангиз, саъд – бахт деган сўз ҳам чиқади. Булар қадим шеър илмида бир сўз – нукта билан ифодаланган. Ноёб бир фикр, нодир ифода, ажиб маъно касб этган топилдиқ сўз – булар ҳаммаси нукта. Буларсиз шеър ёзишга киришиш айб саналган.

*Бир ой ўтди мани маҳзунга бир ой интизоринда...  
“ой” – муддатми, дилбарми? Ёхуд ҳам муддат, ҳам дилбарми?*

Ҳалиги “Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғилдаги “қаро кўзум” ва “мардум”-чи? Сўзлар қандай товланмоқда! Улар ўзларининг жамъи маънолари билан намоён бўлмоқдалар. Оҳанг-чи?! Ритм-чи?!

*Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди,  
Гулиан тўрида масканимиз бир чаман эрди...*

Ғазал тарихида кам учрайдиган Навоийнинг бу ғазал-ҳикояси кўпинча вазмин, ғамгин мазмунни ифода қиладиган ҳазаж баҳрида ёзилган. Лекин шоир танлаган ушбу вазнда ногаҳоний бир ўйноқлик бор. Унинг тўла номи ҳазажи мусаммани аҳраби маҳфуз. Яъни, 8 рукн (ҳижо дастаси – ритмик бўлак)дан ташкил топган бўлиб, улар – мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлундир.

Умуман, ғазалнинг вазни масаласи унинг оҳангдор, равон, ҳар қандай сактаъликдан (вазний нотагомлик)дан холи бўлиши муҳим шартлардан ҳисобланган. Катта шоирлар аруз илмининг пухта билимдонлари ҳам эдилар. Навоий туркий арузнинг биринчи тадқиқотчиси бўлди. Бобур махсус асар ёзиб, арузнинг 537 вазни ҳақида тўхтаб ўтди.

Унинг

*Манга сенча ёр топилмағай,  
Санга менча зор топилмағай.*

Ёки:

*Сарви ноз сенча қани?!  
Ииқибоз менча қани?!*

Ёки:

*Қилғил манга сен, қулмен санга мен,  
Қулмен санга мен, келғил манга сен –*

каби серишва, сероҳанг сатрларида юксак аруз илмининг роли кам эмас эди. Ғазал ҳақида гап кетар экан, бу масалага бир оз батафсилроқ тўхтамай бўлмайди. Минг йиллик шеърятимиз, хусусан, ундаги етакчи жанр ғазал арузда яратилди. Адабиётимиз тарихида бармоқда яратилган ғазаллар ҳам бор, лекин улар бармоқ билан санарли даражада оздир. Бинобарин, ғазалнинг бирдан-бир вазни аруз. Қадим оғзаки ижод намуналари, кўшиқларимиз бармоқда эди. Ёзма адабиётимиз аруз йўлида кетди. Шеър вазни сифатида аруз ва бармоқнинг муштарак томонлари йўқ эмас. Масалан, ҳар икки вазн учун ҳам асос ҳижо. Ҳижолардан туроқлар – рукнлар майдонга келади. Уларнинг муайян такроридан оҳангдорликка, мусиқийликка эришилади. Фарқ шундаки, бармоқ ҳижоларнинг сонигагина суянади. Ушлардан тузилган туроқлар қайтариғидан ритм, оҳанг ясалади. Аруз эса ҳижолар сонидан ташқари уларнинг кайфиятини, сифатини, яъни унли ёхуд ундош билан тугаганлиги, қисқа-чўзик айтилишини ва улардан ясалган рукн-туроқларнинг муайян инверсияда келишини ҳам кўзда тутати. Ҳатто бу унинг бош хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у бениҳоя мураккаб бўлиб, XIII аср адабиётшуноси Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”идан буён илми аруз сифатида ўрганилиб келинади.

Биз ғазалга хос хусусиятларнинг, унга қўйиладиган талабнинг энг муҳимлари ҳақида жуда қисқа тўхталдик. Улардан шу нарса аён кўриниб турибдики, ғазал ҳам хикмат, ҳам санъатни талаб қиладиган жанр экан. Ғазалнавислар ҳам, ғазалхонлар ҳам ҳаммиша унга шундай юксак мезон билан ёндошганлар. Устоз Шайхзода бир муносабат билан шундай ёзган эди: “Бизнинг замонавий шеър маҳсулимиз кўп, ҳаддан ошиқ кўп ва сўлғун мисралар китоб бозорини қоплаб ётипти. Ҳолбуки уларга қўйилатурган талабларимиз бўш, ғайри жиддий, адабий малака даражасидан анча пастдир. Навоий даврида битта ғазални баҳолаш учун устозлар унинг 10-15 белгисини текшириб кўрар эди. Бизнинг шеършуносларимизга, ноширларимизга, тақризчиларимизга ва лирик шоирларимизнинг ўзларига бу талабчанлик етишмайди”.

Шеърятга қўйилган талаб ва ўлчовлар асрлар давомида шаклланиб илм ҳолига

келди. Навоий замонасида шеърят ҳақидаги илмнинг асосини уч бирлик – илми аруз, илми қофия, илми бадеъ ташкил қиларди. Биринчиси шеърнинг вазнини, иккинчиси қофия тузилишини, учинчиси поэтик усуллар доирасини қамраб оларди. Булар ҳар бир шеърнинг ғоявий баркамол бўлишидан кейинги талаблар эди.

Ғазал Навоийдан кейин ҳам тараққий қилиб борди. Машраб қаламида инсон шахсини ҳар қандай чеклашга қарши исёнкор руҳ олди, Турди ва Махмурда феодал бошбошдоқлик, зўравонликни саваловчи қамчиға айланди. Огаҳийдан бошлаб демократик изга туша бошлади. Муқимий ва Фурқат замонида ғазал озодлик ҳақидаги орзуларни ифода этди. Ҳамза ва Авлониийлар эса унга инқилобий мазмун киритдилар. 20-йиллардан аста-секинлик билан шиддатли замон руҳини ифодалашда нисбатан бирмунча қулай, полифоник оҳангга эга бўлган шеърятимизнинг аслий вазни бармоқдаги шеърларга жой бўшатиб, ўзи иккинчи планга ўтди. Маълум даврларда ҳатто унинг овози шеърятимизнинг умумий оҳангида сезиларсиз даражага ҳам тушди. Ниҳоят 60-йиллардан бошлаб ғазалчилик яна жонланди. Бу, табиийки, унга истеъдодли шоирларнинг қўл уриши билан изоҳланадиган ҳолдир. Унинг босиб ўтган йўли, тараққиёт босқичлари, истиқболи, бугунги муаммолари ҳақли равишда ўрганишни талаб қилади.

Ғазал ёзиш, бу ҳали ўзлигича бирор нарса англамайди. Асосий гап қандай ёзишда, маҳсулотнинг сифатида. Арузни билмасдан туриб ғазал ёзиш мумкин эмас. Гап аруз илмини чуқур билиш, ундаги юзлаб вазн турларини бекаму кўст эгаллаш ҳақида кетаётган йўқ, албатта. (Аслида унга нима етсин). Гап ўшандаги энг муҳим вазнлар оҳангини ҳис этишда, фарқлашда, улардаги хиёл ўзгаришни ҳам илғай олиш лаёқатини эгаллашда. Ғазалда аслида 5-10 та кўп ишлатиладиган вазн бор. Лоқал ўшаларни мукамал билиш шарт.

Навоий даврида ҳар бир бўлажак шоирдан ўтган шоирлар ижодидан қирқ минг, замондошлари ижодидан йигирма минг сатр ёд билиш талаб этилган. Улуғ шоирнинг ўзи эса юз минг сатрни ёд билган. Эҳтимол, бу қадар ёдхонликка зўр бериш шартмасдир, лекин шеър кўчасига кирган ҳар бир ҳаваскор классикани билиши шарт. Ғазал ва арузнинг сир-асорини ўрганишда эса бу бирдан-бир йўлдир.

## “ҲАМСА” ТАЛҚИНЛАРИ

“Ҳамса” – ниҳоясиз бир уммон, XV аср туркий оламининг бетимсол бир қомуси, ундан ҳар ким ўз меҳнатига, ўз истагига, ўз иқтидорига яраша нарса топа олади. Бу шундай бир асарки, ундан барча замонлар, барча авлодлар ўзларига керакли жавобларни топа оладилар.

Буёқ адиб ақли, тафаккуригина эмас, фавқулудда жасорати билан ҳам сизни ҳайратга солади. Мен унинг шохлар ҳақидаги фикрларини кўзда тутияпман. Маълумки, “Ҳайрат ул-аброр”нинг 3-мақолоти “Салотин боби” – султонлар ҳақида.

Эй фалак авжидин ўтуб, рифъатинг, яъни эй улуғворлиги осмоннинг токидан ошиб кетган одам, деб мурожаат қилади шоир ва

*Бил муниким, сен даги бир бандасен, –*

деб унинг ҳам ҳамма қатори оддий одам эканлигини, ундан зўрроқ, ундан ақлироқ кишилар ҳам борлигини таъкидлайди. Сенга бу имтиёзни Тангри берди. Аввало, Оллоҳнинг бу неъматини учун шукр этмоқ керак. Айни пайтда сенинг бўйинингга боғбонлик, чўпонлик масъулиятини юклади. Боғбон боққа қарамаса, боғ қурийдди. Чўпон кўй-кўзиларига қарамаса, бўриларга ем бўлади. Буларнинг ҳар бири учун эса сен Худо олдида жавоб берасан. Ҳар бир хатонг учун охиратда юз азоб бор.

*Гарчи синиқ игна ҳасунносдур,  
Бағринг аро ханжари олмосдур.*

Бир кишининг бир синиқ игнасига хиёнат қилган бўлсанг, нариги дунёда у бағрингга олмос ханжар бўлиб қадалади. Шундан кейин шоир зулмга авж берган элнинг қони, жони эвазига айш-ишратлар қилаётган шохларнинг кирдикорларини чизади. “Ҳайрат ул-аброр”нинг сўнгги 64-бобида шундай бир ҳикоят бор. Бир са-

ховатли подшоҳ шулон берарди. Нима бўлади-ю баковул қоқилиб, овқатга ўтирган шоҳнинг бошига иссиқ таом тўкилади. Ҳамма унга ўлим жазоси берилишини кутади. Шоҳ эса завқ ва лутф билан, “Йўқ, бир марта у хижолатдан ўлди. Ҳеч ким шу пайтгача ўлган одамни ўлдирган эмас”, дейди.

Навоий ўзини ўша қулга ўхшатади, бу билан “Салотин боби”даги гаплар замондошларига дахлдорлигини яна бир бор таъкидлагандек бўлади.

Иккинчи мисол.

“Сабъаи сайёр” достони Баҳромнинг фожиаси билан тугайди. Айш-ишратни яхши кўрадиган шаҳаншоҳ авжга чиқади. Улкан бир ўтлоқ. Сонсиз қўшин. Беадад ваҳший хайвонлар. Ов авжига чиқади. Шу пайт ҳаво айниб жала қуяди. Хуллас, таги бир вақтлар ботқоқ бўлган ўтлоқнинг кўзи очилиб, Баҳромни бутун сипоҳи билан, аркони давлати билан ўз қаърига олади. Бошқача айтганда, ер ютади.

Достоннинг сўнгида туш эпизоди бор. Шоир туш кўрганмиш. Мулозимлар саккиз пояли тахтни олиб ўтадилар. Бу – машҳур Баҳромнинг тахти. Мулозим келиб, шоирни шаҳаншоҳ йўқлаётганини айтади. Борса, шоҳ Баҳром, ёнида Дилором ва етти қасрнинг маликаси етти Дилором. Шоҳ ўрнидан туриб шоирнинг истиқболига чиқади. Бағрига босиб, заррадек кадрили, ўзи айтмоқчи, қуёшга етказди, қўймай ёнига ўтказди. Дунёни забт этган мен эмас, аслида сен. Сен уни қалам билан олдинг, дейди шоҳ.

Сен бизни ёздинг, унинг васфидан тил ожиз. Бошқалар ҳам биз ҳақимизда ёздилар. Лекин эшитганларини ёздилар. Сен эса бизни тадқиқ этдинг, текшириб, сўнг ёздинг.

*Овозим ўчаётган эди, унга қайта руҳ бердинг.*

Агар менинг замонимда бу ишлар бўлганда эди, мен сени тақдирлаган бўлардим, давом этади шоҳ. Лекин икки иш мени бу ўринда хижолатдан қутқарди. 1. Сенинг бойликка, мол-дунёга, мансаб-мартабага ҳушинг йўқ экан. 2. Кўнглинг буюрмаган нарсани ёзмас экансан. Яна бир нарсдан кўнглим хотиржам. Сен Султон Ҳусайнга мулозимсан. Султон Ҳусайн – шавкатли шоҳ. Лекин кўп жиҳатлари билан мен уни ўзимга яқин кўраман.

Биринчидан, у ҳам шижоатли; иккинчидан сипоҳлари унга ҳам хиёнат қиладилар; кейин оз киши билан у ҳам салтанатни қайтариб олди. Шоҳингнинг феъли ҳам ўхшаш, давом этади Баҳром. Мен Хаворнақдай қасрлар курдирдим, у ҳам жаннат-мисол боғлар бино қилди. Балки мендан зиёда қилди. Ниҳоят, у ҳам мен сингари айш-ишратга мойил. Шунинг учун мен уни ўзимга фарзанд дея оламан ва тақдирга бефарқ эмасман. Шоҳингга саломимни айт, дегилки, бу дунё ҳеч кимга вафо қилмаган, ўлим ҳақ. Фақат биргина йўл – яхшилик қилибгина ном қолдириш мумкин.

Бу гапларни жон қулоғи билан тинглаб, жавобига оғиз очмоқчи эдим, ундан бурун кўзим очилди, дейди шоир.

Навоий бу ерда замондошларидан ҳеч бири қила олмаган ишни қилди. Ҳусайн Бойқарога танбеҳ берди. Агар шоҳ раиятдан хабардор бўлмас экан, айш-ишратдан воз кечмас экан, унинг тақдири фожиалидир, деган гапни айтди.

Иккинчидан, ўзининг ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақиқатни ёзиш, ҳолислик каби ижодий-эстетик принципларини тасдиқлагиб олди.

Булардан бошқа ҳам “Хамса”да замоннинг долзарб масалаларига оид гаплар кўп.

“Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳод ва унинг отаси билан бўлган муносабатларини олинг.

“Садди Искандарий”даги:

*Агар шоҳсен – огоҳсен сен  
Агар огоҳсен – шоҳсен сен –*

деган лейтмотивни олинг.

Хуллас, “Хамса” шоирнинг сўзларини ўзига нисбатан ишлагадиган бўлсак,

*Айтиб совумас тарона сенсан,  
Олиб қурумас хазона сенсан.*



## “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

Шарқ адабиётида “Лайли ва Мажнун”дай машҳур иккинчи бир қиссани топиш қийин. Унинг шуҳрати Европадаги “Ромео ва Жульетта”дан қолишмайди. Агар “Ромео ва Жульетта” сахна орқали бу шуҳратни топган, орттирган бўлса, “Лайли ва Мажнун” қиссаси тилдан-тилга, оғиздан-оғизга ўтиб нашъу намо топди.

Жаҳон адабиётида бу қиссадай кўхна бир қиссани топиш қийин. У, эҳтимол, “Ромео ва Жульетта”дан ҳам кўхнароқ. “Ромео ва Жульетта” асосан Шекспир қалами билан шуҳрат топди. Шекспир бу сюжетни итальян адабиётидан олган эди. Италиян адабиётига эса Шарқнинг таъсири жуда катта бўлган эди. Масалан, машҳур Дантенинг “Илохий комедия”сида Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Ибн Рўшд образлари борлигини, ундаги поэтика, фалсафа, умуман, асарнинг қурилиши Ибн Сино ва Санойидан олинганини эслаш кифоя. Боккаччонинг “Декамерон”ида эса Шарқ фольклоридан, масалан, “1001 кеча”дан олинган ҳикояларга дуч келгансиз. Бу гаплар “Лайли ва Мажнун” қиссасини бошқалардан ажратиш олиш учун эмас, қадимийлигини таъкидлаш учун.

Бу қисса, дарҳақиқат, 1380-1400 йиллик тарихга эга. У 13-14 асрдан буён ишланиб келади. У сахройи араблар, бадавийлар ҳаётдан олинган эди.

У ҳақдаги дастлабки манбалар VIII–IX асрларга бориб тақалади. Илк манбалар Мажнун тахаллусли шоир ўтганлигини, унинг асл исми Қайс Ибн Мулаввах бўлганлигини, у Лайли исмли кўшни бир қабиланинг қизини яхши кўриб қолганини ва унинг шаънига ғазаллар битганини ва улар ўртасидаги муҳаббат фожиа билан тугаганлигини нақл қиладилар. Шу тариха, VIII асрлардаёқ бу севги можаросининг қаҳрамонлари – иштирокчилари ҳақидаги гаплар ўртага тушган эди. Бошқа бирларида эса бу хил можаролар тарихда жуда кўп бўлгани хабар қилинади. Бошқача айтганда, улар Лайли ва Мажнунни реал тарихий шахслар эмас, йиғма образлар шаклида талқин қиладиларки, бундай ёндашиш ҳақиқатга анча яқин, албатта.

Шарқ адабиётида биринчи бўлиб бу қиссани буюк Низомий Ганжавий достон ҳолига келтирди. 1188 йилда 4 ойда бу достонни ёзди. Бу пайтда у 47 ёшда, авжи камолот ёшида эди. Бу достон унга катта шуҳрат келтирди. Шундан сўнг бу мавзуда ёзилган ўнлаб достонлар майдонга келди. Лайли ва Мажнун образлари бахтсиз муҳаббатнинг тимсолига айланиб кетди.

Профессор Бертельс бундан 40 йилча илгари “Лайли ва Мажнун” қиссаси асосида ёзилган достонларнинг ададини 40 та деб кўрсатган эди. Яна бир олим эса унинг ададини 94 та деб белгилаган эди. Туркменистонлик олим Гуллаев бу рақамни 118 та деб кўрсатади. Шарқ адабиётида 118 та “Лайли ва Мажнун” достони ёзилган. 60 таси форс-тожик тилида, 37 таси туркий тилда, 8 – курд тилида, 7 – ўрду тилида ва биттадан араб, арман, афғон, грузин тилларида.

Шуниси қизикки, шу қисса майдонга келган арабларнинг ўзида бор-йўғи биттагина достон яратилган экан.

Яна бир гап. Бу сюжет фақат Шарқ адабиётида ишлангани йўқ, Ғарб адабиётида ҳам ишланган. Бу ҳақда П.Тартаковскийнинг “Социально-эстетический опыт народов Востока и поэзия В. Хлебникова” (1987) деган китоби чиққан. Хлебников – XX аср рус шоири (Маяковский уни “рус шеърятининг кироли” деб баҳолаган). Мана шу шоир ҳам 1911 йилда “Медлум и Лейли” номли достон ёзган экан ва у Тартаковскийнинг гувоҳлик беришича, Низомий, Навоий анъаналарига асосланган, суянган.

Бу – ҳалиги ҳисобдан борсак, 119-си.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Лекин шуларнинг ўзиёқ бир жойга жамланса, бир кутубхонани ташкил қилади. Табиийки, буларнинг ҳаммасини бир хил баҳолаб бўлмайди. Уларнинг орасида бадиий жиҳатдан бўшроқлари бор, катта истеъдод ва ниҳоят улкан санъат намунаси дейиш мумкин бўлганлари ҳам бор. Бу, албатта, мазкур сюжет қиссанинг такомил босқичлари ҳақида фикр юритишга имкон берди. Шу жиҳатдан бундай босқичларни тўрттага ажратиш мумкин. Ва

булар Низомий, Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий.

Лекин барча “Лайли-Мажнун”ларнинг сюжет-йўналишини, мазмун-моҳиятини бу йўлда биринчи дoston ёзган Низомий Ганжавий белгилаб берган эди.

Дарҳақиқат, бу дostonнинг мавзуи ҳам, мазмуни ҳам, дарду оҳанги ҳам – ҳаммаси ишқ. Умуман, Навоий инсонлар муносабатини ишқ асосига қурмоқчи бўлади. “Ҳайрат ул-аброр”даги сатрларни эслайлик:

*Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

Лекин бу ерда бахтсиз ишқ, натижасиз фожиа билан тугалланувчи ишқ ҳикоя қилинади. Дostonнинг марказида ҳар жиҳатдан мукамал бўлган, лекин жамият ўз бағрига олмаган, аксинча, ўз орасига сиғдирмаган икки бахтсиз ошиқнинг қисмати туради.

Низомийнинг асарида (яна Низомийга мурожаат қиляпмиз, чунки Навоий дostonидаги жуда кўп масалаларни Низомийсиз тушунтириб бўлмайди) шундай бир ҳикоя келтирилган. Бу жуда ихчам ҳикоя ва у асосий сюжет билан ёндош туради.

Марв шоҳи итлар саклар эди, деб ҳикоя қилинади унда. Бу итлар чуқур, катта бир чоҳда сакланар эди. Шоҳ ўлимга буюрилган кишиларни мана шу итларга ташлатар эди. Одам гўштига ўрганган итлар бирпасда ўлимга маҳкум кишиларни тилка-пора қилиб ташлар эдилар.

Бир ёш болани шоҳ хизматиға бердилар. У ҳар куни бу мусибатни кўрар эди. Итлар ёнидан ўтар экан, уларга кўлидаги нонми, бир парча гўштми ташлаб ўтар эди. Шу тарика ўн йил ўтди. Бир куни шоҳ нимадан ғазабландио ҳалиги болани (энди у навкирон йигит) ўлимга буюрди. Уни итларга ташладилар. Одамхўр, девдек-девдек итлар йигитга тегмади. Уни ҳидлаб-ҳидлаб, унга эркалана бошлади, уни ўз ораларига олди. Шоҳ эртасига ғазабдан тушганда, ўтган ишдан афсусланди. Умидсиз бир ҳолда ҳалиги йигитнинг аҳволидан хабар олишни буюрди. Шоҳнинг юборган мулозими йигитни соғ-омон, иззат-икромда туришини кўриб, шоҳга югурди. Шоҳ ҳайрон. Йигитни чоҳдан чиқариб олдилар. Шоҳ олдига олиб бордилар. Подшоҳ сўради: “Бу қандай сир-синоат?”

Йигит жавоб берди: “Мен ўн йилки, сизда хизматдаман. Ўн йилки, мана шу даҳшатли воқеани кўраман. Изтиробга тушаман. Ўтганда-қайтганда мана шу итларга бирор емак ташлаб ўтардим. Улар мени танишди, қилган арзимас хизматимни қадрлашди. Мен сизга, салтанатга 10 йил хизмат қилдим. Садоқат билан хизмат қилдим. Бироқ билмайман, нима учун ўлимга маҳкум қилиндим. Хўш, қайси бирингиз адолатлироқсиз?!”

Подшоҳ, табиийки, лол қолди.

Мана шу савол Лайли ва Мажнун муҳаббати фожиасининг асосий моҳиятини ташкил қилади. Навоий ўз асарининг бошидан охиригача мана шу саволни ушлаб туришга ҳаракат қилди.

Мана, Қайс. Бани Омир қабиласининг фаҳри. Ҳар жиҳатдан мукамал. Ақлли, хушмуомала, келишган йигит. Лайли – иккинчи бир қабила – Ҳай қабиласининг ҳамма ҳавас қилгулик қизи. Уларнинг ҳеч кам-кўсти йўқ. Ниҳоят, улар севгидай бениҳоя юксак инсоний туйғуга эгалар – бир-бирларини севадилар. Бироқ худди мана шу юксак инсоний туйғулари туфайли жамият бағрига сиғмайдилар. Қайснинг ақли – феълига тан берган Лайлининг отаси унинг ўз қизига ошиқлигини эшитиши билан ўзгаради. Уни телба деб атайдилар. – “Мажнун” номини олади. Ва аҳвол шу даражага бориб етадики, у одамлар орасидан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Ваҳший ҳайвонлар уни ўз паноҳларига оладилар.

Бу ерда, менимча, иккита муҳим масала бор. Биринчиси – табиат ва жамият масаласи. Табиатнинг поклиги, беғуборлиги, ҳамма нарсага онадек ғамхўр, меҳрибон эканлиги. Иккинчиси жамиятнинг – ижтимоий муносабатларнинг кишининг бахтли бўлишига имкон бермаслиги. Бу – шоир қузатган, кўзда тутган асосий масаладир.

Дostonдаги энг муҳим жиҳатлардан бири мавжуд тартиб-удумларга, инсоннинг

инсонлик шаънини ерга урувчи ҳар қандай чеклашларга қарши исён рухидир.

Менимча, асарнинг номланишининг ўзидаёқ эркисизликка, шахс эркисизлигига, биринчи навбатда, муҳаббат эркисизлигига қарши исён бор. Ахир, Мажнуннинг сарлавҳага чиқарилишида қанчалар мазмун бор.

Асардаги Каъба эпизодини олайлик. Қайсни (у энди Мажнун) ота-онаси Каъбага олиб борадилар. Нажот излаб, Оллоҳ унинг кўнглидаги дардни олса, муҳаббат дардидан фориғ қилса деб. У эса илоҳий қудратга қарата, бутун вужуди билан: “Мен ҳузурингга келдим. Илтижом шуки, дардим оз бўлса, кўп қил!” деб мурожаат қилади:

*Эй ишқ ўтин айлаган жаҳонсўз,  
Андин мени нотавонни жонсўз...  
Ишқ ичра бужун мени ишқаста,  
Келмишмен асиру пойбаста...  
Демонки мени тарабга хос эт,  
Афзун қилу, қилма зарраи кам!  
Дардимга хаёлини табиб эт!  
Жонимга висолини насиб эт!..  
Онсиз мени бирдам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз ўлса, нобуд!*

Бу фикр, табиийки, Мажнуннинг ота-оналари тилагига ҳам, Каъба ақидасига ҳам зид эди. Бинобарин, бу исёндр. Уни тавбага олиб борган эдилар. У исён билан қайтди.

Асарда психологизм кучли. Навоий Мажнуннинг рухий дунёсига кенг эътибор беради.

Бошланишини олинг. Ҳайбатли тун тасвири берилади. (Лайли – тун дегани). Ишқ дашти чизилади. Зимзиё тун. Гувиллаган бўрон. Ёмғир бирдан қуйиб қолади. Гоҳо яшин ярқ этади-ю, Тур тоғи кўриниб кетади. Яна бир ёришади-ю, Ҳай қабиласи кўриниб кетади. Ўқувчини шоир воқеага шундай тайёрлаб беради.

Навоий образларнинг хатти-ҳаракатини далиллашга, психологик асослашга аҳамият беради.

Мажнуннинг – Қайснинг ошиқлигидан хабар топган Лайлининг отаси руҳияси тасвирини олайлик.

Қайснинг ошиқлиги воқеаси ёйилган. Лайли отасининг 2-3 яқинлари секин гап бошлайдилар:

– Бани Омирдан бир йигит бор эди – Қайс – биларсиз. Ақлдан озибди. Одамлар битта қизнинг орқасидан дейдилар...

– Бечора, – дея жавоб берди ҳали масаладан тўла хабардор бўлмаган қизнинг отаси. – Кўз тегибди-да, яхши йигит эди. Билардим. (Бирдан ота-онасини ўйлайди. Табиий туйғу).

– Бошладим, айтақолай, – давом этади хабаркашлар. – У қиз ҳам бизнинг қабиладан дейдилар. Тўғри, яхши йигит, одоби ҳам, ўзи ҳам. Шоирлигини айтмайсизми! Лекин шеърларида ҳам бир исм доим такрор эмиш. Лекин айтиб бўлмайди-да у исмни.

Эшитгувчи илондек тўлғанади. Гап мўлжалга тегади. У қиз ўзининг қизи эканлигини англайди. “Тез бориб отасига айт! Бу ишлар унга ҳам, бизга ҳам муносиб эмас!” дейди. Овоз аста-секин кучайиб боради. Дўққа айланади.

Ёки бошқа бир эпизод: одамларнинг таъна-дашномлари, қиз отасининг дўқ-пўписаларидан кейин Қайснинг отаси ўз ўғли қўлига кишан солишга, уни занжирбанд қилишга мажбур бўлди. У – занжирбанд. У тақдирга исён қилади.

Мана, бу бор-йўғи 2 сатрли тасвир ва маънога эътибор қилинг:

*Ул кўзда не навъ тургай уйқу,  
Ким бир нафас анда турмагай сув.*

Бир лаҳза сув турмаган (ёшдан аримаган) кўзда уйқу қандай турсин?!

*Мен хастани айламакта мавжуд,  
Не эрди экин қазога мақсуд?  
Жисмимга қадарки руҳ берди,*



*Бермаса эди не бўлгай эрди?  
Чун жисмима руҳ бўлди йўлдош,  
Тужқон нафас ўлсам эрди, эй кош...  
Жонимни халос этиб анодин,  
Қутқорсалар эрди минг балодин.  
Жисмимни талаиша эрди итлар,  
Қонимни ялаиша эрди итлар...*

Йўқ-йўқ, уларни азобга қўймаслик керак, деб нола қилади у. Улар ҳам гўштимга тегиш билан қутурар эдилар. Одамлар уларни ўлдиришарди. Яхшиси, ўтга ташла-салар эди. Лов-лов ёнсам, кулларимни осмон-фалакка совурсалар. Йўқ. Унда офат булутлари пайдо бўлиб ерга бахтсизлик ёғар эди. Яхшиси, онадан туғилишим билан кўзларим кўр бўлса эди.

Мажнун инсонлар орасида яшаб инсонликдан маҳрум қилинган. Мажнун ўз бахтсизлигини мана шундай тасаввур қилади.

Ўт-олов, инсонни покловчи, айни пайтда куйдирувчи олов детали Мажнун образи тасвирида доим йўлдош. У образдаги фожейи ҳолни яна кучайтиради.

*Эвоҳки, бу ўтдин ўлди тобим,  
Йўқ-йўқки, ичинда изтиробим.  
Қулбамдаву масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.  
Ўт ичра бировники солурлар,  
Бандини аёғидин олурлар.  
Ўт банд ила бўлди жылвагоҳим,  
Мундоқму азим эмиш гуноҳим.*

Навоий “Лайли ва Мажнун”нинг энг таъсирчан, жуда катта маъно ва мазмун ташувчи нукталаридан бири уларнинг ёзишмаларидир. Лайли ва Мажнун ёзишмала-рида ҳам теран фалсафа, ҳам эпистоляр маҳорат намоёндыр. Айниқса, Лайли мактуби. Унда ҳам меҳр, ҳам муҳаббат, ҳам садоқат бор. Ҳам аёл кишининг жамиятдаги ўрни хақида нотинч, безовта ўйлар бор у ерда.

– Сен ғаминг қанчалик кўп бўлмасин, эр кишисан. Ҳайт деб кетсанг, этагингни тикандан бошқа нарса тута олмайди, – дейди Лайли Мажнунга хитобан.

Асар қахрамонлар ўлими билан тугайди. Лекин бу биз тасаввур этадиган ҳол эмас, бошқачароқ. У теран мазмунга эга бўлган ўлимдыр...

Навоий “Лайли ва Мажнун”и – қисса такомилида алоҳида бир босқич. Биз бу қиссанинг ишланишида Навоий традициялари хақида бемалол гапира оламиз. Му-тахассислар буюк Фузулий “Лайли ва Мажнун”идан кўпроқ Навоий устуворлиги хақида гапирадилар.

## “САЪБАИ САЙЁР”

“Саъбаи сайёр” биргина Навоий ижодида эмас, умуман, адабиётимиз тарихида алоҳида ўринга, кадр-қимматга эга дostonлардан. У жуда қисқа муддатда – тўрт ойда ёзиб тугатилди. Ва бу 1484 йилнинг июнь ойига тўғри келади.

Навоий ўз асарини “Саъбаи сайёр” деб атади. Бу ном ҳам етти сайёра – планета маъносини билдиради, ҳам етти жаҳонгашта маъносини англатади. Асарнинг мар-казида Баҳром ва унинг тақдири туради. Қайсидир бир томони билан тарихга бориб боғланадиган, лекин номи афсоналар билан тўлиб тошган Баҳром хақида биринчи бўлиб кўҳна Шарқнинг буюк шоири Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сида ёзган эди. Фирдавсий Баҳром хақидаги афсона ва ҳикояларни, шу жумладан, унинг канизаги Озода билан орасида ўтган можарони ҳикоя қилиб берди. Уни мард ва танги, айни пайтда ишқпараст ва бодапараст, овга ва ҳар хил саргузаштларга ружуъ қўйган бир шох сифатида талкин қилди.

Сўнг у хақда дoston ёзилди. “Ҳафт пайкар” (етти гўзал, етти тимсол) деб аталган бу асарни XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий ёзган эди. Низомий досто-

нида иккита сюжет чизиғи кўзга ташланади. Бир томонда Баҳром тақдири, канизаги Фитна билан саргузаштлари берилса, иккинчи томонда етти қасрда, етти иқлим маликасининг етти ҳикояси берилади.

Юз йилча кейин (1302) Баҳром ҳақида яна бир дoston майдонга келди. Унинг номи “Ҳашт беҳишт” (сақкиз жаннат) эди. 6688 сатрдан таркиб топган бу дostonнинг муаллифи Амир Хусрав Дехлавий эди.

Навоийнинг “Сабъаи сайёр”и Баҳром ҳақида ёзилган энг машхур дostonларнинг учинчиси. Аввало шуни айтиш керакки, улуғ шоир ўз “Хамса”сини, шу жумладан, “Сабъаи сайёр”ни туркий тилда ёзди.

*Мен туркча бошлабон ривоят  
Қилдим бу фасонани ҳикоят –*

дейди “Лайли ва Мажнун”да.

Ёки “Фарҳод ва Ширин”даги машхур сатрларни эслайлик:

*Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.  
Чекиб Хусрав даги тиғи забонни  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.  
Яна Жомий Ажамда урса навбат  
Арабда доғи чолса кўси шавкат.  
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур  
Муайян турк улуси худ менингдур.  
Олиб мен тахти фармонимга осон  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

Бу шунчаки шоирона муболаға эмас эди. Унинг тагида катта ҳақиқат бор эди. У биринчи бўлиб ўз тилининг форс ва араб тилларидан ҳеч бир қолишмаслигини фавқулудда бир жасорат билан исбот қилиб берган эди. Шу сабабли ҳалигидай дейишга тўла ҳақли эди.

Энди конкрет асарнинг ўзига келинадиган бўлса, улуғ шоир ўша даврларда камолотнинг ўзига хос мезони ҳисобланган буюк “Хамса”ни ёзар экан, такрорлаш, маълум гапни айтиш йўлидан бормаиди. Унинг ўз принциплари бор. “Фарҳод ва Ширин”даги сатрларни эслайлик:

*Бировким бир чаманда сойир эрди  
Неча ким гул очилгон кўрди, терди.  
Ҳам ул ерда эмас гул изламак ҳўб  
Бу бўстон саҳни кенг, гул кўп, чаман кўп.*

“Сабъаи сайёр”да ҳам бу масалага қайтади ва

*Бир деганни икки демак хуш эмас,  
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас –*

деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам Навоий Баҳром ҳақидаги ўз асарини унинг шохлик давридан бошлайди. Олдинги ҳамсанавислар кенг ва батафсил тасвирлаган ёшлигини тушириб қолдиради. Шуниси муҳимки, Навоий, Низомий ва Хусрав Дехлавий анъаналарини давом эттирар экан, уларнинг буюк хизматларини қайта-қайта такрорлаган ҳолда асарлари ҳақидаги айрим танқидий мушоҳадаларини ҳам айтиб ўтади. Ва ўзи шуларни тузатишга ҳаракат қилади.

Афсонавий сюжет шундай эди: Баҳром Эрон шохлари орасида мустабиллиги билан машхур Яздигарднинг ўғли. Яманда тарбия топади. Унинг севимли канизаги бор. Ўзи овга жуда ўч. Бир овда у канизагидан ранжийди ва уни ўлимга маҳкум қилади. Вақти-соати етиб тахтга чиқади. Етти иқлим унга тобеъ бўлади. Унинг айширати учун етти қаср қурилади. Етти иқлим шохининг етти кизи келтирилади. Баҳром ҳафтанинг ҳар бир кунда маликаларнинг биридан ҳикоя тинглайди. Ва

вақти-соати етгач, вафот этади. Низомийда ов изидан бориб ерга кириб кетади ва қайтиб чиқмайди. Хусрав Дехлавийда эса чоҳга йиқилиб ҳалок бўлади.

Навоий Баҳром ҳақидаги дostonларни синчиклаб қузатар экан, шундай эътироз билдиради:

*Бирн буқим, йўқ анда мояи дард,  
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.  
Қим биров меҳрдин бари бўлғай,  
Боқма гар меҳри ховарий бўлғай.*

Демак, Баҳромни етакловчи катта бир дард йўқ. Шу сабабли унинг хатти-ҳаракатлари маъно-мазмундан холи бўлиб қолган. Шу сабабли Навоий бу линияни кучайтирди. У билан канизаги Дилором ҳақидаги сюжет чизигини эҳтиросли, ўзаро икки томонлама кечган муҳаббат чизигига айлантди. Шу сабабли Баҳром Дилоромни мастлик билан йўқотганидан кейин қаттиқ қайғурди. Шу тариқа асарнинг қурилиши ва етти маликанинг келтирилиши мантикий асосланди.

*Яна бир буқи анда баъзи иш,  
Зоҳиран номуносабат тушимши;  
Бўйла тухматқи айшн учун Баҳром  
Ясади етти қаср сурғали қом.*

Навоий бу тарзда етти ҳикоянинг етти малика тилидан ҳикоя қилинишини кўзда тутди. Дарҳақиқат, Навоийда ҳикояни жаҳонгашта мусофирлар айтдилар. Олайлик, шанба қуни. Баҳром мушкин қасрда ҳинд маликаси ҳузурда. Лекин у Дилоромни кўмсайди. Айш-ишрат татимади. Ҳеч қим, ҳеч нарса тасалли бера олмайди. Мулозимлар унинг фармони билан шу қаср йўлидаги бир мусофирни олиб келадилар. У Ахий ва Фаррух ҳақидаги ҳикояни айтиб беради. Ўзининг ўша Ахий авлодидан эканлигини маълум қилади. Шу тариқа бу деталлар ҳам ҳаётий тус олади.

Навоий образнинг тарбиявий жиҳатига, замона масалаларига жавоб бериши лозимлигига диққатни қаратади.

*Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,  
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.  
Мен де олманқи саҳвлар тушимши,  
Бехабар тушимши, ул агар тушимши,  
Ишқ ила шохлиғ мувофиқ эмас,  
Ишқ лофида шох содиқ эмас.*

Шу ғоя асарнинг бошидан-охиригача давом этди. Асар охирида эса айш-ишратга, маишатга муккасидан кетган, эл-улусини буткул унутган шох бутун салтанати билан ҳалок бўлади. У Навоий замонасида жуда катта акс садо бериши табиий эди. У Хусайн Бойқаро тақдирига ишорат эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз Навоий анъанавий сюжетга новаторона ёндошди, салафларидан кескин фарқ қилувчи янги эстетик қарашлар асосида иш кўрди, дея оламиз.

Бегали ҚОСИМОВ



## ИЙҲОМАНГИЗ САНЪАТЛАР

(“Фарҳод ва Ширин”да маънодошлик ва шаклдошлик)

Кўпмаънолилик Шарқ мумтоз шеърятининг бош хусусиятларидан. Лирикадаги анъанавий тимсолларнинг деярли ҳаммаси мажозий маънога эга эканини, кўпчилиги ҳатто тасаввуфий истилоҳ даражасига кўтарилганини биламиз<sup>1</sup>. Лиро-эпик шеърятда эса воқеа муаллиф учун кўпинча бир баҳона, мақсадни ифодалашнинг бир воситаси бўлган холос. Аслида эса воқеалар заминиди шоирнинг ғоявий ниятлари ётган. Демак, воқеалар аксарият мажоз вазифасини ўтаган. Бу масалалар кенг ва муфассал таҳлил талаб қилади.

Абдурахмон Жомий “Саломон ва Абсол” достонининг сўнгги бобида: “Ишорат ба он, ки мурод аз ин қисса нест, балки мақсад аз он маънии дигар аст (таъкид бизники – С.О.), ки баён карда хоҳад шуд”<sup>2</sup> (“Бундан мурод қисса эмас, балки қиссадан мақсад бошқа маъно эканига ишора ва унинг баёни”), – деб сарлавҳа кўйган. Бу билан асардаги воқеаларга, қосанинг тагида нимқосаси бор, деб қаранг, демокчи. Ҳазрат Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”нинг сўнгги бобида шундай дейди:

*Ёзмоқта бу ишқи жовидона,  
Мақсудум эмас эди фасона.*

*Мазмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг туфайли.*

*Лекин чу рақамга келди мазмун,  
Афсона анга либоси мавзун<sup>3</sup>.*

Бу ерда афсона асар учун бир баҳона экани, у мазмунга либоси мавзун бўлгани, мазмунни воқеалар заминиди ётган руҳдан қидириш кераклиги айтиляпти.

Мумтоз адабиётда ишоравийлик, мажозийлик, рамзийлик, истиоравийлик Шарқ мумтоз шоирлари ижодининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шеърый асарларга махсус шарҳлар ёзиш адабиёт илмининг ўзига хос соҳаси сифатида ривож топган. Лекин буюк шоирлар асарларининг сермаънолилиги шу даражадаки, ҳеч бир шарҳ ундаги жами маъноларни тушунтириб бера олмайди. Аслида, бу барча буюк ижодкорлар асарларига хос белги. Бироқ Шарқда шеърятнинг сержилою сермаънолилиги – унинг жаҳон адабиётидаги ўзига хослигини белгилайдиган даражада камол топган хусусият.

Навоий ижоди шундай бир улкан уммонки, у назарий муаммоларни тадқиқ этиш учун ниҳоятда бой ва ранг-баранг манба ҳисобланади<sup>4</sup>. Сўзларнинг

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Бертельс Е.Э. Заметки по поэтической терминологии персидских суфиев. В кн.: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.: Изд. “Наука”. 1965. С. 109–125.

<sup>2</sup> Абдурахмони Чомӣ. Осори мунтахаб. Дар панҷ чилд. Ҷ. 3. – Душанбе: Нашриёти “Ирфон”. Саҳ. 166.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Хамса. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти. 1960. 454-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилида полисемия, синонимия ва шаклдош сўзларнинг ўрни ҳақида қаранг: Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: ЎзССР “Фан” нашриёти. 1983. 59 – 124-бетлар.

сермаъно жилोलаридан фойдаланиш жиҳатидан-ку, эҳтимол, бошқа бирон Шарқ мумтоз шоири ижоди бу қадар камолотга эришмагандир. Бу, албатта, исботталаб даъво. Бироқ биз бекорга бу эҳтимомимизни илгари сураётганимиз йўқ.

**Биринчи асос** шуки, Навоий ижоди ўзигача бўлган Шарқ шоирлари эришган ютуқларнинг уйғунлашган ҳосиласи (синтези) сифатида юзага келди. Шоир салафлари эришган юксак ижодий чўққиларни эгаллади ва шеъриятни янада баланд поғоналарга кўтарди. Унинг салафлари даҳосига сира-сира шубҳа билдирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, бу буюк соҳиби қалам шеъриятни ўзигача ҳеч ким эришмаган чўққига олиб чиқди. Эркин Воҳидовнинг: “*Баъзан менга Навоий байтлари инсон фикратида пайдо бўлган эмас, балки илоҳий қудрат томонидан яратилгандек туюлади*”<sup>1</sup>, – дегани ҳам бежиз эмас.

**Иккинчи асос** шуки, туркий тилда сўзнинг кўпмаънолилиги ва шаклдошлигига асосланган санъатлар учун табиий имконият бошқа тиллардагига нисбатан кўпроқ. Буни Навоий алоҳида таъкидлайди: “*Яна шеърда барча таъб аҳли қошида равшан ва мажмуъ, фусахо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва шиоратда форсийдин кўпрак тажнис омиз лафз ва ийҳом ангиз нукта борки, назмга мужибзи зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдир*”<sup>2</sup>. Англашиладики, полисемия ва омонимия жиҳатидан туркий тил айрича бир хусусиятга эга. Тажнисларга, яъни шаклдош сўзларни қофияга олишга асосланган туюқ жанри ҳам фақат туркий шеъриятда мавжудлигини эсга олайлик. Туркийда эса ҳалигача шеъриятни Навоий қадар юксакка олиб чиққан, сўзга унинг каби жило берган шоир йўқ.

**Учинчи асос** шуки, Навоийнинг ўзи “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган маснавийида Фирдавсийнинг “Шоҳнома”ни ўттиз йилда ёзгани ҳақида гапириб, шундай фахрия қилади:

*Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки ҳар неча нутқ ўлса коҳил сарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур*<sup>3</sup>.

Ана шу уч асосга кўра, Навоий ижодида юқорида саналган санъатлар салафлари ижодидагига қараганда кўпроқ ва хилма-хилроқ қўлланган, дедик.

Бу ўринда яна бир масала бор. Ана шу полисемия ва омонимияга асосланган санъатларни шоир атай қўллайдими ёки улар ижод жараёнида тасодифан икки ё кўп маъноли қилиб яратиладилми? Аввало, ҳеч бир шоир фақат бирор санъатда намуна яратиш учун қўлига қалам ушламайди. Санъатлар шоир мақсади ва асарда баён қилинмоқчи бўлган мазмунни юзага чиқариш учун восита вазифасини ўтайди. Лекин адабиёт, айниқса, шеъриятда фикр-ни қандай ифодалашнинг аҳамияти – ниҳоятда катта. Шу маънода шоир ифодани ўйламаслиги мумкин эмас.

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Шоиру шеър шуру. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти. 1987. 47-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 14-жилд. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти. 1967. 112-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 1-жилд. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1963. 469-бет.

Муаллиф кўпинча жумлани атай ийҳомбоп қилиб, яъни сўзнинг бир неча маъноси юзага чиқишига имкон яратиб тузади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”даги:

*Деди бедилки: “От аҳли эмасмен,  
Отим тутмоққа доғи арзимасмен...”<sup>1</sup> –*

байтида Хусрав тарафидан келган вакил Фарҳоднинг отини сўрайди. Қўшмисра – Фарҳоднинг шунга жавоби. *От аҳли эса – номи улуг кишилар дегани. Отим тутмоққа деганда, албатта, отимни тилга олишига деган маъно ифодаланган. Лекин бу – биринчи маъно. Отимни биров тутиб юришига арзимамайман* деган маъно ҳам яширинган бу мисрада. Бунга *от аҳлининг отини биров тутиб юриши одати борлиги асос беради. Ундан ташқари, шоир биринчи маънони отим айтмоққа деб ишлатиши ҳам мумкин эди, лекин иккинчи маънони ҳам яшириш учун у атайлаб отим тутмоққа дейди. Шу тарика отим сўзи ҳам, тутмоққа калимаси ҳам иккитадан маъно англаиб келади.*

Демак, муаллиф ҳар бир санъатни махсус, яъни санъат санъат учун кабилида яратмаган бўлса ҳам, матнда имкони бўлган ўринларда айни сўзни икки ё ундан ортиқ маънода қўллаш йўллари излагани аниқ. Айниқса, ийҳомда шоирнинг махсус ҳаракати кўпроқ сезилади. Бироқ шеърхонни ижодий жараён эмас, балки унинг маҳсули қизиқтиради. Шоир бадиий санъатни атай қўлладими, у ижодий жараённинг табиий, ҳаттоки тасодифий маҳсули сифатида яратилдими, барибир, ўқувчи қоғозга тушган сўзлар замирида англашиладиган маънолардан баҳра олаверади. Бироқ шарқона санъаткорликнинг бу назокат сирларидан воқиф бўлиш қалам соҳибидан алоҳида малака талаб қилади, В. Раҳмонов ёзганидек: “*Чунки ийҳом мушоҳадаси чуқур ва кенг ўқувчиларга мўлжалланади*”<sup>2</sup>. Аксарият ийҳому шунга яқин санъатлар эса чинакам илҳом меваси, жўшқин ижодий жараённинг табиий маҳсули сифатида оқиб келади. Улар назарияда, яъни илмда бир-биридан ажратилиб, тасниф қилиниб ўрганилади. Аслида эса уларнинг бари асарда уйғун бир бадиият тизимининг ичида, унинг узвий қисми тарзида намоён бўлади.

Юқорида айтилган мулоҳазаларга кўра, сўзнинг бир матнда кўп маъно ифодалаб келишига асосланган санъатлар хусусиятларини ўрганиш учун нега айнан Алишер Навоий ижоди асос қилиб олинганини алоҳида изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ Навоий ижодиёти шу қадар кенг уммонки, бу шоир асарларида шу типдаги санъатларнинг қўлланишини тадқиқ этишнинг ўзи ҳам бир неча илмий асарга мавзу бўлгудек. Шунинг учун биз унинг биргина асари – “Хамса”нинг иккинчи достони бўлган “Фарҳод ва Ширин”гагина таяндик. Шунинг ҳам фақат дастлабки бобларидан мисол изладик. Шунинг ўзи ҳам бундай санъатларни умумий маънода асарда тутган ўрндан келиб чиқиб кузатиш имконини беради.

“Фарҳод ва Ширин” 11 минг 564 мисрадан иборат. У шоир шеъринг меросининг ўртача ўндан бирини ташкил этади ва бу муаллиф бадиий маҳорати ҳақида фикр юритиш учун асос бўладиган каттагина манбадир. Ҳамид Олимжон таъкидлаганидек, бу асар: “*Навоий... достонларининг энг зўридир*”<sup>3</sup>.

Таржимашуносликка оид тадқиқотлар бадиий баркамол асарлар юзасидан олиб борилганда кўпроқ самара бериши исбот талаб қилмайдиган

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1960. 266-бет.

<sup>2</sup> Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод: 1972. 25-бет.

<sup>3</sup> Олимжон Х. Сўзбоши ўрнида. // Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. 1956. 3-бет.

ҳақиқат. Н. Комилов билан Т. Қаҳҳоров ёзганидек: “*Шоҳ асарлар таржимаси адабий тил учун синовдир*”<sup>1</sup>. Тилимиз имкониятларидан фойдаланиб яратилган бундай бадиий санъатлар жозибасини ўзга лисонда акс эттириш, қайта яратиш ва табдил этиш масаласи ўрганилгудек бўлса, бир асарнинг бир неча тилга ўтказилган нусхаларини қиёслаган маъқул. Навоийнинг бир неча тилга ўгирилган достони эса – айнан “Фарҳод ва Ширин”. Шоирнинг бошқа бирон достони тўрт-беш тилда нашр этилган эмас.

Келажақда адабий жараён ва бадиий таржима муаммоси ўрганиладиган бўлса, шу нарсани унутмаслик керакки, таржимани адабий ва лисоний анъаналарнинг таъсиридан айри тасаввур қилиш мушкул.

Кузатишларимизга таяниб айтиш мумкинки, “Фарҳод ва Ширин” сўзнинг бир матнда кўп маъно англатиб келишига асосланган санъатларни қўллаш жиҳатидан Навоийнинг бошқа барча дostonларидан ажралиб туради. Албатта, бошқа дostonларни ана шу масала нуқтаи назаридан синчиклаб кузатмасдан туриб бундай хулосага келиш қийиндек туюлади. Шунга қарамай, “Фарҳод ва Ширин”да бу санъатлар шу даражада кўп ва ранг-баранг истифода этилганки, бошқа дostonларни изчил ўрганмай туриб ҳам юқоридаги хулосани айтиш мумкин.

“Фарҳод ва Ширин”да сўзнинг бир матнда кўп маъно англатиб келишига асосланган қанча санъат борлигини аниқлаш дostonда қанча радиф<sup>2</sup>, ҳожиб, тажнис каби лафзий ёки истиора, ташбеҳ каби маънавий санъат қўлланганини белгилашдек осон иш эмас. Яъни сўзнинг кўпмаънолилигига асосланган санъатларнинг сони ҳақида кескин бир фикр айтиш анча мураккаб. Сабаби мазкур санъатлар ўқувчидан, зийраклик, зеҳн, бунинг устига, пухта назарий тайёргарлик ва малака талаб қилади. Шунда ҳам қай бир ўринда санъатни сезмай кетиш ҳеч гап эмас. Ёки асосиз равишда қайси бир сўзда ийҳом ё шунга ўхшаш санъат бор деб гумон қилиш хавфи ҳам йўқ эмас. Чунки Навоийда сўзни истиоравий, яъни кўчма ёки мажозий маънода қўллаш шу қадар кучлики, бу ўқувчини жуда кўп калималардан бир неча маъно излашга ундайверади. Ана шу жиҳатларига кўра, бундай санъатларнинг бир йирик шеърӣ асардаги миқдорини билдирадиган ҳар қандай рақамда нисбийлик бўлади.

Ҳар қанча нисбий бўлса ҳам, биз “Фарҳод ва Ширин”нинг 80 дан зиёд ўрнида сўзнинг матнда кўп маъно англатиб келишига асосланган санъат мавжудлигини аниқладик. Бу – жуда катта гап. Шу кўрсаткичнинг ўзи бу турдаги санъатлар дostonда қўлланган бадиий тасвир ва ифода воситаларининг асосийларидан эканини кўрсатади. Бу Навоийнинг сўзни кўп маънода қўллашдаги туркий тил имкониятлари ва ийҳом яратишдаги шоирлик қудрати ҳақида ўзи айтган гаплари бежиз эмаслигидан далолат беради. Эҳтимолки, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий “Хамса”лари, Абдурахмон Жомий “Хафт авранг”идаги бирор дostonда *ийҳомангиз* санъатлар Навоий “Фарҳод ва Ширин”и даражасида кўп ва хўб ишлатилмагандир. Келажақда илм бу эҳтимолларимизга аниқликлар киритар, деб умид қиламиз.

“Фарҳод ва Ширин”даги сўзнинг матнда кўп маъно англатиб келишига асосланган санъатларни биринчи бўлиб кузатган, уларнинг айримларини изоҳлаган олим – Садриддин Айний. У 1940 йили “Хамса”нинг қисқартирилган нусхасини нашрга тайёрлаб, чоп эттирди<sup>3</sup>. Бу нашрда энг

<sup>1</sup> Комилов Н., Қаҳҳоров Т. Ижод елканини кўтариб. // Таржима санъати. 4-китоб. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. 159-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Олим С. Маснавий таржимасида радиф. // Таржима санъати. 5-китоб. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. 132–153-бетлар.

<sup>3</sup> Alisher Navoiy. Xamsa. – Т.: “O’quvpednashr”. 1940.

кўп диққат қилинган дoston – “Фарҳод ва Ширин”. Биринчидан, у бошқа дostonларга нисбатан энг кам қисқартирилган. Иккинчидан, китобдаги жами 387 саҳифаости изох ва шарҳнинг қарийб ярми – 187 таси айнан “Фарҳод ва Ширин”ни тушунтириш учун хизмат қилдирилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, изох ва шарҳларнинг асосий қисми бадий санъатларни қайд этиш ва уни китобхонга тушунтиришга бағишланган.

Санъатлар ичида энг кўп изохлангани – истиора. Сон жиҳатидан сўзнинг бир матнда бирдан ортиқ маъно англатиб келишига асосланган ийҳом ва шунга ўхшаш санъатлар иккинчи ва тажнис учинчи ўринда туради. Шу жумладан, Садриддин Айний *ийҳомангиз* санъатларнинг дostonда айрича бир маҳорат билан қўлланганини сезган, изох ва шарҳлашда эса уларга истиорадан кейинги эътиборли бадий ҳодиса сифатида қараган. Қадимги Шарқ шарҳнавислиги анъанаси услубидаги бу *ҳошия* қайдларининг филологик аҳамияти ниҳоятда катта. Негаки навоийшуносликнинг биринчи вазифаси ҳозиргача ҳам шоир асарлари матнини тўғри ўқиб, тўғри тушуниб, тўғри талқин этишдан иборат.

Шу ўринда чехословакиялик таржимашунос Антон Поповичнинг Данте Алигъери ҳақидаги мана бу сўзларини Навоий ижоди мисолида ҳам айтиш мумкин: “Шу нарса мутлақ табиийки, Данте – ярим тушунарли, ярим тушунарсиз бир ижодкор – аввал-бошданок шарҳга муҳтож эди ва ҳозиргача ҳам муҳтож”<sup>1</sup>.

Алишер Навоий асарлари 15 жилддигининг 7-жилдини ташкил этган “Фарҳод ва Ширин”ни зукко матншунос Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган. Бу китобда 252 та изох келтирилади. Уларнинг айримлари, чиндан ҳам, бадий санъатларни тушунтиришга бағишланган. Улар орасида ийҳомлар ҳам бор<sup>2</sup>. Шунингдек, С. Эркиновнинг “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили” монографияси “Навоий маҳоратининг лиро-эпик жилоси” бобида, бошқа санъатлар қатори, ийҳомлар ҳам қисман кўриб ўтилган<sup>3</sup>.

Шуларга қарамасдан, дostonдаги сўзнинг матнда бирдан ортиқ маъно англатиб келишига асосланган санъатларни ўрганиш шу пайтгача бирор жиддий тадқиқотнинг мавзуи бўлган эмас эди. Бундай санъатларни умумасар миқёсида ўрганиш жараёнида шунини эсда тутиш керакки, ҳатто *ийҳомангиз* санъатлар дostonнинг қайси бобида келганининг ҳам аҳамияти бор. Сабаби – “Фарҳод ва Ширин”нинг шўро даврида амалга оширилган оммавий деб чиқарилган бир неча нашрида дастлабки кириш боблар (ҳамду санолар), асарнинг яқунланмасидаги сюжет билан у қадар алоқадор эмас деб ҳисобланган боблар йўқ. Ўзи дoston ҳозирча бирон тилга тўлиқ таржима қилинган эмас. Русча, украинча, тожикча, озарбойжонча таржималар ана шу оммавий нашрлардан амалга оширилгани учун уларда шу боблар тушиб қолган. Биз шўро даврида, *Навоийни бошқа тилларда ҳам аслида қандай бўлса, шундай тақдим этишимиз шарт*, деган тушунчага кела олганимизча йўқ эди. Ҳукмрон мафкура бунга йўл бермаган. Чунки у даврда бизда ҳали, *Навоий асарларини ўзбек тилида тўла ҳолида нашр этишдан бошқа йўл йўқ*, деган тушунчанинг ўзи ҳам мавжуд эмас эди-да.

Бу мулоҳазаларни бекорга келтираётганимиз йўқ. Биз атайлабдан дostonнинг ана ўша оммавий нашрларда қисқариб кетган дастлабки бобларида учраган сўзнинг кўпмаънолилиги ва шаклдошлигига асосланган санъатларни таҳлил этишимиз. Шу нарса ойдинлашдики, воқеалар баёни бирламчи бўлган асосий бобларга нисбатан диний-фалсафий, маънавий-ахлоқий мулоҳаза-

<sup>1</sup> Попович А. Проблемы художественного перевода. – М.: Изд. “Высшая школа”. 1980. С.73.

<sup>2</sup> Қаранг: Алишер Н а в о и й. Асарлар. 15 томлик. 7-том. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти. 1964.

<sup>3</sup> Эркинов С. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Т.: “Фан” нашриёти. 1971.



мушоҳадаларга бой бўлган бу бобларда ийҳомангиз санъатлар кўп қўлланган.

Биз ана шу дастлабки бобларда ишлатилган энг муҳим *ийҳомангиз* санъатлардан айрим намуналарни кўриб ўтамиз.

*Қушининг нағмаси ҳижрон суруди,  
Оқарсув барча сайли ашк руди<sup>1</sup>.*

Иккинчи мисраинг ошкора маъноси: “Оқар сув барча кўз ёшлари селининг ариғи”. Сатрда яна: “*Оқар сув барча кўз ёшлари селининг руди*”, – деган маъно ҳам яширинган. Рудни энди *арик* маъносида эмас, мусиқий соз маъносида тушунамиз. Бунга биринчи мисрадаги *нағма* ва *суруд* тушунчалари ёрдам беради.

*Недин ошиқни ўртар шайни маъшук,  
Чу ошиқ мунда келди айни маъшук.*

Мазмуни: “*Нега ошиқни маъшук доғи ўртайди, (ахир) ошиқ бу ерда айни маъшук бўлди-ку*”. Бу билан шоир икки нарсага ишора қиляпти:

а) **ф а л с а ф и й** маънода, Худо – маъшук, инсон – унга ошиқ, ишқи ҳақиқийда шундай, лекин ишқи мажозий, яъни инсоний ишқда эса ошиқни биров севиши билан у ҳам худди маъшукнинг ўзи каби бўлади-қолади;

б) **в о к е и й** маънода, Фарҳод – ошиқ, Ширин – маъшуқа, аммо Ширин ҳам Фарҳодга ишқ кўйгач, Фарҳод ҳам маъшукқа айланди-қолди.

Бу фикрларни навбатдаги байт ҳам тасдиқлайди.

Байтдаги бу фикрларнинг бари – байтдаги ошкора маънонинг жилोलари холос. Қўшмисрада яна пинҳона маъно ҳам бор: “*Нега ошиқни маъшуқа доғи ўртар экан, ахир, маъшуқа ҳам ошиқдек бу ёққа (ошиқ олдиға) келди-ку!*” Ошкора маънода биринчи мисрадаги ошиқ иккинчи мисрадаги маъшукқа, биринчи мисрадаги маъшук иккинчи мисрада ошиққа айланади. Кейинги – пинҳона маънода эса иккала мисрадаги ошиқ ҳам ошиқни, иккала мисрадаги маъшук ҳам маъшукни англаяпти.

*Икиси балки айни ишқ: фафҳам!  
Тугонди борча сўз: валлоҳу аълам!*

Бу байтнинг биринчи маъноси: “*Иккиси бир ишққа айланди, тушунгилки, барча сўз тугади: яна худо билимдонроқ*”. Иккинчи маъно эса сўз калимасининг форсийдаги маъносига асосланади: “*Иккиси бир ишққа айланди, тушунгилки, барча ўртанишлар<sup>2</sup> тугади: яна Худо билимдонроқ*”. Сабабки, олдинги байтда ишқдан ўртаниш ҳақида сўз боради, бу сўзнинг пинҳона маъносини англашга ёрдамлашади. Мантиқан ҳам, мажозий ва ҳақиқий ишқнинг бир ишққа айланиши – бу дунёда насиб этадиган васл эмас, ҳақиқий ишқ висоли бандага фақат қиёматдан сўнг насиб этиши мумкин, деб қаралади. Ҳақиқий ишққа эришилганда, яъни икки ишқ бир бўлганда, ўз-ўзидан, ўртанишлар тугайди, чунки бунда ошиқ жонини нисор қилган, унинг жисми ўртаниб тугаган бўлади. Инсоннинг руҳигина ҳақиқий ишққа муяссар бўлиши мумкин.

Шу мисол баҳонасида Навоий асарларидаги ийҳом қўллашнинг бир

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти. 1960. 150-бет. Бундан кейинги байтлар ҳам шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичида бериб борилади.

<sup>2</sup> Сўз туркий тилда калима маъносини англади. Форсийда ҳам айнан шу шаклдаги сўз бор, лекин у куйиш маъносини билдиради. Форсий сўзни ўзбек тилига олиб ўтсак, энди шаклдошлик (омоним) юзага келади. Навоий бу ерда ана шу шаклдошликдан унумли фойдаланган.

муҳим хусусиятини айтиб ўтсак. Демак, ийҳом (ё шунга ўхшаш бошқа бир *ийҳомангиз* санъат) баъзан бир байт доирасида сезилмаслиги ҳам мумкин. Сўзнинг бир матнда бир неча маъно англатиши “кўшни” (ё олдинги, ё кейинги) байтлар ёрдамида сезилади. Эҳтимол, бу ғазал жанрига тааллуқли асарларда унчалик кучли эмасдир. Бирок маснавийда (айниқса, дostonда) байтлараро боғлиқлик кучли экани, кўпинча воқеалар мавжудлиги учун бу хусусият “Фарҳод ва Ширин” да яққолроқ кўзга ташланади.

*Навоий, телбаликни бартараф қил,  
Яна бир лаҳза сўз бошига келгил.*

Бу – дostonнинг иккинчи боби ўрталаридаги байт. Шоир лирик чекинишларга чек қўйиб, гўёки ўзига ўзи: “*Яна бир лаҳза сўзнинг бошига келгин*”, – деяпти. Бу сўзбоши бирикмасининг ўз, яъни луғавий маъноси. Бирок сўзбоши – истилоҳ ҳам. Мисрани истилоҳий маънода тушуниб ҳам мантиқан тўғри маъно чиқариш мумкин: “*Яна бир лаҳза сўзбошига* (яъни киришга) *қайтгин*”. Лирик қаҳрамон Навоийга мурожаат қилиб: “*Ахир, сўзбоши ёзясан-ку, чалгима-да*”, – демоқчи.

Эҳтимол, бу байтда Навоийнинг ўзи икки маънони кўзда тутмагандир. Бирок, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, матн бугунги ўқувчига шундай маъно чиқариб олиш имконини беради. Демак, сўзнинг бир матнда кўп маъно англатиб келишига асосланган санъатларни аниқлаш даврий табиатга ҳам эга. Ҳар бир замон ўқувчиси матнда ишлатилган сўзлардан ўзича маъно қидиради. Шунга кўра, уларни муаллиф кўзда тутган ва кўзда тутмаган санъатлар тарзида икки гуруҳга ажратиш ҳам мумкин.

*Не маҳваш ҳуснига ким берди тазйин,  
Ани айлаб жаҳон аҳлига Ширин.*

Бу байтда **ибҳом** санъати бор: *Ширин* – асар қаҳрамони, *ширин* – таъм (сифат). Демак, сўз ҳам луғавий, ҳам исм маъносида келган. Араб ёзувида бош ҳарф ифодаланмайди ва шунинг учун сўз бир хил (شیرین) ёзилади.

*Чу айлаб гамзаси жонларга торож,  
Қилиб васлига хусравларни муҳтож.*

Бу ерда *хусравларни* сўзи ҳам луғавий маънода *подшоҳларни*, ҳам исмни билдириб, *хусравларни* маъносида **ибҳом** бўлиб келган. Чунки Хусрав ҳам – дostonдаги персонажлардан бири.

Келтирилган ана шу олти мисол ҳам дostonнинг 2-бобидан олинди. Демак, баъзи санъатлар муайян боблардаги энг асосий бадиий хусусиятга айланар экан. Бунда сўзнинг бир матнда бир неча маъно англатиб келишига асосланган санъатлар уюшмаси кўзга ташланади.

Хўш, нега айнан шу бобда шоир кўпмаънолилиққа бу қадар алоҳида урғу берди экан? Бу, бизнингча, асар моҳиятига ўқувчини олиб кириш учун бир калит ҳам. Чунки бобда, маълум маънода, дoston воқеаларини қандай тушуниш ва талқин этишга ёрдам берадиган муаллиф концепцияси илгари сурилган. Юқоридаги айрим байтлар талқинида кўрилганидек, бу ерда ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий ўртасидаги муносабатлар, улар орасидаги узвий боғлиқлик ғўзал тимсолий тасвирлар орқали очиб берилган. Боб дostonнинг бошланма қисмига тааллуқли бўлгани учун шоир унда асардаги деярли

барча персонажлар номини гоҳ бевосита, гоҳ билвосита бир-бир тилга олиб чиқади: *қазо Фарҳоди, Фарҳод, хоқон, ақл Мулқороси, коргоҳи Монувийсоз, хирад Суқротти, Ширин, хусравлар, қадар Шопури, ажал Шеруяси, “Парвез”, баҳромвашлар, Фарҳоду Ширин* (151).

Кўриниб турибдики, бу исмларнинг кўпчилиги ё икки маънода келган, ё истиоравий тимсолга айланган. Истиоравий тимсоллар моҳиятида ҳам, албатта, икки маъно ётади. Бироқ улардаги иккинчи маъно аксарият ҳолларда ишора тарзида намоён бўлади. Яъни байтни насрий жумлага айлантирганда, кўпинча икки мазмун келиб чиқиши мушкул. Лекин бунда Навоий (демакки, Шарқнинг бошқа мумтоз шоирлари) ижодидаги яна бир ўзига хос бадиий хусусият кўзга ташланади: истиора қўллашда ишоравий қўшимча маъно англитиш ҳодисаси юз беради.

*Бу сўзни тутмасанг, ё Раб, мусаллам,  
Яна бор турфароқ мундин сўзум ҳам.*

Ошкора маъноси: “*Бу гапимга ишонмасанг, эй Худо, бундан ҳам турфароқ сўзларим бор*”. Пинҳона маъно эса сўз калимасининг форсий шаклидан (*ўрнатилиш, куйилиш, куйдирилишдан*) келиб чиқади: “*Бу ёнишларга ишонмасанг, эй Худо, бундан ҳам турфароқ ёнишларим бор*”. Пинҳона маънони юзага чиқаришда бундан олдинги байт мазмуни ёрдам беради:

*Берурсан гоҳ, анга дўзах била бийм,  
Қилурсан гоҳ, жисмин ўтқа таслим.*

Бу байтда дўзах, ўт ҳақида сўз боради.

*Навоий, хомадек тортиб узун тил,  
Не дерсен, охир, ўз ҳаддингни билгил!*

Ошкора маъноси: “*Навоий, қаламдек узун тил чиқариб нима демоқчисан, ахир, ҳаддингни билгин-да!*”. Пинҳона маъноси: “*Қалам навосидек узун тил тортиб (ёзув кўзда тутиляпти – С.О.) нима демоқчисан, ахир, ҳаддингни билгин-да!*” Биламизки, *наво* сўзининг бир ўринда бир неча маъно англитиб келиши Навоий ижодида кўп учрайдиган ҳодиса.

Мана шу кейинги уч байт дostonнинг 3-бобидан олинди. Демак, бу боб ҳам аввалгибоб каби кўпмаънолиликка асосланган санъатлар қўллаш жиҳатидан ажралиб туради. Улардан айримлари, эҳтимол, шоир истагидан қатъи назар, қоғозга тушгандир, лекин мавжуд матн бизга улардан ана шундай маънолар излаш ҳуқуқини беради.

*Юзи гисуни чун тироя айлаб,  
Ул оқишом кун юзига соя айлаб.*

Бу ерда **ибҳом** бор, у, биламизки, гап бўлақларининг ўзгариши (масалан, ҳар гал эга ва кесимнинг ўзгариб келиши) натижасида юзага чиқади. Санъат кун юзига сўзларида мужассамлашган. Биринчи маъно: “*Юзи сочини (ўзига) безак қилганда (яъни ёпганда) у оқишом куннинг юзига соя қилди*”. Иккинчи маъно: “*Юзи сочини (ўзига) безак қилганда (яъни ёпганда) у кеча кун (ўз) юзига соя тортиди*”. Бу пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам мадҳига бағишланган бобдан олинди. Юқорида зикр этилган ийҳомни

англаш учун насрий сарлавҳа ёрдамга келади: “Ул Қуёш рухсори васфидаким, тун киби гису Қуёшига соя солди ва Ва-и-Шамс била Ва-л-Лайл сурасини анинг юзи Қуёши била зулфи тунига ўхшатишгонидин ҳар бири бир бийик поя олди, агарчи ул Қуёшқа соя йўқ эрди ва ул кечага манзил Қуёш устида-ўқ эрди. “Ва саллаллоҳу ало Шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи”.

Демак, баъзи ийҳомларни аниқлашда бобнинг насрий сарлавҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этар экан. Бу ҳам дostonлардаги кўпмаънолилик ва шаклдошликка асосланган санъатларга алоқадор хусусият. Масалан, ғазалда бундай имконият йўқ, чунки одатда ғазаллар сарлавҳасиз ёзилади. Яна бир хулоса ойдинлашдики, ийҳом қўллашнинг жанрий ўзига хосликлари мавжуд.

*Муанбар зулфидек кам соя бўлгай,  
Ки ул Хуришидга ҳам соя<sup>1</sup> бўлгай.*

Байтдаги *Хуришид* сўзи ҳам, ҳам соя сўзлари ҳам – кўпмаъноли. Шунинг учун байтдан бир неча мазмун англашилади:

а) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у Қуёшга ҳам соя бўлади*”;

б) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у Қуёшга ҳамсоя (қўшни) бўлади*”;

в) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у бу Қуёшнинг (Мухаммад пайғамбаримизнинг) ҳам соясидир*”;

г) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у бу Қуёшнинг (Мухаммад пайғамбаримизнинг) юзига ҳам соя бўлади*”;

д) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у бу Қуёшнинг (Мухаммад пайғамбаримизнинг) ҳамсояси (қўшниси, яъни доимий ҳамроҳи)*;

ж) “*Анбар* (қоп-қора, хушбўй) *сочидек соя кам бўлади, у бу Қуёшнинг (Мухаммад пайғамбаримизнинг) юзига ҳамсоя (қўшни, доимий ҳамроҳ) бўлади*”.

Бир байтдаги бор-йўғи 11 сўз орқали шу қадар ранго-ранг маъноларни ифодалаш жуда катта санъаткорликдан далолат беради. Бир байтга бир неча *ийҳомангиз* санъат жо этиш осон иш эмас-да. Бунда истиораларнинг тимсолий маъноси билан бирга ашёвий (предмет) жиҳати ҳам иштирок этганини кўрамиз.

*Чу шаръий шориъи хаттин қилиб фош,  
Аёқ андин чиқоргон топмайин бош.*

Бу ерда *шориъи* ва *аёқ андин чиқоргон* сўзларини ҳам луғавий ва ҳам истилоҳий (ёки кўчма) маъносида тушунишдан икки мазмун келиб чиқади. Биринчиси: “*Шариатнинг катта йўли чизигини шундай тортдики, ундан оёқ чиқарган бошини тополмай қолди*”. Иккинчиси: “*Шариат қонун-қоидаларини тузувчи унинг чизигини шундай тортдики, бунга амал қилмаган (киши) бошини тополмай қолди*”.

*Бу шориъ бирла топқон йўл яроқи,  
Етиб манзилга андоққим Буроқи.*

Бу байтда ҳам *шориъ* сўзини аввал луғавий, кейин истилоҳий маънода тушуниш мумкин. Биринчисидан шундай маъно келиб чиқади: “*Бу шариат*

<sup>1</sup> Нашрда ҳамсоя тарзида қўшиб ёзилган, демак, бу икки сўз фақат бир маънода тушунилган бўлса керак, биз ажратиб кўчиришни лозим топдик, шунда ўрни билан қўшиб ўқилади.

қонун-қоидасини тузувчи (яъни Муҳаммад пайғамбаримиз) билан йўл яроғини топган (одам унинг) Буроқидек (пайғамбаримиз меърожга чиқишда минган учар отдек) манзилга етади”. Иккинчиси: “Бу катта йўл билан юриш яроғини топган (одам унинг) Буроқидек (пайғамбар меърожга чиқишда минган учар отдек) манзилга етади”.

*Ёшунди мушк ичинда чин газоли,  
Дема чинким, фалак заррин газоли.*

Бунда чин сўзи бирйўла икки тенг маънони англантиб келган. Биринчиси: “Чин (Хитой) газоли (кийиги) мушк ичида яширинди, (уни) Чин (Хитой) газоли дема, фалакнинг заррин газоли де”. Иккинчиси: “Чин (Хитой) газоли (кийиги) мушк ичида ёшинди, бу гапимни чин (рост) дема, Фалакнинг заррин газоли ёшинди”.

Яна бир мисол:

*Навоийни демай, бир бенавони,  
Ўқуш журму гунаҳга мубталони.*

Бу ерда Навоий сўзи **и т ф о қ** санъатига намуна бўлиб келган. Биринчи маъноси: “Навоийни демай, бир бенавони, анча-мунча жинояту гуноҳларга мубталони дей”. Иккинчи маъноси: “Бир навони демай, бир бенавони, анча-мунча жинояту гуноҳларга мубталони дей”. Бу ерда Навоий сўзидаги ёйи ваҳдат (ع) бирлик (бир наво) ёки ноаниқлик (қандайдир наво)ни билдиради.

*Алар ишқида нўш айлаб ики жом,  
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом.*

Бунда ҳам **и т ф о қ** санъатининг ёркин намунасини кўрамыз:  $\text{ع} \text{ج} \text{س}$  сўзи Жомий ва жоме деб ўқилиши мумкин, бунинг биринчиси Абдурахмон Жомийни билдирса, иккинчиси бир жом деган маънода келади. Шунинг учун байтдан икки мазмун англашилади: а) “Улар (Низомий билан Дехлавий) ишқида икки қадаҳ май ичиб, (бошқа) бир қадаҳ май мадҳини саранжом қилай”; б) “Улар (Низомий билан Дехлавий) ишқида икки қадаҳ май ичиб, Жомий майи мадҳини саранжом қилай”.

Бу байтларнинг бари – дostonнинг дастлабки беш бобида учраган санъатларга мисол. Оммавий нашрларда, демакки, улар асосида амалга оширилган барча таржималарда Навоийнинг бу санъаткорлигидан ўқувчилар бебахра қолган. Мазкур бобларнинг қисқариб кетгани асарга жиддий путур етказганидан ташқари, Навоий маҳорати ҳақида ҳам тўла тасаввур уйғотиш имконини йўққа чиқарган. Шоир айнан шу дастлабки бобларда кўп ийҳом ва ийҳомангиз санъатлар қўллаганини кўрдик. Бу, албатта, кириш бобларда воқеа ўрнига диний-фалсафий, маънавий-ахлоқий мулоҳаза-мушоҳадалар баён этилгани, асардаги кенг маънодаги кўпмаънолиликка ўқувчини олиб кириш лозимлигидан ҳам келиб чиққан.

Шу қисқа таҳлиллардан ҳам маълум бўляптики, ҳали Алишер Навоийнинг услуби, унинг сўз қўллашдаги ўзига хос юксак даражаси, бадий маҳорати қирралари тўлиқ ёритилгани йўқ. Бу борада келажакда кўп иш қилиниши керак.

Султонмурод ОЛИМ

## КЎНГИЛ КЎЗГУСИ



Маълумки, Фарҳод “Шопур даштпаймолиғи, балки раҳнамолиғи била Арман кишвариға азимат қилиб”, Ширин билан учрашганига қадар бутун бир саргузаштлар силсиласини бошидан кечиради. Бу саргузаштларга сабаб Оинаи Искандарий деб аталган кўзгудир. Оинаи Искандарий солинган сандиқнинг қопқоғига шундай деб ёзиб кўйилган эди: кимки сандиқни очиб, оинага назар солса, қисматиға неки ёзилган бўлса, уни олдиндан кўриши мумкин:

*Ки Тенгри айламини кўрмакни рўзий,  
Қазо бошиға келтурмакни рўзий,  
Бўлур бу кўзгу ичра жилва оро,  
Қилурға ғайб сиррин ошкоро<sup>1</sup>.*

Аммо кўзгу “ғайб сиррин” ҳаммага ҳам ошкор қилавермайди. Чунки у тилсимли кўзгудир. Тилсим сирини очишга ҳагто хокон сингари қудратли ҳукмдорлар ҳам қодир эмас. Фарҳод кўзгуни кўришга ортиқ даражада ҳавасманд бўлиб, шу ўринда қуйидаги машҳур сўзларни айтади:

*Деди: ҳар ишки қилмиши одамизод,  
Тафаккур бирла билмиши одамизод.  
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,  
Топилмас мушкиле мен қилмаган ҳал.*

Аммо, маълум бўладики, илм ҳам, тафаккур ҳам, гарчи олам мушкулотлари илм ва тафаккур билан ҳал қилинса-да, оина тилсимини очишдан ожиз. Агар кимки бу ишга жазм қилса, – деб ёзилган эди ойнанинг орқа тарафига, – Юнон мулки сари йўлга тушиб, баҳайбат тоғ бағридаги қоронғи ғорда яшайдиган Сукрот ҳакимни топиши лозим. Аммо йўл ғоят хатарлидир. Орадаги уч манзил-масофатда уч офат бор: биринчи манзилда аждаҳо, иккинчи манзилда дев,

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. 20 томли. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. Б. 214 (Бошқа парчалар ҳам шу нашрдан олинган).

учинчи манзилда эса аввалги иккисидан ҳам кўркинчлироқ Искандар тилсими. Бу офатларни дафъ қилган киши тўртинчи манзилда Сукрот хузурига етишади. Фақат донойи хирадманд Сукротгина кўзгу сирларидан огоҳ қилиши мумкин.

Фарҳоднинг Юнон мулкига сафари асар бадиий тўқимаси ва қахрамон маънавий-руҳий такомилида алоҳида ўрин тутди. Асарнинг бу бобларида қаламга олинган воқеа ва тимсоллар бошдан-оёқ мажоздан иборат. Агар улуғ шоир шу пайтга қадар Фарҳоднинг руҳий ҳолатини очиқ тил билан тасвирлаган бўлса, энди унинг руҳида кечаётган жараёнларни мажоз суратида кўрсата бошлайди. Ойна тилсимини очиш учун Фарҳод даставвал баргараф қилиши лозим бўлган офат – аждаҳо. “Аждаҳо – нафс тимсоли”, – деб ёзди Н.Комилов унинг маъносини шарҳлар экан. Достоннинг ўзида ҳам аждардан кўзда тутилган мажозий маънони англашга хизмат қилувчи айрим нуқталар бор. Шулардан бири “соқийнома”лардир. Улуғ шоир ҳар бир бобни якунлар экан, сўнгги икки байтда соқийга мурожаат қилиб, муҳим бир фалсафий-ахлоқий фикрни баён қилади. Улар, бир тарафдан, бобнинг қисқача хулосаси бўлса, иккинчи тарафдан, айрим тимсолларнинг ўзига хос шарҳидир. Фарҳоднинг аждар билан жанги тасвирланган XXII боб сўнгида шоир шундай деб ёзди:

*Кетур, соқий, маю, бўл ғамгусорим,  
Демайким ғамгусорим, ёри горим.  
Ки бўлгай анда аждар қонидек ранг,  
Сочай ганж, ичмагига қилсам оҳанг.*

Бу икки байт ўзаро тамсилий муносабат асосига қурилган. Тамсил қондасига кўра, шоир байт ёки икки мисрада шундай тимсоллар келтирадики, улар қайсидир жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлиб, бу алоқадорлик туфайли кейинги тимсол аввалги тимсолнинг ўзгача ифодасига айланади. Бу жиҳатдан олганда, парчада бир-бири билан боғлиқ икки жуфт тимсол бор: май ва ганж, ғам<sup>2</sup> ва аждар. Иккинчи байтдаги ганж аввалги байтдаги майнинг, аждар эса ғамнинг тамсилий ифодасидир. Тимсоллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликда шундай фикр ифодаланган: май – ганж, ғам эса аждардир.

Зоҳиран олганда, аввалги байтда шоир соқийдан май сўраб, май воситаси билан кўнгилидаги ғам-ташвишлардан қутулишни истаётганга ўхшайди. Аммо шоирнинг асл мақсади бу эмас. Май ҳам, ғам ҳам улуғ шоир ижодига хос муҳим тасаввуфий истилоҳ бўлиб, уларнинг ботиний маъноларини Алишер Навоий “Бадойи ул-васаъ” девонига кирган 197-ғазалда шундай шарҳлайди:

*Жаҳон ғамию узум бодаси ғумон қилманг,  
Ки зоҳир аҳлига бу маъни этти бўйла зухур.  
Ва лек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,  
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.*

Зоҳир аҳли, яъни Ҳақ ишқидан беҳабар кишиларга ўхшаб, – дейди шоир, – ғам десам дунё ташвишлари, май десам узум сувидан қилинган ичимлик экан деб ўйламанг. Ҳақиқат аҳли учун май ваҳдат, ғам эса кўнгилини хира қилувчи касратдир. Касратнинг маъноси кўплик, ваҳдатнинг маъноси эса бирлик. Касрат ҳам, ваҳдат ҳам кўнгили ҳолатидир. Касрат – сўфиёна истилоҳда дунё меҳри: оламдаги нарсаларнинг кўнгилидаги сон-саноксиз суратлари бўлса, ваҳдат – Ҳақ ишқи: ўша суратларнинг йўқ бўлиб, кўнгилида биргина Ҳақ жамолининг тажаллий қила бошлашидир. Май ва ғамнинг мазкур ботиний маъноларидан келиб чиқилса, байтда шоирнинг соқийга мурожаат қилиб, шундай дегани

<sup>1</sup> Сукрот – комил инсон тимсоли. / Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. Б.182.

<sup>2</sup> “Ғамгусор” сўзидаги. “Ғамгусор” сўзининг маъноси ғам тарқатувчи.

маълум бўлади: Эй Аллох, кўнглимдан ғам, яъни дунё суратларини кеткизиб, уни май, яъни жамолинг жилваси билан мунаввар қил.

Ўша майнинг ранги аждар қонидек кип-қизил бўлсин, – дейди шоир кейинги байтда аждар ва ганж тимсолларини май ва ғам тимсоллари ва умуман, бобдаги воқеалар билан боғлаб, – токи уни ичиб, ганж-хазиналар сочай! Энди аждарнинг мажозий маъноси ҳақида муайян хулосаларга келиш мумкин: ғам касрат экан, ғамнинг тамсилий ифодаси бўлган аждар ҳам касрат, яъни ўткинчи хоё ҳавасларнинг кўнгил кўзгусини хиралаштирувчи суратларидир!

Фарҳод иккинчи манзилда мағлуб этган офат девдир. “Дев салтанат тимсоли” дир,<sup>1</sup> – деб ёзади Н.Комилов унинг мажозий маъноси ҳақида. Аммо дев дostonнинг ўзида бошқачароқ тарзда изоҳланган. Девнинг ўлими тасвирланган воқеаларга нукта кўяр экан, шоир бу сафар соқийга юзланиб, унга шундай дейди:

*Кел, эй соқий, манга май қил ҳавола,  
Этибон Аҳраман бошин пиёла.  
Ки қилгай ул қадаҳдин руҳи мастим,  
Замоне нафс девин зери дастим.*

Кўриниб турибдики, биринчи байтдаги майнинг тамсилий жуфти рух бўлса, дев(Аҳраман)нинг жуфти – нафс. Маълум бўладики, дев, салтанат эмас, нафс тимсолидир. Эй соқий, – дейди шоир, – менга Аҳраман бошини пиёла қилиб май тут, токи у руҳимни бир дам маст, нафс девини эса зери даст – мағлуб қилсин.

Нафснинг девга ташбеҳ қилиниши бежиз эмас. У ҳам дев каби беҳад шум ва маккор. Дев афсун билан одамларни йўлдан оздирса, нафс макру ҳийла билан кўнгилда дунё меҳрини ғолиб қилади:

*Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд қил,  
Уйда баъзидек согин маккоррае бордур манга?!*

Байтда улуғ шоир шеърларида тез-тез учраб турадиган бир ташбеҳ келтирилган: дунё чиройли бир келинчак. Нафс маккорлик билан мудом дилга васваса соладики, бу келинчакни никоҳингга ол, яъни дунё лаззатларидан баҳраманд бўл. Аммо Ҳақни чин маҳбуб деб билган ошиқ, балки шоирнинг ўзи, нафс васвасасини рад этиб, унга шундай дейди: Эй нафс, менга дунё келинчагига уйлан деб кўп такрорлайверма, ўйлаб гапир, ахир бошқалар каби уйимда ҳатто бир маккорам ҳам йўқ-ку?!

Шундай қилиб, Фарҳод аввалги манзилда ғам аждари, иккинчи манзилда эса нафс девини маҳв этади. Албатта, Фарҳод агар Сухайлои ҳаким берган самандар ёғи бўлмаганда эди, аждарни, аждарнинг хазинасида қўлга киритган қилич ва қалқон бўлмаганда эди, девни енга олмас эди. “Самандар ёғи ишқ тимсолидир”<sup>2</sup> – деб ёзади Н.Комилов бу тимсолнинг тасаввуфий маъноси ҳақида. Шу билан бирга, бу тимсолни ишқдан ўзгача тарзда ҳам талқин қилиш мумкин. Фарҳод аждаҳо ишин бир тийғ ила-ўқ охир айлагач, аждаҳо ғорға юзлангандек, аждаҳо ғориға юзланиб, Афридун ганжини ва ул ганжда аждаҳомонанд қилич бирла ҳалқа урғон йилондек қалқонни олиб чиқади. Қалқоннинг куббасига бир исм ёзилган бўлиб, бу исм кишини девлар макридан асрар, агар бир эмас, минглаб девлар хужум қилса ҳам, зиён етказа олмас, аксинча, қалқонни қўлга олиб, девларга рўбарў қилинса, уларнинг бари кучдан қолиб, тузроқ билан битта бўлиб кетар эди. Қилич ҳам шу исм шарофати би-

<sup>1</sup> Сукрот – комил инсон тимсоли. / Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. Б. 182.

<sup>2</sup> Ўша манба. Б.183.



лан олмос каби кескир эди. Қилич ва қалқон юзига битилган бу исм, дostonда таъкидланишича, исми аъзамдир.

Исми аъзам иккинчи манзилда Фарход беша Ахраманин қатл этиб, унинг хазинасида илиглашга муяссар бўлган Сулаймон узугида ҳам бор. Узук бир кандил ичига яширилган бўлиб, унга шундай сўзлар ёзиб қўйилган эди: Кимда ким бу узукни топишга муяссар бўлса, унга ёзилган исми ўкиб, Искандар тилсимини очади. Агар исм кўп ўқилса, саодат хотифи уни тилсим мушкулларидан огоҳ қилади:

*Ўқиб хотам аро ёзилгон исмин,  
Очар Искандари Румий тилисмин.  
Ўқилса кўп, қилтур фархунда хотиф  
Ул ши мушкилларидин они воқиф.*

Искандари Румий тилсимининг сирларидан хабар берувчи “фархунда хотиф” – Хизр. Фарход Искандар тилсимини ечишга отланиб, учинчи манзилда узук дуосини ўқиган чоғда, кўз ўнгида Хизрнинг беҳад нуруний чехраси намоён бўлиб, унга шундай дейди: сен тилсимни махв этмоққа азм қилган экансан, айтган сўзларимни кўнглингга жо қил. Агар оёғим тўғри йўлдан тойилиб кетмасин десанг, “исми аъзам”ни ўқишдан бир дам ҳам тўхтама, “исми аъзам”сиз бир қадам ҳам ташлама. Шер оғзини очиб ҳамла қилган чоғда эса унинг оғзига тезлик билан узукни от, шер бир дамда дафъ бўлади:

*Равон хотамни онинг оғзига от,  
Ки онинг бирла дафъ ўлгуси ул бот.*

Исми аъзамнинг маъноси улуғ исм бўлиб, исми аъзам деганда, Аллоҳнинг энг улуғ исми тушуниланган. Аллоҳнинг улуғ исмлари кўп бўлса-да, ишқ аҳли учун улар ичида энг улуғи Ҳақдир. Фарходни нафс девининг макру ҳийласи, ғазаб шерининг ҳамласидан асраган қалқон исми аъзам – Махбуби ҳақиқий исми экан, айтиш мумкинки, ғам аждаҳосининг жонлар, балки жаҳонларни куйдириб кул қилувчи ўтидан паноҳ бўлган самандар ёғи ҳам Махбуби ҳақиқийнинг улуғ исми, балки бу улуғ исмнинг, Хизр уқтирганидек, оромсиз, яъни муттасил зикридир.

Фарход ҳар манзилда бир офатни енгар экан, тенгсиз бир хазинага ва бу хазинадаги бир мўъжизавий жисмга эга бўлади. Жумладан, аввалги манзилда ёвуз аждарни тору мор этиб, қўлга киритган мўъжиза, маълум бўлганидек, Афридун ганжи ва ул ганждаги қилич бирла қалқон. Фарходнинг аждар манзилида ганжга эга бўлиши ҳам тасодифий ҳол эмас. Аждар ва ганж бир-бирини тақозо этувчи тимсоллар бўлиб, ганж, улуғ шоир асарларида айтилишича, кўпинча вайроналарда бўлади. Шунингдек, қаердаки ганж бўлса, ўша ерда илон ёки аждар ҳам бўлади. Аждар хазина ёт қўлларга тушмасин деб, кечаю кундуз уни кўриқлаб ётади. Шоирнинг куйидаги байтида аждар ва ганж ҳақидаги бундай тасаввурлар жуда ёрқин акс этган:

*Зулфу рухсоринг ғами не тонг бузуг кўнглим аро,  
Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур.*

Зулфу рухсоринг ғами бузук кўнглимга тушган бўлса ажабланирли эмас, – дейди шоир маъшуқага мурожаат қилиб, – ахир вайрона ичра аждар бўлгандан кейин, у ерда махзан – ганж ҳам бўлади-да! Бу байт ҳам тамсил санъатининг бетакрор намунаси бўлиб, унда ўзаро жуфтлик ҳосил қилувчи куйидаги тимсоллар бор: зулф – аждаҳо, рухсор – махзан. “Соқийнома”лар таҳлилидан

маълум эдики, аждаҳо ғамнинг, ганж эса майнинг истиоравий ифодасидир. Мазкур байтда бу тимсоллар бироз ўзгача талқин қилинган: аждар ғамга эмас, зулф(соч)га; ганж эса майга эмас, рухсор(юз)га нисбат берилган. Бунинг сабаби шуки, сўфиёна истилоҳда ғам билан зулф, май билан рухсор деярли маънодош: юз Ҳақ жамолининг жилваси бўлса, соч бу жилвани яширувчи парда ёки бошқача қилиб айтганда, олам ва ундаги нарсалардир. Зулф юз узра ёйилиб, ёр жамолини кўздан қандай яширса, олам ва ундаги нарсалар ҳам зулф каби парда бўлиб, Ҳақ жамолининг жилвасини кўздан шундай яшириб туради.<sup>1</sup>

Энди ганжнинг тасаввуфона маъноси ҳақида шундай дейиш мумкин: юқорида маълум бўлганидек, май ваҳдат экан, майнинг тамсилий ифодаси бўлган ганж ҳам ваҳдат – Ҳақ жамолининг жилвасидир. Фарҳод аввалги манзилда ғам аждарини ўлдириб, “Фаридун ганжи”га муяссар бўлган экан, бу билан шоир шундай дейди: Фарҳоднинг кўнглидаги ғам аждари, яъни дунё меҳри маҳв бўлиб, унда хусн ганжи, яъни Ҳақ жамоли жилва қила бошлади.

Афридун ганжидаги қилич била қалқонга келадиган бўлсак, уларнинг мажозий маъноси ҳам ганж билан бир хил: қилич ва қалқон ҳам илоҳий жамол жилвасидир. Қилич ва қалқоннинг, бошқа тимсоллардан фарқли ўлароқ, асарга киритилишининг ўз сабаблари бор. Ганж, гарчи муаллиф ғоявий ниятини тўла ифода этса ҳам, шундай бир тафсил ҳам зарур эдики, аввалги манзилда Самандар ёғи аждар оташини дафъ қилгани каби, у ҳам кейинги манзилда Фарҳодни ёвуз девнинг ҳамласидан асрамоғи лозим эди. Дарҳақиқат, Фарҳод нафс девининг комидан сочилган оловни ҳалқа урғон йилондек қалқон билан дафъ қилган бўлса, аждаҳо монанд қилич билан унинг бошини танасидан жудо қилади.

Фарҳодга дев манзилида муяссар бўлган мўъжизавий жисм Сулаймон узугидир. Н.Комилов шер, темир пайкар каби тимсолларга тўхталар экан, узук ҳақида ҳам фикр билдириб, бу ҳақда шундай деб ёзади: “Шер ғазаб тимсоли, ғазабкорлик эса ҳокимлар, подшоларга хос. Дарвешда ғазаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун Фарҳод шернинг оғзига Аҳраман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни дафъ этади”.<sup>2</sup> Гарчи хотам ҳақиқатан ҳам Сулаймон ҳукмдорлигининг рамзи бўлса-да, унинг мажозий маъноси ҳақидаги фикрга қўшилиш қийин. Чунки у шер ва темир пайкар қаторида турган салбий тимсол эмас. Унинг мазмун-моҳиятини Сулаймон, унинг узуги ва девларнинг бадий адабиёт, хусусан, Навоий ижодидаги ўзига хос талқинларидан изламоқ даркор. Ривоятлардан маълумки, Сулаймон алайҳиссалом ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ бўлган. Унинг қудрати шу қадар улуг эдики, унга нафақат одамлар, балки девлар ҳам буйсинар эди. Сулаймоннинг қудрати бир узукда эди. Бу узукнинг кўзига исми аъзам битилган бўлиб, узук токи унда экан, бирор махлуқ унинг буйруғидан бўйин товлай олмас эди.

Ўтмиш адабиётида Сулаймон ва девлар бир-бирига зид тушунчаларнинг рамзи сифатида талқин қилинган. Сиз рақиблар каби Аҳраман мазҳабини тутманг, – дейди Атоий бир байтида, – зеро, Сулаймон ва Аҳраман мазҳабларини аралаштириш яхши эмас:

*Сиз рақиблар мазҳабин тутманг, бегимким, хуш эмас,  
Аҳраманлар миллати бирла Сулаймон мазҳаби.*

Байт мазмунидан сезилиб турибдики, рақиблар мазҳаби аҳраманликдир. Аҳраманлик эса жоҳиллик демақдир. Сулаймон мазҳаби Аҳраман миллатига

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Локон и лицо. / Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: «Наука», ГРВЛ, 1965, с.113–114.

<sup>2</sup> Сукрот – комил инсон тимсоли. /Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. Б.183.

карама-қарши қўйилган экан, хулоса қилиш мумкинки, Сулаймон мазҳаби комилликдир. Ошиқ маъшуқасининг Аҳраман эмас, балки ўзи каби Сулаймон, яъни комиллик мазҳабида бўлишини истайди.

Навоийнинг Сулаймон, Аҳраман ва суруш тимсоллари зикр этилган куйидаги байтининг мазмунида Фарҳод ҳолатига яқинлик сезилади. Агар Сулаймон мажлисида Аҳрамандан ўзга киши бўлмаса, – дейилади унда, – эй Худо, суруш кимга нидо қилади:

*Гар Сулаймон мажмаида бўлмагай жуз Аҳраман,  
Кимга ул мажмаъ аро, ё Раб, нидо қилгай суруш.*

Демак, Сулаймон мажлисида Аҳрамандан ўзгаси бўлмас экан, у ерда суруш овози эшитилмайди. Суруш садо бермоғи учун, улуғ шоир дostonда тасвирлаганидек, нафс Аҳраманини ўлдирмоқ даркор.

Келтирилган байтлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкин: Сулаймон хотами ҳам, аввалги манзилда Фарҳодга муяссар бўлган ганж, хусусан, ундан топилган қилич ва қалқон сингари, илоҳий жамол тажаллийсидир.

Фарҳод бартараф қилмоғи лозим сўнгги офат Искандар тилсимидир.

Тилсимнинг маъноси (аслида тилсим) банд ёки тугун. Одатда бирор мўъжизакор нарсанинг банд қилиниши: унинг бирор жойга яширилиб, унга кириладиган йўлнинг жонга ваҳима солувчи сеҳрли нарса ва жонзотлар билан тўсиб қўйилиши тилсим дейилган. Тилсим сирларидан огоҳ бўлмасдан туриб, унга киришнинг иложи йўқ. Акс ҳолда, хавфу хатар кишини ҳалок қилиши муқаррар. Искандар тилсимига келадиган бўлсак, Рабғузийнинг ҳикоя қилишича, Искандар ер юзидаги барча мамлакатларни эгаллагач, мангу тириклик умидида олимларни ҳузурига чорлаб, улардан сўрайдики, ўлимга чора борми? Бир олим унга Қоф тоғининг орқасида бир чашма бор, суви асалдан ширинроқ, ичган киши киёматга қадар ўлим нималигини билмагай, бироқ чашма зулмат бағрида, уни топиш ғоят мушкул, деб жавоб беради. Искандар тириклик сувини излаб Хизр билан бирга сафарга чиқади. Лекин зулмат бағрида адашиб қолиб, тириклик суви Искандарга эмас, Хизрга насиб қилади. Шундан сўнг Искандарнинг иши, ўзгалар баҳраманд бўлмасин деб, мўъжизакор нарсаларни банд қилиш, Хизрнинг иши эса Искандар боғлаган бандларни ечиш бўлиб қолади. Дostonнинг ўзида Хизр Фарҳодга бу ҳақда шундай дейди:

*Ишин чун қилди чарх айлаб ҳасад банд,  
Чиқиб офоқ аро бўлди расад банд.  
Анга иш боғламоқ бўлди ҳамеша,  
Манга очмоқ анинг бандини пеша.*

Жамшиднинг жоми ҳам шу мўъжизалардан бири бўлиб, Искандар уни бир кўрғонга яшириб қўйган эди.

Тилсим, жумладан, Искандар тилсимининг мажозий маъноси ҳақида на мавжуд тадқиқотлар, на сўфиёна луғатлар ва на боб охиридаги “соқийнома”ларда бирор маълумот учрайди. Шунингдек, шоирнинг лирик шеърларида ҳам бу тимсол зикр қилинмаган. Шунинг учун таҳлилни тескари тарафдан бошлаб, Жамшид жомига мурожаат қилишга тўғри келади. Зеро, ганжнинг зидди аждар, Сулаймон узугининг зидди дев экан, Жоми Жамшиднинг маъносини аниқлаб, унинг зидди бўлган тилсим ҳақида ҳам муайян хулосаларга келиш мумкин.

Жамшид ҳақида Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да шундай ҳикоя қилади: “Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва хусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб ихтироълар

қилди”. Жамшид қилган “ғариб ихтироълар” дан бири унинг жомидир. Бу жом тоза май билан тўла бўлиб, унда оламда содир бўлаётган ҳодисалардан тортиб киши кўзидан яширин сирларгача худди кўзгудагидай акс этар, унга назар солган киши бир зумда улардан хабардор бўлар экан. Ана шу мўъжизавий жом Жоми Жамшид ёки Жоми Жам яъни Жамшиднинг жоми деб аталган. Жоми Жам Навоий ижодида Жоми гетийнамо, Жоми жаҳонбин – жаҳонни кўрсатувчи жом тарзида ҳам учрайди.

Сўфиёна истилоҳлар луғатида жомга шундай таъриф берилган: жом (деб) илоҳий тажаллиёт мазҳарига айтурлар.<sup>1</sup> Жом кўнгилдир, – дейди Алишер Навоий илоҳий тажаллиёт мазҳари<sup>2</sup> деган тушунчага аниқлик киритиб, – шунинг учун унинг нақшинкор эмас, содда бўлгани яхши:

*Кўнгул ваҳдат майининг жоми эрмиш,  
Бу соғар сода яхши, йўқ мунаққаш.*

– Биз жом дер эканмиз, – деб ёзади Алишер Навоий бошқа бир байтида, – бундан мақсад Ёрнинг майдаги оксидир:

*Жомдин бизга гараз май ичра дилбар оксидур,  
Йўқса ўз акси ҳам айлар жилва холи жомдин.*

Бу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, маълум бўладики, жом Ёр жамоли акс этиб турадиган кўнгилдир.

Жоми Жам ҳам – жом. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, у ҳам кўнгилдир. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай фикр билдиради:

*Кўнгул – Жоми жаҳонбиндур, тўло қил соф май бирла,  
Ки солгай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда.*

Аммо, байтнинг мазмунидан сезилиб турибдики, кўнгил ўз-ўзидан Жоми жаҳонбинга айланмайди: бунинг учун уни соф май билан тўлдирмоқ лозим! Аввалги таҳлиллардан маълумки, май – ваҳдат, ваҳдат эса кўнгилда биргина Ҳақ жамолининг тажаллий қилишидир. Майнинг зидди ғамдир. Ғам ўз навбатида касрат, касрат эса дунё меҳри – Ҳақдан ўзга нарсаларнинг кўнгилдаги сон-саноксиз суратларидир. Ваҳдат ҳосил қилиш учун кўнгилни касрат – дунё меҳридан покламоқ лозим. Улуғ шоир “Ғаройиб ус-сиғар” ва умуман, “Хазойин ул-маоний”нинг бошланма ғазали бўлган “Ашрақат...” да дейди:

*Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллиқ ғамзудо.*

Байтдаги ғайр сўзининг маъноси ўзга, бошқа, нақшнинг маъноси эса сурат. Ғайр нақши бирикмасининг зоҳирий маъноси ўзганинг суратидир. Аммо ғайр нақши Навоий ижодида истилоҳий маъно касб этган барқарор бирикма бўлиб, ўзганинг эмас, балки Ҳақдан ўзга нарсаларнинг сурати деган маънони билдиради. Бу жиҳатдан ғайр нақши занги ғам – ғам занги билан маънодош. Агар кўнгил жомида Ҳақдан ўзга нарсаларнинг суратидан тушган ғам занги бўлса, – дейди шоир, – эй соқий, бу зангни кетказишда ваҳдат майидан яхшироқ восита йўқ. Ваҳдат майи қандай яхши майки, – дейилади кейинги байтда, – у бир синган сафолга куйилса, сафол Жоми гетийнамога, ундан май ичган гадо эса шоҳ Жамшидга айланади:

<sup>1</sup> Миръоти ушшоқ. / Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: «Наука», ГРВЛ, 1965. С. 142.

<sup>2</sup> Мазҳар – илоҳий жамол зоҳир бўладиган жой, жилвагоҳ.

*Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид ани ичган гадо.*

Ана энди маълум бўладики, Жоми Жам касратни тарк этиб ваҳдатга етган, ғам, яъни дунё меҳридан халос бўлиб, май, яъни Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган кўнгилдир. Бундай кўнгил Ёр жамолининг жилвагоҳигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга, байтда айтилганидек, у оламнинг энг яширин сирларини ҳам, бўлаётган ва ҳатто келажақда бўладиган воқеа-ходисаларни ҳам акс эттирадиган бир кўзгуга айланади.

Энди тилсим ҳақида шундай дейиш: Жоми Жам ғам зангидан покланиб, Ҳақ жамолининг жилвагоҳига айланган кўнгил экан, унинг зидди бўлган тилсим, аввалги манзиллардаги аждар ва дев сингари, ғайр нақши: Ҳақдан ўзга нарсаларнинг кўнгил жомини занг сингари қоплаб олган сон-саноксиз суратларидир. Кўнгилни ўтиб бўлмас кўрғон ичига яшириб, уни ғам занги: ғазабкор шер ва темир пайкардек даҳшатли махлуқлар билан кўриқлаб ётган тилсимни маҳв этишининг энг яхши воситаси, улуғ шоир юқоридаги байтда таъкидлаганидек, ваҳдат майидир. Кўнгил жоми ваҳдат майи билан лиммо-лим тўлиб, унда Мақсуд чехраси жилваланадир экан, Ундан ўзга нарсаларнинг суратлари бир лаҳзада йўқ бўлиб кетади:

*Токи ул майдин кўнгул жомида бўлгач жилвагар  
Чехраи Мақсуд, маҳв ўлгай ҳамул дам моадо.*

Дарҳақиқат, Фарҳод ёйдан учган ўқ, аниқроқ қилиб айтганда, ваҳдат ўқи темир танли кўриқчининг кўксига ойнага қадалган чоғда нафақат у, унга кўшилиб Фарҳод кўксини, балки кўнглини ёй ўқига нишон қилган юзлаб ўқчилар, бошқача қилиб айтганда, касрат ҳам яксон бўлади.

Шундай қилиб, Фарҳод уч манзилни қатъ айлаб, уч шартни адо этди. Энди Жоми жаҳонбин тутиб, навбатдаги тилсим – тўртинчи манзилдаги Сукрот тоғи тилисмин очарға камар боғламоғи керак. Фарҳод Жомга назар ташлар экан, унда аввал Сукрот тоғи, сўнгра эса Сукрот ғори намоён бўлади. Жомдан таралган нур оламни куёшдек чароғон қилар эди. Фарҳод жом партавида (ёруғида) ҳар бири хижрон тунидек қоронғи ғорлар ичидан Сукрот ғорини, ғор ичидан эса Сукротни излаб топади. Сукротнинг жонбахш сўзларини тинглар экан, тилсим мушқили унга “қониян минкон” (бирма-бир) равшан бўлади. Сукрот Фарҳодга шундай дейди: Бу ён келишинга сабаб Оина тилсимидир. Сен бундан аввал темир ўпчин(совут)ликнинг кўксига ойнага ўқ узиб, уни парчаладинг. Ўша ўқ нафақат Искандар, балки Оина тилсимининг ҳам очилишига боис бўлди:

*Бурунги кўзгуким, ашқингни сочти,  
Бу ўқ онинг тилисмин доғи очти.*

Сукротнинг бу сўзларини Оинаи Искандарий маъно тилсимини очиш ҳақидаги бир ишора деб тушуниш мумкин: Фарҳод темир ўпчинликнинг кўксига ўқ санчиб, нимаики топган бўлса, Оинаи Искандарий ҳам шу, яъни Жамшиднинг жоми. Жамшиднинг жоми эса, кўриб ўтилганидек, кўнгил!

Дарҳақиқат, Оина шоир девонидан ўрин олган кўпгина байтларда кўнгил сифатида талқин қилинади. “Ғаройиб ус-сиғар”да келтирилган бир байтда шоир шундай деб ёзади:

*Маъшуқ қилур жилва, ҳар қимқи, анинг кўнглин  
Дард ўти қули бирла ишқ оинафом этмиш.*

Маълумки, ўтмиш даврларда оина шиша эмас, кўпроқ темирдан ясалган. Нарсаларнинг акси намоён бўлиши учун унга турли нарсалар, жумладан, кул билан сайқал берилган. Байтда кўнгил оинага ташбеҳ қилинган бўлиб, унда айтилишича, кўнгилга дард ўтининг кули билан жило бериб, уни оинасифат қилиш лозим. Ана ўшанда Маъшук ҳусни унда жилва қилади.

“Наводир уш-шабоб” дан ўрин олган қуйидаги байтни кўнгул оинасига жило бермоқ ҳақидаги фикрнинг изоҳи деб айтиш мумкин:

*Шоҳиди мақсуд акси кўнгулма тушмас дединг,  
Ғайр нақшидин магар пок эрмас ул кўзгу хануз?*

Байтдаги ғайр нақши иборасининг маъноси бизга яхши маълум. Мақсудди аслий ҳусни кўнглимда жилваланмаяпти, дединг, – ўз-ўзига таъна қилади шоир байтда, – бу бежиз эмас: ахир, кўнглинг кўзгуси хануз ғайр нақши – Ҳақдан ўзга нарсаларнинг ғуборидан пок бўлган эмас-ку!

Маълум бўладики, Оинаи Искандарий, ҳақиқатан ҳам, худди Жамшид жомии каби, Ҳақ жамоли тажаллий этиб турадиган кўнгилдир.

Бир қарашда тимсоллар такрорлангандек туюлади: Жомии жаҳоннамо ҳам, Оинаи Искандарий ҳам кўнгил. Аммо бу тимсоллар такрори эмас, балки тадрижидир: Ҳақ ошиқи манзилдан манзилга, мақомдан мақомга ўтар экан, ҳам занги ювилиб, кўнгил кўзгуси тобора равшанлашиб боради. Шоирнинг таъкидлашича, бу кўзгу не чоғли равшан бўлса, Ҳақ жамоли ҳам унда шунчалик ёрқин жилва қилади:

*Кўзгу равшанроқ неча қилса зухур,  
Зоҳир ўлгай акс анда беқусур.<sup>1</sup>*

Шу маънода нафақат Жамшид жомии ёки Оинаи Искандарий, балки Фаридун ганжи ҳам, Сулаймон узуги ва ҳатто Суқротии ҳақим ҳам кўнгил. Ҳақиқатан ҳам, биринчи манзилда Фарҳод ҳам аждарини енгиб, Фаридуннинг қалқон ва қиличинини забт этди – Ҳақ жамоли кўнглида илк бор жилва қилди. Қилич ва қалқон билан иккинчи манзилда нафс девини мағлуб этиб, Сулаймон узугига эга бўлди – Ҳақ жамоли жилва қилиш билан бирга, унинг кўнглида “фархунда хотиф” – Хизр садо берди. Сулаймон узуги ва Хизрнинг жонбахш ўғитлари ёрдами билан учинчи манзилда Искандар тилсимини саранжом айлаб, Жамшид жомини қўлга киритди – худди Хизрнинг равшан кўнглидек кўнгил соҳибига айланди. Тўртинчи манзилда Жомии партави билан Суқрот тоғи тилсимини маҳв этиб, Суқрот хузурига етишди – Оинаи Искандарий сиридан воқиф бўлди. Ва ниҳоят, Суқрот сўзларига амал қилиб, Оинаи Искандарий юзига нигоҳ ташлади: унда Ширин жамоли куёшдек жилва айлаб, Суқрот ҳақим башорат қилганидек, бу жилва “ишқ ибтилоси”, балки “ошиқлик ибтидоси” бўлди:

*Ани кўргач этиб ишқ ибтилоси,  
Бўлиб ошиқлигининг ибтидоси.*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Оинаи Искандарий кўзгуларнинг кўзгуси, кўнгил кўзгулари ичра энг улуғ ва энг равшанидирки, шоир таъкидлаганидек, Жилва айлар Тенгри анда муттасил!<sup>2</sup>

*Абдулхамид ҚУРБОНОВ,  
ДПУ қатта илмий ходими*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. Б.84.

<sup>2</sup> Уша манба. Б.84.



ESSE

Jahon  
ADABIYOTI



## ПАСТЕРНАК ЙЎЛИ

Биз уни эшитмаганмиз, у хақида эшитганмиз. У шеърларни қандай оҳангда ўқиган, унинг оҳангида давр ва ижодкор руҳ овози қандай эди? Пастернакнинг 1989 йили Москвада нашр этилган (“Художественная литература”) беш жилдди асарларини варақлайман. Биринчи жилд саҳифаларида 20–40 ёш оралиғида яратилган шеърлар, поэмалар ловуллаб туради. Иккинчи жилддан 40–70 ёш ўрталигидаги тиниқ тортган туйғуларга тўла шеърлар, таржималар ўрин олган. У кимларни таржима қилди экан? Собиқ тузум умумшеъриятидан Н.Бараташвили, В.Пшавела, А.Церетели, Т.Табидзе, П.Яшвили, К.Каладзе, Т.Шевченко; Ғарбий Европа шеъриятидан У.Шекспир, Ж.Байрон, Ж.Китс, П.Шелли, П.Верлен, А.Жид, Э.Верхарн, И.Гёте. Унинг “Ҳамлет”, “Мефистофел” сингари шеърларида қаердан улги олгани мана энди маълум бўлаяпти. Сўнг “Доктор Живаго”, қиссалар, ижодкор умрининг шомиди битилган мақолалар, очерклар, хатлар.

Борис Леонидович Пастернак 1890 йил 10 февралда (ўзи эса “Одамлар ва вазиятлар” асарида таваллуд санаси сифатида 29 январни кўрсатади) Москвада туғилган. Болалик ва ўсмирлик йилларида мусиқа ва тасвирий санъат орзуларига берилган. “Бутун нодирлик ва фавкуллоддалик мусиқачилар, рассомлар, шоирлар дунёсидан дунёга келади. Ўсмир мухташам септима<sup>1</sup>нинг дастлабки уч оҳангини (оҳанг, тасвир, сўз назарда тutilмоқда – Ш.Н.) илғади, танг қолди, товушларнинг ягона ғуж бирикмасидан шунчаки ўмарилмаган мусиқани қандай бунёд этиш мумкин – мисоли Александр Блокдек, “Фусункор”дек, “Оғу”дек; қандай мафтун этиш мумкин Рембо ва Лафоргни мафтун этган Пушкиндек”<sup>2</sup>. Пастернак ўз ғояларини асосли ва муқим шаклантириш учун 1909 йил Москва университетининг тарих-фалсафа факультетига ўқишга кирди, бир муддат Германияда таҳсил олди, охир-оқибат мусиқий, фалсафий кизиқишларини адабиётга кўчириб қўя қолди. 24 ёшда “Булутлар орасидаги эгизак” номли илк шеърлар тўпламини нашр этди. Ёшлик ёнғинларида футуризмга берилди. Аммо мусиқага ошуфталик, Шекспир, Гётега ошиқлик билан фақат футурист бўлиб қолиб кетиш мумкин эмас. Уйғунлик зарур, шаклда, оҳангда, фикрда уйғунлик, кенглик зарур. Насрий асарлар, драматик дostonлар, фалсафий миниатюралар яратди. “Китоб куб шаклидаги чўғдек бўлак, тутаб турган виждон – бундан бошқа нарса эмас. Сайраб жуфтлашишга

<sup>1</sup> Септима – мусиқий истилоҳ. Еттинчи парда ва етти парда оралиғи.

<sup>2</sup> Пастернак Б. Собр.соч., т 4. –М., 1989, с. 365.

чорлаш – кушларни сақлаб қолиш учун табиатнинг ғамхўрлиги, қулоқларга урилган баҳорий жаранг. Китоб – чорлов жойи. У ҳеч кимни ва ҳеч нарсани эшитмайди, унинг қулоқлари батанг, у ўзига берилган. Унингсиз руҳнинг давомийлиги узилади. У гувраниб овоз бермайди. У қийшангламайди. Уни ёзадилар. У юксалади, ақлни тўлдиради, кўринишларни ифода этади – бу унинг кўпайиши, унда шундай. Унинг бори шу ва у айбдор эмас. У коинотнинг руҳоний тарзи. Яқин-яқинлардан ўйлай бошлашдики, китобдаги манзаралар – айна томошалармиш. Бу хатолик. Нега бундай бўлар экан? Бизнинг ўлкаларда бир нарсани унутишди: ҳаёт шовурини ногўғри талқин қилмаслик шартини. Топа олмаслик ва ҳақиқатни сўзлашдаги нўноклик – иллат; ёлғонни хаспўшлаш бирор иқтидордан нишона эмас. Китоб – жонли хилқат. У бутун хотира ва бутун идрокка нақш этилган: манзаралар, тасвирлар – булар ўтмиш қаъридан олиб чиқилган, ёдга ўрнашган ва унутилмасдир”<sup>1</sup>.

Ижодкор “Оғир хасталик” (1928), “Доктор Живаго” (асар дастлаб Миланда италянча таржимада чоп этила бошланган, 1958 йилдан рус тилида босилган), “Одамлар ва вазиятлар” (1957) каби ўта кескин руҳдаги ижтимоий-адабий асарлари учун 1958 йил Нобель мукофоти билан тақдирланди. Пастернак турли рус комусларида 1950–1991 йиллар авлодига мансуб кўрилади. И.Буниндан (1933) сўнг бу давр рус адабиёти тўртта Нобель лауреатларини берди: Пастернак (1958), М.Шолохов (1965), А.Солженицын (1970) ва И.Бродский (1987). Уларнинг ҳаммаси инсоний ҳамдардлик ва бахтсизликни аритиш истагида ёнганлар. Пастернакнинг “Нобель мукофоти” шеъри ҳам шу истакка алоқадор.

*Хўрланган ҳайвондек охир битдим мен,  
 Қайлардадир яшар инсон, эрк ва нур,  
 Менга озодлик йўқ, озод бир йўл йўқ,  
 Изма-из қувадир тўполон-говур.*

*Тим қорайган ўрмон ва ҳовуз лаби,  
 Қора қарагайлар кесилмиши – тўнка.  
 Ҳар ёқдан тўсылмиши йўлнинг таноби.  
 Нима кечса кечар, фарқсиздир бунда.*

*Тубанлик ортида нелар қилдим мен,  
 Мен бир қотилмидим, тагин бадқирдор?  
 Менинг нурли, кўркли заминим узра  
 Дунёни чорловга тўлдирганим бор.*

*Аммо кўрмайсизми – йўқлик, нобудлик,  
 Аммо ишонурман, ўтгай фаслар –  
 Адоват ва қаҳр дағдағасидан  
 Енгиб чиқажакдир эзгу насллар.*

Пастернак бу йил 125 ёшга тўлди. Унинг асарлари хануз бизга ва эртамизга дахлдор. Аммо ёшлик ва беҳабарлик вадидан саволлар қийнайди. Пастернакни чинакам таржималарда, тафти қафтни куйдирадиган ўзбек тилидаги китобларда қачон ўқир эканмиз? Қачон бемалол “Пастернакни биламан” дея олар эканмиз?

*Шаҳноза НАЗАРОВА*

<sup>1</sup> Пастернак Б. Собр.соч., т 2. –М., 1989, с. 367.





## ҚАЙТА КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚ



### Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Али Мардоний Фард билан суҳбат

– Форс замини инсоният цивилизациясининг бешиклардан бири саналади. Француз шарқишуноси Рене Гроссе “Эроннинг башариятдан буюк ҳаққи бор” деганида ҳам аynи шу тарихий ҳақиқатни кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Илму ҳикмат суяк суради: авлоддан авлодга ўтади. Бугун Эронда кўплаб соҳалар қатори илм-фан ҳам тараққий этмоқда. Бу борада биргина нанотехнологиялар бўйича ютуқларни эътироф этиши кифоя. Элчи жаноблари, суҳбат аввалида мамлакатингиз илм-фанининг бугуни ва истиқболи хусусида сўзлаб берсангиз.

– Илму дониш шундай кудратли кучки, ким унга эга бўлса, оламни идора қилади, ким ундан узоклашса, қолоқликка маҳкумдир. 1979 йилги Ислом инкилобидан кейин Эронда кенг қамровли илмий ҳаракат юзага келди. Қўлга киритилган муваффақиятларнинг асосий омилла ридан бири шуки, мамлакатимиз таълим ривожига маблағни аямади. Келинг, эътиборингизга айрим рақамларни ҳавола этай. Сўнгги маълумотларга кўра, Эроннинг 2500 олий ўқув юртида 4,5 миллион талаба таҳсил олмоқда. Ваҳоланки, 1978 йили талабалар сони атиги 75 минг нафар эди. Бугун илмий муассасаларда тўлиқ штатда ишлаётган олимлар 65 минг нафарни, докторантлар эса 60 минг кишини ташкил этмоқда. 61 мингга яқин эронлик талаба (уларнинг 26 минг нафари докторантлар) хориж университетларида таҳсил оляпти. Scopus (илмий мақолалар статистикасини юритувчи халқаро тизим) маълумотига қараганда, 2014 йили Эронда

Мустақиллик санаси –  
1979 йил

Пойтахти – Техрон

Майдони – 1 648 000 км<sup>2</sup>

Аҳолиси – 80 840 513 миллион  
киши

Давлат тили – форс тили



25 мингдан зиёд илмий мақола чоп этилган ва мамлакатимиз бу борада минтақада биринчи, жаҳонда эса 15-ўринни эгаллаган.

Эрон Ислом Республикаси Ғарбий Осиёнинг тиббиёт марказига айланмоқда. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган касалхоналарга минтақадаги бошқа давлатлардан мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтагани беморлар келаётир. Эронлик тиббиётчилари, айниқса, ўзак хужайралар, орқа мия муолажаси, ҳайвонларни клонлаштириш ва бошқа соҳаларда етакчи ўринда. Ички эҳтиёж учун зарур дори-дармоннинг 90 фоизи мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариляпти.

Эрон ядро ёнилғисидан тинчлик мақсадида фойдаланиш учун уранны бойитиш центрифугаларини яратиб, бу борада мутараққий давлатлар сафидан жой олди. Қолаверса, Ер сунъий йўлдошини лойиҳалаштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва учурувчи жаҳондаги олти мамлакатдан бирига айланди. Мамлакатимиз юқори технологиялардан фойдаланиб, аэрокосмонавтикани тараққий эттиряпти. Ҳозирга қадар тўртта сунъий йўлдош орбитага чиқарилди.

Тўғри таъкидладингиз, Эрон нано ва лазер технологиялари соҳасида ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришяпти. Бу борада мамлакатимиз жаҳонда еттинчи ўринни эгаллаб турибди. Автомобилсозлик, кемасозлик, самолётсозлик, пўлат ва алюминий саноати, нефть ва газ қудуқларини казиш, нефтни қайта ишлаш, тўғон, элеватор ва магистраллар қуриш борасида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Бугун илм-фан ва технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бориб, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қиляпти. Кундек равшанки, илм-фан тараққиётисиз фаровон ҳаёт, осойишта жамият ҳақида орзу қилмаса ҳам бўлади. Биз мазкур жабҳада қисқа ва узоқ муддатли мақсадларни кўзлаганмиз. Аввало, илм-фан ютуқларини ҳаётимизга татбиқ этиб, аҳоли турмуш тарзини оширишни ният қилганмиз. Узоқ муддатли мақсадимиз эса ярим асрдан кейин илм-фаннинг юксак чўққиларини забт этиш, шунингдек, форс забонини дунё илм тилларидан бирига айлантиришдан иборатдир.

– *Форс халқи азалдан шоиртабиат, гапга чечан келади. Аҳли қаламни қўятурунг, ҳатто ҳунарманду соҳибдавлатлар, зироатқору тужжорлар ҳам таъби назми баландлиги билан тилга тушган. Раият ҳаётий муаммоларга донишманд Умар Хайём рубоийларидан ёки шайх Саъдий ҳикматларидан жавоб топади, ошиқлар қилқалам шоир Ҳофиз газалларини тилдан қўймайди. Бу каби улуг мутафаккирлар асарларини ўқиб танглайи кўтарилган ўқувчининг кўнглини топиш эса осон эмас, албатта. Замонавий Эрон адабиётида қандай мавзу, лейтмотивлар етакчи ўринда?*

– XX аср бошларидаги жадал ўзгаришлар, Оврупонинг турли фалсафий ва адабий мактаблари билан танишув, кишилар онгу тафаккуридаги эврилишлар таъсирида Эронда янги давр адабиёти шаклланди. Менимча, мамлакатимизда 1906 йил август ойида конституциявий тузум (машрутият) ўрнатилгандан бошлаб ҳозиргача бўлган даврни замонавий Эрон адабиёти деб атаган маъқул. Матбаачиликнинг вужудга келиши, журналистиканинг равақ топиши ва янги усулдаги мактабларнинг таъсис этилиши эса замонавий адабиёт тараққиётига доялик қилди.

Замонавий прозанинг мавзу ва мазмун доираси кенгайди. Насрий асарларда реал воқелик, халқнинг орзу-армонлари, дарду изтироблари ва янги ғоялар кўпроқ акс эта бошлади. Адабий тил соддалашиб, чигаллик,

мавхумлик ва мубҳамликдан халос бўлди, бадиий асарларга жонли халқ тили оҳанглари кириб келди. Зайн ул-Обидийн Мароғайи, Али Акбар Деххудо, Саййид Муҳаммад Али Жамолзода каби адиблар замонавий наср “ветеран”лари саналади.

Шеърятда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. “Шеъре нў” (янги шеър), “шеъре сепид” (оқ шеър), “мўже нў” (янги мавж) каби янги мактаблар шаклланди. Қалам аҳли мумтоз ва замонавий жанрларда бирдек ижод қила бошлади. Бугун ҳам айрим шоирлар Фирдавсий, Фаррухий ва Унсурий ижодидан маҳорат мактаби ўлароқ фойдаланса, бошқалари Саъдий, Жалолиддин Мавлавий (Румий) ва Ҳофизнинг этагидан тутган, яна бир гуруҳ ижодкорлар эса Сойиб Табризийга хос нуктадонлик ва гўзал ташбеҳларни афзал билади.

Бугун мадҳия, қасида, рубоий, ғазал сингари кўҳна жанрлар янги оҳанг ва ранглар ила бойиган. Масалан, янги давр рубоийларида “дунёи дун бебақо, дардни унутмоқ учун шаробдан нўш айла” кабилидаги пессимистик чақириқлар ўрнини “бу ёруғ оламга келмоқнинг ўзи улуғ неъмат, шундай экан, инсон Парвардигор инъом этган ҳар лаҳзадан унумли фойдаланиши лозим” сингари умидбахш даъватлар эгаллади. Куръони карим ва диний ҳикматлар шеърят мазмунини янада бойитди.

Шаҳриёр, Меҳродод Авесто, Мўсавий Гарморудий, Ҳамид Сабзаворий (бу шоирлар ҳам инқилобдан олдинги, ҳам кейинги даврга мансуб), шунингдек, Али Муаллим, Насруллоҳ Мардоний, Салмон Ҳиротий, Қайсар Аминпур, Ҳасан Ҳусайний, Сепиде Кошонийларнинг ижоди халққа мақбул ва манзур бўлди.

Умуман, адабиёт аҳли қаламга олаётган асосий мавзулар истибдод даври адолатсизликлари, куллик ва қарамликни қоралаш, “муқаддас ватан мудофааси” деб аталган саккиз йиллик уруш давридаги халқ қаҳрамонликлари ҳамда умумбашарий фазилатларни улуғлаш, ёвузликка қарши кураш ва эзгуликка даъватдан иборатдир.

Ислом инқилобидан кейинги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида ўзликни англаш, бебаҳо тарихий меросни ўрганиш иштиёқи ошди, таъбир жоиз бўлса, маънавиятимизнинг асл булоқлари қайта кўз очди. Адабиёт аҳлига муносабат буткул ўзгарди. Эрон улуғ раҳбари оятуллоҳ Хоменайи ҳазратлари бошчилигида ҳар йили мушоира ўтказилаётгани бунинг тасдиғидир.

Таржима санъати ҳам янги босқичда кўтарилди. Жаҳоннинг етакчи фалсафий мактаблари вакиллари, улуғ мутафаккирларнинг асарлари форс тилига ўгирилди. Айни чоқда, Шарқ алломалари асарлари тадқиқи ва таржимасига ҳам катта эътибор берилляпти. Масалан, Абу Али ибн Синонинг араб тилидаги “Тиб қонунлари” асари, Машрикзамин адибларига салмоқли таъсир кўрсатган Ибн Арабийнинг рисоалари она тилимизга ўгирилди. Шунингдек, диний ва ирфоний китоблар, жумладан, Куръони каримнинг эликдан зиёд янги таржимаси китоб жавонларини тўлдирди.

– *Туркийлар азалдан форс адабиётига ошно бўлиб келган, икки халқ ўртасида тил билан бозлиқ тўсиқнинг ўзи йўқ эди-да. Кейинги даврларда форс тилидаги асарларни ўзбекчага ўгириши эҳтиёжи кучайди. Янги замон Эрон адабиёти вакилларида Муртазо Мушиқ Қозимий, Саид Муҳаммад Али Жамолзода, Содиқ Ҳидоят, Хусрав Шоҳоний, Фаридун Тонқабоний, Фаридун Амузода Халилий каби адиблар, Фурўғ Фаррухзод, Салмон Ҳиротий, Қайсар Аминпур, Нодир Нодирпур каби шоирларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур адиб ва шоирлар*

*ижоди XX аср Эрон адабиёти бўйича тўлиқ тасаввур бера оладими? Ўзбек ўқувчисига яна қайси ижодкорларнинг асарларини илгинган бўлар эдингиз?*

– Қатра йиғилиб дарё бўлганидек, турфа сўз санъаткорлари қаламига мансуб асарлар жамланиб яхлит адабиётни ҳосил қилади. Эрон адабиётини чаманзорга қиёсласак, бу бўстон ичра ҳар бир қаламкаш хуш ифор таратаётган гул каби ўз ўрнига эга. Бинобарин, бу гуллар ҳарчанд хушбўй ва гўзал бўлмасин, якка ҳолда форс адабиёти маънавий гулистонининг сархуш этувчи муаттар бўйи ва соҳир ранглари жилосини тўла ифода этишга ожиз.

Ўзбекистон заминида яшаб ижод қилган моҳир мутаржимлар қадим замонлардан ҳозиргача форс адабиёти бўстонида хушбўй гулларни саралаб, ўқувчиларга тақдим этиб келган. Ўйлайманки, бу анъана мудом давом этади. Бундан кейин ҳам таржимон дўстларимизнинг ўз маҳорати, юксак диди ва теран тафаккурини ишга солишига шубҳам йўқ. Таржима учун эса замонавий Эрон адабиётидан қуйидаги буюк адибларни тавсия қилган бўлардим: шоир ва рассом Сухроб Сипехрий, атоқли шоира Парвин Ёътисомий, зуллисонайн шоир Шаҳриёр (Саййид Муҳаммад Хусайн Баҳжат), Жалол Ол-Аҳмад таҳаллуси билан танилган забардаст ёзувчи Жалолиддин Содот Ол-Аҳмад, Фаридун Мўширий, Сепиде Кошоний, Али Акбар Деххудо, Али Муаллим, Аҳмад Шомлу, Муҳаммад Али Исломи (Надушан), Эқбол Эштиёқий, Мушфиқ Кошоний, Али Ризо Қазве, Маҳмуд Давлатободий, Сиймин Бехбаҳоний ва Сиймин Донишвар.

– *XX асрнинг 30-йиллари эронлик шоир Нимо Юшиж бармоқ вазнидаги шеърлари билан шуҳрат қозонди. “Шеър нў” (янги шеър) деб номланган йўналиш асрлар давомида аруз “зулм”идан “азият чеккан” форс шеърятига ёқимли эпкин олиб кирди гўё. Кейинроқ бошқа бир новатор Аҳмад Шомлу форс назмида “шеър сепид” (оқ шеър) йўналишига асос солди. Дарвоқе, XX аср форс шеърятининг ёрқин намояндаларидан бири бўлган А.Шомлу ўз чиқишларида оқ шеърни ёқлаб, кўҳна шеърини анъаналарни рад этади. Шоир арузда қалам тебратган ижодкор “сўзни вазн катакчасига қамаш”га мажбур бўлади деб ҳисоблайди, қасида, газал, рубоий каби анъанавий жанрларнинг “куни битди” дея ҳукм чиқаради. Новатор шоирнинг аруз ва мумтоз кўҳна жанрлар борасидаги мулоҳазаларини қандай баҳолайсиз? Чиндан ҳам, замонавий йўналишлар форс шеърятидан кўҳна арузни сиқиб чиқардимми?*

– Мен мумтоз ва замонавий адабиёт ўртасига “хитой девори” кўймаган бўлар эдим. Фикримни асослаш учун ижозатингиз билан гапни узоқроқдан бошласам. Ғазал, қасида, қитъа, маснавий, рубоий, таржиъбанд, таркиббанд каби мумтоз жанрлар асрлар давомида шаклланди, аруз бағрида Фирдавсий, Носир Хусрав, Низомий, Аттор, Мавлавий, Саъдий, Ҳофиз каби даҳо шоирлар камол топди. Шу тариқа хижрий-шамсий 1300-йиллар, яъни XX асрнинг йигирманчи йилларигача форс адабиётида анъанавий классик услуб ва аруз вазни етакчи бўлиб келди. Бироқ Эронда конституциявий тузум ўрнатишга уринишлар жонланган кезлари шеърятда ҳам кескин ўзгаришларга эҳтиёж пайдо бўлди. Айни шу даврда адиб ул-мамолик Фараҳоний, малик уш-шуаро Баҳор, Ориф, Ишқий, Лохутий, Фаррухий Яздий, Ираж Мирзо каби шоирлар хос табақанинг биқик муҳити ҳамда саройнинг қалин деворлари орасида қолган форс шеърятини озод этиб, кенг омма мулкига айлантирди. Айтиш керакки, қалам аҳли гарчи поэзияга янги маъно-мазмун олиб

кирган, ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърлари билан классик назмда бурилиш ясаган бўлса-да, барибир анъанавий қолипларга содиқ қолган эди...

Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб эса чинакам поэтик янгиланиш даврига қадам қўйилди. Сиз эслаб ўтган шоир Нимо Юшиж анъанавий шеър “анатомия”сини ўзгартириб юборди. Ижодкор шеърдан шеърга ўсиб бориб, шундай назм фазосини яратдики, у кўхна шеъриятдан буткул фарқ қилар эди.

Сирасини айтганда, Нимо форс шеъриятида инқилоб ясади. Классик адабиёт ва замонавий Оврупо поэзиясини пухта билган, айна чокда, ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маънавий муҳитини теран англаган шоир замонавий Эрон шеъриятида янги саҳифа очди. Иқтидорли шоир янги эстетик меъёрлар, образлар тизимига асос солиб, поэзияга беназир оҳанг ва айрича мусиқийлик олиб кирди. Нимо ўз ижоди хусусида бундай деган эди: “Менинг эркин шеърларимда вазн ва қофия ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айрим мисралар қисқа, айримлари эса узун экани шунчаки шакл ўйини ёки хаёлот маҳсули эмас”.

Нимо шеъриятини нафис капалакка ўхшатиш мумкин. Форс замани “пилласини ёриб чиққан” эмасми, у шаклан ўзгача кўринса-да, етмиш икки томири билан миллийдир. Шоир тахайюл осмонида эркин парвоз қилади. Гарчи асарлари салафлари меросидек машхур бўлмаса-да, бироқ шубҳасиз бетакрор фусун ва жозобага эга.

Адабиёт миллат тафаккури ва ижодий салоҳиятини кўрсатувчи муҳим мезонлардан экани айна ҳақиқат. Форс адабиётида янги шеърий тўлқиннинг пайдо бўлиши навқирон авлод тафаккурига ҳам таъсир этмай қолмади. Форс тафаккурининг яширин хазиналари очилгандек бўлди, адабиёт муҳиблари форсигўй шоирларнинг айтар сўзлари хали кўп ва хўб эканига ишонч ҳосил қилди.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтмасам бўлмас. Ҳозирги замон Эрон поэзияси тадқиқи “янги шеър” бир гуруҳ шоирлар томонидан илиқ кутиб олинган бўлса-да, адабиёт аҳли ва назм мухлисларининг асосий қисми анъанавий шеъриятни афзал кўришидан далолат беради. Дарҳақиқат, замонавий поэзия ҳали катта йўл бошида. Назаримда, кўп асрлик таракқиёт йўлини босиб ўтган классик шеъриятга хос донолик, закийлик ҳамон адабиёт мухлисларини оҳанрабодек ўзига торяпти. Бироқ нима бўлганда ҳам, мумтоз ва замонавий шеъриятни мусбат ва манфий кутблар сифатида бири-бирига зид қўйиш тўғри эмас. Гап шундаки, замонавий шеърият мумтоз назмнинг кўп асрлик тажрибалари асосида шаклланди. Менга қолса, бу икки йўналишни адабиёт аталган азим дарахтнинг шохлари деган бўлар эдим. Яъни уларнинг илдизи бир, ҳар иккиси айна покиза булоқдан сув ичади. Шу боис ҳам бугун форс шеъриятида оқ шеър ёки эркин шеър намуналари билан бир қаторда анъанавий жанрлар ҳам “умргузаронлик қилмоқда”. Қай бирини танлаш эса ўқувчининг ўзига тан. Кўнглингиз улкан маҳорат ва дақиқ ижод маҳсули бўлган ғазалу рубоийларни тусайди-ми – Ҳофиз ворислари хизматингизда. Қалбингизга аруздан кўра бармоқ вазни яқинроқми, у ҳолда замонавий поэзия вакилларига қулоқ тутинг.

– Бугун дунё миқёсида тоши енгил, саргузаштнамо асарларнинг бозори чаққон. Бестселлар деб кўкларга кўтарилган айрим асарларни ўқиб ҳафсалангиз тир бўлади, сарфлаган вақтингизга ачинасиз. Фикр аҳли ўқувчилар жўн асарларга ружу қўяётгани, диднинг ўтмаслашиб бораётганидан хавотир билдираётир. Дунё мамлакатларида элитар

адабиёт (хослар адабиёти) намуналари бир сиқим ўқувчилар орасида қолиб кетаётми, енгил-елпи асарларни эса миллионлаб одамлар қўлма-қўл ўқимоқда. Бу ҳолат Эронга ҳам бегона бўлмаса керак. Сизнингча, санъат ниқобидаги жўнлик, саёзлик, ўртамиёналик, дидсизлик билан қандай курашиши мумкин?

– Нозик мавзудан гап очдингиз. Бир қарашда юзаки кўринган бу масала чунонам чуқурки, саволингизга тўлиқ жавоб бериш учун етмиш ман (бир ман – уч килога яқин) қоғоз ҳам камлик қилади-ёв.

Тарих – улуғ мураббий. Мозийга боқиб, адабиёт гоҳ ўсиш, гоҳ тушкунлик даврини бошдан кечиргани, сиз кўтарган масала ҳам олис ўтмишдан мерос муаммо эканига ишонч ҳосил қиламиз. Сўзнинг кадри йўқолдими, тамом, ўртамиёналикнинг куни туғади. Афсуски, диди, савияси ҳаминқадар бўлган ўқувчилар оммаси қалам аҳлига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Яшириб нима қилдик, гоҳида сўз санъаткорлари-да енгил-елпи асарларга ружу қўйган китобхонларнинг талаб-истакларини инобатга олишга мажбур бўлади.

Адабиётга бозор муносабатлари кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин маънавий бисот саналган китобни кундалик истеъмол моллари каби баҳолаш, уларни харидоргир ёки бозори касод матоҳ дея таснифлаш тўғримики? Майли, бундай ёндашувга кўндик ҳам дейлик. У ҳолда, бошқа маҳсулотларга қўйилгани каби китобларга ҳам саҳиҳ мезонлар, ишонарли стандартлар жорий этиш керак-ку. Хўш, мезону стандартларни ким ишлаб чиқади? Асарнинг қиймати унинг бадиияти, муҳим ахлоқий-маънавий масалаларни кўтаргани билан белгиланадими ёки шон-шуҳратию келтирган жарак-жарак фойдаси биланми? Ахир, бугун дунёда бирор донгдор компания ёки кўли узун шахснинг буюртмаси билан ёзилган асарлар зар ва зўрнинг кучи ҳамда минг бир найранг билан тарғиб-ташвиқ этилаётгани, миллионлаб ададда чоп этилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз-ку.

Ёшларнинг маънавий ташналигини қондирадиган мағзи тўк, салмоқли китоблар нега кўп ададда чоп этилмайди, дерсиз. Аччиқ ҳақиқат шуки, ташвиқот идоралари, ноширлар, умуман, дунё матбаа саноати вакиллари асосан ҳисоб-китоб, совуқ мантик ва тил-забонсиз рақамларга таяниб иш кўради. Уларнинг луғатида “маърифат”, “ҳикмат”, “зарофат” каби сўзлар йўқ, фақат “даромад”, “камомад”, “буромад” сингари истилоҳлар бор.

Эрон қожорлар сулоласининг буюк вазири Амир Кабир XIX асрнинг ўрталарида “Бу халқни бошқариш масъулияти бизнинг зиммамизга тушган. Унинг ҳаётию мамоти, маърифатию жаҳолатига биз жавобгармиз” деган эди. Бу мардона эътироф бугун ҳам давлат арбобларига огоҳлантириш каби янграйди. Зотан, арбоблар жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори адабиёт ривожига ҳам масъул.

Таълим-тарбия тизимини илмий асосда тўғри ташкил қилиш – дидсизлик, ўртамиёналикка қарши кураш йўлида дастлабки қадамдир. Ёш авлод қалбида чинакам сўз санъати намуналарига муҳаббат ниш урмоғи учун уларни болалиқдан инсоният тафаккурининг дурдоналари билан таништириб бориш, дид ва савиясини ўстириш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш лозим. Менимча, соф адабиёт юзини қоплаган гарду ғуборнинг умри қисқа. Маърифат эпкинни эсгани захоти сўз санъати ғуборлардан халос бўлади. Бироқ бу мураккаб даврдан ўтиш учун адабиёт аҳли сабр-тоқат ва ҳиммат кўрсатиши, жидду жаҳд қилиши лозим.

– Эрон театри қадимий илдизларга эга. Тарихий манбаларга кўра,

қадимги Бобилда юнон трагедияларини ёдга солувчи фожиалар қўйилган. Қолаверса, Форс заминида асрлар давомида пантомима, бозигар (масхарабозлар томошалари) ва қўғирчоқ театрлари нашъу намо топган. Кўп асрлик тарихга эга анъанавий халқ томошалари глобаллашувга “ем” бўлиб кетмадими? Бугунги Эрон театри аҳволдан кўнглингиз тўладими?

– Эрон театри ибтидоси олис ўтмишга бориб такалади. Аммо театри-миз тарихи ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи кечгани рост. Форс заминида қадимдан анъанавий халқ томошалари ривож топган. Қай бирини айтай, сиёхбози, тахте хўзий, масхара, бозигар, хейме шаб-бози томошалариними ёки таъзия, наққоли, шоҳноме-хони, мухторнома-хони, хамзенома-хони, хамле-хони, пантомима, соя театриними?! Форс театрини узоқ ўтмишда рўй берган фожиалар – подшоҳ Сиёвушнинг ўлими, диний пешволар, хусусан, Ҳазрати Али (р.а.) ва унинг ўғли имом Ҳусайннинг қатл этилиши билан боғлиқ ўткир драматик томошаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Театр тараққиёти қўғирчоқбозлик, ракс, бахшичилик, умуман, халқ оғзаки ижоди билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Форс заминида XVII асрда трагедиянинг ўзига хос шакли – таъзия жанри шаклланди. Театр санъати, айниқса, қожорлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (XIX аср) гуллаб-яшнади. Айни шу даврдан бошлаб Эронга Фарб театри ҳам кириб келди. XX аср бошларида оврупоча комедия театрига асос солинди. Айтиш жоизки, мамлакатда миллий ва оврупоча театр бир-биридан улги олиб тараққий этди. Вақт ўтиши билан “Анахита” замонавий театри, Саъдий театри, Техрон драматик театри ташкил қилинди, ойлик “Театр” журнали чоп этила бошлади. Театрларда 1940-60 йиллари жаҳон клас-сиклари ва форс драматургларининг асарлари қўйилди. Театрлар асосан хусусий бўлиб, спектакллардан тушган даромад ҳисобига кун кўрарди. Мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар театрга ҳам таъсир кўрсатди. Оврупоча театр ўз мухлисларига эга бўлди, албатта. Бироқ у маънавий-эътиқодий сабабларга кўра эронликлар орасида катта эътибор қозона олмади. Гарчи ватанпарварлик мавзусидаги сахна асарлари томошасига мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари мунтазам олиб кирилган бўлса-да, барибир инқилобдан кейинги давр, хусусан, 1980 йиллардаги уруш пайти замонавий театрга қизиқиш анча сусайган эди.

Театрнинг бугунги аҳволи бизни қониқтирмайди, албатта. Афсуски, бу санъат турининг мавқеи тушиб бораётир. Онда-сонда шов-шов бўладиган айрим спектаклларни ҳамда ҳар йили Эрон миллий байрами арафасида ташкил қилинадиган “Фажр” (Тонг) халқаро театр декадасини ҳисобга олмаганда, ижодий жараёни жўшқин деб бўлмайди. Бунинг сабаблари бир талай. Аввало, мамлакатимизда айни пайтда анъанавий халқ томошаларининг аҳамият ошган эди. Қолаверса, театрлар аҳволи танглашувини одамлар кўпроқ кино ва телевидениега қизиқаётгани, томошабинлар сафи сийраклашиши ортидан эса молиявий муаммолар юзага келаётгани билан изоҳлаш мумкин. Сахнада жамиятнинг дардларини ифодалайдиган, томошабиннинг оғриб турган маънавий ярасига малҳам бўладиган, бир сўз билан айтганда, унинг руҳий эҳтиёжига мос асарлар қўйилмаётгани ҳам театр нуфузига салбий таъсир этаётган бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги мураккаб вазият замонавий театр инқирозга учраганини англамайди, албатта. Замонавий театрдан юз ўгириш ҳам оқилнинг иши эмас. Бугунги вазият театр арбоблари ва ижодкорлари зиммасидаги масъулиятни чандон ошираётир. Театр “қишки уйку”дан уйғониб, яна халқ орасига қайтиши лозим. Сухроб Сипехрий бир шеърда ёзганидек,

“Кўзларни тийрак очмоқ, оламга ўзгача боқмоқ керак”. Ёки Жалолиддин Румий устозига бағишлаб битган девонида лутф қилганидек, инсон икки дунёни янгилашга қодир оҳорли фикр айтмоғи лозим. Театр аҳли учун ҳам оҳорли сўз айтиш, янгилашниш вақти аллақачон келди.

– Бугун дунё кино санъати ютуқлари хусусида сўз борса, албатта Эрон кинематографлари номи ҳам тилга олинади. XX аср охири – XXI аср бошларида Эрон кинематографиясида янги саҳифа очилди. Эронлик режиссёрлар бирин-кетин халқаро эътирофга сазовор бўлди. Масалан, Аббос Киёрўстамийнинг “Олча таъми” (1997), Муҳсин Маҳмалбофнинг “Қандаҳор” (2001) фильмлари Канн фестивали ғолиби бўлди, Мажид Мажидийнинг “Осмон болалари” (1999), Асқар Фарҳодийнинг “Нодир ва Симиннинг ажралиши” (2012) фильмлари “Оскар” мукофотиغا лойиқ деб топилди. Эрон киносининг шиддат билан ривожланиши сири нимада? Юртингиз кинематографлари қай йўл билан миллионлаб кино муҳибларининг кўнглига йўл топмоқда?

– Ўтган асрда Эронда ҳам Ҳолливудга кўр-кўрона таклид қилиб фильмлар яратилган. Аммо ватанпарвар ижодкорлар таассуб билан узоққа бориб бўлмастлигини ўз вақтида англаб етиб, миллий кинога асос солди. Инқилобдан кейинги даврда майдонга чиққан ижодкорлар кино санъатини миллатнинг ўзлигини намоён этувчи восита деб билди.

Очиғи, Эронда 1979 йили диний ҳокимият ўрнатилган дастлабки пайтларда “Кино санъатининг куни битди” деган хавотирли фикрлар ҳам пайдо бўлган эди. Лекин хавотирлар асоссиз бўлиб чиқди. 1980 йилларда кино санъатига масъул раҳбарлар ва ижодкорлар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, Эрон кинематографияси сон ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. 90-йилларда иккинчи авлод режиссёрларнинг асарлари дунё экранига чиқди. Эрон фильмлари нуфузли фестивалларда асосий совринларга сазовор бўла бошлади.

Ўтган бир неча ўн йил давомида мавжуд тўсиқлар, камчиликларга қарамай, кино санъатимиз халқаро миқёсда эътироф қозонди. Бунда, албатта, маҳоратли режиссёрларнинг хизмати катта. Аббос Киёрўстамий, Баҳром Бейзойи, Масъуд Кимёйи, Дорюш Меҳржуй каби айрича дунёқарашга эга ижодкорлар бадиий пухта фильмлари билан жаҳон кино танқидчиларини лол қолдирди. От ўрнини той босади, Муҳсин Маҳмалбоф, Иброҳим Ҳотамий Киё, Жаъфар Панохий, Мажид Мажидий, Абулфазл Жалилий сингари ёш ижодкорлар ҳам янги ижодий тажрибаларга дадил қўл урди. Сирасини айтганда, кўпни кўрган кекса авлоднинг тажрибаси билан қадамидан ўт чатнаган ёшларнинг жўшқинлиги уйғунлашди. Кино санъатида аёл режиссёрлар сафи кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Рўхшон бани Ётимод, Пурон Дерахшанде, Тахмине Милоний, Маниже Ҳекмат, Сумайро Маҳмалбоф сингари аёл ижодкорлар сермазмун фильмлари билан тилга тушди. Умуман, айни пайтда мамлакат бўйича йилига саксондан ортиқ тўлиқ ва икки мингга яқин қисқа метражли фильм суратга олинапти. Ҳар йили ўтказилаётган “Филме Фажр”, “Ниҳол” каби халқаро ва миллий кинофестивалларда янги-янги истеъодлар кашф этилаётир.

Эрон киноси ахлоқсизлик, шармсизлик, зўравонлик каби унсурлардан холи. Кино бу – рамзу ишоралар тили. Рамзу ишоралар эса, маълумингизким, таржимага муҳтож эмас. Кино усталари ўз фикрини томошабинларга етказишнинг бетакрор йўлларини қидиришдан чарчамаётир. Эрон кинематографларининг ютуғи шундаки, улар бойлик васвасасига



учраган, ҳаловатини йўқотган замона одамига кўнгил сокинлигини тухфа этипти, унут бўлаёзган қадриятларни авайлаб-асрашга чорляпти. Жаҳон кинематографиясида ёвузлик ва ахлоқсизлик тегирмонига сув қуяётган шахслар ҳам йўқ эмас. Эронлик режиссёрлар эса эгасиз уйдек хувиллаб қолган кўнгилларга илиқ ҳарорат улашишга интиломда.

Рус адиби Фёдор Достоевскийнинг “Агар худо бўлмаганида, одамзоднинг ҳар турли номаъкулчиликларига йўл очиларди” деган мазмундаги гапи бор. Чиндан ҳам, эътиқод – инсонни инсон қилувчи нажоткор куч. Маънавий бўшлиқ эса ҳар қандай жамият учун хатарлидир. Эрон кино усталари ҳам дунёдаги маънавий бўшлиқни тўлдириш пайида. Кино санъати одамлар онги ва яшаш тарзига кучли таъсир кўрсатади. Ҳолливуд ғарбона турмуш тарзи ва ғояларни кино воситасида жаҳон аҳлига сингдиришга уринаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Эрон кино усталари эса соф инсоний фазилатлар, покиза туйғуларни тараннум этаётир.

Бу борада хорижлик таниқли мутахассисларнинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. Сорбонна университети профессори, бир муддат “Кайе дю синема” журнали бош муҳаррири бўлган Аллен Борген Аббос Киёрўстамийнинг “Дўст уйи қаерда?” фильми ҳақида бундай деган эди: “Киёрўстамий турфа композицияларни шундай мантикий изчил боғлаганки, биргина ушбу фильм жаҳон кинематографиясида бетакрор ижодкор пайдо бўлганига гувоҳлик бера олади”. Таниқли киношунос ўз мулоҳазаларини давом эттириб, Киёрўстамий картиналарида ғарбона услуб ва шарқона калорит омукта бўлиб кетганини қайд этади. Назаримда, айни шу жиҳат Эрон киноси ютуғи омилларидан биридир.

– *Хонаси келганида яна бир масала бўйича фикрингизни сўрасак. Бугун бир гуруҳ сиёсатчи ва олимлар икки буюк тамаддун – Шарқу Ғарб тўқнашуви ҳақида фол очяпти. Хусусан, америкалик таниқли сиёсатчи Самуэль Хантингтон “Тамаддунлар тўқнашуви” асарида “совуқ уруш”дан кейин дунё диний курашлар майдонига айланиши ҳақида ёзган эди. Наҳот, Редьярд Киплингнинг “Шарқ бу – Шарқ, Ғарб бу – Ғарб, улар икки дунёда ҳам бирлашмайди” деган фикри тўғри бўлса?*

– Ҳофиз Шерозийда бундай байт бор:

*Жанге ҳафтодў дў меллат ҳаме ро ўзр бенеҳ  
Чун надиданд ҳақиқат раҳе афсоне заданд.*

Мазмуни: Етмиш икки фирқаю миллат жанг қилур, барисин кечир,  
Не тонгки, ҳақиқатни кўрмаган кимса афсона тўқир.

Эрон ҳали жаҳонни ларзага солган улкан фожиалардан аввал – 1998 йилдаёқ “Тамаддунлар мулоқоти” ташаббуси билан чиқди. Мазкур ташаббус БМТ Бош Ассамблеясининг 53-сессиясида маъқулланиб, бу ҳақда резолюция қабул қилинди. Ҳатто учинчи минг йилликнинг биринчи йили “Тамаддунлар мулоқоти” деб номланди. Мазкур ташаббус ҳаётий хикмат ва чуқур мантиққа таянади. Буюк файласуф Ҳегелнинг тезис ва антитезис синтези ҳақидаги қараши ёдингиздадир. Худди шу каби, “тамаддунлар мулоқоти” ва “тамаддунлар тўқнашуви” назариялари синтези алалоқибат тинчликка хизмат қилмоғи лозим.

Дунёдаги барча диний таълимотларга ҳурмат кўрсатиш башариятнинг тотув ҳаёти кечирishi шартидир. Бинобарин, тамаддунлар ўзаро мулоқотга киришиб, бир-бирини англасагина келишмовчиликларга чек қўйилади.

Ўтган йили Эрон Президенти Ҳасан Рухоний жаҳон узра ёвузлик ва экстремизмга қарши кураш ташаббуси билан чиқди. Мазкур ғоя ҳам БМТ резолюция билан мустаҳкамланди. Буни қарангки, мазкур ташаббус ҳам ҳали “Ироқ ва Шом ислом давлати” (ИШИД) жангари тўдаси пайдо бўлмасдан, дунё узра қора кўланка солиб, одамларни даҳшатга солмасдан аввал ўртага ташланган эди. Мазкур эзгу ташаббус жаҳон афкор оммасини ёвузликка қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишга ундайди, дея умид қилгандик. Афсуски, амалда бунинг аксини кўраётирмиз. 2001 йил 11 сентябрь фожияси, вабо иллоти каби тинчликка таҳдид солаётган терроризм балоси, дунёнинг турли бурчакларида кучайиб бораётган қуролли тўқнашувлар... Башарият XX асрнинг биринчи ярми ёки “салб юришлари” даврига қайтгандек. Негаки, уларнинг даҳшатли оқибатлари Иккинчи жаҳон муҳорабаси ёхуд “салб юришлари” асоратидан кам эмас. Буларнинг бариға сабаб – тамаддунлар мулоқоти мантиғи устидан уруш мантиғи устун келаётганидир.

Биласизки, урушлар энг аввало мафкура жабҳасида – инсон тафаккурида бошланади. Шундай экан, жанггоҳларда хандақ қазишдан олдин онгу тафаккуримизда мудофаа деворларини тиклаш лозим. Кечмиш тарих давомида миллатларнинг бир-бири ҳаёт тарзидан беҳабарлиги сабабли умумбашарий касаллик – халқларнинг бир-бирига бадгумонлиги ва ишончсизлиги илдиз отган. Бу эса пировардида урушларнинг авж олишига сабаб бўлган.

Айримлар ўрнатган сиёсий ва иқтисодий тартиб-қоидалар бўйича қарор топган тинчлик омонат ва мўртдир. Умумбашарий қадриятлар, бирдамлик, тенглик ва ҳамжиҳатликка асосланган тинчиликкина умрбоқийдир.

*Собиржон ЁҚУБОВ*  
*суҳбатлашди*

## МЕЪМОРЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Қадимий Эрон меъморчилигининг олтин даври Аҳамонийлар ҳукмронлиги, яъни милоддан аввалги VI–IV асрларга тўғри келади. Қудратли империя бунёд этган форс ҳукмдорлари кўпгина халқларнинг маданий анъаналарини бирлаштиришган. Бу даврда сарой меъморчилиги кенг ривож топди, бунёд этилган маҳобатли сарой мажмуалари ўзининг ҳашамдорлиги ва баланд устунлари билан эътиборни тортади. Сарой ва мақбараларни безашда деворларга ишланган қабарик тасвирлар, улкан ҳайкаллардан кенг фойдаланилган. Персеполдаги сарой мажмуасининг зиналарида аҳамонийларга тобе бўлган халқларнинг қиёфалари тасвирланган. Қадимий Эрон тасвирий санъатининг юксак намуналаридан бири ҳисобланган мазкур ижод намунаси шоҳ ҳокимиятининг қудратини кўрсатиш баробарида аҳамонийлар замонида маданий анъаналар уйғунлашуви юз берганини ҳам намойиш этади.



Салавкийлар ҳамда Аршакийлар (Парфия) ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги IV аср–милодий III аср) меъморий обидаларни юнонча устунлар ва ҳайкаллар билан безатиш урфга киради. Буни Ашур, Хатра-

даги ҳашаматли шоҳ саройлари мисолида яққол кўриш мумкин. Эллинизм анъаналари амалий безак санъати намуналари, уй-жиҳоз буюмлари, юксак нафисликда ишланган машҳур парфия ритонларида (қадах) ҳам акс этади.

X–XI асрларда юз берган ислом ренессансида Эрон маданиятининг салмокли ўрни бор. Салжукийлар ҳукмронлиги даврида Марв, Нишопур, Рай, Исфахон, Ҳамадон, Шероз каби шаҳарлар санъат марказларига айланди. XI асрга келиб Эрон усталари масжидларни қуришда зардуштийлик даврига хос бўлган тўғри бурчакли ёпиқ гумбазли конструкциядан кенг фойдаланишади. Масжидларда айвонларга алоҳида эътибор қаратилиб, йирик шаҳарларда тўрт томони айвон ва болохоналар билан қуршалган ховли ҳамда гумбазли бино қуриш ривожланди. Масжид ёнида юқори қисми торайиб борувчи айлана минора қад кўтарди. Исфахондаги машҳур Жомеъ масжиди ушбу даврга оид энг йирик обидалардан бири ҳисобланади.

X–XII асрларда Эрон ёзма адабиётининг юксалиши тасвирий санъат тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ҳукмдорлар саройида китобатчилик устахоналари вужудга келди. Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий каби шоирларнинг асарлари энг моҳир хаттотлар томонидан кўчирилиб, ранг-баранг миниатюралар билан безатилган.

XIII асрда юз берган мўғул босқини натижасида Шарқ маданиятининг марказларига айланган кўплаб шаҳарлар вайрон этилиб, санъатнинг деярли барча турларида турғунлик юзга келади. XIV асрдагина Эрон тасвирий санъати ва меъморчилиги ўз мавқеини қайта тиклашга эришди. Бунда Темурий ҳукмдорларнинг улкан ҳиссаси бор. XIV–XV асрларда меъморчиликда гумбазларни кўк кошин билан безаш одат тусига кирди. Масжид, мадраса ва бошқа биноларнинг олд қисмига рангли кошинлардан зеб берилди. Машҳадда меъмор Қавомиддин Шерозий томонидан қурилган Гавҳаршодбегим масжиди темурийлар даври Эрон меъморчилигининг чўққиси саналади.

XVI асрда ҳокимиятга келган Сафавийлар сулоласи вакиллари ҳам Темурийлар даври анъаналарини давом эттиради. Эрон меъморчилигида ҳашаматлиликка кенг ўрин берилди, биноларни мураккаб ва кўркам нақшлар билан безаш, улкан фавворалар қуриш расм бўлди. Сафавийлар даврида миниатюра санъатида ҳам катта ютуқларга эришилди. Табриз миниатюра мактабининг дунёга шуҳрат қозонишида буюк аждодимиз Камолиддин Бехзоднинг беқиёс ўрни бор. Ушбу мактабнинг етакчи вакиллари қаторида Султон Муҳаммад, Мир Мусаввир, Оға Мирак, Музаффар Али, Мирза Али, Мир Саид Али каби мусаввирларни санаб ўтиш мумкин.



XX асрга келиб, Эрон меъморчилигида янги шаклдаги бинолар пайдо бўлди. Техрондаги университет биноси (1930), “Хилтон” (1962) меҳмонхонаси янги, замонавий меъморчилик услубида бунёд бўлди. Тураржой, ижтимоий масканлар, саноат мажмуалари, кўприклар қурилишида ойна, металл ва темир-бетон конструкциялар кенг қўлланила бошланди. Эрон меъморлари биноларни барпо этишда замонавий ёндашув билан бирга миллий анъаналарни ҳам назардан четда қолдирмадилар. Ҳамадондаги Ибн Сино макбараси, Машҳаддаги Нодиршоҳ макбараси ҳамда Нишопурдаги Умар Хайём қабри устига қурилган макбара шулар жумласидан.



Эронда бугун замонавий тасвирий санъатнинг деярли барча йўналишлари ривожланган. Мамлакат пойтахти Техронда бир юз элликка яқин галерея фаолият юритмоқда. Уларда жамланган ранг-баранг ижод намуналари орасида Хусайн Бехзод, Сусанабодий, Али Ашгар Тажвидий, Муҳаммад Бакр Акомирий сингари миниатюра анъаналарига суянувчи мусаввирлар қаторида, Мансур Хусайний, Жалил Зиёпур, Жавод Ҳамидий, Маҳмуд Жавадипур каби модерн усталар яратган асарлар ҳам бор. Ушбу рассомлар ижоди XX аср Эрон рангтасвирида кечган изланишларни акс эттиради. Эронда ҳозир концептуал санъат тажрибалари ҳам ривожланмоқда. Комий, Муртазо Котузиён, Касра Киай, Имон Малакий, Ҳисом Абришомий, Маҳмуд Фаршчион, Фарҳод Остовоний каби рассомлар халқаро кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси ҳисобланади.

*Азизхон АВАЗ ўғли,  
тадқиқотчи*

## МУСИҚА

Қадимги Эрон мусиқа санъатига дахлдор илк рисолаларда келтирилган тафсилотлар мусиқий чолғуларнинг шакли, Месопотамия мусиқа маданияти ва анъаналари билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тўғрисида маълумот беради. Қадимги меъморий обидаларда муҳрланиб, бизгача етиб келган тасвирий санъат намуналари санъат аҳлининг шоҳ ва хонлар саройида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлгани, жамиятда муносиб ўрин эгаллаганидан далолат беради. Сосонийлар ҳукмронлик қилган даврда мусиқа анъаналари шаклланиб, унинг назарий асослари тадқиқ этила бошлайди, мусиқий чолғулар таркиби кенгайиб, бойиб боради. Мазкур даврнинг йирик санъат намояндalarидан Борбад ва



хофиз Фахлбод номлари илк малакали санъакорлар сифатида қайд этилади. Манбаларга кўра Хусрав II Парвез (VI–VII асрлар) саройида 400га яқин санъаткор хизмат қилган.

XIII–XV асрларга келиб Эронда мақом (дастгоҳ) санъати шаклланди. Шу асосда мусиқий ижрочилик амалиёти ҳам жадал ривожлана бошлади. Мумтоз туркумлар вокал-чолғу ансамбли (гуруҳнавоз) ёки яккахон созанда (тоқнавоз) томонидан ижро этилади.

Миллий мусиқа санъатини ўрганиш ва тизимлаштириш борасида XIX аср олимларидан Али Акбар Фароҳани ва унинг ўғли Мирзо Абдулланинг хизматлари катта бўлган. Шунингдек, бир қатор малакали мусиқачиларни вояга етказган, тор ва сетор чолғуларининг моҳир ижрочиси Фулом Хусайн Дарвешнинг Эрон ижрочилик амалиёти ривожига қўшган ҳиссаси ҳам ниҳоятда салмоқлидир.

Мазкур даврдан бошлаб мамлакатга Европа мусиқа санъати ва ижрочилик анъаналари кириб келиши кузатилади. Француз мусиқачиси А.Лемер ва бельгиялик Ф.Геварт Эронда фаолият олиб борган илк хорижий санъат-

корлардан бўлган. Мусикачиларни тайёрлаш ва вояга етказиш мақсадида Техрон Олий билим юртида махсус мусика бўлими ташкил этилади. Мазкур билим юртининг кўплаб битирувчилари миллий мусика санъатининг ривожига йўлида жонбозлик қилдилар. 1908 йили Олий мусика билим юрти ташкил этилади, дастлабки оммавий концертлар томошабинларга ҳавола қилиниб, кўплаб мусикий асарлар нашр қилинади.

XX асрнинг биринчи ярмида Техрон университети профессори, мохир созанда Али Вазирий ташаббуси билан мамлакатда миллий мусика санъатини қайта ўрганиш ҳаракатлари бошланди. Вазирий мақомларни илк бор нотага солиб, мусика назарияси китобини нашр қилдиради. Шунингдек, Эрон Миллий мусика жамиятининг ташкил этилишида (1946 й.) ҳам унинг хизматлари беқиёс.

XX асрнинг ўрталарига келиб Эронда жаҳон санъат намояндаларининг гастроль-концерт фаолияти жадаллашди, янги мусика масканлари ва жамоалари ташкил қилинди. Мусикий ҳаётнинг фаоллашувида халқаро микёсдаги турли фестивал ва анжуманларнинг ҳам таъсири катта бўлди. Йирик шаҳарларда бошланғич, ўрта ва олий мусика муассасалари ташкил қилинди. Симфоник оркестр ва радио-телевидениенинг камер оркестрлари мунтазам концерт фаолиятларини олиб боради.

Эрон композиторлари қаторида дирижёр, педагог, симфоник ва камер асарлар муаллифи, ўз ижодида замонавий ва анъанавий мусика анъаналарини бирлаштиришга интилган Парвез Маҳмуд ҳамда дунё бўйлаб танилган миллий чолғулар оркестри раҳбари, бастакор Хусайн Техроний, созандалар қаторида миллий ижро анъаналарининг ривожига катта ҳисса қўшган, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи Абуҳасан Сабо фаолияти эътиборга молик. Оркестр ва фортепьяно жанрида муваффақиятли ижод қилиб, 1972 йилдан бошлаб Консерватория ректори лавозимида ишлаган Мустафо Туроб ҳам миллий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Эрон композиторларидан Хусайн Нассоҳий, Хусайний, Хушан Устувор, Аҳмад Пажмон, мусикашунос Муҳаммад Мақсудий, таниқли пианиночилар: Э.Маликаслиён, Амир Хусравий, хонандалар: Т.Ашот, Ф.Сабо ва Ф.Паноҳларнинг ижодий фаолиятини эътироф этиш ўринли.

Эроннинг машҳур мусика намояндалари кўплаб Халқаро мусика фестивалларида мунтазам иштирок этиб, юқори натижаларга сазовор бўлиб келмоқда. Жумладан, 1997 йил Самарқанд шаҳрида илк маротаба ўтказилган “Шарқ тароналари” мусика фестивалида таниқли Эрон хонандаси Шаҳром Нозирий иштирок этиб, фахрий иккинчи ўринни қўлга киритган эди.

*Равшаной ТУРСУНОВА,  
мусикашунос*





## Бобо ТОҲИР

(980–1055)

Ҳассос ва дилкаш дубайтийлари – тўртликлари билан жаҳоний шухрат қозонган ва форсий сўз санъатининг олтин фондидан жой олган шоир Эроннинг шимоли-ғарбидаги Ҳамадон шаҳрида туғилган. Унинг форсийда тахминан 350 та дубайтийси маълум бўлиб, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. У ирфон соҳиби, ўз таъбири билан айтганда, самовот илмининг донишманди эди. Мусиқадан яхшигина хабардор бўлиб, ўз тароналарини куйга солиб айтиб юрган.

## ДУБАЙТИЙЛАР

\* \* \*

*Кел, эй кўнгил, кел, эй дўсти қадрдон,  
Ул ишни қилмаки, сўнги пушаймон.  
Бу тушқун, қайғули кунлар-да ўтгай,  
Сурармиз биз-да давронлар беармон.*

\* \* \*

*Худо зикрин қилмайсан, бу не ҳол?  
Нафсдан айру келмайсан, бу не ҳол?  
Сенин қадринг малаклардан баланддир,  
Сен ўз қадринг билмайсан, бу не ҳол?*

\* \* \*

*Ғамим беҳад, бу дарднинг йўқ ҳисоби,  
Илож топмай ошар дил изтироби.  
Тушунмас бу насиҳатгўй, Худойим,  
Менга боғлиқ эмас-ку ишқ азоби?!*

Форс тилидан  
Эрғаш ОЧИЛОВ  
таржимаси

## Умар ХАЙЁМ

(1048–1123)

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий бошчилигида Исфаҳондаги расадхонада 1074–1079 йиллар мобайнида ишлаб чиқилган мукаммал йил тақвими Европада ундан 500 йил кейин жорий қилинган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган. У илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини Абу Али ибн Синонинг ҳассос ва садоқатли шогирди ҳисоблаб, устозининг бир қатор асарлари (жумладан, “Хутба” фалсафий рисоласи)ни арабчадан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб беради, унинг ғоя ва қарашларини давом эттиради. “Рисолат ул-кавн ва-т-таклиф” (“Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола”), “Рисола фи-л-вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Рисола фи куллиёти вужуд” (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”) каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида намоён бўлади.

\* \* \*

*Мени ҳалок этмиш ғаму ҳижронинг,  
Этагингни тутдим кетган замонинг.  
Кетдинг-у гамингдан минг кўнгил ўлди,  
Қайтдинг, яна минг жон бўлди қурбонинг.*

\* \* \*

*Дилим илмлардан махрум бўлмабди,  
Бир сир қолмабдики мавҳум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиши икки йил,  
Онгладим – ҳеч нарса маълум бўлмабди.*

\* \* \*

*Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,  
Бизлардан на ному нишон бўлғуси.  
Аввал-қу йўқ эдик, етмовди ҳалал  
Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлғуси.*

\* \* \*

*Кекса, ёш – ҳаётга ҳар кимки етар –  
Ҳаммаси изма-из бирма-бир ўтар.  
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,  
Келдилар, кетамиз, келишар, кетар.*

Форс тилидан  
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ  
таржимаси

## **Фаридиддин АТТОР**

(1145–1221)

Жаҳон адабиётининг забардаст намоёндаси Фаридиддин Аттор жуда сермаҳсул шоир бўлиб, унинг 40 тадан 190 тагача асар ёзгани нақл қилинади. Улар орасида “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Жавҳар уз-зот”, “Хусравнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома”, “Мазҳар ул-ажойиб” дostonлари машҳур. “Мухторнома” тўплами 5000 рубоийдан иборат. Алишер Навоий унинг назмий меросини 120 минг, Давлатшоҳ Самарқандий 250 минг байтга яқин деб кўрса тадилар. Насрда эса биргина “Тазкират ул-авлиё” асарини яратиб, унда 97 та шайху авлиё ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беради.

\* \* \*

*Май тут, санамо, дил га му ҳасратга тўла,  
Ювсин у жаҳон қайғусини бир йўла.  
Тез бўл! Қара: майса чиқа келди ердан,  
Сен кирмай ерга жомни жомга ула!*

\* \* \*

*Гул очди юзин, биз-да кўнгил очгаймиз,  
Май шавқи билан гам қўлидан қочгаймиз.  
Гул қовжирагай ўтса баҳор, вақт етса,  
Бизлар-да ажал шарбатини ичгаймиз.*

\* \* \*

*Эй дил, шод бўл, яхши-ёмон ўтғусидир,  
Бир қуни гулни бегумон ўтғусидир.  
Бор неъматини қувончи бу дунёнинг  
Умринг каби солганча сурон ўтғусидир.*

## Бобо АФЗАЛ

(XIII аср)

Бобо Афзал тахаллусли Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Афзалиддин Кошоний машхур форс-тожик шоири ва файласуфи бўлиб, баъзи ғазалларини истисно қилганда, асосан, рубоий ёзиш билан шугулланган. Шоирдан 483 та рубоий етиб келган бўлиб, уларда ҳақимона мулоҳазалар сўфиёна мушоҳадалар билан омукта бўлиб кетган. “Минҳож ул-мубаййин” (“Ҳақ йўлининг баёни”), “Мадориж ул-камол” (“Қамолот мақомлари”), “Роҳи анжони нома” (“Илоҳий йўлнинг ниҳояси”), “Арзно-ма”, “Жовидоннома” (“Барҳаётлик сирин”) номли фалсафий асарлари ҳам мавжуд.

\* \* \*

Ақлингни йиғиб, англа ҳаёт мазмунини,  
Ол қўлга чувалган ишларинг тизгинини.  
Бутхона бўлибди ҳар хаёлдан кўнглинг,  
Синдир бутини – Каъбага айлантир уни.

\* \* \*

Нодон кишилар нонга сира бўлмади зор,  
Ноқис кишиларнинг ҳамшиша омади ёр.  
Боқ, банда бўлишига арзимас зотларнинг  
Қўлида қатор чўри билан қўллари бор.

\* \* \*

Қаттиқ бўлсанг, тиздек юқори туттишар,  
Юмиоқ бўлсанг, мум каби эзиб ўттишар.  
Эгри бўлсанг, тортишар ўзга ёйдек,  
Тўғри бўлсанг, ўқдек узоққа оттишар.

\* \* \*

Бу ишиқ азалийдиру абад бўлгайдир,  
Бу ишиқ ошиғи беадад бўлгайдир.  
Юз берса қиёмат, ишиқ ўтидан ҳар дил –  
Ўтган эса бебахра, у рад бўлгайдир.

Форс тилидан  
Эрғаш ОЧИЛОВ  
таржимаси

## Саъдий ШЕРОЗИЙ

(1203–1291)

Ўзининг ахлоқий-фалсафий асарлари орқали машхур бўлган сўз санъаткори, форс-тожик шоири, адиб ва мутафаккир. Бошланғич маълумотни отаси Мушрифиддин Шерозийдан олади. Мўғуллар Эронни забт этгач, Боғдодга бориб, “Низомия” ва “Мустансирия” мадрасаларида ўқийди.

Шайх Саъдий турли адабий жанрларда ижод қилган бўлса-да, Ўзбекистонда уни, асосан, “Бўстон” (Чустий таржимаси) ва “Ғулистон” (Ғ.Фуллом, Ш.Шомухамедов ва Р.Комиловлар таржимаси) орқали танийдилар. Лекин у форс шеърляти оламида ғазал жанрини юксак даражага кўтарган буюк шоирдир.

## ҒАЗАЛЛАР

Эй сорбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур,  
Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним<sup>1</sup> борадур.

Қолурмумен олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб,  
Қалбим фироқ тиги тилиб, то устухоним борадур.

Дердим қилиб найранг – фусун<sup>2</sup>, сиррим этай пинхон бу кун,  
Пинхон бўлолмас чунки хун<sup>3</sup>, дилдан ниҳоним борадур.

Саркаш нигоримдан жудо, айшу қарорим бебақо,  
Манқалда<sup>4</sup> оташдек қаро дуд бирла қоним борадур.

<sup>1</sup> Дилситон – дилги олувчи, кўнглини ўзига асир қилувчи; маҳбуба, маъшуқа.

<sup>2</sup> Фусун – афсун, сеҳр, жоду.

<sup>3</sup> Хун – қон.

<sup>4</sup> Манқал – оташ; кўра; кўчма ўчоқ.



Чексам-да зулм бедодини, ҳам ваъдалар барбодини,  
Кўксимда тутгум ёдини, токи забоним борадур.

Тўхтат бир оз, эй сорбон, карвонни қилма тез чунон,  
Сарви равон шиқида жон – руҳи равоним<sup>1</sup> борадур.

Қайт, кўзларимга қўй оёқ, эй дилфириб<sup>2</sup>, кетма йироқ,  
Эй нозанин, кўкка бу чоқ оҳу фиғоним борадур!

То субҳки уйқу билмадим, носихни<sup>3</sup> кўзга илмадим,  
Аммо атайлаб қилмадим – қўлдан иноним<sup>4</sup> борадур.

Сабр айла, дер, менга жарас<sup>5</sup>, ёр васлини қилма ҳавас,  
Бу менга лойиқ иш эмас, чун хонумонум борадур,

Ундай чиқар жону бу тан, сабил қолур деб кўп сухан,  
Тинглаган эрдим, энди ман кўрдимки, жоним борадур.

Қилма фиғон, эй Саъдиё, ҳеч арзимас ул бевафо,  
Тоқатни қўймас бу жафо, ақлу имоним борадур.

Форс тилидан  
Шоислом ШОМУҲАММЕДОВ  
таржимаси

Бир дилбари жоним менинг олди дилу жоним менинг,  
Олди дилу жоним менинг бир дилбари жоним менинг.

Лаб берса жононим менинг жонлангуси жоним менинг,  
Жонлангуси жоним менинг лаб берса жононим менинг.

Фирдавси ризвоним менинг дўст кўйининг тупроғидир,  
Дўст кўйининг тупроғидир фирдавси ризвоним менинг.

Кўнглим бу – ҳайроним менинг шайдою сайронинг сенинг,  
Шайдою сайронинг сенинг кўнглим бу – ҳайроним менинг.

Юсуфи Канъоним менинг ҳусн элининг подшоси сен,  
Ҳусн элининг подшоси сен Юсуфи Канъоним менинг.

Сарви гулистоним менинг хуш қадду бўйингдир сенинг,  
Хуш қадду бўйингдир сенинг сарви гулистоним менинг.

Ҳофиз газалхоним менинг сўз ичра султоним менинг,  
Сўз ичра султоним менинг Ҳофиз газалхоним менинг.

Форс тилидан  
Сирожиддин САЙИД  
таржимаси

<sup>1</sup> Руҳи равон – жон, ҳаёт, тириклик.

<sup>2</sup> Дилфириб – мафтун қилувчи, йўлдан оздирувчи; дилрабо.

<sup>3</sup> Носих – насиҳатгўй.

<sup>4</sup> Инон – ихтиёр, тизгин, жилов.

<sup>5</sup> Жарас – кўнгиروق.

## Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

(1326–1389)

Хожа Ҳофиз номи билан шуҳрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Ёш Муҳаммад маърака-йиғинларда Қуръонни, қиссахонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли ўқиб бериб рўзғор тебратди. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий тахаллусига айланиб кетади.

Ҳофиз моҳир хаттот ҳам бўлиб, тирикчилик учун турли китобларни кўчирган. Қуръонни китобат қилган. Шоир хуснихатининг кўзгуси бўлган Амир Хусрав Деҳлавий “Ҳамса”сининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади.

### ҒАЗАЛЛАР

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.*

*Сун, эй соқий, майи боқий, ки жаннатда тополмассан  
Бу Рукнобод қирғогида сўлим ўлгон Мусаллони.*

*Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,  
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони<sup>1</sup>.*

*Менинг нуқсонли ишқимга унинг хусни<sup>2</sup> эмас муҳтож,  
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.*

*Ғапир чолғучидан, майдан – жаҳон сиррини кам изла,  
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.*

*Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:  
Чиқормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайҳони<sup>3</sup>.*

*Ёмон, дединг, қувондим ман, Худо ҳаққи, сўзинг тўғри,  
Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакархони.*

*Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст  
Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.*

*Ғазал этдинг-у дур сочдинг, ёқимли куйда, эй Ҳофиз,  
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.*

\* \* \*

*Аё соқий, суниб жоминг, қил эҳсон – яинасин диллар,  
Кўринди аввал ишқ осон-у, сўнгра тушиди мушкуллар.*

*Сабо ечмоқчи бўлган сочининг хуш бўйига онтким,  
Муанбар<sup>4</sup> ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди бу диллар.*

<sup>1</sup> Яғмо – талон-тарож, ғиротгарлик.

<sup>2</sup> Хусн – илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

<sup>3</sup> Бу ерда Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайҳо қиссасига ишора қилинмоқда. Бошқа ишқий қиссалардан фарқли, унда Юсуф – маъшук, Зулайҳо – ошиқ ҳисобланади. Илоҳий хусну малоҳат соҳиби бўлган Юсуф ҳажрида Зулайҳо девона бўлиб, одамларнинг таъна-маломатига қолади.

<sup>4</sup> Муанбар – муаттар, хушбўй.

*Ботир сажжодани<sup>1</sup> майга агар пири муғон<sup>2</sup> айтса,  
Йўловчига<sup>3</sup> эрур маълун йўл аҳволи ва манзиллар.*

*Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,  
Қилуркан қўнғироқ фарёдки, боғланг юкни гофиллар.*

*Қоронгидир кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,  
На билгай ҳолимизни четда турган юки энгиллар.*

*Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,  
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар.*

*Агар васл истасанг, ундан йироққа кетма, эй Ҳофиз,  
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга тадбиллар<sup>4</sup>.*

Форс тилидан  
ХУРШИД  
таржималари

## Нодир НОДИРПУР

(1929–2000)

Эрон шеърлятида ўзига хос тасвир услубига эга иқтидорли шоир Нодир Нодирпур Техронда туғилган. Бошланғич ва ўрта таълим олгач, Парижнинг Сарбонна университетига француз тили ва адабиёти йўналишида ўқиган. Эронга қайтиб, маълум муддат Маданият вазирлигида, сўнг “Ҳунар ва мардум”, “Нақшу ниғор” журналларида ишлаган. 1972–1978 йилларда Эрон радиоси ва телевидениесига ишлаб, замонавий адабий жараёнлар ҳақида кўплаб эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаган. 1980 йилдан 1986 йилгача Парижда яшаб, ўша йилларда Франция ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолигига сайланган. 1986 йилдан Америкада яшаб, ижод қилган ва шу ерда вафот этган.

Унинг бир неча шеърйи тўплами, жумладан, “Кўзлар ва кўллар”, “Жом қизи”, “Узум шеъри”, “Қуёш сурмаси”, “Сўнги шом”, “Елғончи тонг”, “Танланган шеърлар”, “Мукамал шеърлар девони” нашр этилган.

## ҚУЁШ ҚАЙҒУСИ

*Кўчалар тўлганди баҳор атрига, Барлар сўлагига бомдод қуёши  
Тарқалганди шабнам гўбори бирдан. Иссиқ малҳам каби томарди дилгир.  
Маст ва ташина тупроқ уйқу сўнггида Қуёш шимарди гул баданидаги  
Бир коса ичганди тунги ёмгирдан. Тунги ёмгирларнинг доғини бир-бир.*

*Ётарди майсалар ичра илондай  
Баҳорнинг ҳидидан маст-аласт бўлиб.  
Қабоқлар қатидан қуёш ёғдуси  
Биллур кўзларида товланиб, тўлиб.*

*Уйқуга тўймаган бир жуфт кўзидан  
Ширин хандалари томарди тим-тим.*

<sup>1</sup> Сажжода – жойнамоз.

<sup>2</sup> Пири муғон – муғлар пири. Муғ – оташпараст; мажозан: пир. Пири муғондан мақсад комил инсон бўлиб, май сотувчи (майфуруш) сўзи ўрнида қўлланади ва руҳоний раҳбар маъносини англатади.

<sup>3</sup> Йўловчи(солик) – тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

<sup>4</sup> Тадбил – ўзгартириш, алмаштириш.

*Гулгун шароб янглиз, томирларимда  
Кезарди кўёшининг қайноқ қони жим.*

*У бўсам шавқидан девона эди,  
Бўсасин доғида қуяр эдим мен.  
Чангаллаб чаманнинг яшил бахмалин  
Йиртардим ё уни улар эдим мен.*

*Икки тишим билан тишлардим юзин,  
Намчил юзида бор эди шўр таъми.  
Кўёш, тупроқ таъмин эслатар эди  
Лаблари, тишмаган маймунжон каби.*

*Тонг қушин патидай майин шабада  
Кўлини танига ишқарди шайдо.  
Кўкси мавжланарди денгиздай, мастлик  
Оромин кўпикдан қилганди пайдо.*

*Кўксининг жомига бошимни эгиб  
Ҳидладим, хўпладим ундан бир қултум.  
Унга соя солдим, соямни ташлаб  
Осмон нигоҳидан яширдим бир зум.*

## БЕШИҚДАН ҚАБРГАЧА

*Бир жуфт қаро кўзинг бешигида мен  
Ором олар эдим болалик чоғи.  
Гўё мен яралган зулмат қаърида  
Ёғду сочар эди ишқинг чироғи.*

*Сенда “у”ндан ўзга йўқ эди бир ном,  
Умр бўйи “у”ни айладинг таъқиб.  
Сени тополмайман “у”сиз ҳеч қачон  
Ва хомхаёлингга қолдим ўрганиб.*

*Юзимга тўкилса энага сочи,  
Атринг шабадаси эсарди майин.  
Унга тўқинганда нигоҳим ўти,  
Ундан сен томонга келарди тайин.*

*Ҳар талъат ҳуснида ва жамолида  
Бўларди ул таниши чеҳранг намоён.  
Ишқ булоғи тошган ҳар бир юракда  
Дилрабо аксингни кўрардим аён.*

*Эртак сўйлаганда тунлар, қулогим  
Остида овозинг садо берарди.  
Бошидан бир тола сочин юлган чоғ  
Гўёки, ҳар тола сочинг терарди.*

*Ҳузуримдан қайга бўлдинг равона,  
Мен учун яралган бўлсанг сен агар?  
Айт, нечун йўлингга интизор бўлган  
Менинг кўзларимдан айладинг ҳазар?*

*Ёввойи ва ширин бўсаларида  
Бўсаларинг таъми бор эди пинҳон.  
Иссиқ ва ёқимли қайғуларида  
Қайноқ кўз ёшларинг бор эди гирён.*

*Ушбу кун умримнинг ўртасидаги  
Умидим кўёши боқар умидвор.  
Ортидаги йўлга термилиб ҳайрон,  
Мунгайиб ўйлайди, олдинда не бор?!*

*Жуфтим эдинг, бизни бир-биримиздан  
Айирдилар, сени мендан қизганиб.  
Кўриб ўксиб-ўксиб йиғлаганингни,  
Тагин чорладилар номингни айтиб.*

*Сен ҳам, оҳ, эй, кўнглим қамраган кимса,  
Япроқсиз шох каби беҳамалмидинг?  
Эй, сен, мургакумид, мангулигимнинг  
Эгизагимдинг, сен ажалмидинг?!*

## УЗУМ ШЕЪРИ

*Абулҳасан Нажафийга*

*Нима дейсиз?  
Узум донасидаги  
Йиғилган лаззатнинг қайдадир боши?  
Қаерда бол бўлса, кўз ёши бордир,*

Кекса ва озурда боғбон кўз ёши.  
 Тунда йўл ахтарган толиб, туртиниб,  
 Тонггача кўз юммай бедор, беуйқу,  
 Қоматини эғиб соч гажагидай,  
 Токларни сузрган боғбон ёши у.  
 Бу бол – кўз ёшининг ёгдуларини  
 Ҳар дона қалбига таратган бир-бир,  
 Ҳар шингил танини дил қони билан  
 Парвариши айлаган боғбон ёшидир.

Нима дейсиз?  
 Узум донасидаги  
 Йигилган асалнинг қайдадир қони?  
 Қаерда бол бўлса, у ерда қон бор,  
 Кекса ва озурда боғбоннинг қони.  
 Сиз ҳам, эй, ашъорим харидорлари,  
 Шеърларимни қўлга киритманг осон.  
 Шеърим шингили,  
 Сўз донасидаги  
 Бол, шарбат – кўз ёшим, дилдан оққан қон.  
 Қаерда бол бўлса, кўз ёш бор, қон бор,  
 Шароб деб билдингиз қаердан, кимдан?  
 Шунчаки маст эмас, қонимдан мастсиз,  
 Ичган қонингиздан,  
 Юрак қонимдан.  
 Ҳар калом – мен юрак қаъридан тортган  
 Додимдир – айланган дил азобига.  
 Ҳар шеър  
 Тўлиб-тошиб оққан дарёдир,  
 Дарёдир – лиммо-лим қон шаробига.

Қаерда бол бўлса, бордир кўз ёши,  
 Сўзнинг донаси бор, айтилган дилдан.  
 Лабларингиз билан донасин эғиб,  
 Бошини чайнаманг осонлик билан.  
 Мен учун бус-бутун қон косаси бу,  
 Менга бу – кўз ёши тўлиб турган жом.  
 Жуда осон қўлга киритманг уни,  
 Уни осонгина сипқорманг ҳеч он.

## Фурўғ ФАРРУХЗОД

(1935–1967)

Замонавий Эрон шеърлятининг ёруғ чеҳраси саналган шоира Техронда дунёга келган. Эрондаги “Хусрави Ховар” мактабида ўқиган. Хотин-қизлар касб-ҳунар мактабида наққошлик ва тикувчиликдан сабоқ олган. “Асир” (1951), “Девор”, “Исён”, “Иккинчи туғилиш” номли шеърлий тўпламларини нашр эттирган.

Шоиранинг бетақрор салоҳияти, нафақат шоирлик ва наққошликда, балки ҳужжатли фильмлар яратишида ҳам намоён бўлган. У 1959 йилда эронлик кино-режиссёр Иброҳим Гулистон киностудиясига ишга кирган ва умрининг охиригача

студия билан ҳамкорлик қилган. Бевосита Фурўғ иштирокида яратилган “Бир оташ”, “Дарё”, “Зулматдаги уй” фильмлари халқаро киноанжуманларда эътироф этилган.

Фурўғ автохалокатда фожиали ҳалок бўлган, бешинчи, яъни, охириги “Имон келтирайлик совуқ фасл ибтидосига” шеърини тўплами унинг вафотидан сўнгра нашр этилган.

## ВИДО

*Кетарман ложарам,  
Кетарман нолиб  
Тагин вайронадан вайроналарга.  
Кетарман дарбадар, кетарман олиб  
Бу дарё дилимни девоналардай.*

*Кетарман йироққа,  
Қалбимнинг қора  
Гуноҳини ҳамда ишқ доғларини  
Ювиб, халос этсам дилимдан, зора  
Хароб истакларнинг дудоқларини.*

*Кечирмадим, кечдим сендан, умидим,  
Бенаво қалбимнинг тинглаб додини,  
Тириклайин гўрга олиб кетдим жим,  
Қўмсамасин дея висол ёдини.*

*Янграйди андуҳлар, ашқлар нағмаси,  
Кетарман саргашта, кетарман бадар.  
Сиздан, гуноҳларнинг қайноқ чашмаси,  
Шояд ўшал онда қилсайдим ҳазар.*

*Маъсумгина фараҳ ниҳоли эдим,  
Шохимни қайирди ишқ панжалари.  
Қулфат ёғдусига айландим-қолдим,  
Лабим у лаблардан тушиганда айри.*

*Оқибат, пойимга ташилади каманд  
Сафар арқонлари. Жигархун, жимжжит  
Кетарман, кетарман, торт юрагимдан  
Ночор қўлларингни, бесамар умид...*

## ГУНОҲ

*Гуноҳ қилдим, лаззат кўпирган гуноҳ,  
Қайнаб турган иссиқ оғуш ичра маст.  
Гуноҳ қилдим, темир билак сиртмоғи  
Жисмимга, жонимга айлаганда қасд.*

*Ўшал жимжжит, тийра хилватгоҳ ичра  
Тўзгидим, бағрида тўйиб эҳтирос.  
Шавқ тўкиб лабларим юзига лаби,  
Телба дил ғамидан айлади халос.*

*Қоронғи ва жимжжит ул хилватгоҳда  
Боқдим сеҳр тўла кўзига беҳол.  
Кўксимда юрагим титради зир-зир,  
Истак тошиб турган нигоҳидан лол.*

*Мен ишқ қиссасидан сўйладим бир-бир,  
Сени истаюрман қадимдан-қадим.  
Сени истаюрман, эй, жонбахш оғуш,  
Фақат сени, телба ошигим маним.*

*Унинг кўзларида порлади ҳавас,  
Жон чайқалди гулгун шаробга тўлиб.  
Майин тўшак узра менинг вужудим,  
Кўксимда титради маст-аласт бўлиб.*

*Гуноҳ қилдим, лаззат кўпирган гуноҳ,  
Бир бағирда титраб, ҳушдан айрилдим.  
Ул қоронғи, жимжжит хилватгоҳ ичра,  
Қайдан билай, Танграм, мен нима қилдим?!*

## ҚЎҒИРЧОҚ

Бундан-да кўп  
Жимжитликнинг зорманда қурби.

Ўликларнинг нигоҳидай нигоҳ билан лол,  
Бир сигаранинг дуди ичра  
Ва битта жомнинг  
Қаърига жим чўкиб кетса бўлар бемалол.  
Патгиламнинг рангсиз гули,  
Девор юзида  
Эгри-бугри чизиқ янглиғ бўзариб туриб,  
Қуриган қоқ панжаларнинг қўмаги билан,  
Деразадан пардаларни бир ёнга суриб,  
Кўрса бўлар: кўча узра ёмғир ёғар тез,  
Бир дўппили, варрак тутган болакай – маҳзун  
Ва ҳаййо-ҳуй шитоб билан, бўм-бўш майдонни  
Тарк этганин, бесўнақай жилпанглаб фойтун.  
Қолиб кетса бўлар битта жойда бир умр,  
Қолиб кетса бўлар сабру тоқатлар тўлиб,  
Қолиб кетса бўлар ўшал парда ортида  
Қолса бўлар, аммо кўру  
Аммо кар бўлиб.

Беҳудага оҳу фарёд айласа бўлар,  
Мафтунликда сабил қолиб кетса жону тан.  
Сохта садо, ёлгон товуш, ёт овоз билан  
Кимгадир ишқ изҳор этса бўлар:  
“Севаман”.  
Супрасимон бадан билан,  
Бадҳайбатсаро  
Бир эркакнинг тошдай қаттиқ панжаларида  
Тошдан қаттиқ сийналарнинг жилвати билан  
Дўнса бўлар офатижон манжалақиға.  
Бир пок ишқнинг номусини топтаса бўлар,  
Нишон тугул, ном қолдирмай урвоқларидан,  
Қай бир телба,  
Қай бир пиён,  
Қай бир саёқнинг  
Фор комидай ютоққан муз қучоқларида.  
Ҳар жумбоқни  
Тўғри чизиқ мисоли ечиб,  
Калаванинг уч-учидан ушласа бўлар.  
Ҳар таъбирни беш ё олти сўз билан шарҳлаб,  
Беҳудага кўнгишни ҳам хушласа бўлар.  
Бир умр тиз чўкиб эгик,  
Йўқласа бўлар  
Худони ҳам номаълум бир лаҳад қаърида.  
Имон топса бўлар ожиз садақа билан,  
Зиёратхон пирдай  
Масжид хужраларида.

Кўнайтириш, кўшиш билан, айириш билан  
 Қолдирмасдан номдан ному нишондан нишон,  
 Жамланган ҳар йигиндининг натижасини  
 Бир нафасда этса бўлар вайрону яксон.  
 Ўз чоҳида қуриб кетса бўлар сув каби,  
 Чўкса бўлар чуқурликнинг тубсиз қаърига.  
 Ғазабланган кўзларингни ўхшатса бўлар,  
 Ранги ўчган эски ковуш тугмаларига.

Бир лаҳзалик гўзалликка,  
 Оний қувончга,  
 Фурсат соя солганда дил гаиласа бўлар.  
 Бир лаҳзалик гўзалликни, хиёлат тортиб,  
 Сандиқнинг туб-тубида ҳам асраса бўлар.  
 Тиқса бўлар бўшаб қолган кун гилофига,  
 Маҳкум, мағлуб ё бир мохов сувратин малул.  
 Девор дарзин сувратчалар билан беркитиб,  
 Кетса бўлар сувратларга кўшилиб буткул.  
 Кўғирчоққа дўнса бўлар,  
 Абадул абад  
 Боқса бўлар дунёга дун оралигидан.  
 Сомон тиқиб тўлдирилган тан билан мангу,  
 Қути ичра, шиша кўзнинг қорачигидан.  
 Зебу зийнат илинжида йитиб ложарам,  
 Кўғирчоқдай  
 Қўл текизса бир суюқоёқ  
 Ва шунчаки фарёд солиб ҳиссиз, беسابаб  
 Айтса бўлар:  
 “Оҳ, мен жуда бахтлиман бу чоғ”.

Форс тилидан  
 Одил ИКРОМ  
 таржимаси

## Салмон ҲИРОТИЙ

(1959 йил туғилган)

XX аср Эрон шеърлятининг йирик вакилларида бири – Салмон Ҳиротийнинг шеърляри дунёнинг кўпгина тиллярига таржима қилинган. Илк мартаба ўзбек тилида тақдим этилаётган ушбу тўпламдаги шеърляр Эрон болаларининг дардли дунёси, уларнинг изтироб ва қувончляри ҳақида ҳикоя қилади.

## ЭРТАНГИ КУН

Томчилаб тушади тарновдан  
 Денгиздан вужудга келгувчи ёмғир.  
 Богимиз ёмғирнинг саховатидан  
 Саҳройи гулларга кўмилар ахир.



Ўрнингдан тургин-у мен билан куйла  
Қарагин, далалар нақадар уйғоқ!  
Саҳарнинг бақувват элкасидаги  
Эртанги кун табассумларига боқ.

Эртанги кун келар бугун изидан  
Денгизнинг мовийранг кенгликларидан.  
Зафарнинг ям-яшил баҳори анқир  
Саҳронинг муаттар гўшаларидан.

Эртанги кун келар – ям-яшил баҳор  
Бир қучоқ муаттар лолазор билан.  
Табассум гуллари очилар уйда  
Бинафша мисоли ариқ бўйида.

Эртага қайтади яна қалдирғоч  
Дилимни яйратар чуғурлашлари.  
Томошага чиқмоқ, қарамоқ керак  
Қалдирғоч, қушларнинг учишларини.

Каптару чумчуқлар билан парвоз эт,  
Гул каби қанот ёз бўстонларида.  
Эркинлик чўққисин томоша қилгин  
Мовийранг парвознинг осмонларида.

Майса-ю гулларнинг нозик кўлида  
Биз умиднинг қизил гунчаларимиз.  
Эртанги кун каби поку мусаффо  
Биз қуёш шаҳрининг болаларимиз.

Эртага ўлик сув осудалиги  
Дарё тўлқинига беролмагай дош.  
У ерда гул акси ёнида албат  
Масжид деворини ёритгай қуёш.

Форс тилидан  
Жаъфар МУҲАММАД  
таржимаси





## Содиқ ХИДОЯТ

(1903–1951)

*XX асрнинг биринчи ярмида жаҳон новеллистикаси сатҳига кўтарилган биринчи Эрон ёзувчиси. У ўзининг қатор ҳикоя ва қиссалари ўша даврда Эронда ҳукм сурган ижтимоий адолатсизлик, разолат, мустабидлик, риёкорлик, миллатчилик каби иллатларни ўткир ҳажв тили билан моҳирона фош этади.*

*Ёзувчининг 1943 йилда “Дайди ит” тўпламида босилиб чиққан “Ватанпараст” ҳикоясида Фарҳангистон (Эрон тил академияси)нинг миллатчилик иллатини баён қилган. Фарҳангистон ўтган асрнинг 30-йилларида “форс тилини хорижий сўзлардан тозалаш учун” тузилган эди. Бу муассаса хорижий, жумладан, араб тилидан кирган сўзларни “тоза форсча сўзлар” билан алмаштиришга ҳаракат қилиб, бир неча “янги сўзлар лугати”ни чоп этиб тарқатди, аммо бу “янги сўзлар”дан жуда оз қисмигина муомалада сақланиб қолди холос.*

## ВАТАНПАРАСТ

Ҳикоя

Саййид Насрулло Валий кунига тўрт марта Ҳаммом вазир кўчаси орқали уйдан идорага ва идорадан уйига қатнайди, ўзининг етмиш тўрт йиллик умрини ана шу тахлитда ўтказди, мана, у энди биринчи марта хорижга, яъни Ҳиндистонга сафар қилмоқда.

Шу пайтгача у мамлакат ичкарасида ҳам уйдан узоққа бормаган, лоақал авлоду аждодларининг ватани Кошонни ҳам кўрмаган эди. Ҳа, умри давомида бор-йўғи уч кунгина Дамовандда бўлган. Йўл азоби – гўр азоби қандай бўлишини ўшанди билганди, сафардан юраги ёмон бўлиб қайтганди, ўлганни устига тепган дегандек, кўп ўтмай уйини ўғри урди, сафар деса ўшанда йўлда жуда қийналган ва азоб чекканди, қалби нотинч қайтганди, устига устак сафардан қайтгач, уйини ўғри урганди. Шу сабабли сафар деса Саййид Насрулло Валийнинг кўркувдан лабига учук тошади.

Саййид Насрулло умрини илм-фанни ўрганишга сарфлагани учун оила куриб яшаётганига эндигина икки йил бўлганди. Мана шу қисқа вақт ичида битта фазилат ва маърифат қаймоғи башарият сонига қўшилган эди. Чунки Саййид Насрулло форс, араб, француз адабиёти, ғарб ва шарқ фалсафасини тадқиқ этиш ва ирфон, эски ва янги илмларда ўзидан бирон-бир жўяли асар қолдирмаган бўлса-да, халқ орасида таниқли эди. У, ўзларини химоя қилиш учун узундан-узоқ мақолалар ёзадиган, кўпчиликнинг ёдидан чиқиб кетган эски китобдан қофия ўғирлаб, алмойи-алжойи шеърлар ёзадиган ёки лаганбардорлик ва ва тигёғламалик ила шухратга эришган уламою фузалолардан ҳам эмасди.

Борди-ю, китоб ёзишга жазм этгудек бўлса, обрўйи тўкилишини у яхши биларди, чунки у арабча сўзларни махражи билан шундай тўғри ишлатардики, эшитувчида ўзининг фозиллиги ва маълумотлари ҳақида ҳеч қандай шубҳа ва иккиланишга ўрин қолдирмасди. У сўзлар ва жумлаларни жуда секин ва дона-дона талаффуз қиларди. Лекин мантиқ, бадиият ҳамда сарфу

наҳв жиҳатидан ер юзидаги ҳеч бир луғатшунос аллома ундан қилча хато тополмасди. Чунки Саййид Насрулло, агар сўз зар бўлса, сукут гавҳардир, зарурат бўлганда ва ё бошқалар ишлатиши учун сўзни етти марта дилда пишитиб, кейин уни тилга чиқариш керак, деган фикрни ўзига қоида қилиб олган эди.

Шу сабабли ҳам у ўзига хос шуҳратга эга эди. Бир куни маориф вазири Ҳақимбоши Пур Саййид Насруллони муҳим бир масала бўйича хонасига чақиртирди. Не-не илтифотлар кўрсатиб, не-не таъриф тавсифлардан сўнг ўта ширинзабонлик ва тилёғламалик билан Саййид Насруллога шундай таклиф қилди: қадимий ва кўҳна мамлакатимизда маорифнинг мўъжизали тараққий этиши бутун оламни ҳайратга солаётгани боис орийлар бешиги бўлган, миллионлаб мусулмон ва форсийзабон эл-элатлар яшайдиган Ҳиндистондек мамлакат бизнинг маориф соҳамиз бекиёс ўзгаришлар ва махсусан янги ихтиро қилинган сўзлардан етарли маълумотларга эга бўлмасликлари афсусланарли ҳолдир ва ўзининг шарафли тадбирларининг далили сифатида “Фарҳангистон академияси” томонидан тузилган ва шаҳаншоҳ томонидан маъқулланган, аср уламолари ва фузалолари тасдиқлаган “Янги сўзлар луғати” китобини, унга қўшиб ўзининг ён ва олд томондан тушган бир даста фотосуратини унга берди. Кейин бу суратларни ўз рўзномалари саҳифаларини безаш учун Ҳиндистондаги барча мухбирларга тарқатишни ҳам тайинлашни ҳам эсдан чиқармади.

Саййид Насрулло Ҳақимбоши Пурнинг хос илтифотларидан жуда таъсирланиб кетди. Лекин бир томони ҳаётга қизиқиши ва хотин, бола-чақасидан йироқда бўлишни, иккинчи томондан йўлнинг узоклиги ва денгиздан сузиб ўтишни ўйлаб, қип-қизил туксиз ва ялтироқ калласини бир силкитди. Доноларча кулимсиради ва ёшининг улуғлиги ва бир неча касалликларини сабаб қилиб Ҳақимбоши Пурнинг таклифини рад этди. Яна бу муҳим хизмат сафарини бошқа адиблар ва тарғиботчилардан бирига юкланса яхшироқ бўларди, деб маслаҳат берди. Аммо Ҳақимбоши Пур жаноблари махсусан унинг олий адабий мақоми, ёши ва шуҳрати бу иш учун бошқалардан кўра унга кўпроқ имтиёз беради, деб туриб олди. Чунки ушбу хизмат сафари идора сирларидан ҳисобланиб, фақат унга ўхшаш инсонларгина уни бажаришга лойиқдирлар ва, ниҳоят, Саййид Насрулло истаса-истамаса юқоридаги бошлиқларнинг таклифини камоли ифтихор билан қабул қилди.

Саййид Насрулло Ҳақимбоши Пурнинг хонасидан чиқар экан, Дамовандга қилган қисқа сафари вақтида чеккан машаққатларию Ҳиндистон сафарининг нечоғ узоклигини кўз олдига келтириб юрагини мавҳум изтироб ва кўрқув камраб олди, боши айланиб, оёғи остидаги ер ларзага келди. Идора столи олдига келиши билан қўнғироқ тугмасини босди ва ичгани сув сўради. Бир оз ўзига келгач, ўйга толди. Бир томондан, хотини ва фарзандларидан узокда бўлиш ва сафар асносида вужудга келадиган ўзгаришлар ва саксон тўққиз килолик вазни бир оз камайиши мумкинлигини, иккинчи тарафдан, моддий манфаат, ифтихор, давлат ҳисобидан қилинадиган зиёфатлар ва музокараларни фикр тарозисига солиб кўрди. Шунга қарамай, ғулғула босилмади. Чунки у ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ўзининг тинч ҳаёти ва соғлигини ўйлар, аллақандай суду зиён деб тинч ҳаётини хатарга қўйиш ақлдан эмас дерди. Натижада Ҳақимбоши Пурга нисбатан дилида қандайдир бир кучли кудурат пайдо бўлди. Лекин бу вазифанинг шахсан вазир томонидан топширилиши расмий бурч ҳисобланарди. Шунинг учун сафарга отланишдан бошқа чораси йўқ эди, қолаверса шарақ-шарақ пулларни кўз

олдига келтирганда нафси ҳакалак отишини ҳам инкор этиб бўлмасди.

Саййид Насрулло пул жамғаришда пишиқ-пухта бўлгани устига бу мусофирагда унга сафар “об-хаво” пули берилар, иш ҳақини ҳам икки баробар олиши мумкин эди. Бундан ташқари яна бир томони бор эди: балки Барзия табибга ўхшаб Ҳиндистондан “Калила ва Димна” кабилидаги бирор китоб олиб келар ва ўз номини мангу ўчмас қилиб қолдирар. Ўзича пичирлаб куйидаги шеърни хиргойи қиларди:

*“Бенгалияга кетаётган бу форс қандидан  
Барча ҳинд тўтилари баҳраманд бўлгайлар”*

Унинг миясида минг хил хаёллар чарх урарди. Кўп ўтмай бу янгиликдан ҳамма бохабар бўлди ва Саййид Насруллонинг идорадаги касбдош дўстлари гурас-гурас келиб, уни табриклай ва Алло таолодан унга муваффақиятлар тилай кетишди. Лекин Саййид Насрулло лоқайд қиёфада кўзларини пирпиратар ва “Нима ҳам қилардим, мажбурман” деган маънода бошини кимирлатиб, эшитилар-эшитилмас қилиб, “азиз ватанимизга хизмат қиламан”, дерди яккаш.

Нихоят, бир ойлик фол очишлар ва мунажжимлар билан маслаҳатлашишдан сўнг хосиятли кун ва соатда Саййид Насрулло ойна ва Қуръон остидан ўтди, ундан бир қанча сурат олган рўзнома мухбирларининг олқишлари остида керакли расм-русумларни адо этиб йўлга тушди, лекин ундан олдин ўз васиятномасини хотинига топширди.

Техрондан Аҳвозгача йўл жуда оғир ўтди. Аҳвозда фурсат топиб маориф бўлими билан танишди, ўқувчиларни қисқа имтиҳондан ўтказди. Аҳоли араб тилида яхши сўзлашса-да, уларнинг арабча талаффузларини қаттиқ танқид остига олди. Кейин идораларнинг раислари унга пешвоз чиқишди ва бири олиб-бири қўйиб уни ўз уйларига таклиф қила бошлашди. Лекин у қаттиқ чарчаб, тинкаси қуригани сабабли уларнинг таклифини қабул этолмади. Чунки ҳамма жойда бир хилда такрорланадиган нутқлар ва қуруқ расмийчиликлар кўнгилга зиғир ёғдек уради, тилёғламаликлар унинг тоқатини тоқ қилиб юборган. Ўзининг тинч ва бир маромда кечаётган ҳаётида бирор ўзгариш рўй беришини истамаган Саййид Насрулло асил арабча сўзлар, илмий иборалар, фалсафий ва илоҳий таърифлар билан Ҳақимбоши Пурни мадҳ этувчи катта мақола ёзишда ўзга иложи қолмаганди.

Аммо шу кунгача бунга ҳеч вақти бўлмаганди. Ундан ташқари, йўл машаққатлари ва ҳаяжонлари унинг бу мақсади амалга ошишига тўсқинлик қиларди. Ҳар гал машина нотекис ва хатарли жойлар йўлдан ўтаётганида Саййид Насруллонинг юраги шув этиб кетарди. Пичирлаб “Оятал курси”ни ўқир, кейин чўнтагидан букланган рўмолчасини чиқариб пешонасидаги терларни артарди.

Хуррамшаҳрда уни катта иззату икром билан кутиб олишди. Кемага чипта ва сафар давоми учун керакли барча нарсаларни олдиндан тайёрлаб қўйишган эди. Сайид Насрулло тунни маориф раисининг уйида ҳаяжонли тушлар кўриб ўтказди, эрталаб соҳиби хонадон билан биргаликда дарёни томоша қилгани борди. Мақсади кўпроқ денгизни томоша қилиш эди. Дарёнинг ҳар иккала соҳилида саф тортган хурмо дарахтлари, қайиқлар ва узоқда лангар ташлаган бир нечта кемани таажжуб ва қизиқиш билан кузатди. Шу пайтгача у денгизни жуғрофия харитасида, хурмо дарахтини эса китоблардагина кўрган эди, ҳозир буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб турарди! Дарҳол қадимгилар ўз китобларида жаҳонгашталик ва са-

фарларнинг фойдали ва ажойиб томонларини мактаганликларини эслади. Дунё кўзига кенг ва сеҳрли кўрина бошлади. Ўзича: “Иложи борича жуда кўп сафар қилиши керак!” – деб ўйларди. Вужудида фарахбахш бир ҳисни туйди, аммо бугун кечқурун кемага чиқиши кераклигини эслаши билан юраги бирдан дук-дук уриб кетди ва беихтиёр холсизланди.

Сайид Насрулло кема ҳаракат қиладиган шомгача вақтини зиёфатда ўтказди. Лекин ҳаяжон ва изтиробдан қалби нотинч эди. Гўё яқин орада хавфли амал учун жарроҳлик хонасига кириши керак бўлган одамдек атрофдаги одамлардан тўғридан-тўғри ёки ўсмоқчилаб, денгиз сафари қанақа бўлади, деб сўрар эди. Шомга яқин кеманинг гудоги маъюс ва чўзиқ садо берди. Сайид Насруллонинг юраги шув этиб кетди. Мезбонлар дарҳол унинг юқларини божхонадан олиб қайиққа жойлашди. Бошқа қайиқда уни ўртага ўтказиб, кема томон йўлга тушишди. Сайид Насрулло “Янги сўзлар луғати” китоби ва Ҳақимбоши Пурнинг расмлари солинган папкани қорнига маҳкам босиб олган эди. Қайиқ чайқалар, денгиз тўлқинлари ой нурида кумушдек ярақлар ва икки соҳил ёқалаб, тўқ кўк хурмо дарахтлари саф тортган эди. Сайид Насрулло булар барчасига нафрат ва шубҳа билан қарамоқда эди, гўё қурбонлик учун танланган туяни сўйишдан олдин безатишаётгандек эди. Бу расмиятчиликлар уни алдаш учун қилинаётганини ҳис этди. Қайиқ чайқалар, денгиз суви қирғоққа уриларди. Назарида унинг ҳаёти бутунлай хавф остида қолгандек эди. Узининг ички ҳаяжонини яшириш учун қайиқчи билан соф араб тилида суҳбат қуришга ҳаракат қилди. Лекин қайиқчи унинг сўзларини тушунмади ва Сайид Насруллонинг ғашига тегадиган бузилган араб тилида жавоб қайтарди. Сайид Насрулло соф араб тилида суҳбатлаша оладиган бирон одамни кундуз чироқ ёқиб топа олмаслигини англади.

Кемалар узокдан чироқлар терилган баркашлардек ярақларди. Бомбейга қараб йўл олган кема ҳаммасидан чиройлироқ ва чароғонроқ кўринарди. Денгиз узра намкин шамол эсиб, ўзи билан эски балиқнинг қўланса ҳидини олиб келарди. Тўфон ҳали ўзининг янги нафаси билан тарқатиб юбормаган аралаш бадбўй ҳидлар. Дастлаб докторнинг моторли қайиғи кемага яқинлашди ва кейин атрофдан бошқа қайиқлар ва савдо моллари ортилган елканли кемачалар ёпирилиб кела бошлади. Йўловчиларнинг таллашиб- тортишишлари, араб ҳаммолларнинг бақирик-чақириклари ҳамда кема моторларининг шовқини Сайид Насруллонинг қулоғини батанга келтирди. Ниҳоят, одамлар бир оз селгигач, гўё ҳомиладор аёлдек уни икки қўлтиғидан олишди ва у минг бир таҳлика билан кема зинапояларидан юқори кўтарилди бошлади. Унинг ранги ўчган лабларида заиф бир доноларча табассум пайдо бўлди. Буюмлари ва чамадонларини махсус хонага жойлаштиришгандан кейин ҳамроҳлари таъзим ва ҳурмат изҳор қилиб, у билан хайрлашишди.

Сайид Насруллонинг боши айланарди, иккинчи тоифа хонасининг энсиз каравотига чўкди ва “Янги сўзлар луғати” китоби ва расмлар солинган жилдни ёнига қўйди. Гарчи Сайид Насрулло биринчи тоифага лойиқ одам бўлса-да, лекин тежамкорлик юзасидан иккинчи тоифада кетишни афзал кўрган эди. Агар унга ман этишмаганда учинчи тоифа хонак ҳам тешиб чиқмасди. Хона деразасидан йўловчиларнинг шовқин-сурони ва шатакка олган кеманинг гув-гув овози келарди. У ўрнидан турди ва ташқарига қаради: соҳилдаги чироқлар узокдан милт-милт қилар, кема хоналари даҳлизда тўда-тўда араб ҳаммоллар иш билан машғул эдилар. Буни кўриб, Сайид Насрулло ғалати бўлиб кетди ва ич-ичидан пушай-

мон бўла бошлади. Ҳали кема йўлга тушмасдан бир неча марта соҳилга қайтиш, ўзини касалликка солиш ёки умуман истеъфога чиқишга қарор қилди. Лекин, афсуски ғишт қолипдан кўчган эди! Кейин ўзича соҳилда қолдирган хотини, боласи ва тинч ҳаёти билан хайрлашиб, лабини тишлади. Қайрилиб атрофи ва янги хонасини диққат билан кўздан кечирди. Темир ва ёғочдан қурилган мўъжазгина оппоқ хона. Иккитаси устма-уст қўйилган пружинали каравот, қўлловчи, кийимилчи ва оёқ қўядиган столча. Кўринишидан пухта ва ихчамгина эди. Ҳиндистон ҳақида ўқиган барча ажойибу ғаройиб ҳикоялар хотирасида жонланди. Шу пайт озода ва оқ кийимли қора ҳинд хизматкор хонага кириб келди ва инглиз тилида нимадир деди, аммо Саййид Насрулло тушунмади ва ўзининг маълумоти заифлигидан хижолат бўлди. Дунёқарашининг чегараси уйининг тўрт деворидан нари эмаслигини, оламда бошқа тиллар, одамлар ва ҳаёт ҳам борлигини, буларни илгари тасаввур ҳам қила олмаганини тушунди ва беихтиёр унинг барча ғазабу гина-қудратлари хизматкор ҳиндга ёғилди, гўё Саййид Насруллонинг сафар машаққатларига дучор бўлишига у сабабчидек. Ниҳоят, хизматкор чойшаб ва адел олиб келди ва каравотлардан бирини шай қилиб қўйди.

Бу пайтда ташқаридаги шовқин хийла пасайган эди. Саййид Насрулло тинка-мадори қуриган ҳолда каравотга чўзилди, аммо каравот унга энсизми, ётишга ноқулай эди. Хизматкор яна эшик тақиллатиб кирди ва имо-ишора билан кечки овқат тайёр эканини тушунтирди. Ўзи олдинда юриб зинапоядан пастга тушди ва Саййид Насрулло кема ресторанига бошлаб борди. У ўтирган столда икки нафар йўловчи форс тилида гаплашиб ўтиришарди. Саййид Насрулло ҳар бир овқатнинг соғлиққа нечоғли фойда-зарарини ҳиндча зираворлар солинган-солинмаганини билиш учун диққат билан татиниб кўрмоқда эди. Қадимги табобатга биноан овқатларнинг иссиқлик ва совуқлигига ишонганидан у керак пайтда мижозини сақлаш учун ўзи билан оз-моз иссиқлик зираворлари олиб юрарди.

Унинг столида ўтирган эронликлардан бири инглиз тилида буюртмалар берар ва ҳинд хизматкорини “чекро” деб чақирарди. Саййид Насрулло инглиз тилини биладиган одам топилганидан хурсанд бўлди ва “Чекро”ни баҳона қилиб, тил ҳақидаги суҳбатни бошлаб юборди: “Ҳиндий тили форс тилининг боласидир, бундан ташқари Дорюш Кабир (Буюк Доро), Искандар, Султон Маҳмуд ва Нодиршоҳлар қўшин тортган замонлардан буён Эрон ҳарбийлари форс тилини тадрижий равишда Ҳиндистонда ёйганлар, мен ҳам мана шу мақсадда Ҳиндистонга кетаяпман. “Чекро” ҳам, қулингизнинг фикрича, форс тилидаги “чокар”, яъни “хизматкор” деган сўздир. Ёки сиз айтаётган мана шу ҳиндий “чатни” форс тилидаги “чошни” сўздан олинган бўлиб, “зиравор” деган маънони билдиради. Умуман олганда, дунёдаги барча тилларнинг ўзаги араб, форс ва турк тилларидан олинганлиги ва башариятнинг барча ирқлари Ҳом, Сом ёки Ёфас ёки Салм, Тур ва Ираж авлодлари бўлган, худди шундайин, масалан, “самовар”ни русча сўз деб ўйлашса ҳам, менинг ақли қосиримга, учта: форсий, арабий ва туркий сўздан таркиб топган. Унинг биринчи бўғини “каса” (э товуши) билан ўқилиши керак, яъни аслида “сэ – мо – вар” бўлган. Бунда “сэ” форсча, “мо” арабча ва “вар” туркча сўзлардир, яъни “Учта сув олиб кел” деганидир. Бундай сўзлар жуда кўп”. Эронлик йўловчилар Саййид Насруллонинг тарихий ва луғавий маълумотларидан хайратга тушишди. Саййид Насрулло саволлар орасидан инглиз тилини

биладиган йўловчи илгари Хиндистонда бўлганини ва ҳозирда идора ишлари билан Бушаҳрга хизмат сафарига кетаётганини тушунди.

Қаҳвани ичиб бўлгач, Саййид Насрулло ўз хонасига қайтди, у қаттиқ чарчаган эди. Ойнага қараб ранги кув ўчганини кўрди. Пичирлаб, “Оятал курси”ни ўқиганча ўринга чўзилди ва уйкуга кетди.

Атроф ғира-ширасида Саййид Насрулло кеманинг энгил чайқалишини хис қилди ва уйку аралаш мотор овозини эшитди. Кўзини очган эди, хайратдан донг қотиб қолди, гўё кемада уйғонишини асло кутмагандек эди. Боши симиллаб оғрирди. Нонушта қилиб бўлгач, деворга кизил рангда қуйидаги ёзувлар битилган катта варақ ёпиштирилиб қўйилганини кўрди, ундай эди: **“B. IS. N. Co Ltd. Emergency Instructions Passengers”**.

Ёзув остидан инглиз тилида узундан-узун изоҳ берилган ва учта эркак расми бор эди, биридаги киши махсус қутқарув нимчасини кўкрагига боғлаш билан машғул, қолган иккитасидаги одам учун кўкрак устига айлантириб ўраш билан овора эди.

Саййид Насруллонинг инглиз тили ҳам француз тилининг ўзи, фақат унинг имлоси ва талаффузини бузишган, деган фикри ўз тасдиғини топди. Ўзича Emergency сўзи французча emerger сўзидан олинган, деб ўйлади ва ёзувни “Йўловчиларнинг сувдан чиқишлари учун кўрсатма” деб таржима қилди. Шу пайт шифтда биттасининг ичида иккита қутқарув нимчаси ва бошқасида битта қутқарув нимчаси солинган иккита мослама осиб қўйилганини кўрди. Баданига титроқ югурди ва ўзича европа илмига ҳам тўла ишониб бўлмади, деган хулосага келди, чунки бу кема шунчалик катта бўлишига қарамасдан чўкиши мумкин экан-да!

Бир муддат луғат китобини қидирди, аммо тополмади. Инглиз тилидаги изоҳни ўқимокчи бўлди, аммо унчалик кўп нарса тушунолмади. Фақат бир нечта сўзни тахминан тушунгандек бўлди. Лекин бу эълон ғарқ бўлишнинг олдини олиш учун эканлиги ҳақидаги шубҳа уни тарк этмади.

Шошиб кийимларини кийди ва палубага чикди. Икки нафар ҳинд ҳалигача мўри ёнида ухлаб ётар, яна бир ҳинд матроси зангори либосда югурарди. Кўз илғаган жойгача ҳаммаёқ сув бўлиб, тўлқин устига тўлқин уриларди. Фақат узокдан соҳилнинг рангсиз кўлкаси кўриниб турарди. Кеманинг атрофига диққат билан қаради, биринчи даражали панжарасига устига “Волеру” деб ёзилган оқ камарлар боғлаб қўйилганди. Овқатлар расми устида ҳам шундай ёзувга кўзи тушди. Бундан, демак, кеманинг номи “Волеру” экан, деган хулосага келди. Сарийга ўраниб олган, кулоғи ва бурнига сарик ҳалқалар осиб олган бир ҳинд аёли келиб унинг ёнидан ўтиб кетди.

Минг хил даҳшатли фикрлар Саййид Насруллонинг миясида ғужғон ўйнарди. Икки йил олдин рўзномада Атлантика баҳри муҳитида битта катта кема ғарқ бўлганини ўқимаганмиди? Бир қанча вақт илгари Қизил денгизда ёниб кетган бир француз кемасининг расмини рўзномада кўрмаганмиди? Агар икки миллиард тахминдан биттаси рост чиққанда ҳам! Инсон жонини хатарга қўйишига арзийдими, яна нима учун денг!

Кун сайин рангига ранг кириб, доим ўзи учун ўлиб-тирилаётган Ҳакимбоши Пур эсига тушди. Ўзи бесавод ва алдоқчи бўлганидан хонасидан қайтиб чиқаётган қораламалар сарфу наҳвий ва луғавий хатоларга тўла эмасми? Ундан кейин, дастлаб яҳудий бўлгани, кейин насронийлик тасдиқномасини олиш учун америка мактабга киргани ва ҳозирда эса катта амалдорларнинг оёғини ўпиш билан оворалигини ҳамма билади. Карлайлнинг нотўғри таржимасини яҳудий куёвидан олиб, суҳбатлар уюштирар,

исломга қарши китоблар топар, бошқа тарафдан эса янгилаш ва динсизлик ҳақида жар соларди. Рўзномаларда исмини Афлотун, Сукрот, Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз ва бошқа исмлар қаторига қўйиб мақолалар чоп эттирарди! – Энди у ҳаётини, кейинчалик қорнини олдинга чиқариб, менинг расмимни Ҳиндистондаги рўзномаларда чоп этишди, деб мактанадиган мана шундай одам учун хатарга қўйиши керакми? Саййид Насруллодек хурматли ва эътиборли бир шахсни ўзининг аҳмақона амалпарастлигига восита қилиб олиши ва у на форсча, на арабча бўлган бемаъни ва кулгили сўзларни Ҳиндистонга тухфа қилиб олиб бориши керакми? Кошки у ерда бирор нарсага ақли етадиган битта-яримта одам топилса! Унда нима бўлади? Нега бу ишни айнан унга топширди? Ваҳолонки, келгусида унинг тарафдори ва сиёсатчиси бўлишни ният қилиб, хуфия мутолаа баҳонасида Европада миллат пули ҳисобига ялло қилиб юрган ва бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган бошқа ёшлар ва фидойилари бор эди-ку! Ёки, масалан, “Авлиё Георгий ва унинг башарият оламидаги таълимоти” ҳақида китоб ёзиш ва уни давлат ҳисобига нашр эттириш учун ҳар ойда уларнинг ҳар бирига икки-уч минг туман пул юбориб турарди-ку. Нима, Саййид Насруллонинг шохи бормиди? Уйининг бир бурчагида хотини ва боласининг ёнида тинчгина ўтириб, мана бундай тутуриксиз асарларни ёки уларнинг таржимасини чоп эттиролмасмиди? Ҳозир ифвогар ва дайди одамлар каби сувга ҳам, ўтга ҳам парво қилмасдан, Ҳакимбоши Пурнинг бир гуруҳ тарафдорларининг искирт нарсаларини Ҳиндистонга олиб бориб, ўзини ва халқини шарманда қилсинми? Маорифни четга олиб чиқишнинг бошқа обрўлироқ йўли йўқмиди? Саййид Насрулло тўсатдан инон-ихтиёрини ҳиссиётлар қўлига топшириб қўйганини тушунди. Чунки ҳаёт тажрибалари давомида нон ва ош мана шу жўжаҳўрозларнинг авомни чалғитувчи сиёсий ўйинлари ва пуч томошаларида қўлга киришини учратган эди. Халқни алдайдилар ва ўз кассаларини пулга тўлдирадидилар. Хўш, унинг ўзини порлоқ келажак ғояларини яратиш учун маддохлик қилишга мажбур этишмаганмиди? У ҳам санъатини кўрсатиш ва нотиклик қилиш, ҳамда шунингдек бошқалардан тарикча кам эмаслигини тушунтириб қўйиш учун рози бўлганди! Ҳақиқатан ҳам теша тегмаган мавзунини танлаган эди: Она ватанни юзини қиблага қилиб ётган беморга ўхшатган, Ризохон ҳукна шишаси ва қон олиш идиши билан унинг тепасида турарди ва охирги уни кутқарганди! (Дили хира бўлишига қарамай, истехзоли жилмайди). Анави бошқалар мана шундай вазмин ва ёқимли лафзу иборалар билан нутқ сўзлай олишлари амри маҳол эди. У уламою фузало борки, барчасини катта қилган ва яхши танирди. Европага борганлар, янгилар ва эскиларнинг ҳаммаси бир гўр эди, фақат уларнинг унвонлари фарқ қиларди. Илгарилари Нажафга бориб, Хужжатул ислом бўлар эдилар, ҳозир эса Европага бориб, фан доктори бўлиб қайтишмоқда. Ишлари халқни алдаш, ўйлари вазирнинг курсоғига нима кириб, нималар чиққанида! Ҳаммаларининг фикру зикри уч қаватли уй, машина ва хорижга хизмат сафарига чиқиш. Гарчи Саййид Насрулло хорижга сафар қилмаган бўлса-да, аммо Эронга келган жуда кўп европалик одамлар ва олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган эди. Масалан, бир эронлик табибнинг орзуси бошлиқ, депутат ва вазир бўлиш эди. Ваҳолонки, доктор Тулузан бутун умрини мутолаа билан ўтказганди. Унинг ўзи нима учун бошқалардан орқада қолган? Илм ва мутолаа аҳли бўлгани учун! Минбарда ваъз айтаётганида унинг оғзидан чиқаётган сўзларни қандай иштиёқ билан тинглашгани ва кейин унга қанчалик илиқ табриклар айтишгани



эсига тушди! У шоҳнинг эътиборига сазовор бўлганди! Аммо кейинги сафар яна нутқ сўзлашга мажбур қилишди! У бош тортди ва ҳозир балки ана шу айби учун уни мана шу хавфли хизмат сафарига юборишгандир! Бошини сарак-сарак қилиб пичирлаб деди: “Кимга товус керак бўлса, Ҳиндистон захматини чексин”.

Саййид Насрулло тушлик қилиб бўлиб, ресторандан ташқарига чиққанида даҳлизда инглиз тилини биладиган эронликни учратди, аввало у билан танишди ва ҳавонинг иссиқлигидан шикоят қилди. Кейин ундан: “Сиз ёлғизмисиз? – деб сўради.

– Ҳа.

– Агар Исфаҳон гази<sup>1</sup> ейишни истасангиз, каминанинг хонасига ташриф буюринг.

Уни ўз хонасига бошлади. Кейин газ қутисини базўр чамадондан олди! Газ қутисини унинг олдига қўйиб, жуда секин суҳбат бошлади: “Гарчи инсон бутун азиз умрини тил, илм-фанни ўрганишга сарфласа-да, яна кам. Афсуски, бизнинг қисқа умримиз хотиржамлик билан барча вақтимизни мутолаага бағишлашимизга кифоят қилмайди. Ҳаётдаги кичиккина бир ўзгариш янги бир тушунарсиз нарсаларга дуч келишимиз учун етарли бўлади ва ҳар бир кичик нарсага ибрат кўзи билан қараб, тадқиқ этсак, ўйлаганимизнинг ростлиги маълум бўлади... Агар битта қуриган барғни микроскоп остига қўйсак, ўз қонунлари ва усулларига эга бўлган янги дунё кўз олдимизда намоён бўлишини кўрамиз. Ёрда ётган озгина хашак йиллаб чўзиладиган фалсафий баҳслар, тафаккур ва чуқур изланишларга мавзу бўлиши мумкин. Орифлар айтишгандек:

*Ҳар зарранинг дилини ёргин,  
Ичидаги офтобни кўргин!*

Бугунги назарий илм бизга шуни исбот қиладики, қадимгилар энг кичик зарра деб атаганлари ва бошқа бўлиниши мумкин эмас деб ўйлаганлари бутун бир тизимдан иборат экан. Агар осмонга назар солсак, фалаклар гардиши ва уларнинг ўзгармас қонунлари бизни фақат хайратга соладики, умримиз охирида виждонан иқроор бўлишдан ўзга чорамиз қолмаганди:

Билимим шу жойга келиб етдиким,

Ҳеч не билмаслигимни энди тушундим!

Бизнинг атрофимиз номаълум нарсалар ва сирларга тўлиб-тошган. Менга Гермес Трис Мажистнинг фикри ёқади. У айтади: “Бузуқ дунёдаги ҳамма нарса илмлар дунёсида ҳам бор”. Гапни чўзишдан мақсад шуки, бутун жаҳонда шунчалик кўп қавмлар, халқлар, элатлар ва тиллар мавжудки, уларнинг қанақалиги ҳақида баҳс юритиб, сир-асрорларини англаб олишимизга умримиз етмаслиги аниқ! Менинг афсусланадиган нарсам – ёшлик давримда инглиз тилини ўрганишдан ғафлатда қолганим. Ҳозир сўзлар ва жумлаларни жуда қийинчилик билан бир-бирдан ажратаман. Англо-саксон тилининг асосан ўзаги лотин тилларидан фарқ қилгани учун бўлса керак, инглизча сўзлар ва жумлаларнинг маъносини яхши тушунмайман. Масалан, девордаги огоҳлантирувчи ёзув (зарурий қўлланмани кўрсатди) сарлавҳасини тахмин қилиб тушундим, гўё бу қўлланмани ёзишдан мақсад йўловчиларни чўкишдан қутқариш бўлса керак.

<sup>1</sup> Эрон ҳолваларидан бири.

Янги келган одам оғзида газ билан донишмандоналарни таажжуб билан эшитди ва Сайид Насруллонинг мақсадини тушунмаган бўлса-да, унинг сўзларини тасдиқлади:

– Албатта. Албатта. Худди шундай, ўзингиз айтганингиздек.

Ростдан ҳам кеманинг ғарқ бўлиш хавфи борми?

– Ҳеч қачон! Бу нима деганингиз? Фақат эҳтиёткорлик юзасидан ёзишган. Европача фикрлашнинг белгиси. Лекин ҳар доим ҳам шундай ҳодиса юз бериши мумкин.

– Ҳа, мақсад шуки, ҳодиса ман этилмаган, балки юз бериши мумкин.

– Албатта.

– Аммо кутилмаган ҳодисадан эҳтиёт бўлиш йўлини топишган.

– Албатта.

– Агар малол келмаса, ушбу огоҳномани, менга қискартириб, таржима қилиб бера оласизми?

– Камоли ифтихор билан!

Инглиз тилини биладиган киши ўрнидан турди, эълонни ўқиб, қутқарув нимчаларидан фойдаланиш ҳақида муфассал ёзилган йўриқномани Сайид Насруллога таржима қилиб берди. Эълонда йўловчилар нимчадан қандай фойдаланишни билиши учун олдин уни синаб кўриш лозимлиги таъкидлаб ўтилганди.

Сайид Насрулло диққат билан эшитди, пешонасидаги терни артди ва сўради: агар кемага ўт тушса ёки бошқа сабабли ғарқ бўлса, албатта, мумкин ва маҳол эмас, тўғрими? Масалан, ўтган йили бир француз кемаси Қизил денгизда ўт ичида қолди. Эсимда, бир лотин рўзномасида ўқигандим, бир катта кема Атлантика океанида ғарқ бўлган ва йўловчилар то ўладиган дамларигача айш-ишрат қилган эканлар.

– Лотинча рўзномада?

– Ҳа, мен француз тилини лотин тили деб атайман. Кечирасиз, агар менинг саволларим сизни чарчатса, узр сўрайман. Бу фақат оллоҳ таоло менга ато этган табиий қизиқувчанлигимдан. Чунки мен ўзимни доимо талаба деб биламан ва ҳар бир фурсатдан фойдаланиб, маълумотларимни бойитишни хоҳлайман. Мақсадим шуки, кема чўкаётган пайтда сузиш илмидан бебаҳра одам нима қилади?

– Ўзингиз айтганингиздек, кеманинг икки тарафида катта-катта қайиқлар бор ва уларни дарҳол сувга туширишади. Қутқарувчи кема келгунча аввал болаларни, кейин аёлларни, кейин эркакларни қайиқларга чиқаришади.

– Лекин хавфли балиқлар бор, улар дарҳол зарар етказар?

– Ҳа, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Масалан, агар, худо сақласин, симсиз телеграф аппарати ёниб кетса ва кема соҳилдан узоқда бўлса. Фараз қилайлик: йўловчиларни қутқарув қайиқларига ўтқазилган тақдирда ҳам агар қутқарув кемаси жуда кеч келса ва озуқа захиралари бўлмаса, ҳалок бўлишлари мумкин. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин!

Сайид Насрулло мутафаккирона бошини кимирлатди ва ўзича пичирлади: “Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин!” Кейин сўради:

– Кеманинг икки тарафида катта қайиқлар бор, дедингизми?

– Ҳа, наҳотки кўрмадингиз? Келинг, кўрсатаман.

– Катта раҳмат. Айтинг-чи, бу кема бошқа катта портларда ҳам тўхтайдими?

– Бу тезюрар маршрут бўлгани учун фақат Бушаҳр, Карачи ва Бомбейда лангар ташлайди, бугун кечқурун бир-икки соат Бушаҳрда тўхтайди.

Сайид Насрулло фикрга чўмиб, раҳмат, сизни анча қийнаб қўйдим, деди ва кейин жим қолди. Инглизча биладиган киши хайрлашиб, чиқиб кетди. Сайид Насрулло рўмолчасини олиб, ёнаётган пешонасини артди. Кейин ўрнидан туриб, эҳтиёткорлик билан кема саҳнига чикди. Диккат билан қараб кеманинг икки тарафида илгари у пайқамаган иккита катта қора қайиқ осиб қўйилганини кўрди. Қайиқларга “Оксфорд” деб ёзиб қўйилганди. Кеманинг номини кутқарув нимчаларида ҳам учратди ва бир неча марта “Волеру, Волеру?” деб такрорлади. Гўё бу ном унга танишдек эди. Ўзича балки юнон ёки айсор худоларидан биридир, деб ўйладимикин? Кейин ўқириб, жўш ураётган, бақириб кемага ҳамла қилаётган, кейин бир-бирининг устига чиқиб узоқлашаётган денгиз тўлқинларига тикилди. Денгизнинг яшил ифлос суви қорайиб кетганди. Унинг назарида денгиз тўлқинлари жонли суюклик ёки ҳассос судралувчи жисм бўлиб туюлди. Улар кучли дард ва ғазабдан асабий титроқ билан ғужанак бўлар, гўё бекордан-бекорга дард чекаётган ва азобланган ва юзлаб мана шундай кемалар ва йўловчиларни барча фазилат ва маърифатларига қараб ўтирмасдан бир лаҳзада ўзида чўктириб юборишга тайёр жисмдек эди улар! Қўрқув ва табиатнинг сўқир қувватига нисбатан нафрат аралаш бир нав ҳис туғилди унда. Бундан ташқари мана шу сув остида унинг қонига ташна хавфли ҳайвонлар ва балиқлар бор эди. Хуррамшаҳрда аёллар ва болалар кир ювиш учун дарё соҳилига боришганда уларни ақула тортиб кетиб иккига бўлиб ташлаганини бир неча марта эшитмаганмиди? Оёғи остида кеманинг енгил титраганини ҳис қилди. Мотор гув-гув қилар ва кўз етганча сув бўлиб, ўзини орқага ташлар ва кемага ҳамла қиларди. Кема сувни ёриб борар ва жароҳатлардан оқаётган қондек унинг орқасидан кўпик парчалари чўзилиб қоларди. Инлари қаердалиги номаълум бир жуфт жажжи қушча кема ортидан учиб келарди. Буларнинг ҳаммаси унинг назарида ажойиб ва ғаройиб эди. Хўш, кеманинг пастки қаватида жойлашган бошқа кишилар кимлар эди? Лекин йўловчилардан ҳеч бири изтиробда эмасди. Аммо бу Сайид Насруллонинг хотиржамлиги учун етарли эмасди, чунки башар авлодининг ифтихори бўлган унинг вужуди билан бошқалар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди!

Сайид Насрулло Кошон аҳолисини бесабаб кўрқоқ дейишларига ишонади. Геродот қадимги эронликларсув ва денгиздан кўрқишарди, деб ёзмаганмиди, бундан ташқари Ҳофиз Шерозий ҳам денгиздан кўрқмаганмиди? Бир китобда Акбаршоҳ Ҳофизни Ҳиндистонга таклиф қилгани, лекин Ҳофиз денгиз ва кемага нигоҳи тушибоқ, капалаги учган, манзарасидан кўрқиб, дарҳол сафардан бош тортгани ҳақида ўқигани эсига тушди. Ҳофиз бу ҳақда шундай деганди:

Қоронғу кеча ва гирдоб шундай даҳшатлики,

Соҳилдаги беғамлар бизнинг ҳолимизни қаердан билсинлар?

Бурни ва қулоқларига тилла ҳалқалар осиб олган ҳинд аёли унга эътибор ҳам қилмасдан бемалол унинг ёнидан ўтиб кетди. Кеманинг барча йўловчилари Сайид Насруллонинг назарида даҳшатли, касал ва айёр туюлиб кетди. Гўё улар тил бириктириб олганлар ва уни ғафлатда қолдириб, усталик билан унинг жонини олишмоқчи! Сайид Насруллонинг боши айланиб кетди, мияси қаттиқ чарчаган эди. Аста ўз хонасига кетди. Кийимини ечиб, ўзини ўринга ташлади. Миясида минглаб кўркинчли фикрлар ғужғон ўйнардди. Кеманинг бир хилда титрашини ҳис қиларди ва гўё бу ҳислари одатдагидан аниқроқ ва ўткирроқ бўлиб борарди. Титроқ энди

унинг юраги овози билан ҳамоҳанг бўлиб қолганди, секин-аста киприклари оғирлашиб, уйкуга кетди.

Тушида бир гуруҳ араб кема палубасида кутқарув нимчалари кийишар ва “Волеру!” деб бакиришар, кутқарув нимчалари кийиб олган иккинчи бир гуруҳ эса денгиз ичидан уларга “Волеру!..” деб жавоб қайтарарди. Унинг ўзи ҳам ҳар доим уйда кийиб юрадиган бушаҳр чопони устидан кутқарув нимчаси кийиб, болаларини опичиб олганди. Энди денгизга сакрайман деганда хотини чопонининг этагидан ушлаб қолди. – Даҳшатдан чўчиб уйғониб кетди. Аъзойи-баданини совуқ тер босган, боши оғрикдан тарс ёрилай дер, оғзи бемаза эди. Кўзи кема хонасига тушганда моторнинг темир овозини эшитди ва яна кўзини юмди, гўё бу жаҳаннамдан қочиб кетмаса бўлмайдиган эди. Беихтиёр уйини эслади: хонасидаги устига қизил кашта матоли ўриндиқ, ҳар икки ёнида иссиқ ва юмшоқ ёстикчалар ва ҳ.к. Энди тили чиққан ўғилчасининг сўзларни махражи билан тўғри талаффуз қилиши, хотини ликопчага майдалаб солган анор бўлаклари, идора столи, бу жилдларнинг ҳаммаси армонли дунёдек ундан узоқлашиб кетганди! Қайтишда куруклик орқали ва яхши поезга чиқаман деб ўзига сўз берди. Ич-ичидан уни мана шу балого дучор қилган, ўзи эса қизил бўйни ва сохта табас-сум билан стол ортида ўтириб, фикри-зикри қизлар ва болаларни йўлдан уриш, шу орқали олий мақомдаги раҳбарлар учун иш яратиб бериш бўлган Ҳақимбоши Пурга лаънатлар ўқиди. Ўзининг бир гуруҳ ўғри, ёлғончи ва кўрнамақларига фойдали ишларни берар ва уларга турли унвонлар тўқирди. Бемаъни ва кулгили сўзларни ичидан тўқиб чиқарар, одамларга зўрлаб ҳукна қилишсин деб уларни Тил Академиясига аъзо қилиб қўярди! Ваҳолонки, бутун дунёда сўздан халқ ва ёзувчилар фойдалангандан кейин луғатлар кири-тиб, тилга татбиқ этишади, у эса луғат илмида беназир одам. Унинг ўзи мана шу болаларча бемаъни, дидсиз сўзларнинг ҳаммолига айланиб қолганди. Балки атайлаб уни рогатканинг тошига айлантиргандирлар? Чунки унинг кўлидан ишбилармонлик келмасди ва Венера юлдузидан дипломи бор ёшларга гувоҳнома беришга қарши чиққан эди. Шу пайтгача бунга эътибор бермаганди, чунки тинч ва осойишта яшар ва шахсан лойқа сувда балиқ овларди. Аммо ҳозир унинг ҳаётини арзимас ва пуч нарсаларни деб хатарга қўйишганди. Ўрнидан туриб ўтирди, гўё фикрлари ўзгаргандек бўлди. Ич кийимининг тугмаси узилгани эсига тушди. Чалғиш учун уни қадаш билан шуғулланди. Агар хотиним шу ерда бўлганда, мендек фозил ва олим одамга мана шу аёллар ишини қилиш ярашмаган бўларди, деб ўйлади.

Шу пайт кема гудок чалиб, тўхтади. Йўловчилар ўртасида шовқин-сурон бошланди. Саййид Насруллонинг юраги шув этди ва бирор нохуш воқеа содир бўлди, деб ўйлади. Лекин тезда Бушаҳрга етиб келишгани маълум бўлди. Шошиб кийимини кийди ва кема айвонига чиқди. Бандаргоҳ кўринмасди. Фақат узоқдан заиф бир чироқ нур сочиб турарди. Бир-иккита моторли қайиқ кўзга ташланар, бир нечта елканли кема юк ортиш билан машғул эди. Ҳаммолларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари унинг тушини ёдига солди. Назарида уйғоклигида даҳшатли туш кўраётгандек бўлди. Денгиз соҳили шу қадар узоқ ва қоронғи эдики, курукликка қайтишни тўламаса бўларди. Соатига каради, кечки овқат вақти бўлганди. Бирор фойдали маълумот оларман деб ресторанга борди. Столда ўтирган ҳамма ва ҳатто инглиз тили биладиган киши ҳамда барча хизматчилар унинг назарида жим ва қовоқлари солиқ кўринди. Гўё машъум бир хабарни ундан яширмоқчи эдилар, юраги бир нохушликни сезиб, кечки овқат ҳам оғзига ёкмәди, умуман иштаҳаси йўқ эди, фақат ошқозонига жабр бўлмасин деб битта банан билан шўрвани ичди.

Инглиз тили биладиган киши имо-ишоралар қилиб у билан хайрлашди-да, гўё қаёққадир шошаётгандек эди. Саййид Насрулло умидсизликка тушиб, ўйга толганча хонасига қараб кетди. Ташқаридаги шоқин-суронни эшитмаслик учун эшикни ёпиб, пардани тортди. Гарчи ҳаво дим, иссиқ бўлса-да, электр парракни ёқишни маъқул топмади. Ручка ва қоғоз олиб, ўзининг фалсафий нутқи ҳақида баъзи нарсаларни қоралаб қўймоқчи бўлди. Аммо хаёли паришон эди. Қоғозга ёзган мавҳум фикрлари ўзига ёкмади. Ёзганларини диққат билан ўқиди: “Ватан, бу, яъни мен. Мақсадим – фақат ўша қон олиш банкасини қўйиб, миллатнинг қонини сўрган шон-шавкатли йўлбошчини мақташ. Мажбурий таълимдан мақсад – халқни саводли қилиш эмас, балки фақат бутун халқ унинг ва охир натижада Ҳакимбоши Пурнинг таърифини рўзномаларда ўқий олсинлар, рўзномалар тилида фикрласинлар ва гапирсинлар, форс тилининг асл намунаси бўлган маҳаллий тиллар унутилсин, яъни на араблар ва на мўғуллар қилолмаган ишни қилиш, на хошоёршо тили ва на машҳадий Ҳасан тилига оид бўлган сохта сўзларни уларга мажбуран сингдириш манманликдир, ҳаммаси турган-битгани манманлик. Манфаатларини ватаннинг муқаддас манфаатлари қилиб кўрсатади. У ўзи қаердан чиққан ва қандай салоҳиятга эгаки, Ватан манфаатларини мендан яхшироқ англай олса...” Яна ўқишда давом этди: ўзидан, жинни бўлиб қолмадимми, деб сўради. Заҳархандали кулги. У шу пайтгача бундай гапларни на ўйлаганди ва на тилга олди: номаълум бир ташқи куч юрагига ғулғула солганмиди ёки сафар унинг руҳиятини ўзгартирганмиди? Балки, ёмон ухлаганидандир. Қисқаси, қоғозни йиртиб ташлади.

Бу пайтда шатакчи кеманинг бир зайлдаги овози тинган эди. Кема ҳаракатга тушган эди, Сайид Насрулло ўрнидан туриб, кийинди ва кема саҳнига чиқди. Йўловчиларни кўриб кўнгли таскин топди. Чунки уни кемада ёлғиз қолдиришган, деб ўйлаганди. Қора булутлар тўдаси кўрқинчли бир тусда осмонда айланар, порт маёғи узокдан милтиллаб кўринарди. Денгиз суви қора рангга кирган, осмон очик бўлган бошқа томонда эса Сайид Насрулло Катта Айиқ ва Кичик Айиқ юлдузларини кўрди. Ой осмон четиди пастга иниб-тушгандек туюлар, пастда кумушранг дарё суви ярақлар ва кема томон оқарди, ҳаво дим эди.

Сайид Насруллонинг юраги сиқилди. Изтироби камайди. Бир нав осойишталик пайдо бўлди унда. Гўё биринчи марта табиат билан ярашиб олгандек. Ўтган бутун ҳаёти назарида узок, мавҳум ва азоб берувчи туш бўлиб туюлди. Унда болалик даври ҳиссиётлари уйғонди ва улар ёлғизлик ва жудолик ҳислари билан қоришиб кетди. Натижада ўзига нисбатан бир нав дардли тарахҳум ҳис қилди. Оғир қадамлар билан яна ўз хонасига қайтди. Қоғоз ва ручкани олиб, бир оз фикрга чўмди ва кейин ёзди: “Ҳиндистон мамлақати форсий адабиётнинг бешиги бўлган. Маърифат тождор отасининг диққат-эътибори соясида кун сайин тараққий этиб бораётган бугунги замонда...”

Миясига бошқа ҳеч гап келмади. Кейин оининг денгиз сувидаги таъриф ва тавсифини бадий либосга ўрашга ҳаракат қилди. Яна кўлига ручкани олди ва ёзди: “Тимқора сув момақалдиқдек ўкириб, кемани жангга чақиради. Ой осмоннинг бир четидан бетараф гувоҳдек ўзининг кумуш совутини тўлқинлар устига ёйиб табассум қилади”. Бу ҳам ўзига ёкмади, гўё номаълум куч унинг барча маънавий ва фалсафий маълумотларини ташқарига улоқтирган бўлди.

Кейин хотинига мактуб ёзмокчи бўлди. Боши оғирди, ногаҳон кўзи шифтдаги қутқарув нимчасига кўрди, ўрнидан туриб, эшикни ёпди. Шиша

ва ёғоч тўсик, парда ва деразани ҳам зичлаб ёпди. Бутунлай беркиниб олганига ишонч ҳосил қилгач, қутқарув нимчаларидан бирини жойидан олиб, оғирлигини чамалаб кўрди. Гўё тўрт бўлак енгил ёғоч бўлагидан узунчок куб шаклида ясалган бўлиб, қопга ўхшаш кулранг қалин матога қопланган эди. Бир-бирига латта билан боғлаб қўйилган пахтали тўртта чўп орасидан эҳтиёткорона бошини чиқарди. Чўпларнинг иккитаси кўкрак устига ва бошқа иккитаси сафархалтага ўхшаб, орқа курагига жойлашди. Кўрсатмада берилган расм олдига бориб турди ва ундаги ёзувга биноан боғични қаттиқ тортди. Қутқарув нимчаси танасига чиппа ёпишди. Кейин ойна олдига бориб, ўз киёфасига разм солди.

Рангининг ўчганидан ўзи кўркиб кетди. Ўлим соатини кутиб қамоқда ойлаб очлик ва уйқусизликдан азоб чеккан маҳбустга ўхшаб қолганди. Кўрган тушини эслади, агар денгизга тушиб кетса, қандай даҳшатли аҳволда қолишини тасаввур қилиб, баданини титроқ босди ва тиззалари бўшашиб кетди, тишларининг такирлаган овози эшитилиб турарди. Томирини ушлаб, юрак уришини текширди, беихтиёр бир неча марта пичирлаб “Волеру... Волеру” деди. Овози хирилларди. Бошининг қаттиқ оғриғи тобора кучайиб борарди. Ичида хотини ва болалари билан видолашди, кўзларига ёш қалқди ва лоақал ўз юзини кўрмаслик учун юзини бурди. Қутқарув нимчасини ечмоқчи бўлди, аммо хавфли вазият туғилганда уни боғлаш осон иш эмаслигини эслади ва ҳар эҳтимолга қарши уни ечмасдан ухлаганим маъкул деб ўйлади. Аъзойи баданидан совуқ тер оқарди ва ҳақиқатан ҳам касал эканини ҳис қилди. Икки хапдори аспириин ичди ва “Оятал курси”ни ўқиганча ўринга бориб ёнбошлади. Безовталаниб юрагини тобора тез уришини эшитиб турарди.

Кўзи батамом уйқуга кетмай, ёмон туш кўра бошлади – кемага ўт тушганмиш, у палубадаги минбарда турарди, лекин эгнида қулоғи ва бурнига тилла ҳалқа осиб олган ҳинд аёлининг сарийсига ўхшаш аёллар кийимини кийиб олганмиш. Қутқарув нимчасидан фойдаланиш ҳақида ҳаяжонли нутқ сўзларди. Чалинаётган сигналлар ва кўнғироклар орасида овозини доимо янада баландроқ кўтаришга мажбур бўлар, вақти-вақти билан кўлини портфелига тикиб қандайдир расмларни олар ва одамлар устидан сочарди. Йўловчилар умидсизликдан ўзларини денгизга отар, лекин кўзлари ғазабли чакнаб турган улкан балиқлар уларни қоқ ўрталаридан иккига бўлиб ташлар, сувнинг юзи нимталарига тўлиб кетганди. Бирдан болалари оқ рангда “Оксфорд” деб ёзилган қора қайиқда ўтиришганини ва инглиз тили биладиган эронлик киши эшқак эшиб, уларни номаълум томонга олиб кетаётганини кўрди.

Олов шуъласи унга яқинлашгани ҳамон ўзини сувга ташлади. Шу пайт бир кўрқинчли катта балиқ оловли кўзлари билан унга ташланиб, кўкрагини гўё тўрт бўлак ғиштдек ўзининг тўртта ўтмас тиши орасига олиб қаттиқ сиқди ва у хушидан кетди.

Эрталаб хизматкор ҳинду хонага кириб, гарданига қутқарув нимчаси боғланган Саййид Насрулло хонасида ўлиб ётарди.

Икки ойдан сўнг Ҳаммом Вазир кўчасида Саййид Насруллонинг қўли билан портфелни қорнига босиб олган ва иккинчи қўли билан Ҳиндистон томонни кўрсатиб турган ҳолатдаги ҳайкали атрофида катта жамоа тўпланиб турарди. Оёғи остида кўршапалак – талваса ҳолатидаги жаҳолат иблисининг аломати ётарди. Ҳақимбоши Пур ғамгин ва мотамзада киёфада минбарда туриб, ушбу марҳумнинг қилган хизматлари ҳақида муфассал нутқ сўзларди. Нутқ мобайнида такрор ва такрор ўша мудҳиш ва унитилмас фожиа, дунё-

нинг саккизинчи сайёраси, замона файласуфи ва илм денгизидан жудолик хақида тўхталди, сўнгра Ватан навниҳоллари ва ёшларига хитоб қилиб, сўзига шундай яқун ясади: “Сизлар доимо Ватан йўлида беназир фидойлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб, оқибатда шаҳидлик шарбатини татиган бу даҳо ватанпарварнинг ишлари, сўзлари ва ўғитларини ўзингиз учун ибрат қилиб олишингиз керак ва бу зукко адиб, фозил инсоннинг ҳайкали ёки лоақал расмига қараб туриб, шундай фидойи инсонлар борлигидан фахрланиш ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Яна ҳар доим ватанга ҳамда маърифатга хизмат қилиш йўлида тинмай ҳаракат қилиш... (томоғига бир нарса тикилгандек бўлди).

Уч дақиқа жимликдан сўнг: “Махсусан, Ҳаммом Вазир кўчасини “Ватанпараст” деб аташни Академия мажлисида ўртага ташлайман ва тоза форс тили ва аждодларимнинг юртига бўлган қизиқишим туфайли марҳум Сайид Насруллони “Пируз яздон” деб атаб, унга “Ватанпараст” лақабини бераман”.

Адашманглар, бу марҳум ўлган эмас, балки ватан йўлида қилган фидойилиги ва қаҳрамонлиги орқали ватаннинг, бутун халқининг юрагида буюк мақомни эгалладики, шайхул-урафо айтади:

Вафотимиздан сўнг бизнинг тупроғимни ердан кидирманг,

Бизнинг мазоримиз ориф одамларнинг сийналаридадир.

Сўзимнинг якунида у абадий жаннатмақоннинг қатлгоҳи бўлмиш “Во-леру” йўловчи кемасини компаниядан сотиб олиш ва уни маориф музейида сақлаш учун сиз саховатпешалардан иона тўплашингизни илтимос қиламан.

Кейин қўлидаги портфелга қўлини тикиб, Сайид Насруллонинг ҳаракат олдидан олинган охириги бир нечта расмини олди ва йиғилганлар устидан сочди. Одамлар унинг расмларини бир-бирларининг қўлидан юлиб олишиб, қалблари устига босишди. Кейин кўзларида ёш, қалбларида ўт билан наврасниҳоллар аста тарқашди.

Миродил ОБИДОВ  
таржимаси

## Хусрав ШОҲОНИЙ

(1930–2002)

*Хусрав Шохоний Машиҳадда зиёлилар оиласида туғилган ва болаликда она-онасидан етим қолган. Техрон университетини битиргач, “Ҳандалак” журналида ишлаб бошлаган. 1978 йилда илк ҳикояси босилди. Наматмол таҳаллуси билан кетма-кет фельетон ва ҳикояларини эълон қилди, тез орада ҳажвий-кулгили ҳикоялар устаси сифатида танилди. “Боружалининг кўргиликлари”, “Ишратхона”, “Оғиз-бурун ўпишганлар”, “Тўфон” каби қатор тўпламлари нашр этилган.*

## ТУШЛИК ЗИЁФАТ

Нақ эрталабдан буён Насруллаҳон мен билан ўта хушмуомала эди. У бир неча бор ўтирган столимнинг тепасига келиб, сигарет билан сийлади, чой таклиф қилди...

Кўпдан бери ўртамизда яқин ошначилик муносабатлари бор эди, пулдан қисилиб қолган чоғларимизда бир-биримизга қарз бериб турар, ойда икки-уч марта бирон ерда чақчақлашар ё кинога тушардик. Аммо бугун Насруллонинг каминага муносабати ҳаддан зиёд илтифотли эди.

У тинмай менга қараб жилмаяр, кўз уриштирарди, ниҳоят ёнимга келиб ўтириб деди:

– Оғайни, кел, бугун бизникида тушлик қилайлик!

– Билмадим-ов, қандоқ бўларкин, – эсанкирадим мен, – сал шамоллаброқ турибман, хотинимга пешинда ош қилиб тур, дегандим, балки бошқа сафар борармиз?

– Очиғини айтсам, айнан шу бугун сен билан тушлик қилгим келяпти.

У шунчалик қистадики, охири ноилож таслим бўлдим.

Тушлик танаффусда уникага кетдик. Бу Насруллахоннинг уйига биринчи ташрифим эди, куруқ боргим келмади, шу боис автобусдан тушиб, гулдастами, бир қутича конфетми олволсам бўларди, дедим.

– Биринчидан, бу атрофда гул дўкони йўқ, – деди у меҳрибонлик билан қўлтиғимдан олиб ва мени ўзи билан олдинга суриб кетди, – иккинчидан, нима, сен бизнинг уйга бегонамисан? Сени уйдагиларга кўп гапирганман, ҳаммалари яхши билишади, энди шахсан танишиб оласизлар. Кетдик, кетдик, болалар кутиб қолишди – улар китобларингни маза қилиб ўқишган!

Мен қаршилиқ қилмай қўяқолдим ва биз уларникига қараб йўл олдик. Эшикни ўз калити билан очиб:

– Марям! Марям! – деб хотинини чақирди. – Мана, жаноб Шоҳоний. Мен уни тушликка олиб келдим.

Ҳеч ким жавоб бермади. Марямхоним ҳам, бутун уй ичи ҳам жимжит эди. Мен бўлсам, отимни эшитган заҳоти бутун оила югуриб чиқади, деб ўйлагандим. Уйда одам зоти йўққа ўхшарди.

Насрулла мени бўм-бўш совуқ меҳмонхонага бошлаб кирди.

– Марям, Марям! – деб тагин шовқин солди. – Уйимизга жаноб Шоҳонийни опкелдим! Бугун тушликка нима қилдинг?

– Заҳар қилдим, заққум қилдим! – деди Марямхоним, тахминимча, унинг овози ошхонадан чиқди, шекилли, чунки ерга тушиб чил-чил синган чинни идишнинг жаранги ҳам эшитилди.

“Эҳ, Насруллахон-а! – деб ўйладим мен. – Зап вақтида чақирибсан, ошна, бунданам зўр зиёфат бўлмади оламда”.

Бундай “самимий” қутловдан эсанкираганча, мен меҳмонхонанинг ўртасида доврираб турардим.

– Нега ечинмаяпсан? – Ёмғирпўшини ечиб, Насрулла менга юзланди. – Ўтир, оғайни! Бу ер сал совуқроққа ўхшайди-а?

– Йўқ, ҳечқиси йўқ, – дедим мен. – Лекин менга рухсат бер, кета қолай. Бугун хотинингнинг кайфияти йўқроққа ўхшайди?

– Йўқ-йўқ, ҳечам унақамас, – қаттиқ кулиб жавоб берди, – унинг жавобидан уялинг, шекилли?

– Йўқ... лекин...

– Эътибор берма, Марям ҳазиллашяпти. У шунақа ўзи... Ечин, ечинсанг-чи!

“Одамлар ҳар хил бўлади, – деб ўйладим мен. – Эҳтимол, буларникида бир-бирларига айнан шундай меҳр кўрсатишар. Чиндан бу одатга айлангандир”.

Мен пальтомни ечиб, печка ёнидаги чарм ўриндикқа ўтирдим. У жуда муздек эди!

– Уй мунча совуқ-а! – деди Насрулла. – Ҳозир, ҳозир. – У печкада қанча керосин қолганига қаради.

– Марям, Марям! – бақирди у. – Печкада бир томчи ҳам керосин қолмабди-ку!



Бунга жавоб чуқур сукунат бўлди. Насрулла:

– Керосинли бидон кани? – деб сўради.

– Отангининг мозорида! – деди Марямхоним мулойимлик билан...

“Меҳмонга келиш мана бунақа бўлади!” – ўйладим мен.

Аммо Насруллахон жилмайиб бош чайкаб қўйди холос.

– Бор, керосинли бидонни олиб кел, – маслахат бердим мен.

– Уни қаердан топаман?

– Хотининг қаердалигини айтди-ку!

– Йўқ, бу менинг ишим эмас, оғайни. Уйни у иситиши керак.

Шу асно хонага оқ фартукчали беш яшар бола кирди ва олдимда турган биллур гулдонли пастак столга қараб юрди. Қўли гулдонга тегиб уни пастга тушириб юборди. Идиш чил-чил синди. Мен синиқларни териб олгани энгашиганимда, бирдан хонада Марямхонимнинг овози янгради:

– Э, келган бало-қазо шунга урсин!

Мен бошимни қўтардим. Насруллахоннинг хотини остонада менга олайиб қараб турарди. Мен довдираб синиқларни стол устига қўйдим, креслодан туриб, у билан сўрашдим.

Марямхоним менинг саломларимга совуқкина алик олиб, болани етаклаб чиқиб кетди.

– Насруллахон, – дедим. – Мазам йўқрок. Сенга айтгандим: уйда хотиним мени тушликка кутиб ўтирипти. Хўп, де, мен кетай.

– Ўлай агар, сени кеткизмайман! – жавоб берди у. – Биз бирга овқатланишимиз керак. Кейин кетсанг – кетарсан.

Шундай деб, Насруллахон хонадан чиқиб кетди. Мен ўрнимдан туриб девордаги фотосувратларни кўздан кечира бошладим, ичимда, тезроқ овқатланиб, яхшилик билан йўқола қолсайдим, деб ўйлардим.

Бу чоғ дахлиздан эр-хотиннинг гап-сўзлари эшитилди. Менинг номимни бир неча бор тилга олишди. Қулоқ солдим.

– Ўлай агар, Марям, – дер эди Насруллахон. – Кеча Шоҳоний билан бирга эдим. Мана, ўзи ҳам шу ерда, сўрашинг мумкин...

– Кеча қаерда қолган бўлсанг, жўна ўша ерга! – жавоб қайтарди Марямхоним. – Туни билан келмаганинг келмаган, яна кундузи ҳам бошлашиб юрганинг нимаси энди?

– Бўлди-бўлди, кўп акиллама, бизга лоақал тухумсолди қилиб бер, сен билан кейин гаплашамиз.

Тушликнинг “т”си ҳам йўқлигини кўриб турардим. Эр-хотин ўз ади-бадилари билан овора, мен билан бир чақалик ҳам ишлари йўқ эди. Мен инглизчасига сездирмай жўнаб қолмоқчи ҳам бўлдим-у, лекин кейин: “Ноқулай. Худо кўрсатмасин, бирдан уйларида бирон нарса йўқолиб қолса – мендан кўришлари ҳам мумкин” деб ўйладим.

Иккиланиб, нима қилишни билмай совуқ уйда у ёқдан-бу ёққа юриб турдим. Насруллахон мис патнис кўтарганча кириб келди, унда бир пиёла катик, озгина пиёз, укроп, кашнич, икки-уч лочира нон бор эди.

– Азиз дўстим, – деди у патнисни столга қўйиб. – Мен жуда уятда қолдим, кечирасан, Марямнинг бугун мазаси қочиб қолиб, тушлик тайёрламабди. Лекин сен тухумсолдини ҳам яхши кўрасан, шекилли.

– Ҳа, яхши кўраман, – дедим, – лекин менга рухсат бер...

– Ўлай агар, рухсат бермайман!..

– Лекин, ахир...

– Ҳеч қандай “лекин-пекини” йўқ. Сени балоям урмайди. Очиғини айтсам, кеча уйга кечроқ келгандим, Марям бугун эрталабдан машмаша бош-

лаб юборди. У, албатта, сендан ҳеч нима сўрамайди – у сени қандай ҳурмат қилишини биласан – агар сўраса, кеча Насруллахон мен билан бирга эди, дейсан.

Шу пайт Марямхоним товада тухумсолди олиб кирди ва зарда билан уни столга қўйиб, ўзи оромкурсига ўтириб, телефон дастагини кўтарди.

– Ойи! – деб кичқирди. – Фарини олиб бу ёққа келинг!

– Овқат совимасин, ол, – Насруллахон илжайиб менга ўтирилди.

Илож қолмади. Қанийди энди ҳаммасини бир лахзада еб битирсам-у, бу ердан тезроқ кутулиб, куён бўла қолсам.

Мен лочирадан бир бурда ушатдим, уни кашнич билан қатикқа булаб оғизга йўллаб, эндигина чайнай бошлагандим, эшик очилиб, Марямхонимнинг онаси – Насруллахоннинг қайнонаси кўлида набираси Фари билан хонага кириб келди.

– Амакингга бор, – болага мени кўрсатиб кесатди у. – Аданг кеча эрталаб кетганча бугун сенга совға-салом олиб келди...

Тишлаган ноним томоғимда туриб қолди. Уй ичи музхонадай совуқ бўлса ҳам, бутун жисмимни тер босди.

Тақсимчадан секин бошимни кўтарсам, буви бўлмиш оромкурсиди ўтирар, бола атак-чечак қилиб менга келарди. Дастурхонга етиб келган заҳоти патнисни ушлаб олиб, ўзига тортди. Мен тухумсолдилди тақсимча билан қатикли пиёла ҳам биллур гулдоннинг кунига учрамасин деб, икки қўллаб патнисни ушлаб қолдим, лекин шу пайт Марямхоним дона-дона овоз билан:

– Жаноб Шоҳоний! – деганини эшитдим.

Мен гунгу лолга ўхшардим. Бошим ғувилларди. Томирларим шу қадар қаттиқ урардики, бирон табиб уни ушлаб кўрса, олдиндан ўлим гувоҳномаси ёзиб берган бўларди.

– Лаббай, хоним, – дедим аранг, бир чети тишланган лочирали тақсимчани ўрғага суриб.

– Насруллага айтинг, менинг талоғимни бериб, сизга уйлансин, – давом этди ўша-ўша совуқ оҳанг билан.

– Менга?!

– Ҳа, ҳа, сизга!

Бу қандай гап? Мен ҳеч нарсага тушунмай нажот излаб Насруллахонга тикилдим. Унинг юзида сезилар-сезилмас бир табассум ўйнади ва у менга енгилгина кўз қисиб қўйди, бу “индама!” дегани бўлса керак. Менинг жилмайишдан ўзга чорам қолмади.

– Сиз жуда лутфли экансиз, хоним, – дедим. – Ташаккур. Аммо... ахир... йўқ... нима дейишни ҳам билмайман...

Насруллахоннинг қайнонаси баланд овоз билан:

– Марям ҳақ! – деб қизини қўллади. – Сиз Насрулланинг уйли-жойли, болали, оталик бурчлари ҳам борлигини ҳеч ўйламайсиз! Бу бадбахтдан нима истайсиз ўзи? Нима учун унга осилиб олгансиз? Уни ўз ҳолига қўйинг, ўз ишлари билан шуғуллансин, хотини, бола-чақасини ҳам ўйлашига имкон беринг! Виждон ҳам бўлиши керак, ахир! Ҳар оқшом, ҳар оқшом, ҳар оқшом!.. Ўзингизга бошқа соғин сигир топиб олинг!

Ахир биз Насрулла билан ойда бир оқшом ҳам учрашмаймиз. Мен жуда банд одамман, менинг ҳам хотиним, болаларим, ташвишларим бор, дея энди эътироз билдирмоқчи бўлиб тургандим... аммо Насрулланинг кўзларидаги ўтинччи кўриб, жавобни чўздим. Қалламга бир фикр келгунча ҳам бўлмай, Марямхоним мени кўндаланг саволи билан гаранг қилиб қўйди:

– Марҳамат, тушунтириб беринг, у тун бўйи қайда эди?

“Эҳ-а, – тушундим мен. – Демак, Насруллахон бугун уйда тунамабди-да. Демак, унинг барча илтифотлари ва тушликка таклифи бежиз эмас экан-да!” “Эрингиз туни билан қайларда бўлганини мен қаёқдан билай, хоним? Нима, мен унинг шахсий соқчисиманми?” демоқчи бўлгандим. Аммо Насруллахоннинг юзи даҳшатдан қийшайиб кетганига кўзим тушди...

– Худо ҳақи, кеча оқшомдан буён у меникида эди, – деб алдадим, пинагимни бузмай. – Яъни, у билан бир дўстимникига меҳмонга боргандик, узок ўтириб қолибмиз, ҳаво бузилди, транспорт ҳам учрамади, уй эгаси бизни тунаб қолишга кўндирди.

Қарасам, Насрулланинг юзи ёришиб кетди.

– Эшитдингизми, ойижон, – деди у қайнонасига ўгирилиб, – кўрдингизми, алдамабманми? Мана, сизга гувоҳ!

– Тулқидан: “Гувоҳинг ким?” деб сўрашса, “думим” деб жавоб берибди, – вайсади қайнона. – Хўп, сен айтгандай бўла қолсин! Ўтган куни-чи, эрталаб соат тўртда қайтдинг, у куни қаерда эдинг?!

– Ким билан биргайдинг, деб сўраяпсизми? – гапга қўшилди Марямхоним. – Олдингизда ўтирган мана шу жаноб билан-да!

“Ҳа, чинданам шундоқ дегин, Шоҳоний”, – ёлворди Насруллахоннинг кўзлари.

– Билмадим, нима дейишга ҳам ҳайронман. Ҳа... Албатта... Биласиз-ку: одам бир гапга тушиб кетса...

– У ҳолда олдинги, ундан ҳам олдинги тунлар тўғрисида нима дейсиз? – гапимнинг белига тепди Марямхоним. – Ўшандаям бирга гапга тушиб кетганмидинглар?

– Азиз жонингни ўртага қўйиб қасам ичаманки, Марям, – Насрулла жавоб беришимга қўймай бидирлай кетди, – онангни ўртага қўйиб онт ичаманки, жаноб Шоҳоний билан бирга эдим. Биз соат ўнларда – босмахонада сўнгги саҳифани солиштириб чиқиб, энди ишни тугаллаганимизда – бош муҳаррир бизни овқатлангани қовоқхонага таклиф қилди. Бош муҳарриримиз қандай ёқимтой, яхши одамлигини билмайсан-да. Худо ҳақи, агар...

– Етар, бас! – гапини бўлди Марямхоним. – Муҳаррирингиз билан нима ишим бор менинг? Мен мана бу жанобдан сўраб билай-чи: у ўзи қанақа одам, нега шўрлик хотинларни қийнаб, ҳаётларини заҳар қилаверади? Ҳаммамизнинг эрларимизни тортиб олиб, уларни тўғри йўлдай тойдирди, ўзининг итоатгўй қули қилиб олди... У менга ўгирилиб увиллади: – Сен-чи, сен, ўзингча ҳалол, тўғри яшаяпман деб ўйлайсанми? Бахтсиз хотинлар эрларини ва бегуноҳ болалар оталарини тун бўйи кута-кута сени ҳар дақиқада қарғашади! Билдингми, муҳтарам жаноб? Ойи, Ишратхонимни чақиринг. Келиб, мана бу нусхани бир кўриб қўйсин!

Марямхонимнинг онаси ўрнидан турди ва Ишратхонимни чақиргани чиқиб кетди, мен бўлсам “у ким экан, нима иш қиларкин ва Насруллахоннинг тушлик зиёфатига нима алоқаси бор экан”, деб фол очганча қолдим, Марямхоним бўлса ўша-ўша таъзиримни беришда давом этар, сўроққа тутиб, таъна-дашномларга кўмар эди. Йиғлаб юборсам керак. Жоним ҳиқилдоғимга келди. Аммо ўзимни ҳимоя қилгани оғиз жуфтлашим билан Насруллахон стол остидан оёғимни туртиб, ёлборган назар билан мени тўхтатарди.

Бу асно қайнона бўлмиш менга бутунлай нотаниш ўрта яшар бир хотин билан бирга қайтиб келди ва ғазаб билан:

– Кир, Ишратхоним, – деди. – Мана, кўр, ўша зўровон нусха!

– Мен сизни шу кунгача ҳеч кўрмагандим, жаноб Шоҳоний, – деди у. – Аммо Маҳмуд сиз ҳақда кўп яхши гапларни айтганди. Энди мен сиздан бир

нарсани илтимос қилгани келдим: марҳамат қилиб, Маҳмудни тинч қўйинг!..

Менинг кўзларим қинидан чиқиб кетди. Энди: “Қанақа Маҳмуд? Ким у?” демокчи бўлгандим, Насрулла худди фикримни уққандай, аянчли жилмайиб, сайрашга тушди:

– Маҳмуднинг хотини бу Ишратхоним. У сен ҳақда кўп яхши гапларни эшитган! Маҳмуд маишатхоналарга боради, деб ўйлайди.

“Худойим-ей, нима бўляпти ўзи, Маҳмуди ким экан?” деб тушунишга уринардим мен. Аммо Насрулла мени оғиз очгани қўймас эди.

– Азиз жонинг учун онт ичиб айтаманки, Шоҳоний, Маҳмуд тушида ҳам, ўнгида ҳам сени улуғлагани улуғлаган! У сени қандай яхши кўришини тасаввур ҳам қилолмайсан! Балки, эсингдадир, уч кун олдин буни ўзингга ҳам айтган эди.

– Ҳа, жаноб Шоҳоний! – кичқирди Ишратхоним, бирданига ўзини йўқотиб. – Ўша Маҳмудингиз! Жонини сизга сотиб, танини менга қолдирган ўша Маҳмуд! Чўнтаги – сизга, чўнтагининг тешиги – бизга! Фарида сизнинг шу ерда эканлигингизни билиб қолса, тушда ҳам кўрмаган балоларни бошингизга солади.

– Ўша Фарида, яъни бу, – гапга аралашди Насруллахон, – Жаҳонгирхоннинг хотини! (У худди холамнинг қизини айтаётгандай гапирди). Наҳотки эсламасанг? Байрамда уч кунимизни денгизда бирга ўтказгандик-ку! Эсингга тушдими, мен, сен, Жаҳонгир, Маҳмуд ва Ироҷ?!

Э, ҳа, мен зўр йигит эканман-ку!

Ишратхоним Фаридахоним билан шахсан танишгим келяптими-йўқми, суриштирмай-нетмай, уйдан учиб чиқиб чинқирди:

– Фарида! Фарида... Фари!.. Фаридахоним!

Мен бутунлай эсанкираб қолган эдим. Насруллахон, хотини ва кайнонасининг гаплари қулоғимга кирмас эди. Дикқат билан Ишратхонимга тикилдим. Энди у нима хунар кўрсатар экан?

Қарши томондаги икки қаватли уйнинг деразасидан бир хотин бошини чикарди.

– Нима дейсан, Ишратхоним?

– Бу ёққа кел! Тез пастга туш! Сенга ҳеч қачон кўрмаган нусхани кўрсатаман.

– Нима бўлди ўзи? Биров келдими?

– Сўрама... Тез тушиб кел!

– Гапни чўзмай ким келганини айта қолсанг-чи? Ахвздан холаваччанг келдими, дейман.

– Йўк, йўғ-э, жаноб Шоҳоний келдилар.

– Шоҳоний?

– Ҳа, ўлай агар! Туш тезроқ! Умрида бунақа аҳволга тушган эмас у! Ўтинаман, тезроқ чопиб келгин!

– Қетяпман... Қўйворманглар, мен ҳозир!

– Йўл-йўлакай Шаҳлониям ола кел!

– Бўпти!

Дераза шарақлаб беркилди, шундан кейин Ишратхоним қувонганидан терисига сиғмай, хонага югуриб кирди:

– Ҳўш, хўш. Жуда қизиқ! Давом этинг, жаноб Шоҳоний!

– Йўғ-э. Мен индамаётган эдим, гапираётган сиз эдингиз.

Эшик кенг очилди ва хонага турли ёшдаги саккиз хотин ёпирилиб киришди. Улардан бири ҳозир деразадан боши кўринган аёл эди. У менга бармоғини ниқтаб: “Мана шуми?” деб сўради.

– Ҳа, Фаридахоним, – Ишратхонимнинг жавобини тасдиқлаб, гап ташладим. – Аммо, марҳамат қилиб, бошқалар ким, менга таништирсангиз?

Фаридахоним ўқ еган йўлбарсдай, менга ташланди:

– Кимни кўрмоқчи бўлувдинг? Сен эрларини тортиб олган бечора хотинлар булар!

– Мен?

– Сен бўлмай ким бўларди, менми?

Юрагим алам билан тўлиб, чакка томирларим қаттиқ-қаттиқ урар, томоғим қуриб қолган эди. Тилим танглайимга ёпишиб қолганга ўхшарди.

– Рухсат этинг, жаноб Шохоний, уларни сизга мен таништирай, – тилидан заҳар томиб гап бошлади Фаридахоним, – бу Мари – Раҳим оғанинг хотини!

– Ўзи билан ёнма-ён турган баланд бўйли хотинни менга кўрсатди.

– Ўзимизнинг Раҳим оғани айтяпти! – изоҳ берди Насруллахон.

М е н. Танишганимдан хурсандман, хоним!

Ф а р и д а. Бошқаларни таништирай. Шахлохоним – Тохир оғанинг хотини!

Н а с р у л л а х о н. Ўзимизнинг Тохир оғани айтяпти!

М е н. Бағоят бахтиёрман!

Ф а р и д а. Бу Лайлохоним – Абдуллахоннинг хотини!

Н а с р у л л а х о н. Ўзимизнинг Абдуллани айтяпти.

М е н. Танишганимдан мамнунман!

Ф а р и д а. Гелинхоним – Лайлонинг онаси, Абдуллахоннинг қайнонаси.

М е н. Қандай бахт!

Ф а р и д а. Маҳнасохоним – Абуторобхоннинг хотини!

Н а с р у л л а. Ўзимизнинг Абуторобни айтяпти.

М е н. Қандай шараф!

Қисқаси, мен Насруллахоннинг уйдан чиқаётганимда, ҳамма қўшни хотинлар эшик олдида икки қатор бўлиб, эрларини йўлдан урган мендай нобакорни таъкиб остида кузатиб туришарди. Насруллахон ҳам кийиниб мен билан бирга чиқди.

– Ҳа, Насруллахон, сен қаёққа? Яна йўқ бўлиб кетасанми? Қачонгача? – сўради Марямхоним.

– Йўқ, мен жаноб Шохонийни фақат бекатгача кузатиб келаман.

*Рус тилидан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси*



## АББОС КИЁРЎСТАМИЙ



Эронлик машхур кинорежиссёр Аббос Киёрўстамий ўзининг 50 йиллик баракали ижоди билан нафақат томошабинлар олқишига, балки жаҳон киношунослари эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Шунингдек, у сценарий муаллифи, рассом, дизайнер, фотограф, продюсер, шоир сифатида ҳам дунёга яхши таниш. Серкирра ижоди халқаро майдонда юқори баҳоланган Киёрўстамий ўз муваффақиятларини шундай изоҳлайди: “Туғилиб ўсган Ватаним ва миллатимга бўлган юксак муҳаббатим менга куч беради, рағбатлантиради. Бир жойда илдиз отган дарахтни иккинчи жойга кўчирса, у мева бермайди, мева берса ҳам, олдингидай ҳосил қилмайди. Бу табиат қонунидир”.

Аббос Киёрўстамий 1940 йил 22 июнда Техронда таваллуд топади. Ёшлигидан расм чизишга кўнгил қўйиб, турли танловларда ғолиб чиққан Аббос Техрон университети қошидаги Нафис санъат

коллежининг рассомлик ва дизайн йўналишида таҳсил олади. Дастлаб турли рекламалар дизайни билан шуғулланади, болалар учун мўлжаллаган китобларни безайди, Эрон телевидениеси учун юздан зиёд реклама тайёрлайди, кейинчалик бир қатор фильмларнинг сарлавҳаси ва титр ёзувларининг дизайнини ишлайди. Шу зайл, секин-аста кино соҳасига кириб келади. 1969 йили Техрондаги институт қошида кино бўлимининг ташкил этилишида ташаббускорлардан бўлади ва яратилган илк фильмга ўзи режиссёрлик қилади. Неореализм йўналишида тасвирга олинган “Нон ва тор кўча” номли 12 дақиқалик қисқа метражли фильм мактаб ўқувчиси билан қайсар кучук ўртасида бир бўлак нон учун бўлган можаро ҳақида ҳикоя қилади. “Нон ва тор кўча” мен учун машаққатли сеновлардан бири бўлди, – деб эслайди Кийарстамий. Сабаби, малакасиз ижодий гуруҳ, ёш болакай, кучук ва ҳамиша нолиб юрувчи оператор билан ишлашга тўғри келди. Бир томондан операторни тушунса бўларди, чунки мен у кўникиб қолган қоидаларга амал қилмасдим”. Чиндан ҳам Киёрўстамий фильмда боланинг кучукдан қочиби уй томон югуриши, эшик очиши, уйга кириши ва ташқарида қолган кучукнинг хатти-ҳаракатларини яхлит, йирик планда акс эттириш учун 40 кун давомида қайта-қайта дубллар олдириб, ўзи хоҳлаган кадр чикмагунча ҳеч кимга тиним бермаган эди.

Режиссёр сифатидаги илк

фильмидаёқ ўзига хос услуги намоён бўлган Аббос Киёрўстамий яна бир қатор қисқа метражли фильмларни тасвирга туширади. Аксарият фильмлари болалар ҳаётига бағишланган бўлиб, Эрон кинематографиясида болалар образини бош қахрамон даражасига кўтаради. Шу орқали томошабинларни болалар дунёсига, уларнинг руҳий оламига олиб киришга муваффақ бўлади.

1977 йили Аббос Киёрўстамийнинг “Сайёҳ” номли биринчи тўлиқ метражли бадиий фильми экранга чиқади. Шундан сўнг бирин-кетин “Тўй либоси”, “Репортаж” фильмлари дунёга келади. Энг машҳур фильмларидан “Дўстнинг уйи қаерда?” (1987 йил) фильмида синфдош дўстидан вақтинчалик олган дафтарни қайтариш учун қўшни қишлоққа йўл олган саккиз ёшли ўқувчининг саргузаштлари тасвирланади. Болакай дафтарни вақтида олиб бориб бормаса, дўстини мактабдан ҳайдаб юборишади деган хавотирга тушади. Қахрамоннинг чин дилдан дўсти учун қайғуриши, ундаги самимийлик, соддалик ва беғуборлик томошабинларни тўлқинлантириб, уларни гўё болалик даврига қайтаргандек бўлади.

Фильмнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, режиссёр лирикадан санъаткорона фойдаланиб, воқеаларни шеър орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Шеърятни кинематографияга моҳирона синдириш Аббос Киёрўстамийнинг бошқа фильмларида ҳам кўзга ташланади.

1990 йилда Аббос Киёрўстамий томонидан тасвирга олинган “Йирик план” фильми Британия фильм институтининг барча даврларда яратилган 50 та энг яхши фильмлари қаторига киритилди. Шу билан бирга, ушбу фильм Квентин Тарантино, Мартин Скорсезе, Вэрнер Херzog, Жан-Люк Годар

ва Нанни Моретти каби жаҳонда ном қозонган режиссёрлар номига таъсис этилган совринлар билан тақдирланади. “Йирик план” ўн йилликнинг энг яхши фильми деб тан олинди, Европа мамлакатларида узлуксиз намоиш этилади.

Эронлик режиссёрнинг “Дўст уйи қаерда” (1987), “Ва ҳаёт давом этади” (1992) ҳамда “Зайтун дарахтлари орасидан” (1994) фильмлари Эрондаги Кокер қишлоғи ҳаётдан олинганлиги учун ҳам киношунослар томонидан “Кокер трилогияси” деб аталади. Уларда Эронга катта талофат келтирган Манжур-Рудбар зилзиласидан олдинги ва кейинги ҳаёт тарзи акс этган. 1997 йилда суратга олган “Олча таъми” фильмини режиссёр ҳаётнинг кадр-қимматини мадҳ этувчи фильм деб атайди. Ушбу фильмларда ҳаёт, ўлим, йўқотишлардан сўнг рўй берувчи ўзгаришлар ва ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётнинг давом этиш фалсафаси талқин қилинади. “Ва ҳаёт давом этади” фильми зилзилада бедарак йўқолган икки фарзандни излаб Техрондан Кокер қишлоғига йўл олган ота ва ўғилнинг изтироблари, харобага айланган уйлар, даҳшатли фалокатдан тасодифан жони омон қолган жабрдийдалар ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу фильм “Prix Roberto Rossellini” мукофоти билан тақдирланади.

Аббос Киёрўстамий “Олча таъми” фильми учун 1997 йили Канн кинофестивалида “Олтин палма япроғи” совринига сазавор бўлади. 1999 йилда суратга олинган “Шамол бизни олиб кетади” фильми эса Венеция халқаро кинофестивалида “Кумуш шер” мукофотини кўлга киритади.

2001 йили Уганда мамлақати бўйлаб уюштирилган ўн кунлик сафар давомида режиссёр даҳшатли эпидемия оқибатида ота-онасидан айрилиб қолган болалар ҳақида

маълумот йиғади. Ана шу ўн кун ичида Аббос Киёрўстамий “ABC Africa” хужжатли фильмини яқунлайди. BFI Southbank кинофестивали дастури раҳбари Жефф Эндрю ушбу фильм тўғрисида шундай сўзларни айтади: “Бу фильм ўлим ҳақида эмас, балки ўлим ва ҳаётнинг тутшиб кетиши ва бу кочиби қутулиб бўлмас муаммога инсониятнинг қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақидадир”.

Умуман Аббос Киёрўстамийнинг бадий фильмларида хужжатли фильмларга хос ҳаётийликни, хужжатли фильмларида эса бадий фильмларга хос ижодий ёндашувни кўрамиз. Франциялик файласуф Жан-Люк Нанси унинг фильмлари ҳақида “Аббос Киёрўстамийнинг фильмлари бадий ҳам, хужжатли ҳам эмас, томоша ҳам, репортаж ҳам эмас, балки ҳақиқатдир”, – дейди.

Аббос Киёрўстамийнинг “10да ўн” (2004), “Киёрўстамийнинг йўллари” (2005–2006) каби хужжатли фильмлари ёш ижодкорлар учун ижодий қўлланма сифатида суратга олинган. Уларда режиссёрнинг фильм яратиш жараёнида ўзи қўллаган услублари ҳақида ҳикоя қилинади.

Киношуносларнинг таъкидлашича, Аббос Киёрўстамий халқаро даражадаги 70 га яқин турли хил соврин ва мукофотлар билан тақдирланган. Шу билан бирга, режиссёр кўплаб нуфузли халқаро фестивалларнинг ҳайъат аъзоси ҳам. Жумладан, 1985 йили Венеция, 1990 йили Локарно, 1996 йили Сан Себастьян халқаро кино-

фестивалларининг ҳайъат аъзоси, 1993, 2002, 2005 йилларда Канн кинофестивалининг ҳайъат аъзоси ва раиси, шунингдек, 2014 йилдан Канн доирасида ташкил этилган талабалар қисқа метражли фильмлари фестивали президенти сифатида фаолият юритиб келмоқда. У кино оламига эндигина қадам қўяётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишларида ҳамиша жонбозлик қилиб келган.

2005 йилдан бери Лондон фильм мактабида “Аббос Киёрўстамий: санъаткорнинг қарашлари” соврини таъсис этилиб, фестиваль ўтказиб келинади. Ушбу мактаб директори Бен Гибсон режиссёрга шундай баҳо беради: “Камданкам инсонга кинода янгилик яратиш қобилияти берилади. Биз Киёрўстамийдек уста санъаткорни ҳаётда кўриш бахтига муяссармиз”.

Аббос Киёрўстамий ҳаёти ва ижоди тўғрисида бир қатор китоблар чоп қилинган, фильмлар яратилган. 2007 йилда Замонавий санъат музейи ва Замонавий санъат маркази томонидан “Аббос Киёрўстамий: тасвир яратувчи” фестивали ташкил этилган. Гарвард университети томонидан унинг 200 дан ортиқ шеърлари “Шамол билан сайр” номи остида тўплам бўлиб, икки тилда нашрдан чиққан.

М а ш ҳ у р и ж о д к о р н и н г кўпқиррали фаолиятини Акира Куросава шундай баҳолайди: “Унинг ишларини таърифлашга тил ожиз... Худо шундай инсонни кино оламига инъом этгани учун шукрона айтаман”.

*Нодира ҚОСИМОВА,  
Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти  
ўқитувчиси*



## ЛАЙЛО ҲОТАМИЙ



Лайло Хотамий... Бу исмни тилга олиш биланок эронлик киномухлислар ва мутахассисларнинг чехраси ёришиб кетади. Негаки, актрисада том маънодаги санъаткор учун талаб қилинадиган жиҳатларнинг бари мужассам. Актриса ижросидаги ҳар бир роль кино оламида ёруғ ҳодиса бўлиб қолган.

1972 йилнинг 1 октябрида Техрон шаҳрида таваллуд топган Лайло Хотамий санъаткорлар оиласида ўсиб улғайди. Отаси – кинорежиссёр Али Хотамий, онаси – машҳур актриса Захро Хотамий унинг биринчи устозлари бўлган. Лайло ўрта мактабни тугаллаб, Политехника университетининг муҳандислик факультетига ўқишга киради. Аммо икки йилдан сўнг бўлажак актриса ўз мутахассислигини ўзгартиришга қарор қилиб, француз адабиёти йўналишида ўқишини давом эттиради. Лайло Хотамийнинг кино оламига кириб келишида отаси Али Хотамийнинг фильмларида ижро этган кичик роллари муҳим аҳамият касб этган. Оилада шўх, хушчақчақ, масрур бўлиб улғайган Лайло зийраклиги, ўткир нигоҳи ва

ёқимтойлиги билан барчани мафтун қиларди. 1984 йилдан унинг кинодаги фаолияти жадаллашиб боради.

1998 йили режиссёр Дарюш Меҳржуй томонидан суратга олинган “Лайло” фильмидаги Лайло образи актрисанинг омадли ролларидан бири бўлди. Фильмда эрон аёлининг ҳаётдан бир лавҳа тасвирланади. Унда Лайло исмли ёш аёлнинг фарзандсизлиги сабаб турмуш ўртоғи, қайнона ва яқин қариндошлари олдида ўзини айбдордек сезиб, руҳан эзилиши, изтироблари, дарду ҳасрати акс этади. Актрисанинг қаҳрамони гарчи жилмайиб турса-да, юзидан нур ёғилиб турган маъсума аёлнинг қалби унсиз фарёд чекаётганлигини томошабин ҳис қилиб туради, тақдирига ачинади, дардига шерик бўлади. Ушбу фильм кўплаб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлиб, Лайло Хотамийни эл назарига тушган иқтидорли актрисалар қаторига қўшади.

“Ташландик бекат” фильмида актриса мактаб ўқитувчиси ролини ижро этади. Фильм режиссёри ушбу чуқур психологик образда Лайло Хотамийни кўради. Фильмда узок сафарга отланган Маҳмуд билан Матабнинг бошидан кечирганлари акс этади. Машинада кетаётган эр-хотин олдидан кийик чиқиб қолади. Рулни четга бурган Маҳмуд машинани катта харсанг тошга уради. Кимсасиз жойдан ёрдам сўрай деса ҳеч ким йўқ. Узок қишлоқдан Фезола исмли бир кекса муаллим отахонни бошлаб келади. Отахон унга ёрдам қилишга ваъда беради, эвазига Матабнинг болаларни мактабда ўқитиб туришини шарт қилиб кўяди. Улар рози бўлишади. Лекин Матабнинг бирданига қишлоқ мактабига кўникиши қийин кечади...

Матаб қисқа муддатда қишлоқдаги кўплаб муаммоларнинг шоҳиди бўлади. Онаси йўқ болаларнинг аччиқ қисмати, ногирон, аммо яхши ўқишга интилувчи қиз Жейраннинг матонати Матабни лол қолдиради. Аянчли тақдирлар, турли қисматлар ёш, тажрибасиз Матабга катта ҳаётий сабоқ беради, воқеалар ривожланган сари томошабин кўз олдида ҳар томонлама чиникқан, турмуш чорраҳаларида тобланган, одамийлиги, саховати ва билими билан ҳурмат қозонган мураббий-аёл қиёфаси намоён бўлади.

2011 йили суратга олинган “Нодир ва Симиннинг ажрашиши” фильми (сценарий муаллифи ва режиссёр Асгар Фарҳодий) актриса ижодида алоҳида ўринга эга. Ушбу фильмда актриса бош қахрамон Симин ролини ижро этади. Фильм 14 йил турмуш куриб, муайян сабаблар билан муносабатларига дарз кетган Нодир билан Симиннинг ажралиб кетиши ҳақида ҳикоя қилади. Эрхотиннинг бўлар-бўлмас жанжаллари 11 ёшли ёлғиз қизнинг ҳам ҳаётга бўлган қизиқишини сўндиради. Бунга сезган Симин қизини олиб ўзга юртларга бош олиб кетишни хоҳлайди. Лекин қандай қилиб қизини отасининг қарамоғидан тортиб олишнинг иложини тополмай қийналади, азоб чекади. Симин қизини қайтариб олиш учун қанчалик қийинчиликлар бўлса ҳам чидашга, кутишга, азоб чекишга тайёр. Актриса ижросида аёл латофати, матонати ва оналик меҳри бор бўйи билан намоён бўлади. Лайло Ҳотамий ушбу образи учун 2011 йили Берлин халқаро кинофестивалида “Кумуш айиқ” мукофотини ҳамда 2012 йили Осиё кинофестивалида “Энг яхши аёл роли” номинацияси бўйича мукофотни қўлга киритган.

Лайло Ҳотамий 1999 йили актёр ва режиссёр Али Мусаффо билан турмуш қуради. Али сценарийнавис

ва продюсер сифатида ҳам фаолият юритади. Улар қатор фильмларда ҳамкорликда ижод қилиб келишади. Лайло ҳам роль ўйнайди, ҳам либослар бўйича расом вазифасини бажаради, ҳатто онаси ва қайнонаси ҳам роллар ижро этишади.

Лайло Ҳотамий ролларининг деярли барчаси садоқатли рафиқа ва меҳрибон она образларидир. Улар актрисанинг ўз оиласига бўлган меҳр-муҳаббатининг ҳаммиша жўшиб туришига сабаб бўлган. Жумладан; “Лайло”, “Охирги қадам”, “Ташландиқ бекат”, “Узоқдаги аёл портрети”, “Ширин”, “Сен билмайдиган нарсалар ҳам бор”, “Нодир ва Симиннинг ажрашиши” фильмларидаги қатор латофатли аёллар образлари актрисага шуҳрат келтирди.


Али Мусаффо ҳамда Лайло Ҳотамийларнинг кино соҳасидаги ҳамкорлиги баъзан қизгин тортишувларга олиб келади. Аммо аёлнинг ўз вақтида назокат билан, оқилона йўл тутиши, тadbиркорлиги жанжалнинг олдини олади. Бу фазилат, эҳтимол, ота-оналарининг кўп йиллик тажрибаларидан қизларига ўтган бўлса керак.

Лайло Ҳотамий 2012 йили Карлова шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда “Охирги қадам” фильмидаги роли учун “Энг яхши аёл роли” номинацияси бўйича мукофотга сазовор бўлди.

Лайло Ҳотамий француз мактабида таҳсил олгани боисми, француз адабиётини мутолаа қилишни хуш кўради, француз, немис, инглиз ва эрон тилларида бемалол гаплаша олади. Бунда онаси Заҳро Ҳотамийнинг хизматлари катта.

*Матлуба ИСОҚОВА,  
Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти  
ўқитувчиси*

## МУРТАЗО КОТУЗИЁН



Замонавий Эрон тасвирий санъатида реализм йўналишининг йирик вакилларидан бири Муртазо Котузиён 1943 йил 3 июлда таваллуд топган. У ёшлигидан расм чизишни жуда яхши кўргани боис асосий вақтини мўйқалам билан ўтказарди. Отанаси ҳам фарзандининг рассомликка бўлган кизиқишидан мамнун эди. Муртазо рассомлик сирларини мустақил равишда ўрганди. Улғайгач, у графика йўналишида фаолият юритиб, плакат, китоб ва брошюраларга расмлар ишлади. 17 ёшидан иқтидорли рассом сифатида танила бошлади. 1974 йили Техрон шаҳрида замонавий графика бўйича

ўтказилган кўргазмада рассомнинг суратлари илк бор кўргазмада намойиш этилди. Муртазонинг ташаббуси билан мусаввирлар уюшмаси ташкил этилди, у икки йил давомида уюшмада ишлади. Ижодий фаолияти давомида мусаввир яна бир қанча кўргазмаларда иштирок этди. Унинг тўртта шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Рассомнинг кўргазмаларига ташриф буюрувчилар сони ҳар доим кўп бўлган, масалан, замонавий санъат музейида ташкил этилган кўргазмада 20 мингга яқин мухлис иштирок этди. Рассомнинг 2008 йилги кўргазмасида унинг 94 та картинаси намойиш этилди.

Муртазо Котузиённинг “Ғамгин қиз”, “Шубҳа”, “Қайғу”, “Ёлғизлик онлари”, “Кутиш” каби асарларида инсон руҳиятида кечадиган ҳис-туйғулар моҳирона тасвирланган. Журналимиз муковасида акс этган “Ёш қиз” сурати ҳам муаллифнинг руҳият билимдони, туйғуларни нозик акс эттирувчи қилқалам мусаввир эканини кўрсатади. Муртазо Котузиённинг баъзи асарларида қаҳрамонлар турмуш ташвишлари, касбу кори машғулотлар фонида кўрсатилган. Бунга “Мусиқачи”, “Тикиш”, “Гидам тўқиётган аёл” асарларини мисол келтириш мумкин. Рассомнинг “Йўл-йўлакай”, “Қишлоқ”, “Чўпон қиз”, “Қишлоқдаги мўйсафид” суратларида Эрон қишлоғи манзаралари, одамлари қаламга олинган. Рассомнинг портрет жанрида яратган асарларига давлат арбоби Муҳаммад Мусодикнинг ва шоир Муҳаммад Ҳусайн Шаҳриёрнинг портретини мисол келтириш мумкин.

Муртазо Котузиён 2008 йили ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан эътироф этилиб, эллик йиллик самарали ижоди муносиб тақдирланди. Рассом бошчилигида кўплаб истеъдодли мусаввирлар етишиб чиқди, булар орасида Касра Қияй, Имон Малакий каби таниқли мусаввирлар бор. Муртазо Котузиён асарларининг аксарияти эронлик ва хорижлик мухлисларнинг шахсий коллекциясида, бешта картинаси эса Техрон санъат музейида сақланади. Ҳозирги кунда унинг ижоди ва суратларига бағишланган тўртта китоб чоп этилган.

*Аброр УМАРОВ тайёрлади*

## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

**3 ФЕВРАЛЬ 1948–2003 йиллар. ТОҒАЙ МУРОД**, ўзбек ёзувчиси. “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган окшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Момо ер қўшиғи” киссалари, “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романлари билан шуҳрат қозонган.

**5 ФЕВРАЛЬ 1918–1982 йиллар. ҚОРА ҚОРАЕВ**, озарбойжон композитори. “Етти гўзал”, “Лайли ва Мажнун” балетлари, “Нафосат”, “Ойна”, “Ватан” опералари шуҳрат келтирган. “Отелло”, “Ракс мураббийси”, “Қиш эртаги”, “Шавқли фожа”, “Маскарад”, “Аёл исёни”, “Антоний ва Клеопатра”, “Ҳамлет”, “Сент-Экзюпери ҳаёти”, “Кўк эшик ортидаги аёл” мусикий драмалари ҳамда “Дон Кихот”, “Низомий”, “Етти гўзал”, “Лайли ва Мажнун”, “Тарих дарси”, “Олтин эшелони” каби фильмларга муסיқалар ёзган.

**6 ФЕВРАЛЬ 11564–1593 йиллар. КРИСТОФЕР МАРЛО**, инглиз шоири, драматург. “Дидона”, “Доктор Фауст”, “Эдуард II”, “Париждаги хунрезлик”, “Малталиқ яҳудий” сингари пьесалари билан тарихда қолган. Булардан ташқари Соҳибқирон Амир Темур ҳақида Европада яратилган илк сахна асарининг муаллифи.

**1914–1978 йиллар. АРКАДЕЙ КУЛЕШОВ**, белорус шоири. “Замин тонги”, “Биз чегарада яшаймиз”, “Ватан ва раҳнамо”, “Яшил дубзорда”, “Яхши одам”, “Шеърлар”, “Поэмалар”, “Янги китоб”, “Чегаралар”, “Монолог”, “Қанот” шеърӣ тўпламлари, “Олис океангача”, “Варшава йўли”, “Василий Баранов”, “Одий одамлар”, “Букри”, “Янги оқим” каби поэмалар муаллифи.

**7 ФЕВРАЛЬ 1478–1535 йиллар. ТОМАС МОР**, таниқли инглиз ёзувчиси, файласуф. “Ричард III тарихи”, “Утопия” асарлари дунёга машҳур.

**1869–1923 йиллар. ОВАНЕС ТУМАНЯН**, арман шоири, ёзувчи. “Кикоснинг ўлими”, “Пахлавон Назар”, “Қум ва мушук”, “Ануш”, “Арман тоғларида”, “Алдоқчи”, “Ахтамар”, “Парвона”, “Тўртлик”, “Асал томчиси” сингари асарлар муаллифи.

**9 ФЕВРАЛЬ 1441–1501 йиллар. АЛИШЕР НАВОИЙ**, Шарқ шеърятининг буюқ намояндаси, мутафаккири, давлат ва жамоат арбоби. Туркий тилда яратган “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр” дostonлари, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя”, “Ҳазойин ул-маоний” девонлари, “Маҳбуб ул-қулуб” пандномаси, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон” сингари ўттиздан ортиқ йирик илмий асарлари жаҳон адабиёти хазинасидан жой олган.

**1874–1940 йиллар. ВСЕВОЛОД МЕЙЕРХОЛЬД**, рус театр режиссёри, актёр. “Биомеханика” актёрлик ижро санъати ислохотчиси. “Сайёр масхарабоз”, “Мандат”, “Ревизор”, “Кулба”, “Ўрмон”, “Ақллилик балоси”, “Дон Жуан”, “Ўқитувчи Бубус” сингари кўплаб спектакллари билан машҳур.

**1915–1982 йиллар. БОРИС АНДРЕЕВ**, таниқли рус театр ва кино актёри. Канн (1955), Сан-Франциско (1963) ва бошқа халқаро кинофестивалларнинг совриндори. “Катта ҳаёт”, “Икки жангчи”, “Ҳазиналар ороли”, “Биринчи рейс”, “Сергей Иванович нафақага чиқади” сингари фильмларда ижро этган ранг-баранг роллари билан машхур. Айниқса, “Илья Муромец” фильмидаги бош роли кенг эътироф этилади.

**10 ФЕВРАЛЬ 1866–1932 йиллар. ЖАЛИЛ МАМАТҚУЛИЗОДА**, озарбойжон ёзувчиси. “Данабаш қишлоғи воқеалари”, “Почта кутиси”, “Қурбон Алибек”, “Мурдалар”, “Қўзичок” каби асарлари билан танилган. “Мулла Насриддин” номли XX аср бошида туркий ўлкаларда кенг ёйилган ҳажвий журнал асосчиси.

**12 ФЕВРАЛЬ 1947 йил. РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ**, Ўзбекистон санъат арбоби, композитор. “Шодимулк”, “Садоқат”, “Хива орденни”, “Кимлар зор, кимлар хор” опералари, “Қуёшга таъзим” балет-ораторияси, қатор симфоник поэма, фортепьяно ва оркестр учун концерт, камер-вокал ва хор асарлари эътибор қозонган.

**14 ФЕВРАЛЬ 1483–1930 йиллар. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**, улуг ўзбек шоири, мохир саркарда. “Бобурнома” асари нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти ва манбашунослигининг ҳам ноёб намунаси саналади. Шоирнинг юздан зиёд ғазали, икки юздан ошиқ рубойиси, қатор туюқ, китъа, муаммо ва фардлари бор. “Мубаййин” асари ислом ҳуқуқшунослигига оид муҳим манба сифатида ўрганилади. Бобур ўзига пир тутган Хожа Аҳроп Валийнинг насрда битилган “Волидия” асарини шеърий таржима қилган.

**15 ФЕВРАЛЬ 1902–1976 йиллар. ҒАЙРАТИЙ**, ўзбек шоири. “Эрк товуши”, “Яшаш тароналари”, “Ҳашар”, “Қора юраклар”, “Ошиқ ҳукми”, “Онамга ҳаг”, “Танланган асарлар”, “Шикаста”, “Маҳкам”, “Севги”, “Олтин ёшлик”, “Фурбатда Фуркат”, “Шоир”, “Ўлмас кўшик”, “Ҳилола”, “Сабаби тириклик”, “Йўлдош”, “Қанотли дўстлар”, “Ўрмонда”, “Омон”, “Маҳсум қочди”, “Довдираш” шеърий ва насрий китоблари муаллифи.

**1914–1970 йиллар. ШАКЕН АЙМАНОВ**, қозоқ кинорежиссёри. “Омонгелди”, “Абай”, “Дўстлик ва севги”, “Виждон қонуни”, “Дуэль”, “Милтиқли киши” спектакларини, “Муҳаббат қиссаси”, “Биз шу ерда яшаймиз”, “Алдарқўса”, “Атамanning ўлими”, “Ота ер”, “Туманларнинг бирида”, “Чорраҳа” фильмларини яратган. Кўплаб фильм ва спектаклларда роллар ижро этган.

**25 ФЕВРАЛЬ 1841–1919 йиллар. ПЬЕР ОГЮСТ РЕНУАР**, француз мусаввири. “Понт Неф”, “Баҳорги гулдаста”, “Ҳовузча”, “Соябон тутган Лиза”, “Диана – овчи”, “Канизак”, “Рақс тушаётган Эсмеральда”, “Соябонлар”, “Боғда”, “Шаҳар рақси”, “Баҳор”, “Атиргул гулдастаси”, “Сайр”, “Мандолина тутган аёл”, “Қизил кўйлакли Габриел”, “Айвонда” каби асарлар ижодкори.

**28 ФЕВРАЛЬ 1533–1592 йиллар. МИШЕЛЬ ДЕ МОНТЕНЬ**, француз ёзувчиси, файласуф. “Тажрибалар” фалсафий асари билан жаҳонга танилган. У инсон руҳияти, сиёсат, дунё ва ҳақиқат тўғрисидаги барча қарашлари ва таълимотини шу асарида баён қилган.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади

✍ По традиции данный номер журнала отдает дань уважения и почтения таким выразителям национального духа, гордости нашего народа, выдающимся поэтам и государственным деятелям, как Низомиддин Мир Алишер Навои и Захириддин Мухаммад Бобур, чьи дни рождения, как праздник поэзии повсеместно отмечаются в феврале. Граням личности и литературному наследию великих поэтов уделяется особое внимание. В частности, в рубрике “Уроки Навои” продолжается публикация упущенных глав поэмы “Фархад и Ширин” в оригинале и прозаическом изложении на русском языке. Помимо этого, в статьях таких известных литературоведов, как Б.Косимов, С.Олим и А.Курбонов в разных аспектах исследуется самобытность творчества великого поэта. Несомненно у читателей вызовет интерес замечательное историко-литературное произведение “Хумоюннома”, созданное дочерью Захириддина Мухаммад Бабура – Гулбаданбегим (перевод с фарси А.Куронбекова).

✍ В рубрике “Проза” продолжается публикация романа Чарльза Диккенса “Большие надежды”, напечатано окончание произведения К.Чиннаппа Бхарати “Павлайи”.

✍ Предлагаемая вниманию читателей первая часть произведения итальянского писателя Алессандро Барикко “1900” публикуется в рубрике “Драматургия”. Предназначенная для театра одного актера, насыщенная переживаниями, богатая своеобразной символикой, по форме отличающаяся от произведений драматического жанра, эта пьеса не оставит читателя равнодушным.


✍ Эпистолярный жанр имеет важное значение для изучения творческой лаборатории писателя. Ибо, как отмечает переводчик О.Отахон: “Письма лишены какого бы то ни было сочинительства, выдуманного сюжета, художественных образов, в них дыхание подлинной жизни”. В новой рубрике “Письма” вы познакомитесь с перепиской известного русского писателя Антона Чехова со своим современником, русским писателем Дмитрием Григоровичем. В письмах Д.Григоровича, адресованных молодому Антону Чехонте, стоящему на пороге литературы, подкупает его искренность, он дает ценные советы, отмечает дар Чехова правдиво анализировать душевные переживания героев, вместе с тем он предупреждает, что настоящая литература не терпит торопливости и спешки, просит, чтобы “он воздержался от пьянящего желания написать все в один присест”.

✍ Согласно традиции, солидная часть каждого номера отводится отдельной стране, на этот раз в фокусе нашего внимания - литература и искусство Ирана. В рубрике “Поэтические меридианы” представлены великие поэты, которые обогатили не только поэзию Ирана, но внесли весомый вклад в сокровищницу мировой поэзии: Умар Хайям, Фариддин Аттор, Саади Шерозий, Хофиз Шерозий, читателям предстоит познакомиться с образцами их творчества. А также публикуются стихи представителей современной иранской поэзии, таких поэтов, как Нодир Нодирпур и Фуруг Фаррухзод.


✍ В рубрике “Проза” представлены произведения таких писателей Ирана, как: Хусрав Шохоний, Содик Хидоят.


✍ В рубрике “Глобус” читателя ждет интересная подборка материалов, посвященных иранской литературе, танцу, кино и театру, изобразительному искусству, а также архитектуре. В рубрике “Выдающиеся деятели” вниманию читателей предлагаются небольшие очерки о личностях, оставивших свой след в истории искусства этой страны.


## RESUME


 As a tradition in this issue of magazine we pay tribute of respect and esteem to great poets and statesmen who expressed the spirit and honor of our nation such as Mir Alisher Navoi and Zahiriddin Muhammad Bobur. Their birthdays are celebrated every February as a holiday of poetry. We always pay special attention to personality and literary heritages of great poets. The continuation of poem “Farhad and Shirin” is published in column “Lessons by Navoi”. B.Qosimov, S.Olim and A.Qurbonov investigate originality of creative work of the great poet in their articles. We hope that a wonderful historical-literary work “Khumoyunnoma” written by Gulbadan Begim, Zahiriddin Muhammad Bobur’s daughter (translated from Persian by A.Quronbekov) will be interesting to read.


 The continuation of the novel “Great Hopes” by Charles Dickens and the end of the novel “Pavlai” by K. Chinnappa Bharati is published in “Prose” heading.

 Italian writer Alessandro Baricco’s “1900” given in the column “Dramatic Art” is a single actor drama. This work written in a singular manner full of grief, with original symbols will be interesting for readers.

 An epistolary genre is very important for investigation of creative laboratory of writer. O. Otakhon writes: “There is no fiction, made-up plot, artistic character in letters. You can feel a breathe of real life there”. You can read a correspondence between well-known Russian writer Anton Chekhov and his contemporary writer Dmitriy Grigorovic in new “Letters” column. D.Grigorovic’s letters to young Anton Chehonte are full with sincerity, he gives very important advices, notes that young Chekhov can truthfully analyze internal experiences of personages. Grigorovic also notifies that haste and urgency is not for literature and asks Chekhov to abstain from hurry.

 As a rule a weighty part of every issue is dedicated to a concrete country. Literature and art of Iran is in focus of our attention this time. Great poets who had enriched poetry of Iran and also made a great contribution to the treasure-house of world poetry such as Umar Hayyam, Farididdin Attor, Saadi Sheroziy, Hofiz Sheroziy are presented in “Meridians of Poetry” heading. Works by modern Iranian poets Nodir Nodirpur and Furug Farruhzod are also presented here.

 Works of Iranian writers Husrav Shohoniy, Sodiq Hidoyat are published in “Prose” column.

 You can read several articles about Iranian literature, dance, cinema, theatre and architecture in “Globe” column. Some outlines about figures who left his mark in the history of art in Iran are presented in “Unforgettable Persons” column.

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*2015 йил февраль сони*

Навбатчи муҳаррир: О.РИЗАЕВ  
Техник муҳаррир, расом: Д.ҲАМИДОВА  
Мусаххих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829  
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ хажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 05.03.2015 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 4150 нусха. 3486 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, “Shaq” НМАКда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2015 й.